

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЎЛИМВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТДАВЛАТИҚТИСОДИЎТУНИВЕРСИТЕТИ



Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б.

# СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲИСОБИ ВА ПРОГНОЗИ

*Дарслик*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан  
“Солиқлар ва солиққа тортиш” мутахассислигида таълим  
олувчи бакалаврият талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этилган.*

ТОШКЕНТ–ИҚТИСОДИЙОТ – 2020

УО‘К: 336.22:32(075.8)  
КБК: 65.261 (02)

Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б. «Солиқ тушумлари ҳисоби  
ва прогнози»: Дарслик. – Т.: «ИҚТИСОДИЙОТ», 2020. – 294 б.

Мазкур дарслик бакалавриятнинг "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналишида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг солиқ соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлашдаги ўрни, солиқ тўловчилари ва солиқ объектлари ҳамда солиқ тушумларининг статистик ҳисобини юритиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турли даражадаги бюджетларга келиб тушиш жараёнларини прогноз қилишнинг ўзига хос механизмлари ёритилган. Шунингдек, турли даражада солиқ салоҳиятини аниқлаш тартиблари, солиқ тўловчиларда солиқларни режалаштириш жараёни ҳамда солиқларни прогноз қилишнинг хорижий давлатлар тажрибаси каби масалалари ҳам кенг ёритиб берилган. Дарсликда келтирилган материаллар ва маълумотлар бўлажак солиқ мутахассисларининг ўз касбий билим ва малакаларини ошириш учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2019 йил “4” октябрдаги “892” - сонли буйруғига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6363-7-8

УО‘К: 336.22:32(075.8)  
КБК: 65.261 (02)

© «ИҚТИСОДИЙОТ», 2020.  
© Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б., 2020.

## МУҲДАРИЖА

|   |           |
|---|-----------|
| <b>КИРИШ</b> .....  | <b>6</b>  |
| <b>I – БОБ. "СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲИСОБИ ВА ПРОГНОЗИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ</b> | <b>12</b> |
| 1.1. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предмети мақсад ва вазифалари                                | 9         |
| 1.2. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг тадқиқот предмети ўрганиш методлари                          | 13        |
| 1.3. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг бошқа фанлар билан алоқаси                                   | 19        |
| Таянч сўз ва иборалар   | 21        |
| Назорат учун савол ва топшириқлар   | 21        |
| <b>II - БОБ. СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>  | <b>23</b> |
| 2.1. Солиқ статистикаси ва унинг моҳияти  | 23        |
| 2.2. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини ташкил этиш тартиби  | 25        |
| 2.3. Солиқ тўловчиларда солиқ объектларининг юзага келиши ва уларга оид жараёнларни ҳисобга олиш                | 32        |
| 2.4. Турли даражадаги бюджетларга солиқ тўловларининг келиб тушиши жараёнини ҳисобга олиш тартиби               | 43        |
| 2.5. Солиқ тушумлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби                                      | 46        |
| Таянч сўз ва иборалар   | 53        |
| Назорат учун савол ва топшириқлар   | 53        |
| <b>III -БОБ. СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ</b>   | <b>55</b> |
| 3.1. Прогноз ва унинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари                                       | 55        |
| 3.2. Иқтисодий прогнозлар ва уларнинг моҳияти   | 61        |
| 3.3. Солиқларни прогноз қилишнинг иқтисодий моҳияти   | 64        |

|   |   |            |
|---|---|------------|
| 3.4.  | Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, прогнознинг вазифалари ва тамойиллари                             | 71         |
| 3.5.  | Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг тарихий шаклланиши ва унга оид назарий қарашлар                    | 78         |
| 3.6.  | Солиқларни прогноз қилишни ташкил қилишнинг хориж тажрибаси   | 84         |
| 3.7.  | Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг мазмуни ва уларнинг ўзаро фарқлари                       | 90         |
|   | Таянч сўз ва иборалар   | 104        |
|   | Назорат учун савол ва топшириқлар   | 104        |
| <b>IV -БОБ. СОЛИҚНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ</b>  |   | <b>106</b> |
| 4.1.  | Солиқларни прогноз қилишда моделлар ва моделлаштиришнинг аҳамияти ва уларнинг моҳияти                   | 106        |
| 4.2.  | Солиқларни прогноз қилишда қўлланиладиган моделлар  | 110        |
| 4.3.  | Жаҳон амалиётида қўлланилган макроиқтисодий моделлар ва уларнинг солиқларни прогноз қилишда қўлланилиши | 118        |
| 4.4.  | Солиқларни прогноз қилиш методлари  | 128        |
| 4.5.  | Бюджет жараёни ва уни амалга ошириш тартиби   | 128        |
|   | Таянч сўз ва иборалар   | 147        |
|   | Назорат учун савол ва топшириқлар   | 147        |
| <b>V -БОБ. СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУМЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ТАҲЛИЛИ</b> |   | <b>149</b> |
| 5.1.  | Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади ва унинг ҳуқуқий асослари  | 149        |
| 5.2.  | Солиқларни прогноз қилишнинг ахборот манбаи ва уларни қайта ишлаш                                       | 156        |
| 5.3.  | Солиқ тушумларини таҳлил қилиш тартиби ва методлари   | 162        |
| 5.4.  | Солиқларни прогноз қилишнинг босқичлари ва амалга оширилиш тартиби                                      | 168        |

|                 |   |            |
|-----------------|---|------------|
|                 | Таянч сўз ва иборалар   | 178        |
|                 | Назорат учун савол ва топшириқлар   | 178        |
| <b>VI-БОБ.</b>  | <b>СОЛИҚ САЛОҲИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ</b>   | <b>180</b> |
| 6.1.            | Солиқ салоҳиятининг моҳияти ва аҳамияти   | 180        |
| 6.2.            | Солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омилларни баҳолаш механизми                               | 191        |
| 6.3.            | Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш методлари  | 198        |
| 6.4.            | Солиқ салоҳиятини аниқлашнинг хориж тажрибаси   | 210        |
| 6.5.            | Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлаш механизмига концептуал ёндошув | 218        |
| 6.6.            | Корхоналарда солиқларни режалаштириш  | 225        |
|                 | Таянч сўз ва иборалар   | 232        |
|                 | Назорат учун савол ва топшириқлар   | 232        |
| <b>VII-БОБ.</b> | <b>СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ТАРТИБИ</b>                              | <b>234</b> |
| 7.1.            | Ўзбекистон солиқ тизимида солиқларни прогноз қилишнинг умумий тартиби                     | 234        |
| 7.2.            | Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилиш                                 | 244        |
| 7.3.            | Қўшилган қиймат солиғини прогноз қилиш  | 252        |
| 7.4.            | Акциз солиғини прогноз қилиш  | 265        |
| 7.5.            | Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини прогноз қилиш                             | 270        |
| 7.6.            | Ер солиғини прогноз қилиш   | 275        |
|                 | Таянч сўз ва иборалар   | 282        |
|                 | Назорат учун савол ва топшириқлар   | 282        |
|                 | <b>ГЛОССАРИЙ</b>  | 283        |
|                 | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....   | 291        |

## КИРИШ

Солиқ категорияси иқтисодиётда давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги мажбурий тўловлар билан боғлиқ муносабатларини изоҳлаши билан бир қаторда ушбу муносабатларни амалга оширишда ва давлатнинг мақсадли фондларини шакллантиришни ташкил этиш жараёнлари билан боғлиқ ўта мураккаб муносабатларни ҳам келтириб чиқаради. Солиқ тўловчиларнинг солиқ потеничали бозор қонунларига боғлиқлиги бюджетни режалаштиришда солиқ потеничални эътиборга олишнинг мураккаблиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорига таъсир этувчи омилларнинг кўплиги ва уларнинг таъсир доирасининг кенглиги (тезлиги), бюджет жараёни ижросини таъминлаши иқтисодий индикаторларга боғлиқлиги, бюджетнинг харажатларини сарфлашнинг даромадлар миқдоридан келиб чиқишлиги, солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг даражасига қараб ўзгариб боришлиги, бозор муносабатлари шароитида солиқлар иқтисодиётга таъсир этишнинг энг самарали ва қулай усулларида бири сифатида намоён бўлишлиги каби омиллар солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнини объектив заруратга айлантиради. Солиқларни прогноз қилишнинг объектив зарурлигининг негизи аввало марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилишга боғлиқ бўлади ва фискал сиёсатнинг асосий ўзагини ташкил этади. Чунки, фискал сиёсат асосан пул фондларининг молиявий манбаларини аниқлаш ва уларни жалб этилишга қаратилган бўлади. Ўз навбатида солиқларни прогноз қилишнинг зарурлигини тавсифловчи ҳолатлар унинг ўзига хос белгилари билан ўзаро боғлиқликда бўлади.

Ваҳоланки, солиқларни прогноз қилиш жараёни бир томондан мавҳумликка эга бўлса, бошқа томондан унга таъсир қилувчи омилларнинг кўплиги бу жараённинг ўта қалтис иқтисодий муносабатлар тизимида асосланишини билдириб, чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳолда оқилона қарор қабул қилишни талаб этади. Солиқларни прогноз қилишнинг самарадорлиги асосан бюджетнинг тўғри режалаштирилганлиги билан изоҳланади. Агар солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар оқилона ва объектив прогноз кўрсаткичлари аниқланса ва улар бюджетни тузиш жараёнида акс эттирилса, бюджетдан молиялаштириш жараёни бир маромда бўлади. Шундай экан солиқларнинг бюджетга келиб тушиш жараёни ҳам кўп жиҳатдан уни тўғри ташкил этилишига боғлиқ бўлади. бу жараёнда солиқларни прогноз қилишнинг босқичларини тўғри аниқлаш, солиқ тўловчиларни маълум бир мезонлар асосида гуруҳлаш, юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда талаб қилинадиган шартларни аниқлаш ва

уларга амал қилиш ҳамда солиқларни прогноз қилишда қўлланидиган моделлар ва усулларни тўғри қўллаш катта аҳамият касб этади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёни эса ўз навбатида солиқ, молия, божхона ва ғазначилик органларининг энг муҳим асосий фаолиятларидан бирига айланади. Чунки, солиқларни прогноз қилиш жараёнини амалда ушбу органларда фаолият кўрсатувчи мутахассислар томонидан амалга оширилади. Демак, молия-кредит органларида солиқларнинг бюджетга келиб тушиш жараёнларини максимал даражада аниқликда прогноз қилишда турли хил методлардан фойдаланиш тақозо этилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил январь ойидаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1257-сонли Қарорида солиқ хизмати органлари тизимида “.....ишларни ташкил этишнинг замонавий шакл ва методларидан зарур даражада фойдаланилмаяти...” деб кўрсатиб ўтилганлиги бошқа жараёнлар сингари солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнларини ҳам янада такомиллаштирилиб борилиш зарурлиги билдиради. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг асосий қисми солиқ хизмати органлари мутахассислари зиммасига тушади. Солиқлар ва бошқа тушумларни тўғри прогноз қилиш эса мутахассис ходимлардан иқтисодий билимлардан ташқари аниқ ва мураккаб ҳисоб-китобларни амалга ошириш кўникма ва билимларни ҳамда солиқ фанларидан ташқари, макроиқтисодиёт, статистика, эконометрика, иқтисодий таҳлил, микроиқтисодиёт, давлат молиясини бошқариш, иқтисодий режалаштириш, давлат бюджети ва шу каби фанларнинг мазмунидан ҳам хабардор(муаян даражада билимга эга) бўлиш талаб қилади.

Ушбуларни эътиборга олган ҳолда мазкур дарсликнинг мазмунини ёритишда қуйидаги йўналишларда ёритишга ҳаракат қилинди. Дарсликнинг дастлабки бобларида прогноз тушунчасининг моҳияти, башорат, прогноз ва режа каби тушунчаларнинг ўзаро хусусиятлари, солиқларни прогноз қилишнинг турлари, уларни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва методларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Кейинги бобларда эса солиқларни прогноз қилишга таъсир қилувчи омиллар, солиқ салоҳиятини аниқлаш тартиби ва унга ҳам таъсир қилувчи омилларни баҳолаш механизмлари ҳамда солиқ турлари бўйича солиқларни прогноз қилишнинг услубий йўналишлари мисоллар тарикасида ифодаланди.

Дарсликнинг сўнги бобларида эса солиқларни прогноз қилишни амалга оширишнинг айрим хорижий давлатлардаги тажрибалар, солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги айрим муаммолар ва уларнинг мазмуни ҳамда солиқ тўловчиларда солиқларни режалаштириш жараёнини ташкил этиш тартиблари ёритилди.

Дарслик ушбу фан доирасидаги дастлабки дарсликлардан бири бўлганлиги у айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Муаллиф ушбу дарсликда келтирилган материаллар солиқларни прогноз қилиш жараёни билан қизиқувчи ўқувчилар ҳам бўлажак солиқчи мутахассисларининг бу борадаги назарий қарашларини бойитишга хизмат қилади деб умид қилади ва бу борадаги танқидий мулоҳазалар келгусида ушбу дарсликнинг мазмунини янада бойитишга хизмат қилади деб ҳисобланади.

**1-БОБ. "СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲИСОБИ ВА  
ПРОГНОЗИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ,  
ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ**


**1.1. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предмети  
мақсад ва вазифалари**

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани ҳам ўз предметига эга. Дарсликнинг "Кириш" қисмида қисман таъкидлаганимиздек, солиқларни прогноз қилиш жараёнининг юзага келишининг асосий шарт-шароити бу миллий даромадни тақсимлаш жараёнида марказлашган пул фондларини шакллантиришнинг зарурлигидан келиб чиқади. Ушбу марказлашган пул фондларининг манбаларининг асосий қисмини солиқлар ва уларга тенглаштирилган бошқа мажбурий тўловлар ташкил қилади. Ваҳоланки, ушбу даромад манбалари эса бир томондан давлатнинг солиқ сиёсатига боғлиқ бўлса, бошқа томондан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори солиқ тўловчиларнинг фаолияти(иктисодий ҳатти ҳаракати ва молиявий натижалари)га боғлиқ бўлади. Ўз навбатида давлатнинг солиқ сиёсатининг даражаси(прогрессив ёки рағбатлантирувчи) эса ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилиб, солиқ тушумларининг камайиши ёки табиий равишда ошиб боришига олиб келади. Бу жараёнда эса давлат бюджети ва бошқа пул фондларини режалаштириш жараёнидан келиб чиқади. Бирок, ушбу режалаштиришнинг асосини эса прогнозлаштириш жараёни ташкил қилади. Солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолияти эса бозор муносабатлари шароитида эса бозор қонунларига боғлиқ бўлади. Бозор қонунлари қайсиларининг молиявий ҳолатига ижобий таъсир қилса, бошқа бирларига, масалан, бозор қондаларига амал қилмаган ҳолда иқтисодий фаолият юритувчиларнинг фаолиятига эса салбий таъсир қилади, натижада эса солиқлар тушумларининг пул фондларига бир маромда тушиши жараёни бузилади. Агар, бу ҳолатларни эътиборга олмасдан туриб ушбу пул фондларини режалаштириш амалга оширилса улардан қилинадиган харажатларнинг йўналишига таъсир қилади. Бу ерда икки ҳолат юзага келади. Биринчиси, пул фондлари, масалан, Давлат бюджетидан қилинадиган харажатларга нисбатан даромадлар кўпроқ тушади ва молиялаштиришда муаммо келиб чиқмайди, бироқ, молиявий имкониятга нисбатан молиявий режалаштириш амалга оширилмаганлигини кўрсатади. Иккинчи ҳолатда эса режалаштирилган харажатлар, яъни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасига мувофиқ тасдиқланган харажатларни тўла молиялаштириш имконияти бўлмайди, чунки, даромадлар тушуми билан режалаштирилган харажатлар ўртасида катта тафовутни келиб чиққан бўлади. Натижада эса давлатнинг ижтимоий хизматлари ҳам миқдор ҳам сифат жиҳатдан камайиб кетади. Демак, бундай салбий ҳолатларнинг

олдини олишнинг энг муҳим усуллари сифатида пул фондларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни объектив тарзда прогнозлаштириш ва уларни оқилона режалаштириш жараёнини амалга ошириш ҳисобланади.

Бу ерда кўринадики, миллий даромадни давлат манфаатлари (аслида халқ манфаатлари) ва миллий даромадни ишлаб чиқарувчилар ўртасида қайта тақсимлаш жараёнида шакллантириладиган пул фондларига солиқ тушумларининг келиб тушиш жараёнларининг ҳажмини олдиндан аниқлаш билан кенг қамровли ўта мураккаб муносабатлар юзага келади. Бу жараёнлар эса солиқ тизимининг хусусиятларини ўрганувчи бошқа фанлар, масалан "Солиқ назарияси", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Солиқ ҳуқуқи", "Солиқ назорати", "Солиқ маъмурчилиги", "Солиқ сиёсати" ва шу каби фанлар доирасида чуқур алоҳида ўрганилмайди. Шунингдек, солиқ тизими доирасида солиқ тўловчиларнинг юзага келиши, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиш, солиқ объектларининг юзага келиши ва уларни ҳисобга олиш ҳамда солиқ тушумларининг статистик ҳисобини юритишга оид ўзига хос муносабатлар ҳам келиб чиқадики, юқорида қайд этиб ўтилган фанлар доирасида ушбу жараёнлар жуда қисман доира кўрилади, аммо, уларнинг барча жиҳатлари қамраб олинмайди. Демак, қайд қилинган жараёнларни алоҳида ўрганувчи алоҳида фанга эҳтиёж келиб чиқади. Шу боисдан ҳам "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг юзага келишига эҳтиёж туғилади. Демак, "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани солиқ тизимини ўрганувчи фанлар орасида ўзига хос алоҳида ўрганиш предметига эга. Бу жараён асосан уч муҳим кетма-кетликдаги босқичларни қамраб олади. Биринчиси юқорида айтилганидек, солиқ тўловчиларнинг юзага келиши, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиш, солиқ объектларини ҳисобга олиш ҳамда солиқ тушумларининг турли даражадаги бюджетларга келиб тушишини статистик ҳисобини юритиш босқичи бўлса, иккинчи босқичи бу солиқларни прогноз қилишнинг муҳим асоси бўлган турли даражадаги солиқ салоҳиятини аниқлаш ҳисобланади ва учинчи босқичи эса турли даражадаги пул фондлари(асосан бюджет тизими бюджетларига)га солиқларнинг келиб тушиши жараёнини прогноз қилиш босқичларидан иборат бўлади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предметини қуйидагича аниқлаш мумкин.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предмети бу - солиқ тўловчилар ва солиқ объектларининг юзага келиши, уларни давлат рўйхатига олиш, солиқ тушумларининг ҳисоби олиш ва улар билан боғлиқ давлат ваколатли органларнинг ўзаро муносабатлари, солиқ салоҳиятини аниқлаш ҳамда солиқларни прогноз қилиш жараёни билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.



**1-расм. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предмети таркиби.**

Демак, бундан кўринадики, "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани бир бири билан боғлиқ бир қатор муносабатлар тизимини яхлит ҳолда ташкил қилади. Ушбу жараёнларнинг боғлиқлиги шундаки, агар солиқ тўловчилар ва солиқ объектлари ўз вақтида рўйхатга олинса улар ўз навбатида алоҳида ҳамда яхлит ҳолда бюджетларга солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнида муҳим миқдорий омил бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида эса солиқ тушумларини турли даражадаги бюджетларга келиб тушишини тўғри статистик ҳисобини юритиш эса бюджетга солиқ тушумларини умумлаштириш имкони ва уларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиш жараёнларини тўғри олиб боришни таъминлайди.

Солиқ салоҳиятни аниқлаш(баҳолаш) эса солиқларни прогноз қилиш жараёнининг асосий ва муҳим сифат омилларидан бири ҳисобланади. Солиқ салоҳиятини миллий иқтисодиёт, тармоқлар, алоҳида олинган солиқ тўловчилар(айниқса донор солиқ тўловчилар), туманлар ҳамда аҳоли қатламлари бўйича аниқлаш эса солиқ турлари ҳамда умумий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқларнинг келиб тушиш даражасини баҳолаш имкониятини беради ва унинг даражасига қараб эса давлат ўзининг солиқ сиёсатини белгилаш имконияти туғилади.

Бошқа фанлар сингари "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг мақсади ва вазифалари унинг тадқиқот предметидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан олганда "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг мақсади талабаларга солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини ҳисобга олиш ва солиқ тушумларининг бюджетларга келиб тушиши статистикасини ташкил этиш, солиқ потенциалини аниқлаш ҳамда солиқ турлари бўйича солиқларни

прогноз қилиш жараёнларининг хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб беришдан иборатдир.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдига қўйиладиган куйидаги вазифалар белгиланади:

- ★ Солиқларни прогноз қилишнинг иқтисодий зарурлигини асослаб бериш;
- ★ прогноз, башорат ва режа каби тушунчаларнинг моҳияти ва уларнинг ўзаро фарқларини кўрсатиб бериш;
- ★ солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини ҳисобга олиш(давлат рўйхатига олиш) каби жараёнларни ёритиб бериш;
- ★ солиқ тушумларини турли бюджетларга келиб тушиш жараёнларини ва уларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиш жараёнлари ҳамда ушбу ҳолат билан боғлиқ тегишли ваколатли давлат органлари ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб бериш;
- ★ солиқ салоҳияти тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, солиқ салоҳиятини турли даражаларда баҳолаш механизмлари ҳамда уларга таъсир килувчи омилларни ёритиб бериш;
- ★ солиқларни прогноз қилиш ва солиқларни режалаштиришнинг давлат бюджетини режалаштириш жараёнидаги ролинини ёритиб бериш;
- ★ солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланиладиган моделлар ва методларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни қўллашнинг амалий жиҳатларини кўрсатиб бериш;
- ★ солиқларни прогноз қилишнинг айрим хорижий давлатлардаги амалий тажрибаларни ёритиб бериш;
- ★ солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектларда солиқларни режалаштириш механизмларини кўрсатиб бериш;
- ★ солиқларни прогноз қилиш жараёнида мавжуд айрим назарий ва амалий муаммоларнинг мазмунини билан таништириш ва уларни ечимларини топиш юзасидан талабаларда илмий мушоҳадалар юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- ★ Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози жараёнига оид ахборот манбаларини тақдим этиш ва шу каби вазифалар.

## **1.2. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг тадқиқот предметини ўрганиш методлари**

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани ҳам бошқа иқтисодий фанлар сингари ўз предметини маълум бир методларни қўллаган ҳолда ўрганади. Ушбу методлар умумий тартибда билиш методлари бўлиб, уларнинг

Ўзи ҳам илмий тадқиқот ҳамда услубий йўналишдаги методлар сифатида амал қилади. Мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилувчи, яъни ихтисослик фанлари кўринча услубий йўналишдаги методлардан фойдалансада, шу билан биргаликда илмий тадқиқот методларидан ҳам фойдаланиш тақозо этилади. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу фанда доирасида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иқтисодий муносабатлар ташқари мантиқий мушоҳадалаш ва мураккаб ҳисоб-китобларни амалга оширишни ҳам тақозо қилади. Фаннинг ўрганиш методлари<sup>1</sup> эса фанни ўрганувчиларга фан доирасидаги кечадиган иқтисодий муносабатлар ва жараёнларнинг моҳияти ҳамда бу борадаги муаммоларни тадқиқ этишни енгиллаштиради, фанни ўрганувчиларга эса фаннинг мазмунини англашда ва уни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида келтирилишича метод (юн. *metodos* — билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) — воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули. Методлар ҳақидаги таълимот фанда методология деб аталади. Билиш методлари воқеликни қамраб олиши жиҳатидан 3 турга бўлинади: ялпи умумий билиш методлари — ҳамма фанларда ва билишнинг барча босқичларида ҳам қўлланиладиган умумий ва универсал методлари — методология; умумий билиш методлари — бир қанча ёки барча фанларда қўлланиладиган ва билишнинг муайян босқичи (эмпирик, назарий ёки эмпирик босқичдан назарий босқичга ўтиш чегараси)да қўлланиладиган билиш методлари; хусусий ёки методлари — айрим фан доирасида қўлланиладиган билиш методларидир. Методология (метод ва ...логия сўзларидан) — тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш тамойиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи-умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади<sup>2</sup>. Методларнинг муҳим хусусияти ўрганиш жараёнини соддалаштириш ва самарага эришишда асосий восита ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда фаннинг ўрганиш методлари умумий ва хусусий характерда бўлади. Умумий билишнинг фалсафий методлар барча фанлар, жумладан "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани ўз предметини ўрганишда куйидаги методлардан фойдаланади.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози"да ўрганишнинг асосий методларидан бири бу *диалектик метод* ҳисобланади. Ушбу методнинг

<sup>1</sup> Кўпгина иқтисодий ва илмий адабиётларда метод ва усуллар моҳияти жиҳатидан синоним тарзда тавсифланади. Бироқ, илмий нуқтаи назаридан метод кенгрок тушунча ҳисобланади.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси "М" ҳарфи. Тошкент, 460-461 бетлар.

моҳияти диалектика категорияси билан боғлиқ бўлиб, диалектика [юн. *dialektike (techne)* — суҳбат олиб бориш, баҳслашиш санъати] — борлиқнинг вужудга келиши, унинг тараққиёти ҳақидаги фалсафий таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услубидир.<sup>3</sup> Диалектик метод фан тадқиқот марказида турган масала ёки муаммани бошқа элементларнинг мавжудлиги билан бирга қараш, ўрганиш ва улар ўзаро таъсирда кечадиган деган жараён сифатида олиб қарашни ифодалайди. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, прогноз кўрсаткичлари ва унинг натижаларига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп бўлиб, ушбу омилларни ҳар бирининг таъсирини баҳолаш (аниқлаш) зарур бўлиши билан биргаликда улар бир-бири билан боғлиқда бўлади, бу ҳолат эса ўрганишнинг диалектик методидан кенг фойдаланиш зурурлигини билдиради. Диалектик методни қўллаш юз бераётган ҳар қайси жараён ва ҳодисаларнинг ҳолатини ўз-ўзича эмас, балки бошқа омиллар таъсири сифатидаги натижа деб қарашни ва шу тартибда ёндошишни англайди.

Демак, диалектик метод орқали фан объектини ўрганишда ҳар бир иқтисодий жараённинг ўзини бошқа омиллар келтириб чиқарганлиги ва уларнинг таъсирида мавжуд бўлишлигини ҳамда унинг ўзининг ажралмас ички элементларига эгаллиги аниқланади ва шу тартибда объект кашф этилади ва унинг хусусиятлари аниқланади.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бу *абстракция методидир*. Абстракция лотин тилидан олинган бўлиб, "*abstractio*"-диққатни четга тортиш, чалғитиш деган маънони англайди. Тадқиқотнинг умумий мантиқий методи сифатида ўрганилаётган ҳодисанинг бир қанча хоссалари ва нисбатларидан фикран узоклашиш, айни пайтда тадқиқот жараёнида қизиқтирган хоссаларни (энг аввало, муҳим, умумий хоссаларни) ажратиш жараёни. Мазкур жараён натижасида ҳар хил «мавҳум предметлар» олинади. Бунда «мавҳум предметлар» деганда алоҳида тушунчалар ва категориялар («ривожланиш», «қарама-қаршилиқ», «фикрлаш» ва б.) ҳамда уларнинг тизимлари тушунилади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида қайд этилганидек, прогноз кўрсаткичларининг аниқлигига максимал даражада эришиш учун жуда кўп ҳолатлар ва жараёнларни таҳлил қилиш, махсус ҳисоб-китобларни амалга оширишни тақозо этади. Аммо, ушбу кўплаб жараён ва ҳолатларнинг барчасини бирданига қамраб олиш тадқиқотни қийинлаштириб, мақсадга эришишда четга чиқишларга олиб келади. Бу ерда абстракция методининг аҳамияти шундаки, ўрганиш жараёнида ўрганилаётган вақт учун унчалик

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси "Д" ҳарфи. Тошкент, 242-463 бетлар.

муҳим бўлмаган иккинчи даражали ва таъсир доираси жуда паст бўлган омилларга эмас, асосий жараёнга эътибор бериш лозим бўлади. Бу эса ўрганиш жараёнининг самарадорлигини оширади.

*Индукция ва дедукция методлари* ҳам "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанини ўрганишда кенг қўлланилади. Аслида фан тадқиқот методлари сифатида индукция ва дедукция тушунчалари ҳам луғавий маънода лотин тилидан олинган бўлиб, "Inductio" – билиб олмоқ, тагига етмоқ, deductio – хабар олиш, қайтиб кўриш" деган маъноларни англатиб, ўрганиш жараёнида тадқиқот объектининг қайси қисмлари бўйича йўналиш лозимлигини кўрсатиб беради. Бошқача қилиб айтганда солиқларни прогноз қилиш ва уларнинг статистикасига оид тушунчалари ва жараёнларини тушунтириш ва ўрганишда унинг айрим қисмларини алоҳида ҳолда ўрганиб, унинг асосида умумий хулосалар чиқариш, ҳамда умумий хулосалар(тушунчалар)дан қуйи томонга қараб йўналишга асосланишни билдиради. Индукция ва дедукция бир-бирига боғлиқ бўлади ва улар ўрганилаётган тадқиқот объектини ягона тизим асосида ўрганишга ёрдам беради. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанида мазкур методлардан фойдаланганда солиқларни прогноз қилиш жараёни ва солиқ статистикаси тушунчалари ва жараёнларини умумий яхлит тизим деб қараш ва уларнинг қуйидан юқорига ва аксинча тартибда ёндошишни билдиради. Солиқларни прогноз қилиш жараёни аслида микро даражада амалга оширилиб, улар умумий солиқ тушумларининг прогнозини ифодаласада, шу билан биргаликда макроиктисодий даражада прогноз қилиш жараёни асосида олинган натижалар тармоқ, соҳалар, солиқ тўловчилар ва ҳудудлар бўйича олинган натижалар билан солиштириш лозим бўлади, бу ерда ўрганиш жараёни юқоридан қуйи даражага қараб йўналади. Индукция ва дедукция методлари турли йўналишдаги ҳолатларни бир-бирига солиштириш имконини берса, шу билан биргаликда олинган натижаларни қайтиб текшириш ёки исботлашни ифодалайди. Бу ҳолат эса прогноз учун муҳим саналади. Чунки, юқорида тавсифи келтирилган абстракция методини қўллаш жараёнида айрим иккинчи даражали деб қаралган омиллар маълум бир вақтдан сўнг таъсирчан омилга айланиб қолиши мумкин. Индукция ва дедукция методини қўллашда эса бундай "нобарқарор омиллар" аниқланади ва уларнинг таъсири эътиборга олинади.

*Синтез ва таҳлил методлари.* Ўрганишнинг синтез методи грекча сўз бўлиб, "σύνθεσις", "synthesis-бирлаштириш, боғлаш, жойлаштириш, тўлдириниш" деган маъноларни англатиб, солиққа оид тушунчалар ва муносабатлар ўрганилаётганда уларнинг чала, етишмаётган қисмларини тўлдирган ҳолда, уларни бир бутунликда тушунтириш лозимлигини билдиради. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанини ўрганишда шунга эътибор бериш керак

бўладики, айрим категория ёки жараёни тушунтириш(тадқиқ этиш)да уларни албатта бошқа тушунчалар (ҳолат, жараён) билан билан биргаликда тушунтириш талаб қилинади, бусиз мақсадга эришиш қийин бўлади. Жумладан, давлат бюджетини режалаштириш солиқларни прогноз қилишни натижаларисиз амалга ошириб бўлмайди. Худди шунингдек, солиқларни прогноз қилиш жараёнида эса турли даражада солиқ салоҳиятини аниқлаш зурурий ҳолат ҳисобланади. Агар, алоҳида олинган ҳудуд, солиқ тўловчи ёки тармоқнинг солиқ тўлаш имкониятини аниқлашдан ушбу даражалар бўйича солиқларни прогноз кўрсаткичларини аниқлаш имкони бўлмайди.

Фаннинг ўрганиш объектини таҳлил жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Таҳлил қилишнинг мақсади қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ, таҳлил моҳиятни ажратиб қарашга олиб келадик, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик, хилма-хилликдаги бирлик сифатида ҳали очилмаган бўлади. Синтез, аксинча, таҳлил воситаси билан ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларни ягона бир бутунга бирлаштириш жараёнидан иборат. Синтез бирликдан тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунга бирлаштиради. Таҳлил ва синтез чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози"ни ўрганишда қўлланиладиган методлар сирасига *аналогия методи* ҳам киради. Аналогия методи (мослик, ўхшашлик)–ўхшаш бўлмаган объектларнинг айрим жиҳатлари, хоссалари ва муносабатларидаги ўхшашликларни аниқлаш. Аниқланган ўхшашлик асосида тегишли аналогия бўйича хулоса чиқарилади. Унинг умумий схемаси: В объект а, b, c, d белгиларга эга; С объект b, c, d белгиларга эга; бинобарин, С объект а белгига эга бўлиши мумкин. Аналогия ҳақиқий эмас, балки эҳтимолий билим беради. Аналогия бўйича хулоса чиқаришда муайян объект («модел»)ни кўриб чиқиш натижасида олинган билим бошқа нисбатан кам ўрганилган объектга кўчирилади<sup>4</sup>. Яъни, иқтисодий фанлар, жумладан "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанини ўрганишда айрим олинган тушунчалар ва муносабатларга хос белгилар, унинг элементи ёки унга яқин бўлган тушунчаларда тақрорланиши, учраши мумкинлиги эътиборга олинади. Масалан, молиявий режалаштириш, солиқларни режалаштириш бюджетни режалаштириш ёки молиявий прогнозлаштириш, бюджетни прогнозлаштириш, солиқларни режалаштириш тушунчалари бир-бирларида учрайди. Молиявий

<sup>4</sup> www.faylasf.uz/.../256-fan-metodologiyasi.

режалаштиришни аниқлаш асосидагина бюджетни режалаштириш ва солиқларни режалаштиришнинг моҳияти очилади. Ўз навбатида бюджетни режалаштириш эса солиқларни режалаштириш билан боғлиқ бўлади ва улар ўхшаш жараёнлар ҳисобланади. Худди шунингдек, корхоналар доирасида солиқларни режалаштириш ва солиқларни бюджетлаштириш тушунчалари қўлланилади, бир қарашда бу иккала тушунча синонимдек, қаралади, аммо, иқтисодий адабиётларда уларнинг ўзаро фарқлари ҳам келтирилади (бу жараён кейинги бобларда ёритиб берилади). Бундан кўринадики, аналогия методи орқали солиққа оид тушунчалар ва муносабатларни ўрганишда уларнинг ички механизмларида учрайдиган айнан ва яқин ўхшашликларни аниқлаш орқали уларнинг моҳияти тушунилади ҳамда уларнинг ўзаро яқин категориялар эканлиги аниқланади. Бу эса ўрганишнинг кейинги босқичларида қўл келади.

Барча фанларда кенг қўлланиладиган методлардан бири ўрганишнинг *манتيкий методидир*. Фанларнинг предметини ўрганишда шундай ҳолатлар, фактлар ва жараёнлар бўладики, уларни маълум бир кўрсаткич, далил ёки бошқа бир манба билан тасдиқлаб ёки унинг моҳиятини англаб бўлмайди, айни бу ҳолат "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанида ҳам учрайди. Чунки, ҳар қайси даражадаги ўрганишнинг ўзи мантиққа асосланади. Мантикийлик методи бир томондан ўрганишда маълум бир махсус ёндошувлар қилиниш лозимлиги кўрсатса, бошқа томондан айрим жараёнларда бошқа методлар самара бермаслигини ва фақат илмий-назарий мушоҳада қилиш лозимлиги ва унинг зарурлигини кўрсатиб беради. Билишга интилиш мантикий ҳаракат бўлиб, мазкур метод барча фанлар учун умумий методологик аҳамият касб этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида турли хил махсус моделлар ва методлар (статистик, математик, эконометрик)ларни қўллаш билан биргаликда айрим ҳолатлар юзга келадик, олинган натижаларнинг қай бирининг аниқлиги даражасини аниқлашда эса албатта мантикий методга асосланишга тўғри келади. Илмий билишнинг мантикийлик методи иқтисодий кўрсаткичлар етарли самара бермаганда ёки уларни қўллаш имкони бўлмаганда, жараёнларнинг ҳаракатида ҳаддан ташқари стихиялилик кўп кузатилганда, иқтисодий қонуниятлар кечishi турлича касб этган ва шу каби ҳолатларда ўрганишнинг ва хулоса қилишнинг самарали метод сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, солиқ турлари бўйича солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда эса солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш маданияти, солиқлардан бўйин товлаш ҳолати ёки давлат солиқ хизмати органларида рўйхатда турмаслик, солиқ қарздорлигининг ошиши ва шу каби жараёнларнинг таъсирини баҳолашда эса албатта мантикий мушоҳадаларга асосланишга тўғри келади.

Албатта, фанларни ўрганишда ўзига хос тартибда қўлланиладиган методлардан бири сифатида *тарихийлик методи* ҳам амал қилади. Бу метод ўз-ўзидан кўринадики, ҳодиса, жараёнлар ва воқеяликларнинг моҳиятини ўрганишда уларнинг тарихий амал қилиш ҳолатларига асосланади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг амалга оширила бошланиши, унга зурурий омилларнинг юзага келиши, унда қўлланиладиган моделлар ва методларнинг турларининг яратилиши ва уларнинг самара бериш даражаси, турли хил даврларга оид прогноз кўрсаткичлари маълумотлари ва шу кабиларга эга бўлишда эса тарихийлик методи ёрдам беради. Прогноз жараёнида қўлланиладиган экстраполяция методларидан энг кўп тарқалган методлар сифатида тренд каторлари методида эса айнан ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўзидан олдинги каторнинг аввалги даврдаги ҳолатини эътиборга олган ҳолда таҳлил амалга оширилади, тренд методининг моҳияти эса тарихийликка асосланади (катор кўрсаткичининг аввалги даврдаги ҳолатига асосланади).

Тарихийлик ёндошув асосида эса солиқларни прогноз қилишга оид категория ва муносабатларнинг ўзгариш тенденциялари аниқланади, улардан қайси вақтларда қандай фойдаланилганлиги ва улар қандай самара берганлигини таҳлил қилиш имконияти туғилади.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предметини ўрганишнинг асосий методларидан бири *моделлаштириш методи* ҳисобланади. Моделлаштириш методи фан предметини ўрганишнинг кейинги замонавий методларидан бири ҳисобланиб, фан доирасида турли хил таҳлиллар ва мураккаб ҳодисаларни уларнинг турли хил компонентларини биргаликда ўрганишда энг кўп самарага эга метод саналади. Аслини олганда солиқларни прогноз қилиш жараёнининг ўзи моделлаштириш жараёнидан иборат.

Моделлаштириш асосан моделларга асосланади. Яъни ўрганилаётган жараённинг модели ишлаб чиқилиб, у моделлаштирилади. Масалан, солиқларни прогноз қилиш жараёнида макроиқтисодий моделлар, микроиматацион моделлар, экстраполяция моделлар ва шу каби моделлардан кенг фойдаланилади. Ушбу моделларни қўллаш орқали солиқларни прогноз қилишда турли хил кўрсаткичлар маълум бир тартибда жойлаштирилган ҳолда мақсадга қаратилган натижаларга эришиш мумкин бўлади (бу ҳақда кейинги бобларда батафсил тўхталиб ўтилади).

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан ташқари яна илмий билишнинг бошқа методлари ҳам мавжудки, "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предметини ўрганишда уларнинг у ёки бу туридан маълум бир даражаларда фойдаланилади.

### 1.3. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози"

#### фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани ўз ўрганиш предметини бошқа бир қатор аниқ, ижтимоий ва иқтисодий фанлар билан биргаликда ўрганади ва улар билан боғлиқ бўлади. Албатта иқтисодий фанлар учун умумий методологик фан сифатида хизмат қиладиган "Иқтисодиёт назарияси" фани билан умумий иқтисодий ҳолатларни биргаликда ўрганса, "Иқтисодий таълимотлар тарихи", "Иқтисодий тарих" каби фанлар билан биргаликда солиқларни прогноз қилиш жараёни билан боғлиқ назарий қарашлар, ғояларни ҳамда солиқларни прогноз қилиш жараёнининг турли даврларда қандай ривожланганлик ҳолатлари ўрганилади.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани шунингдек, макроиқтисодий жараёнларни ўрганувчи "Макроиқтисодиёт", ижтимоий-иқтисодий режалаштиришни тадқиқ этувчи "Иқтисодий режалаштириш" каби фанлар жуда боғланади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида энг муҳим босқичлардан бир бу уни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва методларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар методологиясида модел ва методлар илмий билишнинг муҳим қуроли сифатида қайд этилади. Прогнозда қўлланиладиган макроиқтисодий моделларни эконометрик(таркибсиз) ва гибридли(таркибли) гуруҳларга ажратилади. Эконометрик моделлар давлатнинг иқтисодий сиёсатини киёсий таҳлил қилишга мўлжалланмаган бўлади. Гибриди моделлар эса ўрта ва узок муддатли иқтисодий мувозанатни моделлаштиришга хизмат қилиб иқтисодий ислохотларнинг оқибатларини таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Ушбу иккала моделларнинг ўхшашлиги шундаки, иқтисодий назарияларга асосланади давлатнинг иқтисодий сиёсатининг сценарияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Гибридли макроиқтисодий моделлар макроиқтисодий назарияларга асосланган ҳолда иқтисодий жараёнларнинг афзаллик жиҳатлари алоҳида олинган статистик методлар орқали аралаштирилиб, улар маълум бир ўлчамларга келтирилади, бунда эса энг муҳим иқтисодий индикаторлар(масалан, ялпи ички маҳсулот, инвестиция, истеъмол даражаси в ш.к.) асосий мезон сифатида олинади. Бироқ, алоҳида олинган параметрлар макроиқтисодий таҳлилларга асосланган ҳолда уларнинг динамик жараёнини ўрганиш қийин, шу сабабли эконометрик методлардан фойдаланилади. Бу эса макроиқтисодий моделларни икки турга бўлинишига олиб келди. Ушбу моделларда асосан статистик қонуниятларга асосланиб, ўзаро боғлиқликдаги параметрларнинг қайси бири кўпроқ таъсирчан хусусиятга эга бўлишига алоҳида урғу берилади. Эконометрик моделлар эса кўпроқ қисқа муддатли макроиқтисодий прогнозлаштиришда кўпроқ самара беради. Статистик

методлар ва ҳисоблаш техникаларнинг такомиллашиб бориши эконометрик моделларнинг афзалликларини кўрсатиб бермоқда. Бундан кўринадики, "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани "Макроиқтисодиёт", "Эконометрика" ва "Статистика" каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг "Статистика" фани билан боғлиқлиги яна шу нарсаларда кўринадики, солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини ҳисобга олиш, турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумларини келиб тушиш жараёнларини ҳам миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатидан ҳисобга олишда статистиканинг умумий тамойилларидан фойдаланилади. Айни бу жараёнларда, яъни солиқ тушумларининг бюджетга келиб тушиш жараёни эса банклар орқали амалга ошириладики, бунда "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани "Банк иши" фани билан ўзаро боғлиқликда бўлади.

Ўз навбатида бюджетни режалаштириш ва солиқларни режалаштириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини эса албатта "Иқтисодий режалаштириш" фани билан биргаликда ўрганади. Чунки, мазмунан олиб қаралган солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларининг бир бўлаги ҳисобланади. Макроиқтисодий режалаштириш ва прогнозлаштиришни амалга оширишда эса бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш ҳолати катта аҳамиятга эга бўлади. Миллий иқтисодиёт доирасидаги кўплаб лойиҳаларнинг молиявий асосини эса марказлашган пул фондлари ташкил қилади. Шундай экан макроиқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда эса асосан солиқ тушумлари орқали шаклланидиган Давлат бюджетининг даромадлари ҳажми прогнози ҳам муҳим ҳал қилувчи ролга эга бўлади.

"Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани бошқа иқтисодий фанлар каби албатта "Миқдорий усуллар", "Ахборот технологиялари" каби фанлар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Айниқса солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланиладиган турли хил методлардан фойдаланиш қоидаларини билиш учун албатта миқдорий усуллар ҳамда ахборот технологияларининг моҳиятини билиш талаб қилинади. Мазмунан солиқларни прогноз қилиш жараёни турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумларининг келиб тушишининг келгуси даврлар учун ҳажмини аниқлашга қаратилган бўлиб, бу жараёнда эса албатта "Молия", "Давлат бюджети", "Давлат молиясини бошқариш" фанлар билан ўзаро алоқадорликда бўлади.

Прогноз жараёнидаги энг муҳим жараёнлардан бири бу таҳлил ҳисобланади. Шу боисдан "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани "Иқтисодий таҳлил" фанида қўлланиладиган таҳлил турларидан кенг фойдаланилади. Таҳлил жараёнига зарур бўладиган ахборот манбаларидан

фойдаланиш жараёнлари эса "Бухгалтерия ҳисоби" фани билан боғлиқликда бўлишлигини ифодалайди.

Солиқларни прогноз қилиш жараёни бевосита корхоналарда пул оқимлари ва фондларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, бунда "Хўжалик юритувчи субъектлар молияси", "Микроиқтисодиёт" фани билан боғлиқликда бўлса, солиқларни прогноз қилишнинг тарихий ривожланиш аспекти ва унга оид дастлабки илмий назарий қарашларни ижтимоий фанлар, жумладан "Тарих", "Археология", "Фалсафа" каби фанлар билан ўзаро боғлиқликда ўрганади. Демак, "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани ўзининг тадқиқот предметини бир қатор бошқа ижтимоий иқтисодий фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиб боради.

#### Таянч сўз ва иборалар:

*Фан, предмет, объект, илмий билиш, тадқиқот методлари, диалектик метод, абстракция методи, индукция методи, дедукция методи, мантиқийлик методи, тарихийлик методи, фаннинг вазифалари, тақсимот, фанлар билан алоқа, моделлар, методлар.*


#### Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Фан предмети деганда нима тушунилади?
2. Фан сифатида юзага келишининг асосий шarti нимада?
3. Фанлар ўз ўрганиш соҳаларини нима учун методлар орқали ўрганади?
4. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг бошқа иқтисодий фанлардан нималари билан фар қилади?
5. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фани ўз предметида илмий билиш ва фанни ўрганишнинг қандай методларидан фойдаланади?
6. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини изоҳланг.
7. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг солиқ соҳасида мутахассислар тайёрлашдаги аҳамияти нималарда деб ҳисоблайсиз?
8. "Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози" фанининг предметини айтиб беринг.

## 2-БОБ. СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### 2.1. Солиқ статистикаси ва унинг моҳияти

Солиқ тизимининг муҳим таркибий қисмини солиқ статистикаси ташкил этади. Солиқ статистикаси мазмунан ва ташкилий жиҳатдан статистиканинг умумий қонуниятлари, методлари ва ташкилий механизмларига асосланиши билан бир қаторда солиқ механизмнинг асосий тамойилларига асосланди, яъни солиқ статистикаси солиқ тўловчилар ва солиқ тушумларининг юзага келиш ва амал қилиш жараёнларини бошқа молиявий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда уни ҳам миқдор ва сифат кўрсаткичлар асосида ҳисобга олиб боради. Шу жиҳатдан олганда солиқ статистикасининг асосида солиққа оид муносабатларни ҳам миқдор ҳам сифат жиҳатдан ҳисобга олади ва ҳисоб тизимида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шу жиҳатдан олганда *солиқ статистикаси деганда солиқ тизимида солиқ тўловчилар, солиқ объектларининг юзага келиши, уларни ҳисобга олиш, турли даражадаги бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳамда солиқ тўловчилар(солиқ объектлари) ва солиқ тушумларини ҳисобга олишда тегишли ваколатли органлар ўртасидаги муносабатлар йиғиндиси тушунилади.* Солиқ статистикаси қуйидаги таркибга эга бўлади:



2-расм. Солиқ статистикасининг таркибий тузилиши.

Солиқ статистикаси солиқ тизими ва бошқа иқтисодий муносабатлар доирасида бир қатор вазифаларни бажаради. Унинг бу вазифалари давлат статистикасининг асосий вазифалари ҳамда унинг таркибига кирувчи муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Шунга қўра солиқ статистикаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Солиқ тўловчилар ва солиқ объектларининг юзага келиш жараёнларини ҳисобга олиш;

- солиқ тушумларининг турли даражадаги бюджетларга келиб тушишининг узлуксиз ҳисобини олиб бориш;
- солиқ, молия, банк, статистика ва бошқа тегишли ваколатли органлар ўртасида солиқ тўловчилар, солиқ объектлари ва солиқ тушумларини ҳисобга олиш билан боғлиқ ўзаро иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга оид маълумотларни мувофиқлаштириш;
- солиқ тўловчилар, объектлар ва тушумларга оид жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва тегишли тартибда ундан фойдаланувчиларга тадқиқ қилиш;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотларни, шунингдек жамоатчиликни белгиланган тартибда солиқ статистикаси маълумотлари билан таъминлаш;
- статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистика таснифлагичлар тизимидан фойдаланиши ва шу қабилар.

Солиқ статистикаси моҳияти жиҳатдан Давлат статистикасининг асосий тамойиллари: ишончлик, ҳолислик, бегаразлик; долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик; қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошқоралик; статистика ҳисоботини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно этувчи солиқ статистикаси ишларини ташкил этиш тизимини яратиш қаби тамойилларига асосланади.

Давлат солиқ хизмати органларида солиқ статистикаси ишларини ташкил қилиш Давлат солиқ қўмитасида "Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш бошқармаси", вилоят Давлат солиқ бошқармалари ва туман(шаҳар) Давлат солиқ инспекцияларида эса "Солиқ ва мажбурий тўлов тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими" ҳамда "Бухгалтерия ҳисоби ва бутлаш бўлими" томонидан амалга оширилади, шунингдек, ушбу бўлимлар мутахассислари томонидан солиқ ва мажбурий тўловлар тушуми бўйича таҳлил ишлари билан бирга солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам амалга оширилади. Солиқ статистикасини ташкил қилиш ва уни амалга оширишда статистиканинг методларидан ҳам кенг фойдаланилади. Бунда вариациялар, танланма кузатиш, статистик кузатишлар ва шу қабилар асосий роль ўйнайди.

Солиқ статистикасини амалга оширишда уни амалга оширувчилар томонидан статистиканинг турли хил методларидан фойдаланишда улардаги мавжуд маълумотларга ҳамда статистик кузатувлар асосида олинган ахборотларга таянилади. Бунда давлат статистика кузатувлари солиқ, молия ва

банк тизими ҳамда иқтисодиётда солиқлар билан боғлиқ содир бўлаётган ҳодисалар ҳамда жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини мунтазам равишда йиғиб боришдан иборат бўлиб, улар бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ва бевосита кузатувлар йўли билан ўтказилади. Солиқ статистикаси маълумотлари тўлиқ, ҳолис, ишончли бўлиши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, банклар, бошқа юридик шахслар (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари), жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси ваколатли органи тасдиқлаган муддатларда ва давлат статистика кузатувлари шакллари бўйича такдим этилади. Давлат статистика кузатувларининг шакллари бўйича статистика маълумотлари конун ҳужжатларига мувофиқ қоғозда ёки электрон шаклда такдим этилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тартибга солувчи, конун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар статистика ҳужжатларини тўлдириш (статистика кўрсаткичлари ҳисоби) учун асос бўлиб хизмат қилади. Статистика маълумотларидан давлат манфаатларини кўзлаб ва илмий мақсадларда, жамоатчиликни хабардор этиш, бундай маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини таъминлаш учун фойдаланилади.

## 2.2. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ русат этиладиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиш талаб этилади. Бунинг учун улар белгиланган тартиб асосида таъсис ҳужжатларини тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш ваколати берилган органларга мурожаат қилади. Бундай ваколатли органлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари киради. Тартибга кўра аудиторлик ташкилотлар, сугурталовчилар ва сугурта брокерлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси

ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан; барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи тўланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари; суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган ҳудудий (вилоятлар, вилоятлараро ва туманлараро) базалар ва бозорлар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан давлат божи тўланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар "Юридик шахсларнинг Давлат реестри"га киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорларни, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли реестрларга яъни, "Якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестри", "Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларининг давлат реестри", "Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларининг давлат реестри"ларига мувофиқ шакллар бўйича киритилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тадбиркорлик субъектига Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг тегишли идоравий сайтларидан фойдаланиб реал вақт режимида интернет тармоғидан олинган солиқ тўловчилар идентификация рақамларини (СТИР) ва корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) кодларини беради. Юридик шахсларга корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи кодларини хос рақами берилганидан кейин, рўйхатдан ўтказувчи орган электрон почта алоқаси орқали юридик шахс томонидан аризада кўрсатилган почта манзилидаги давлат солиқ хизмати органларига СТИР бериш учун

белгиланган шаклда ушбу орган мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган сўровномаларни юборди(сўровномалар шакли куйида келтирилмоқда).

Электрон почта алоқаси мавжуд бўлмаган ҳолларда СТИР бериш учун сўровнома факсимил алоқа орқали юборилади. Бунда СТИР бериш ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш вақти саккиз иш соатидан ошмаслиги лозим. Давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектларига СТИР бериш учун юборилган сўровноманинг белгиланган шаклга мос келмаслигини ёки хато ва камчиликлар билан тўлдирилганлигини аниқласа, рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу сўровномани қайта ишлаш учун бир иш соати ичида юборди. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қайта ишлаш учун юборилган сўровномадаги камчиликларни тузатиш учун кетган вақт давлат солиқ хизмати органи томонидан СТИР бериш учун белгиланган саккиз иш соатига кирмайди. Сўровномадаги камчиликлар тузатилиб, давлат солиқ хизмати органига қайта юборилганда, янгидан юборилган сўровнома деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи органдан электрон почта ёки факсимил алоқа орқали сўровномаларнинг келган вақтини қайд этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органларининг тегишли бўлимларида куйида келтирилган шакллардаги «Юридик шахсларга СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш» ва «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигига СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш» журналлар юритилади.

1-жавдал.

**Юридик шахсларга СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш**  
**ЖУРНАЛИ**

|   | Юридик шахс номи | Сўровноманинг узатилган |                 | Сўровнома юбориш шакли |          | Сўровномани қайта ишлаш учун қайтарилган сана, вақти ва сабаби | Тадбиркорлик субъектига СТИР бериш учун ДСҚга юборилган санаси ва вақти | ДСҚ томонидан СТИР берилди |                | Рўйхатта олувчи органга Маълумотнома юборилган сана ва вақт | Белгиланган 8 иш соатидан ортиқ муддатда СТИР беришнинг сабаби |
|---|------------------|-------------------------|-----------------|------------------------|----------|--|---|----------------------------|----------------|---|--|
|   |                  | рақами                  | санаси ва вақти | Электрон ҳужжат        | факсимил |  |   | СТИР рақами                | акти ва санаси |   |  |
| 1 | 2                | 3                       | 4               | 5                      | 6        | 7  | 8   | 9                          | 10             | 11  | 12   |
|   |                  |                         |                 |                        |          |  |   |                            |                |   |  |
|   |                  |                         |                 |                        |          |  |   |                            |                |   |  |
|   |                  |                         |                 |                        |          |  |   |                            |                |   |  |

**Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги  
тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон  
хўжалигига СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш**

**ЖУРНАЛИ**

| Жисмоний шахс номи | Сўровноманинг узатилган |                 | Сўровнома юбориш шакли |          | Сўровнома ни қайта ишлаш учун қайтарилган сана, вақти ва сабаби | Тадбиркорлик субъектига СТИР бериш учун ДСКга юборилган сана ва вақти | ДСК томонидан СТИР берилди |                | Рўйхатга олувчи органга Маълумотнома юборилган сана ва вақт | Белгиланган 8 иш соатидан ортиқ муддатда СТИР беришнинг сабаби |    |
|--------------------|-------------------------|-----------------|------------------------|----------|---|---|----------------------------|----------------|---|--|----|
|                    | рақами                  | санаси ва вақти | Электрон ҳужжат        | факсимил |   |   | СТИР рақами                | акти ва санаси |   |  |    |
| 1                  | 2                       | 3               | 4                      | 5        | 6   | 7   | 8                          | 9              | 10  | 11   | 12 |
|                    |                         |                 |                        |          |   |   |                            |                |   |  |    |

Журналлар тикилган, рақамланган, санаси кўрсатилиб, мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда муҳрланган бўлиши, рўйхатдан ўтказувчи ҳамда давлат солиқ хизмати органларида техник талабларга жавоб берадиган компьютер ва факс ўрнатилган бўлиши лозим. Тадбиркорлик субъектларига СТИР бериш учун юборилган сўровнома давлат солиқ хизмати органларининг тегишли бўлинмасида алоҳида электрон манзилга эга бўлган компьютерда қабул қилиб олинади. Электрон ҳужжатларда тақдим этилаётган сўровномалардаги маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш мақсадида, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан криптография ҳимоя воситалари қўлланилади. Давлат солиқ хизмати органлари белгиланган шакллардаги сўровномаларни қабул қилиб олгач, аниқ вақт режимида солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақамлари марказлаштирилган базаси орқали тадбиркорлик субъектига СТИР беради. Тадбиркорлик субъектларига СТИР берилгандан кейин, давлат солиқ хизмати органлари рўйхатдан ўтказувчи органларга тадбиркорлик субъектига СТИР берилганлиги тўғрисидаги маълумотномани электрон почта орқали юборади.

Солиқ тўловчилар идентификация рақамларининг солиқ тизимидаги аҳамияти шундаки, у орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг идентификация рақамлари ягона реестрини шакллантириш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни тартибга солиш, солиқларнинг бюджетга тушишини ҳисобга олиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича маълумотларни компьютерда ишлашни жорий этиш, солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича ахборотларнинг яхлитлиги ва

ишончилиги кўп томонлама текширилиши ва назорат қилинишини ташкил этиш, давлат солиқ хизмати органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, тижорат банклари ва молиявий, шунингдек кўчар ва кўчмас мулк бўйича операцияларни амалга оширувчи бошқа ташилотлар ўртасида ахборот айирбошлашни бирхиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан жисмоний шахслар томонидан даромадлар, тўланган солиқлар, ижтимоий ва бошқа суғурталар бўйича давлат жамғармаларига тўловларни ҳисобга олишни бирхиллаштириш имкониятини беради.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилган кундан бошлаб бир кун мобайнида тадбиркорлик субъекти жойлашган жой бўйича давлат реестридан олинган унинг тўғрисидаги маълумотларни "Статистика ва солиқ органларига тақдим этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар"га мувофиқ шакл бўйича: юридик шахслар бўйича — статистика ва солиқ органларига, акциядорлик жамиятлари ҳисобланган юридик шахслар бўйича эса, шунингдек қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ва юридик шахс бўлмаган якка тадбиркорлар, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари бўйича солиқ органига расман тақдим этадилар. Солиқ хизмати органлари — юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган оилавий тадбиркорлик субъектини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга қўяди. Давлат статистика органлари — рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган статистика кодларини текширади ва юридик шахсни Корхоналар ва ташилотларнинг ягона давлат регистрига киритади.

Зарур рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатда: тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга "Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома"ни ва «рўйхатдан ўтказилди» деган белги қўйилган таъсис ҳужжатларини, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини беради. Якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжаликларига эса "Якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома"ни, шунингдек

рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган (уларнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамп эскизини беради. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларига эса "Якка тартибдаги тадбиркорни (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини) давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома"ни, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган (уларнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамп эскизини беради.

Агар, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 1 ой мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келган ҳолда, почта алоқаси воситасида ёки Интернет тармоғи орқали куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;
- ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;
- номи ўзгарган тақдирда — давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва фирма номининг захирага олинishi тасдиғи, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг икки нусхадаги эскизи;
- давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати;
- устав фондининг миқдори кўпайтирилган тақдирда — тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат, шунингдек масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун-иштирокчи хиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан жамият иштирокчисига берилган гувоҳнома нусхаси ҳамда жамият иштирокчилари томонидан қўшимча хиссалар ва учинчи шахслар томонидан хиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- устав фонди камайтирилган тақдирда — уларга маълум бўлган барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи (уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилган ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда тақдим қилинади);

- улуш (хисса) ёки акция бошқага ўтган тақдирда — ушбу улуш (хисса) ёки акциянинг бошқага ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шартнома, хат ва шу кабилар).

Тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи олинмайди. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қилади. Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига ўзгартириш киритишни тақозо этувчи тадбиркорлик субъекти — юридик шахснинг фаолияти тури ва унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони ўзгарса давлат статистика органлари тадбиркорлик субъектини жалб қилмаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ ҳолда тақдим қилинадиган йиллик статистик ҳисоботлар асосида тегишли ўзгартиришлар киритади ва бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органлар, давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади.

Якка тартибдаги тадбиркор унга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олган пайтдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи ва давлат солиқ хизмати органлари кўрсатиб ўтилган ахборотни олганларидан кейин уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида ёзма равишда хабар беришлари лозим. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида унга берилган гувоҳномада кўрсатилган юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти катнашчилари таркиби ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма равишда хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган хабарнома олинган пайтдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгаришлар тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига хабар қилади, тегишли давлат реестрларига ўзгартишлар киритади, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги янги гувоҳномани расмийлаштиради, тадбиркорлик субъектини хабардор қилади ва унга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ушбу гувоҳномани беради.

### 2.3. Солиқ тўловчиларда солиқ объектларининг юзага келиши ва уларга оид жараёнларни ҳисобга олиш

Солиқ статистикасининг ажралмас қисми бу солиқ объектларини ҳисобга олиш жараёнидир. Бу жараёнларни амалга ошириш тартиби ва механизлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 68, 77, 79-84 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 17 июндаги 2014-25-сон қарори билан тасдиқланган "Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом" ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича ҳамда у тўлаётган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаси объект жойлашган жойдаги ҳудудий давлат солиқ хизмати органларида ички ва ташқи ахборот манбалари асосида электрон кўринишда шакллантирилади.

Ички манбалар куйидагилардан иборат:

а) солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган чораклик, йиллик молиявий ҳисоботлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари, тушунтириш хатлари, маълумотлар ва маълумотномалар тўғрисидаги;

б) куйидагиларнинг суммаси кўрсатилган солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкалари тўғрисидаги:

ҳисобланган, тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

қайтарилган, камайтирилган ҳамда ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ва ҳисобланган пенялар;

в) қўшимча ёки камайтиришга ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги солиқ текширувлари далолатномалари, шунингдек солиқ текширувлари материаллари бўйича суд қарорлари асосида ёки ихтиёрий равишда тўланган (ундирилган) жарималар суммалари тўғрисидаги;

г) солиқ қонунчилиги соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жарима қўлланилган шахслар ва қўлланилган жарима суммаси тўғрисидаги;

д) жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўз ичига олувчи давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган солиқ тўловчилар тўғрисидаги;

е) солиқ тўловчиларнинг мол-мулк, ер солиқлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солиш объектларини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги;

ж) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида банк кассаларига нақд пул тушуми келиб тушиши бўйича ўтказилган хронометражлар натижалари тўғрисидаги ахборотлар.

Ташқи манбалар куйидагилардан иборат:

а) давлат рўйхатидан ўтказувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги;

б) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси(84-моддаси)да назарда тутилган тегишли органлар ва ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тугатилиши) тўғрисидаги;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ёзма сўровига асосан тегишли ахборот тақдим этувчи бошқа органлар ва ташкилотларнинг солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тугатилиши) тўғрисидаги ахборотлари ва шу кабилар.

Солиқ тўловчи сифатида куйидагилар ҳисобга қўйилади:

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ўзлари жойлашган ердаги (почта манзилидаги) давлат солиқ хизмати органида, юридик шахснинг солиқ мажбуриятини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалари - алоҳида бўлинманинг жойлашган еридаги ёки фаолиятни амалга ошираётган жойдаги давлат солиқ хизмати органида, жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органида, уридик шахслар - Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - доимий муассасанинг жойлашган еридаги ва (ёки) фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида, мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилар бўлган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида.

Солиқ тўловчида у ҳисобга қўйилганидан кейин ер солиғи, мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш бўйича солиқ

мажбурияти ҳисобга қўйилган жойдан ташқарида юзага келган тақдирда, солиқ тўловчи солиқ Кодексининг 81-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида объект бўйича ҳисобга қўйилиши керак. Бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши лозим.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилинади. Солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш учун мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахс уни ташкил этиш тўғрисида ва (ёки) мустақил балансга ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризада мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахснинг - солиқ тўловчининг идентификация рақами албатта кўрсатилади. Аризага юридик шахснинг алоҳида бўлинмани ташкил этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек унинг раҳбарига берилган ишончнома илова қилинади.

Жисмоний шахслар - солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу Кодексга мувофиқ давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиди. Доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган юридик шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризасига шартнома ёки юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан Ўзбекистон Республикасида иш юритиш учун берилган ишончнома, шунингдек мажбуриятларининг бажарилиши доимий муассаса ташкил топишига олиб келадиган шартнома мавжуд бўлса, шу шартнома илова қилинади.

Ер солиғи, шунингдек кўчмас мулкка тааллуқли қисмида мол-мулк солиғи тўловчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ер участкасига, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ

давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этади. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газни автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали реализация қилувчи юридик шахслар автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида тақдим этиши лозим.

Агар юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг резиденти алоҳида бўлинмалардан бир нечасига эга бўлса, ҳисобга қўйиш ҳар бир алоҳида бўлинма бўйича тегишли давлат солиқ хизмати органларида амалга оширилади. Агар юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасида бир нечта доимий муассасага эга бўлса, у ҳар бир доимий муассаса бўйича тегишли давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши шарт. Битта юридик шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг бир нечта доимий муассаса бўйича солиқ ҳисоботини жамлашга йўл қўйилмайди.

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар солиқ тўловчида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғи, мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, амалга оширилади. Ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғини, мол-мулк солиғини ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти юзага келган солиқ тўловчи тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ёхуд мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ солиш объектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш учун давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этади.

Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг илгари берилган идентификация рақамига мувофиқ солиқ тўловчи мурожаат этган кундан уч кундан кечиктирмай уни объектлар бўйича ҳисобга қўяди.

Юридик шахс - солиқ тўловчи тўғрисидаги асосий ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;  
 номи (тўлиқ ва қисқартирилган номи);  
 жойлашган ери (почта манзили).

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосий ҳисоб маълумотларига қўшимча равишда қуйидагилар ҳам ҳисоб маълумотлари ҳисобланади:

ташкилий-ҳуқуқий шакли;

солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалар, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг таркибига кирувчи юридик шахслар учун - солиқ тўловчи қайси ташкилотнинг таркибига кирса, шу ташкилот;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

тижорат ташкилотлари учун - устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;

тижорат ташкилотлари учун, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно, муассисларнинг - Ўзбекистон Республикасининг резидентларининг солиқ тўловчи тариқасидаги идентификация рақамини ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ҳам кўрсатган ҳолда муассисларнинг тўлиқ таркиби.

Жисмоний шахс - солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;  
 фамилияси, исми ва отасининг исми;  
 фуқаролиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди);

паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;  
 яшаш жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қуйидагилар ҳам солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларидир:

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;  
 фаолият тури;  
 фаолият амалга ошириладиган жой.

Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш ва солиқ тўловчиларни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 80 ва 81 моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Солиқ тўловчилар — жисмоний шахсларни ҳисобга қўйиш туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлимлари

(тузилмалари) томонидан амалга оширилади. Бунда, жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари асосида қуйидаги шаклда Солиқ тўловчи — жисмоний шахсни рўйхатга олиш варақаси тўлдирилади.

(олд томони)

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХСНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
 ВАРАҚАСИ**

|   |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|---|--|---|--|---------------------------|--|--|--|--|--|--|--|
| 01. Солиқ тўловчининг идентификация рақами — СТИР:    |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| Босма ҳарфлар билан тўлдирилади (қўлда тўлдирилганда) |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 02. Фамилияси:  |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 03. Исми:   |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 04. Отасининг исми:                                   |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 05. Тутилган санаси (кун, ой, йил):                   |  | /   |  | /                         |  |  |  |  |  |  |  |
| 06. Тутилган жойи:                                    |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| <b>МАНЗИЛИ</b>  |  | 07. Почта индекси:                                    |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|   |  | 08. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.: |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|   |  | 09. Туман, шаҳар:                                     |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|   |  | 10. Шаҳарча, кишлоқ, овул, мавзе:                     |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|   |  | 11. Мақалла, участка, даҳа:                           |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|   |  | 12. Қўча, тор кўча, берк кўча:                        |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
|   |  | /   |  | /                         |  | 14. Хона:                              |  |  |  |  |  |
|   |  | /   |  | /                         |  | 16. Уяли телефон рақами:               |  |  |  |  |  |
| 15. Телефон рақами:                                   |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 17. Электрон манзили:                                 |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| <b>ПАСПОРТИ</b>                                       |  | 18. серияси:  |  | 19. Рақами:               |  |  |  |  |  |  |  |
| 20. Қим томонидан берилган:                           |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 21. Қачон берилган (кун, ой, йил):                    |  | /   |  | /                         |  | 22. Амал қилиш мuddати (кун, ой, йил): |  |  |  |  |  |
| 23. Фуқаролиги: Ўзбекистон Республикаси фуқароси:     |  | чет эл фуқароси:                                      |  | фуқаролиги бўлмаган шахс: |  |  |  |  |  |  |  |
| 24. Фуқаролик юри:                                    |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 25. Жинси: эркак:                                     |  | аёл   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |
| 26. Тўлдирилган сана (кун, ой, йил):                  |  | /   |  | /                         |  |  |  |  |  |  |  |
| 27. Жамғариб бориладиган пенсия дафтarchаси рақами:   |  |   |  |                           |  |  |  |  |  |  |  |

28. Варақадаги ёзувларнинг аниқ ва ҳаққонийлигини тасдиқлайман.

Солиқ тўловчининг имзоси \_\_\_\_\_

**3-расм. Солиқ тўловчи-жисмоний шахсни рўйхатга олиш варақаси.**

Ушбу шакл туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этилади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан жисмоний қуйида келтирилаётган шаклда Солиқ тўловчининг

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида  
рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида  
Г У В О Х Н О М А

**УДОСТОВЕРЕНИЕ**

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и  
присвоении идентификационного номера налогоплательщику

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХС  
(НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК — ФИЗИЧЕСКОЕ ЛИЦО)**

Фамилияси:  
(Фамилия)

Исми:  
(Имя)

Отасининг исми:  
(Отчество)

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги  
солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилди:

(Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и  
ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН))

СТИР берилган сана:  
(дата присвоения ИНН)

ДСИ бошлиғи  
(начальник ГНИ)

Ф.И.О.:

Имзо  
(подпись)

Мухр  
(печать)

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
(дата печати удостоверения)

**4-расм. Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ  
қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами  
берилганлиги тўғрисида ГУВОХНОМА.**

Солиқ тўловчи — жисмоний шахсни рўйхатга олиш varaқасидаги маълумотлар ўзгарганда эса ушбу жисмоний шахс томонидан "Солиқ тўловчи — жисмоний шахсни рўйхатга олиш varaқасидаги маълумотлар ўзгариш varaқаси" шакл(11-илова) тўлдирилади. Жисмоний шахснинг мол-мулк, ер солиқлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлари асосида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан "Солиқ тўловчи — жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга қўйиш varaқаси"(12-илова) тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этилади ва мазкур маълумотлар Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш дастурий мажмуасига киритилади.

Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ҳамда адлия органлари томонидан рўйхатдан ўтказилмайдиган солиқ тўловчи — юридик шахсларни туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш учун солиқ тўловчи — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан "Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш varaқаси"(14-илова) тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг юридик шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади. Солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш varaқаси тўлдирилгандан кейин туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг юридик шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими уни ушбу давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчи— юридик шахсга Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилди, солиқ тўловчи—юридик шахснинг алоҳида бўлинмасига белгиланган шаклда Солиқ тўловчи—юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ кўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Солиқ тўловчи—юридик шахсни рўйхатга олиш варақасидаги маълумотлар ўзгарганда, солиқ тўловчи—юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда "Солиқ тўловчи-юридик рўйхат маълумотларидаги ўзгариш варақаси" (13-илова) шакли тўлдиради ва тегишли тартибда расмийлаштирилиб қўйилади. Солиқ тўловчи—юридик шахс тўғрисида қўшимча маълумотлар юзага келганда солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан "Солиқ тўловчи—юридик шахс тўғрисида қўшимча маълумотлар варақаси" тўлдирилади.

Солиқ тўловчиларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 83-моддасига кўра, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

солиқ тўловчи— жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — улар вафот этгандан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса; солиқ тўловчи—юридик шахслар—Ўзбекистон Республикасининг резидентлари—улар тугатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса; Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари—уларнинг Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилишини белгилаган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда ва шу кабилар.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма топширади. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга тааллуқли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида ҳам бундай ўзгаришлар киритилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай маълум қилиши лозим. Литсензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар бундай ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай ҳужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши лозим. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январ ҳолатига кўра маълумот бериши, шунингдек ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда - мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилади.

Сув ресурсларини ҳисобга олувчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойдаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт. Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳада тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилади. Ер ресурсларини ҳисобга олувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан ҳуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ берилганлиги (тугатилганлиги) ҳамда кишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати орган

ларига маълум қилиши лозим. Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс тўғрисидаги ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилади.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига депозитарийларда рўйхатга олинган аксияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт. Банклар юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга фақат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда

банк ҳисобварақлари очиши мумкин ва ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилади. Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилади.

#### **2.4. Турли даражадаги бюджетларга солиқ тўловларининг келиб тушиши жараёнини ҳисобга олиш тартиби**

Солиқ хизмати органларида бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш жараёни ҳам маълум бир тартибда амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифаси юклатилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши керак. Давлат солиқ хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини солиқ тўловчининг шахсий карточкасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек пена ва жарималарнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини ақс эттириш орқали юритади.

Солиқ тўловчининг шахсий карточкаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир тури бўйича очилади. Солиқ тўловчининг шахсий карточкасини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. Божхона органлари, товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда юритади. Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган айрим турдаги бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тушумларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ тушумларини ҳисобга олиш жараёнида солиқ хизмати органларидан ташқари бошқа молия-кредит муассасалари ҳам иштирок этади. Қайд этиш жоизки солиқ тушумларини ҳисобга олиш жараёни аввало ушбу тушумларни ҳисобга олувчи тегишли банк ҳисобварақларини(солиқ тўловчиларнинг эмас, балки, банкнинг ўзининг ҳисобварақлари) очиш талаб этилади. Шу мақсадда эса давлат бюджетига келиб тушган маблағларнинг

тўғри ва ўз вақтида кирим қилинишини таъминлаш мақсадида молия, солиқ, божхона ва бошқа ваколатли органларнинг хос рақамлари билан 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411 баланс ҳисобварақлари Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқноманинг (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) 2-иловасида келтирилган даромадлар турига асосан белгиланган шахсий ҳисоб рақамларга мувофиқ банкларда очилади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан қабул қилинади ва белгиланган тартибда 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411 баланс ҳисобварақларига кирим қилинади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар банклар томонидан 23411 баланс ҳисобварақига очилган мос шахсий ҳисоб рақамларга кирим қилинади ва ўрнатилган тартибда Давлат бюджети ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ўртасида тақсимланади. Давлат бюджетининг 23402, 23403, 20207 ва 20205 баланс ҳисобварақларининг шахсий ҳисоб рақамларга кирим қилинган маблағлар дастурий равишда белгиланган миқдорларда ажратма қилинади ва тўлиқ ягона ғазна ҳисоб рақамига ўтказилади. Бунда, ажратма қилинган маблағларнинг тегишли республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг Ғазначиликда очилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларига тўғри кирим қилинишини таъминлаш мақсадида дастурий равишда шакллантириладиган тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида уларнинг шахсий ғазна ҳисоб рақамлари алоҳида кўрсатилади.

Худудий молия органлари Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари билан биргаликда мазкур шахсий ғазна ҳисоб рақамлари рўйхатини хизмат кўрсатувчи тижорат банкига тақдим этади. Банклар ўз навбатида, ажратмаларни дастурий йўл билан тўғри тақсимланишини таъминлаш мақсадида тақдим этилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларини дастурга киритилишини таъминлаши лозим. Мазкур шахсий ғазна ҳисоб рақамларининг дастурга тўғри киритилганлиги банк, молия ва Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари томонидан ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига хатловдан ўтказилади ва уч томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш миллий валютада, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида амалга оширилиши мумкин. Бунда чет эл валютасида тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар аввал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли валюта ҳисобварақларига кирим қилинади ва белгиланган тартибда миллий валютага конвертация қилинади. Миллий валютага конвертация қилинган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мазкур даромадларнинг тегишлилигига қараб республика бюджетининг даромадига, ёки Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг даромадига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олиб борилади. Бунда чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан курсининг ўзгариши ҳисобига юзага келадиган ижобий фарқ республика бюджети даромадига кирим қилинади.

Юридик шахслар томонидан Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўланиши мумкин. Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мақсадида такдим этилган тўлов ҳужжатларининг тўғри тўлдирилганлиги ва тўлов тўғри амалга ошириладиганлиги банк томонидан текширилгандан кейин тўловга қабул қилиниши лозим. Банкларга такдим этилган тўлов ҳужжатлари нотўғри тўлдирилган бўлса, уларнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда тўлов ҳужжатлари такдим этувчиларга қайтарилди. Юридик шахслар томонидан ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи ҳамда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадалини Давлат бюджетига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки филиалида очилган 22628 баланс ҳисобварағининг 999 тартиб рақамига ўтказиш учун тўлов топшириқномасини жорий ойнинг иккинчи ярмида иш ҳақи олиш учун топширадиган чек билан ёки иш ҳақини пластик карточкасига ўтказётган бир вақтда такдим этилади.

Агар, банкка иш ҳақи олиш учун топширадиган чек билан ёки иш ҳақини пластик карточкасига ўтказётган бир вақтда тўлов топшириқномалари такдим этилмаса, иш ҳақи олиш учун нақд пул беришга ёки иш ҳақини пластик карточкасига ўтказишга рухсат этилмайди. Юридик шахслар томонидан даромад солиғи ва фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадалини ўтказиш учун банкларга такдим этилган тўлов топшириқномаларига «Тўлов мақсадида «\_\_» «\_\_\_\_\_» ойи иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи ёки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадали суммаси ўтказилди» деб ёзиб қўйилади. Юридик шахсларнинг ҳисобварақларида маблағлар етарли бўлмаса, банкларга такдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш бўйича тўлов топшириқномаси «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» кирим қилинади ва тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш бўйича тўлов ҳужжатлари, тегишли ваколатли органларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси банкнинг айби билан бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банк ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг 0,5(кичик бизнес субъектлари 0,33 фоиз миқдорда) фоизи миқдорда республика бюджетига пеня тўлайди. Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар алоҳида ёзилган тўлов ҳужжатларига асосан Давлат бюджети даромадлари ҳисобварағига кирим қилинади. Давлат бюджети даромадлари ҳисобварағига келиб тушган маблағларнинг кирим қилинганлиги тўғрисида ҳисобварақдан кўчирма ва иловалар банклар томонидан қоғоз ёки электрон файл кўринишида солиқ, боғхона ва бошқа тегишли органларга белгиланган тартибда такдим этилади.

## **2.5. Солиқ тушумлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби**

Давлат бюджети ва унинг таркибидаги бюджетларга солиқ тушумларининг келиб тушиши солиқ хизмати органлари банклар ва молия органлари ўртасидаги молиявий муносабатлар доирасида амалга оширилади. Солиқ тушумларининг ҳисобини олиб бориш учун юқорида келтириб ўтилган банкларнинг ва Ҳазначилик органларининг махсус ҳисобварақларидан ташқари Давлат бюджетига тушумлар бўйича маълумотларни тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва айирбошлашни амалга оширишни автоматизациялашган жараёни учун мўлжалланган воситалар мажмуи ҳисобланган Молия вазирлиги қошида АХМ ахборот тизими (МВАХМАТ), Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан, тижорат банкларидан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан келиб тушган, Давлат бюджетига тушумлар бўйича маълумотларни қайта ишлашда ишлатиладиган, таркибида СТИР электрон маълумотномаси, банк кодлари, худудлар, солиқ тўловчилар ва бошқа зарур кўрсаткичлардан фойдаланиладиган электрон ахборотлар маълумотномаси-Меъёрий ахборотлар маълумотномаси (ММ), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларидан ҳисобланган суммалар миқдори, солиқ тўловчиларнинг идентификация рақами (СТИР), банк ва бошқа керакли реквизитлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган, солиқ тўловчилар тўғрисидаги электрон маълумотлар базаси ҳам ташкил қилинади. Марказий банк, банклар ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан Давлат бюджетига тушумлар тўғрисида маълумотларни олиш, шунингдек қайта ишлаш

ва айирбошлаш Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади.

Давлат солиқ кўмитаси ўзининг ахборотлар базасидан ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш марказига солиқ тўловчиларнинг СТИР тўғрисидаги маълумотни, шунингдек ҳисобот чорагидан (йилдан) кейинги ойнинг 30-санасига ҳисобланган суммалар, тўлов муддати кечиктирилган суммалар ва мақсадли схемалар (1-Н сонли шакл ҳисоботида киритилмаган ҳолда) бўйича ўтказилган суммалар тўғрисидаги маълумотни қуйида келтирилган шаклда беради.

3-жадвал.

20\_\_ й. \_\_\_\_\_ га солиқ тўловчилар тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТ

| Ташкилотлар бўйича т/р | Т/р  | Солиқ тўловчиларнинг номи (вазирлик, идора ва бошқа тўловчилар) | СТИР | чорак учун ҳисобланган суммалар***: |
|------------------------|------|---|------|-------------------------------------|
| а                      | б    | в   | 1    | 2                                   |
| 1.                     | 1.   | «Ўзбекнефтегаз» МХК   |      |                                     |
|                        | 1.1. | Қарашли ташкилот 1  |      |                                     |
|                        | 1.2. | Қарашли ташкилот 2  |      |                                     |
| 2.                     | 2.2. | «Ўзбекэнерго» ДАК   |      |                                     |
|                        | 2.1. | Қарашли ташкилот 1  |      |                                     |
|                        | 2.2. | Қарашли ташкилот 2  |      |                                     |
| ...                    | ...  | <b>Бошқа солиқ тўловчилар</b>                                   |      |                                     |

Бу маълумотномада ойлик равишда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига жадвалнинг 1-устуни, шунингдек ҳисобот чораги (йили)дан кейинги ойнинг 30-санасига қўшимча равишда 2-4-устунлари тўлдирилган ҳолда тақдим қилинади ҳамда Давлат бюджетига тушумлар устидан мониторинг амалга ошириладиган барча вазирлик ва идоралар кўрсатилади. Бошқа солиқлар туркумида эса Солиқ тўловчилардан тушумларнинг барча турлари бўйича умумлаштирилган солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларидаги ҳисобланган суммалар тўлиқ кўрсатилади. Банклар ҳар куни эрталаб соат 10<sup>00</sup> гача Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош марказига "Банклар томонидан(қундалик равишда) тушган пул маблағлари юзасидан 230402 ҳисоб бўйича шахсий ҳисобварақдан кўчирмага талаблар" ҳужжатида кўзда тутилган талабларга мувофиқ шартли ҳисобварақлар рақами кесимида баланс рақами

23402 «Республика бюджетининг маблағлари» ҳисобварақлардан, маълумотлар тақдим қилинадиган кундан олдинги, охири амалиёт куни учун шахсий ҳисобварақлардан пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги кўчирмалардан маълумот берадилар, Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази эса мазкур маълумотларни эрталабки 11<sup>00</sup> гача Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш марказига юборади.

4-жадвал.

Банклар томонидан (қундалик равишда) тушган пул  
мблағлари юзасидан 23402 ҳисоб бўйича шахсий ҳисобварақдан  
кўчирмага  
ТАЛАБЛАР

| Т/р | Номи  | Реквизит тури | Максимал қиймати |
|-----|---|---------------|------------------|
| 1.  | Солиқ тўловчининг номи  | Текст/символ  | 70               |
| 2.  | Солиқ тўловчининг СТИР  | Рақам         | 9                |
| 3.  | Олувчи банкнинг номи  | Текст         | 80               |
| 4.  | Олувчи банкнинг МФО коди  | Рақам         | 5                |
| 5.  | Олувчи ДСҚ ҳисоб рақами номери                                  | «             | 20               |
| 6.  | Тўлов ҳужжати рақами  | «             | 10               |
| 7.  | Сумма   | «             | 17               |
| 8.  | Ҳужжат тури   | «             | 2                |
| 9.  | Тўлов мақсади   | Текст/символ  | 175              |
| 10. | Сана  | Date          | 10               |
| 11. | Олувчи солиқ инспекцияси СТИР (мавжуд бўлганда) ёки «000000000» | Рақам         | 9                |

Ахборотларни қайта ишлаш натижасида олинган маълумотларнинг бир хиллигини таъминлаш учун Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош маркази Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш марказига шахсий ҳисобварақ ва банк кодлари бўйича амалдаги маълумотномаларни, шунингдек ушбу маълумотномаларга киритиладиган кейинги ўзгартиришларни тақдим қилади. Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш маркази ахборот тизимининг маълумотлар базаси Давлат бюджетига тушумлар тўғрисида оператив маълумотларни Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасига тезкор тақдим этиш ва Давлат бюджетига тушумлар суммасини солиқ тўловчилар кесимида, уларнинг шахсий ҳисобварақларидан ҳисобланган суммалар ҳисобини юритиш мақсадида Давлат солиқ кўмитаси ва банклардан қабул қилинган маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва айирбошлашни таъминлайди.

Маълумотлар Тарафлар томонидан телекоммуникация тармоғи каналлари орқали Молия вазирлиги Ахборот ҳисоблаш маркази кўрсатган манзилдаги электрон почтага электрон шаклда (файл кўринишида) тақдим қилинади.

Телекоммуникация тармоғи каналлари орқали бериладиган барча маълумотлар текст кўринишида (АСС) бўлиши шарт ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги алгоритм бўйича шифрланади.

Молия вазирлигининг АХМ ахборотлар тизимининг маълумотлар базаси (ММ) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар маълумотномаси;
- б) шартли ҳисобварақлар рақами (ШХР);
- в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);
- г) банк реквизитлари номи;
- д) бошқа ахборотлар электрон маълумотномаси.

Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш маркази Давлат солиқ қўмитасидан олинган маълумотлар асосида Молия вазирлиги АХМ ахборот тизими (МВАХМАТ)да Марказий банк ва банклардан олинган маълумотларни қайта ишлайди ва таҳлил қилади ва кунлик асосда қуйида келтирилаган жадвалдаги шаклга асосан Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги тезкор маълумотларни шакллантиради ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади.

Барча чиқадиган маълумотлар Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш марказида ахборот тизимида мавжуд маълумотлар базаси асосида шакллантирилади ва унинг тегишли кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Давлат бюджетига келиб тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга белгиланган миқдорда ажратма қилинади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдорини Ғазначиликка, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоят (шаҳар) молия бошқармаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига етказилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз навбатида ажратмалар миқдорини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҳамда тижорат банкларининг Бош офисларига ижро учун юборади. Ғазначилик Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдорини Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларига етказилади.

| Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги |     |  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|---|-----|--|----------------------------|---------|---------|---------|---------------|---------|------|-------------|--|-----------------|-----|----|---|-----|--|
| ТЕЗКОР МАЪЛУМОТЛАР  |     |  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
| (минг сўм)  |     |  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
| Ташкилотлар бўйича  | Т/р | Солиқ тўловчилар номи (вазирлик, идоралар ва бошқа солиқ тўловчилар) | Ҳисобот кунини учун тушган | Сумма   |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    | Максадли схемалар (1-Н сонли шакл хисоботи киритилмаган ҳолда) бўйича | ... |  |
|   |     |  |                            | Жами    |         |         | Биринчи чорақ |         |      | Хисобланган | Камом ад (уст. 10 – уст. 12 – уст. 13) | Муҳлат берилган | ... |    |   |     |  |
|   |     |  |                            | прогноз | ҳақиқий | прогноз | шу жумладан:  |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     |  |                            |         |         |         | январь        | февраль | март |             |  |                 |     |    |   |     |  |
| а   | б   | в  | 1                          | 2       | 3       | 4       | 5             | 6       | 7    | 8           | 9                                      | 10              | 11  | 12 | 13  |     |  |
| 1.  | 1.  | «Ўзбекнефтегаз» МХК (жами):<br>Қарашли ташкилот 1                    |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     | Қарашли ташкилот 2   |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     | ...  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
| 2.  | 2.  | «Ўзбекэнерго» ДАК (жами):  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     | Қарашли ташкилот 1   |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     | Қарашли ташкилот 2   |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     | ...  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |
|   |     | ЖАМИ:  |                            |         |         |         |               |         |      |             |  |                 |     |    |   |     |  |

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар (Тошкент шаҳар) молия бошқармалари тегишли ажратма қилиш миқдорини ҳар бир шаҳар ва туман молия органларига етказилади, шаҳар ва туман молия органлари эса, ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларига ва тегишли тижорат банкларига етказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар (Тошкент шаҳар) молия бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон

Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдорини асоссиз равишда ўзгартиришга ҳақли эмас. Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратма қилиш миқдори, шунингдек тегишли бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари жорий йил давомида ўзгарса, белгиланган тартибда қўшимча хабар қилинади.

Давлат бюджети даромадлари ҳисобига келиб тушган кунлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар банклар томонидан дастурий равишда ўрнатилган ажратма миқдорида жорий амалиёт куни давомида амалга оширилади ва ҳар бир тегишли бюджетлар бўйича алоҳида мемориал ордерлар билан шакллантирилиб тўлиқ ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилади. Бунда, дастурий равишда шакллантирилган мемориал ордерларнинг тўлов мақсадида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари алоҳида кўрсатилади. Давлат бюджети даромадлари келиб тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ҳар бир шахсий ҳисобварақлар бўйича алоҳида амалга оширилади.

Бюджетга ортикча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг ёзма аризасига қўра қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ёхуд бошқа тўловлар ҳисобига ўтказилади. Давлат бюджетига ортикча тўланган божхона тўловлари Ортикча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқномага (қаранг: рўйхат рақами 947, 2000 йил 14 июль, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) асосан тартибга солинади. Ортикча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ортикча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади.

Молия органлари бюджетга ортикча ўтказилган солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни солиқ тўловчиларга қайтариш ёки келгуси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органларининг ёзма хулосасини олган кундан кейинги иш кунидан кечикмасдан банкларга тўлов топшириқномаларини тақдим этади. Молия ва бошқа тегишли ваколатли органлар томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномасига асосан бюджетга нотўғри ёки ортикча ўтказилган маблағларни 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411 баланс ҳисобварақларининг мос шахсий ҳисобварағидан кунлик тушумлар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилишдан олдин бошқа тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки солиқ тўловчиларга қайтарилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг мос даромадлар ШХР га келиб тушган кунлик тушумлар етарли бўлмаганда молия органлари томонидан банкларга тақдим этилган тўлов топшириқномалари бўйича тўловларни қисман тўлашга рухсат этилади. Алоҳида ҳолларда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг мос даромадлар шахсий ҳисобварақга келиб тушган кунлик тушумлар етарли бўлмаганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хулосасига асосан тегишли молия органларининг тўлов топшириқномаларига мувофиқ солиқ тўловчига ягона ғазна ҳисобварағидан (тегишли бюджетларнинг тушумларини камайтирган ҳолда) қайтаришга рухсат этилади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Солиқ статистикаси, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ объектларини ҳисобга олиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, юридик шахсларнинг Давлат реестри, юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларининг давлат реестри, солиқ тўловчилар идентификация рақами, корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома, солиқ тўловчи-жисмоний шахсни рўйхатга олиш варақаси, солиқ тўловчи — жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга қўйиш варақаси, солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш варақаси, баланс ҳисобварақлари, шахсий ғазна ҳисоб рақамлари, АХМ ахборот тизими, СТИР электрон маълумотномаси, банк кодлари, меъерий ахборотлар маълумотномаси, мемориал ордер.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Солиқ статистикасининг моҳияти нимани айтиб бering.
2. Солиқ статистикасининг таркиби нималардан иборат?

3. Солиқ тўловчиларнинг солиқ статистикасини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби қандай?

4. Солиқ объектларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олиш механизмини тушунтириб беринг.

5. Солиқ тўловчилар ва солиқ объектларининг статистикаси билан боғлиқ давлат ваколатли органларнинг фаолияти қандай йўлга қўйилган?

6. Солиқ тушумларини банк муассасаларида ҳисобга олиш тартибини айтиб беринг.

7. Ғазначилик органларида бюджетга келиб тушадиган солиқ тушумлари қандай ҳисобга олинади?

8. Солиқ тушумларни ҳисобга олиш учун тижорат банкларида қандай баланс ҳисобварақлар очилади?

9. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан қабул қилиниш тартибини тушунтириб беринг.

10. Солиқ тушумлари ҳақидаги маълумотлар Молия вазирлигида қандай умумлаштирилади?

11. Марказий банк томонидан бюджетга солиқ тушумларини ҳисобга олиш тартиби ва у ҳақда ахборотларни умумлаштириш тартиби қандай ташкил қилинади?

12. Солиқ тўловчилар идентификация рақами нима?


13. Корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи деганда нима тушунилади?

14. Шахсий ғазна ҳисоб рақамларининг мазмуни ва уларни ташкил этишдан мақсад нима?

### 3-БОБ. СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

#### 3.1. Прогноз ва унинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари

Табиат ва жамиятда юз берадиган табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараён(ҳодиса, воқеялик)ларнинг ривожланиш хусусиятлари ва уларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашнинг шакллари сифатида илмий жамоатчилик ўртасида гипотеза, прогноз ва режа каби шакллари тан олинади. Жараёнларни олдиндан кўра(айта) олишнинг ушбу шакллари илмий-тадқиқот методологиясида ҳам муҳим ўрин тутади.



#### 5-расм. Олдиндан кўра(айта) олиш шакллари.

Гипотеза қадимги грек тилидан олинган бўлиб "ὕποθεσις"- "тахмин" деган маънони билдириб, табиат ва жамиятдаги жараёнларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда муҳим методик вазифани ўтайди. Файласуфлар ва илмий тадқиқот методологияси билан шуғулланувчи олимларнинг умумий фикрига кўра гипотеза ҳақиқат ва ёлғоннинг ўртасида мавжуд бўлиб, унга асосланган ёки уни қўллаш натижасида олинган натижаларга қараб унинг ҳақиқатга ёки ёлғонга айланади. Шу билан биргаликда гипотеза илмий тадқиқот жараёнларида бошқарувчи ролни ҳам ўйнайди ва у илмийлик хусусиятлари билан қоришиб кетади. Гипотеза шу туфайли ҳам табиат ва жамиятдаги рўй берадиган ҳодиса ва воқеялик ҳамда муносабатларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Гипотезанинг қўйилиши эса илмийликка ундайди ва шу орқали у прогноз тушунчаси билан қоришиб кетади. Прогноз эса таъкидаб ўтганимиздек, гипотезаларга таянган ҳолда илмий-қонуниятларга асосланади. Ўрганилаётган жараённинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда уларни бирга қўллаш муҳим методик йўлланмаларни беради ва улар биргаликда режаларни шакллантиришга асос бўлади.

Прогнозлаштириш бошқарув тизимининг муҳим ва зарурий элементи ҳисобланади. Прогнозлаштириш натижасида бошқарув жараёнида бошқарув объектининг келгусидаги ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларнинг йўналишлари аниқланади. Бошқарувни амалга оширишдан қўзланган мақсаднинг эришишнинг тактик йўналишлари ва унга ўзгартириш имконияти пайдо бўлади. Россиялик иқтисодчи олим Н.Н. Моисевнинг таъкидлашича<sup>5</sup> ҳар қандай иқтисодий объектни прогнозлаштириш учта хусусиятга: тизимлилик, объективлилик ва билиш мумкинлик(познаваемость) кабиларга эга бўлади, шу жиҳатдан ҳар қайси объектни прогнозлаштириш жараёнига фундаментал нуқтаи назардан қарашга тўғри келади. Иқтисодиётда объектив равишда юз берадиган жараён ва ҳодисалар моҳияти ва ўрнига қараб мураккаблилиги билан фарқланади. Ушбу жараёнларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлаш ўз-ўзидан ҳам шундай мақомда бўлади. Иқтисодий назарияларда бундай жараёнларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашга доир йўналишлар пайдо бўлишига туртки бўлди, провардида эса мураккаблик ва хаос(тартибсизлик) назариялари вужудга келди.<sup>6</sup>

Мураккаблик назариясига кўра иқтисодий жараёнларни прогнозлаштириш мураккаблигига қараб мураккабланиши ва прогноз натижаларининг объективлиги ҳам паст бўлади. Ушбу назарияга муқобил равишда "хаос назарияси" тарафлари эса мураккаб ҳодисаларни прогноз қилиш натижаларида вариантларнинг энг ишончлилисини танлаш муносабатларига катта эътибор беради. Ушбу назарияда мураккаб ҳодисаларни прогноз қилишда образлар сценарияси ва трендлар сценарияларга асосланиш лозимлиги таъкидланади. Баъзи бир назарий қарашларда масалан, В.М.Колпаковнинг фикрича ҳар қандай объектни прогноз жараёнида энг муҳим нарса аниқлик даражасини аниқловчи -рискларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Рисклар ва ташқи омилларни баҳолаш иқтисодий ноаниқлик даражасини белгилаб беради, рисклар омилларнинг тескари таъсирини кучайтиради.<sup>7</sup> Қайд этилган назарияларга кўра ҳар қандай иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш вариантларнинг муқобиллигини тўғри танлашга, иқтисодий объектнинг ички хусусиятида ва тўсатдан юз берадиган ҳодисаларни тўғри баҳолашга, қолаверса, ҳар қандай иқтисодий объектни прогнозлашда мураккаб жиҳатларни

<sup>5</sup> Моисеев Н.Н. Избранные труды (в 2-х томах). Т.2. Междисциплинарные исследования глобальных проблем. – М.: Тайдекс Ко, 2003. – 64 с.

<sup>6</sup> Каранг: 1.Пригожин И., Стенгерс И. Прядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. – 132 с.


2. 2. Ласло Э. Макросдвиг (К устойчивости мира курсом перемен) / Пер. с англ. Ю.А. Данилова. – М.: Тайдекс Ко, 2004. – 207 с.

<sup>7</sup> Колпаков В.М. Теория и практика принятия управленческих решений. – К.: МАУП, 2004. – 504 с.

оддийликдан фарқлашни, ўз навбатида қўлланилидиган ёндошувларни ажрата олишдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият қилинган харажатлар ва унинг натижаларини баҳолашга, бошқача сўз билан айтганда фаолиятини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришга асосланади. Бироқ, иқтисодий фаолият мураккаб иқтисодий маконда кечади, иқтисодий фанлар, жумладан иқтисодий прогноз қилишнинг асосий вазифаларидан бири ҳам олдиндан аниқлаш қийин бўлган вазиятларнинг салбий таъсирини юмшатовчи тадбирларни аниқлашдан иборат бўлади. Жамият цивилизацияси даражаси прогноз жараёни даражасини ҳам белгилаб берган. Оламни илмий билишда фалсафий қарашларнинг бирламчилиги прогнознинг вужудга келиш илдизлари ҳам фалсафий қарашларга бориб тақалади. Шу жиҳатдан олганда прогноздан кўра башоратлар кўпроқ роль ўйнаган.

Тадқиқотларга асосланиб айтиш мумкинки, башорат ва прогноз каби тушунчалар илмий категориялар сифатида ўхшаш бўлсада, аммо жараён(ҳодиса, муносабат, воқеялик)ларнинг келгусидаги ҳолатини изоҳлашда ички мазмуни жиҳатдан фарқланади.



### 6-расм: Башорат ва прогноз тушунчаларининг фарқланиши.

Бу фарқланиш уларнинг моҳияти билангина эмас, шунингдек, уларда қўлланиладиган усуллар ва натижаларнинг ишончлилиги билан фарқланади. Натижаларнинг фарқланиши эса ҳар доим ҳам бир хил бўлмаган. Дастлабки, вақтларда диний башоратларда бошқаларга нисбатан устунлик юқори бўлган. Фалсафий қарашлардаги башоратларда эса аксарият ҳолларда башоратлар гайритабий хусусиятларга эга бўлган. Шу боисдан иқтисодий адабиётларда<sup>8</sup>

<sup>8</sup> Каранг: В.С.Панфилов. Финансовое и экономическое прогнозирование: методология и практика. М.: Макс Пресс, 2009 - 472 с.; Вишнев С.М. Основы комплексного прогнозирования. М.: Наука ка, 1977. 57-62 с.; Анчишкин А.И. Методология прогнозирования развития народного хозяйства // Вопросы экономики. 1980. № 1. 46-47с.; Модели и методы налогового прогнозирования на макроуровне Васильева М.В. Управленческий учет, (2011), 12 (декабрь), с55-63.; Налоговое прогнозирование Лавренчук Е.Н. Экономические науки, (2011), 74 (январь), с 257-260.

башоратлар теологик ва интуитив турлар бўлинади. Теологик башоратлар замирида диний қарашлар ётади. (Теология (юн. theos — худо ва ...логия) — худонинг моҳияти ва иродаси ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи.) Теологик башоратларнинг аксарияти худо томонидан инсониятга юборилган пайгамбарлар, валий, илоҳий қобилиятга эга шахслар томонидан инсоният келажаги, диний муносабатларнинг ривожланиш ҳолатлари, дунёнинг интиҳоси ва шу каби масалаларга бағишланган бўлиб, уларда иқтисодий масалалар деярли ўрин олмаган.

Тарихий эволюцион ривожланиш натижасида турли хил қарашларнинг вужудга келиши башорат борасида ҳақиқатни далил билан исботламасдан, бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилиятига, фикран илғаб олиш («ақлига келиш») йўли билан тажриба доирасидан чиқиш, шахсий қобилияти ёки билиб олинмаган алоқалар, қонуниятларни жонли шаклда умумлаштиришга асосланган интуитив башоратлар вужудга кела бошлади. Интуиция - латинча "intuitio — синчиклаб қарайман" деган маънони англатиб башорат қилишнинг мазкур тури мутахассисларнинг фикрича ҳиссий, ақлий ва мистик турларга бўлинади ва башорат қилиш ҳам инсоннинг ақлий мушоҳада ва бошқа сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда интуитив сезишга оқибатида, ҳодисаларнинг моҳиятини бирданига ақл билан илғаб олиш натижасида, илоҳий қудрат билан мулоқот жараёнида вужудга келадиган мутлақо онгсиз илоҳий илҳом мистик идрок қилиш натижасида олдиндан айтишга асосланади.

Манбаларга кўра бундай йўналишдаги башоратларга асосланган ҳолда давлатни идрок қилиш тажрибалари ҳам мавжуд, чунончи, қадимги Римда "Сивиллинлар китоби" деб ном олган китобдаги башоратлар давлатни бошқариш ва унинг келгусидаги мақомини аниқлашнинг муҳим манбаи сифатида фойдаланилган.<sup>9</sup>

Аммо оламни билишга, унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган билимларнинг чуқурлашиб бориши башоратни илмий асосланган ва идеологияга асосланган турларига бўлинишга олиб келди. Башоратнинг бундай тарзда қўйилиши рутинли(мутаассибликка) ва динамикага асослаган ижтимоий ҳаёт кечириш, қолаверса иқтисодиётни юритишга маълум бир даражада туртки бўлди, яъни жамиятнинг ривожланиши, унда инсонларнинг турмуш тарзининг келгусидаги ҳолати муттассибликка боғланганлиги иқтисодий тараққиётни ривожланмаслигига салбий таъсир этган, иқтисодий фаолликни, тараққиётни сусайтирган, иқтисодий индивидлар онгига таъсир салбий қилган. Фаннинг ривожланиб бориши эса башоратнинг

<sup>9</sup> В.С.Панфилов. Финансовое и экономическое прогнозирование: методология и практика. М.: Макс Пресс, 2009 - 17 с.

илмий асосланишга ўтишини тезлаштирди, жамиятдаги объектив қонуниятлар кашф этила бошланди, провардида эса башорат билан биргаликда прогнозлаш жараёнлари кучайиб борди. Бундан кўринадики, прогноз тушунчаси башоратдан илмий асосланганлиги, қонуниятларга, таҳлилларга ва мушоҳадалашнинг тартибли амалга оширилишига асосланиши билан фарқли хусусиятларга эга бўлади.

Прогноз қилиш жараёнининг ижтимоий илдизини албатта инсониятнинг олами билиши ва унда унинг ўрни келажакда қандай бўлиши мумкинлигини билишга интилишига бориб тақалса, унинг иқтисодий илдизини кишилик жамиятида тақсимот муносабатларининг мураккаблашиб бориши, жамият цивилизацияси натижасида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ажралуви натижасида улар ўртасидаги нисбат(пропорция)ни ўрнатишга эҳтиёжнинг мавжудлиги ташкил этади.

Бошқача қилиб айтганда соҳалар ўртасидаги нисбат муносабатларини ўрнатиш эса давлатнинг жамиятда синфий сиёсий куч сифатида юзага келишини тақозо этади. Ўз навбатида эса давлат бундай пропорцияларни таъминлашда тақсимот муносабатларини тартибладан фойдаланади, яъни ишлаб чиқариш соҳасида яратилган қийматни қайта тақсимлаш мақсадида турли хил марказлашга пул фондларини ташкил этиш билан ҳал этади. Албатта бундай пул фондлари сифатида давлат бюджети(ҳазинаси)нинг манбаларини аниқлаш, уни чамалаш(прогноزلаш) давлат молия хўжалигининг муҳим қирралари сифатида намоён бўлади. Бундан кўринади, давлат жамиятда тақсимот муносабатларида фаол иштирок этиб, ўзининг фаолиятининг молиявий асосларини таъминлашга ҳаракат қилади, бундай молиявий манбаларни жорий этиш, уни ундириш билан биргаликда унинг даражасини(келажакдаги ҳажмини) доим аниқлашб туриш унинг манфаатларига мос келади.

Манбаларга <sup>10</sup> кўра прогноз қилишнинг шаклланиши маълум бир босқичларга эга. Юқорида таъкидлангандек, дастлабки прогнозлаш ва режалаштириш башорат тусида бўлган. Бу жараён асосан фалсафий-тарихий шаклланиш деб аталиб, унда диний, ҳиссий ва философфик ёндошувлар устун бўлган ва эраמידан аввалги IV-V асрларгача ушбу йўналишдаги башоратлар ҳукмрон бўлиб, фалсафий башоратларнинг асосини Платон ва Конфуцийлар таълимоти ташкил этади. Кейинги босқич XV-XVI асрларга тегишли бўлиб, бу босқичда назарий ва амалий ишланмалар чуқурлаштирилди, башоратлар

<sup>10</sup> Қаранг: Едророва, В.М. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации/ В.М. Едророва, Н.Н. Акимов // Финансы и кредит. – 2008. - №17 – С.51-54.; Винокурова, Г.П. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: учебное пособие / Г.П. Винокурова. – Йошкар-Ола.: МарГТУ, 2003. – 46 с.; Васильева, М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. - №6 – С.63-73.


инсоннинг ақлий фаолияти натижаларига таянилди ва башоратда ташқи муҳитнинг таъсирлари баҳоланди ва мантикий хулосаларга асосланди. XIX-XX асрларда прогноз ва режалаштиришда муҳим босқич бўлиб, бу даврларда прогнозлаштириш ва режалаштириш жараёнларида турди хил моделлар ва методлар қўлланила бошланди, прогноз кўрсаткичлари режалаштиришда, қолаверса давлат бошқарувида эътиборга олина бошланди. Прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ҳозирги босқичи асосан XX асрдан то ҳозирги кунларгача даврни қараб олиб, бу даврларда прогнозлаш жараёнини алгоритмлаш, унинг инофрмацион базасини ошириш, ахборот технологиялардан кенг фойдаланила бошланди, унинг натижаларининг ишончлигининг ошиши, прогноз жараёнига таъсир қилувчи омилларни баҳоланишнинг чуқурлашуви билан изоҳланади.

### 3.2. Иқтисодий прогнозлар ва уларнинг моҳияти

Прогноз-грекча(prognosis) сўз бўлиб-“олдиндан кўра билиш,” “олдиндан айтиш” деган маънони билдиради. Иқтисодий-ижтимоий моҳияти бу- кўзланган мақсадга эришиш(иқтисодий ҳолатга эришиш)нинг илмий асосланган ҳолда турли хил вариантларини баҳолашдан иборатдир.

Прогноз қилиш турлари жуд кўп. Чунки, айтиб ўтганимиздек, табиат ва жамиятдаги ҳар қайси жараён ва ҳодисаларда ривожланиш жараёни давом этадики, уларнинг келгусидаги ҳолатини билишга интилиш прогноз жараёни орқали амалга оширилади. Прогноз тушунчаси ва унинг моҳиятини ўрганиш мақсадида уларни маълум бир мезонлар асосида гуруҳларга ажратиш мумкин. Шу жиҳатдан уларни ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қараб олиши; кўлами ва функционал белгисига кўра гуруҳланади.

Бундай гуруҳлаш улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг йўналишларини, яъни бир-бирига таъсирини аниқлаш имкониятини ҳам кучайтиради. Табиий-иқлим жараёнларни қараб олувчи прогноз гуруҳига кирувчи прогноз турлари, яъни, масалан, ресурсларни прогнозлаштириш ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича прогноз кўрсаткичларида муҳим роль ўйнаса, демографик прогнозлаштириш эса жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва пенсия фондининг маблағларини прогноз қилиш ҳамда реал жисмоний шахслар бўйича солиқ тўловчиларнинг динамикасини ҳамда аҳолининг даромад келтирувчи ва трансферт олувчилар ўртасидаги нисбатни кўрсатиб беради.




7-расм. Прогноз турлари.

Илмий-техникавий жараёнларни прогноз қилиш ва унинг илғор натижалари оқибатида эса ишлаб чиқариш ва унинг омилларини жойлаштиришга имкон яратади, чунончи, атом электр энергиясидан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқилиши энергия ишлаб чиқариш ва унинг истеъмолини аниқлашнинг прогноз кўрсаткичларига катта таъсирга эга, ахборот технологиялари соҳасидаги янги ўзгаришлар, бу соҳадаги прогнозлар янги турдаги "маҳсулотларни" беради, уларнинг амалга оширилиши эса бошқа соҳалардаги тараққиётни кучайтиришга хизмат қилиши билан бир қаторда прогноз жараёнларини тезлаштиришга ёрдам беради(масалан, Excel программаси, дастурий маҳсуллар, эконометрик ҳисобларни амалга оширувчи махсус программалар ва шу қабилар.)

Прогноз турларини макро ва микро даражада гурухлаш улар ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш билан биргаликда прогнозни амалга ошириш жараёнларининг ташкилий жиҳатлари ва уларда қўлланиладиган методлар, прогнознинг олдига қўйилган мақсад ва олинadиган натижаларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Макроиктисодий прогноз миллий иқтисодиёт даражасида кечадиган ва макро даражада юз берадиган умумий қонуниятларга бўйсинадиган жараёнларни қамраб олиб, миллий иқтисодиёт, соҳалар, тармоқлар, ҳамда халқаро муносабатларга оид прогноз кўрсаткичларини ифодаласа, микродаражадаги прогноз ҳудудлар, корхоналар, жисмоний шахслар кесимида прогноз қилинаётган объектларнинг прогноз кўрсаткичларини акс эттиради. Таъкидлаш лозимки, прогноз турлари ичида иқтисодий прогноз ҳам кўлами, ҳам мураккаблиги, қолаверса, бошқа прогнозларнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эгадир(8-расм).

8-расмдан кўринадики, иқтисодий прогнозлар ҳам кўлами, муддатлиги, функционал белгиси, жараёнларни қамраб олишига кўра маълум гурухларга бўлинади. Иқтисодий прогнозлар муҳим хусусияти шундаки, улар бир томондан иқтисодий қонунлар асосида мавжуд бўлиб ҳаракат қилса, бошқа томондан уларнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар ҳам ички жиҳатдан ҳам ташқи жиҳатдан таъсир этади.

Иқтисодий прогнозларни тўғри амалга ошириш фақат уларнинг ички хусусиятларини эмас, балки, бошқа омилларнинг хусусиятларини ҳам бирдек баҳолашни тақозо қилади, бу иқтисодий прогнознинг бошқа прогнозлардан муҳим фарқини ифодалайди. Масалан, аграр тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичларида табиий-жуғрофий омилларнинг таъсири устун аҳамиятга эга, қайта ишлаб тармоғининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари эса кон рудаларининг жойлашув ва уларнинг таркибининг хусусиятларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Иқтисодий прогнозлар функционал белгисига қараб туркумлаш уларни тадқиқ этишнинг йўллари аниқлашга хизмат қилади, шу жиҳатдан улар нормативли, изланувли, миқдорий, сифатий ва комбинациялашган турларга ажратилади.



8-расм. Иқтисодий прогноз.

### 3.3. Солиқларни прогноз қилишнинг иқтисодий моҳияти

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши жараёнида солиқ сиёсати ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларни давлат томонидан рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, бу соҳадаги ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири бу бюджет жараёни ва солиқ тушумларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, қолаверса, солиқларнинг йиғувчанлик даражасини ошириш, шу орқали бюджет даромадларининг бир маромда шакллантиришга эришишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. Айтиш жоизки, ...устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизнинг такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ”<sup>11</sup>. Солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришда бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигини таъминлаш, унинг негизида бош масалалардан бири бўлган бюджет даромадларини режалаштиришда солиқ салоҳиятини эътиборга олган ҳолда солиқ тушумларининг бюджетга келиб тушишини таъминлашга қаратилган солиқларни прогноз қилиш жараёнини ташкил этиш ҳисобланади.

Бироқ, бу жараён ҳозирги кунда фундаментал муаммолардан бири сифатида намоён бўлиб келмоқда. “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1257-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида солиқ хизмати органлари тизимида “.....ишларни ташкил этишнинг замонавий шакл ва методларидан зарур даражада фойдаланилмаяти...” деб кўрсатиб ўтилганлиги бошқа жараёнлар сингари солиқ тушумларини прогноз қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмаганлигини ҳам билдиради.

Демак, бюджет-солиқ муносабатларининг самарадорлик даражасида солиқ муносабатлари муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бизга маълумки, жамиятда эҳтиёжлар чексизлиги қонуният мавжуд, бу ҳолат давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжига ҳам тегишлидир. Молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг чексизлиги ва унинг ҳажмининг қанчалик кўплиги давлат фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлади. Албатта бу борада давлат солиқ сиёсатида прогрессив солиққа тортиш тамойилларини кучайтириш орқали масалани ҳал этиш мумкин, аммо, ушбу

<sup>11</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Тошкент, 2005. – 88 бет.

тамойил маълум бир вақтлар ва даврлардагина ўз самарасини бериш мумкин.<sup>12</sup> Миллий иқтисодиётдан узлуксиз равишда яратилган янги қийматни(миллий даромадни) бюджетга сафарбар этиш иқтисодиётда таназзулга олиб келиши бюджет-солиқ муносабатларига оид илмий назарияларда жуда кўплаб исботлаб берилган.<sup>13</sup>

Шундай экан, миллий иқтисодиётдан қанча миқдорда солиқ сифатида даромадларни бюджетга сафарбар этиш мумкин ва унинг ҳам иқтисодиётга ҳам бюджет орқали давлатнинг фаолиятига таъсирини мунтазам баҳолаб туриш домий муаоммолардан бири бўлиб юзага чиқади. Бу эса солиқларни бюджетга келиб тушиш даражасини, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имконияти (салоҳияти)ни аниқлашни зарурият қилиб қўяди. Албатта, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имконияти максимал даражада уларнинг ихтиёридаги молиявий ресурслар ҳажмида бўлиши мумкин. Бироқ, юқорида таъкидлаганидек, уларнинг молиявий ресурсларини ҳам уларнинг ўзлари ҳам давлат манфаатлари<sup>14</sup> йўлида оқилона тақсимлаш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Бу жараён аслида миллий иқтисодиётни социал-иқтисодий прогнозлаштириш ва унга асосланган ҳолда социал-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий иқтисодиётдаги социал-иқтисодий нисбатларни ўрнатиш мақсадида марказлашган пул фондларининг тўлақонли амал қилишини таъминлаш ўз навбатида давлатнинг молиявий бошқарув функциясини келтириб чиқаради.

Молиявий бошқарувнинг муҳим таркибий қисмини эса молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш ташкил этади. Молиявий режалаштириш жараёнида эса солиқларни прогноз қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг зарурлиги шундаки, иқтисодий муносабатлар бозор қонунлари доирасида стихияли тарзда кечади, солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган иқтисодий индивидларнинг фаолияти рақобат муҳитига боғлиқ бўлиб, улар турлича даражада даромадларга эга бўлади, уларнинг молиявий имкониятлари ҳам ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади, бундан ташқари уларнинг фаолиятига таъсир этувчи жуда кўплаб омиллар мавжуд бўладики, уларнинг таъсирида миллий даромадни ўзлаштириш даражаси табақалашади ва нотекисликни келтириб чиқаради провардида жамиятнинг солиқ имкониятларининг кескин фарқланиши объектив равишда мавжуд бўлади. Бундан ташқари бошқарув жараёнида қарорлар қабул қилишда илмий асосланган ахборотларга таяниш энг муҳим шартлардан бири саналади.

<sup>12</sup> Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнснинг прогрессив солиққа тортиш назариясининг АҚШ иқтисодиётига таъсирини эслаш мумкин.

<sup>13</sup> Масалан, А.Лаффер эгри чизигининг моҳияти.

<sup>14</sup> Давлат манфаатлари деганда уни икки томонлама тушуниш керак. Аслида давлат жамият аъзолари, жумладан, ишлаб чиқариш соҳаси вакилларининг ҳам манфаатларини кўзлайди.

Илмий асосланган ахборотларни олиш усулларида бири сифатида ҳам прогноз қилиш жараёни юзага чиқадики, бюджет-солиқ жараёнида қарорлар қабул қилишда прогнознинг, жумладан, солиқларни прогноз қилишга зарурлиги мавжуд бўлади. Солиқларни прогноз қилиш жараёни социал-иқтисодий прогнозлаштиришнинг таркибий қисми сифатида унинг зарурлиги, амалга ошириш тартиблари ва унинг натижаларининг қарорлар қабул қилиш(режалаштиришга асос қилиб олиниши)да миллий иқтисодиётнинг қайси тизимга асосланганлигига ҳам боғлиқдир.

Маълумки табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни зарурлигини келтирувчи чиқарувчи омиллар мавжуд бўлади. Айнан ушбу қонуният солиқларни прогноз қилиш жараёнига ҳам тегишли бўлиб, унинг зарурлигини ифодловчи бир қатор омиллар мавжуд.



9-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг зарурий омиллари.

Келтирилган расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилишнинг объектив зарурлигининг негизи аввало марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилишга боғлиқ бўлади ва фискал сиёсатнинг асосий ўзагини ташкил этади. Чунки, фискал сиёсат асосан пул фондларининг молиявий манбаларини аниқлаш ва уларни жалб этилишга қаратилган бўлади. Ўз навбатида солиқларни прогноз қилишнинг зарурлигини тавсифловчи ҳолатлар унинг

ўзига хос белгилари билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Режали тоталитар иқтисодиётга асосланган иқтисодий тизимда солиқларга муносабат ва уларнинг бюджетни шакллантиришдаги ролига мувофиқ равишда прогноз жараёнининг зарурлиги белгиланган ва амалга оширилган, яъни пассив ҳолатда бўлган. Бозор иқтисодиётга асосланган миллий хўжалик юритиш шароитида эса солиқларни прогноз қилишнинг зарурлиги, унинг молиявий бошқарувдаги роли ҳамда амалга ошириш тартиблари ўзгача, яъни фаол аҳамиятга эга бўлади.

Солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёни бошқа иқтисодий жараёнлардан алоҳида муҳим фарқи ва мураккаблиги шундаки, солиқни прогнозлаш жараёни бир томондан юқори эҳтимоликка асосланса, бошқа томондан ушбу жараённи тўғри амалга ошириш жуда кўплаб омилларнинг таъсирини тўғри баҳолаш ва чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳолда оқилона қарор қабул қилишни талаб этади. Албатта солиқларни прогноз қилиш жараёни маълум таркибга эга бўлади. Бизнингча у қуйидаги таркибга эга(10-расм).



10-расм. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг таркибий тузилиши.


Солиқларни прогноз қилиш жараёни аввало солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнларини прогноз қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга келиб тушишини прогноз қилиш, миллий иқтисодиёт, ҳудуд, тармоқлар ва алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш ҳамда бюджетни режалаштириш ва солиқларни прогнозлаш

натижаларини боғлиқлигини таъминлашдек ўзаро боғлиқ ва кетма-кетликка асосланган жараёнлардан иборат бўлади.

Иқтисодий прогноз умумий прогнозда қандай роль ўйнаса, объектларни қамраб олиши нуқтаи назардан молиявий прогнозлар ҳам иқтисодий прогноз гуруҳида шундай аҳамият касб этади. Молиявий прогнозлар таркибий жиҳатдан молиявий ресурсларни прогнози, бюджетни прогнозлаштириш, марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини прогнозлаштириш ҳамда солиқларни прогнозлаштиришдан иборат бўлади. Молиявий прогнозлар иқтисодий прогнозларнинг бошқа турларининг амал қилишининг муҳим шарти ва асоси ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки анъанавий иқтисодиёт молиявий маблағларга унчалик боғлиқ бўлмаслиги мумкин, аммо, цивилизациялашган иқтисодиёт шароитида молиявий прогнозларни амалга оширмасдан туриб, бошқа соҳаларнинг ривожланиш кўрсаткичларининг прогнози ҳақиқатдан йироқ бўлади. Масалан, агар молиявий ресурсларнинг амал қилиши ва уларнинг прогноз кўрсаткичлари аниқламасдан туриб ишлаб чиқаришнинг прогнозларини аниқлаш мантиқсизлик бўлади, чунки, ишлаб чиқариш омиллари жалб қилиш ва улар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш молиявий ресурсларсиз амалга ошмайди, ёки пулга бўлган талабни аниқламасдан туриб иқтисодиётни пул билан таъминлаш стихияли кечади ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишига салбий таъсир қилади. Шу билан биргаликда таъкидлаш лозимки, молиявий прогноз ичида ҳам солиқларни прогноз қилиш жараёни алоҳида ўринга эга.

Юқорида келтирилган 10-расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам маълум мезонларга асосан гуруҳланади. Бундай гуруҳланиш уларнинг моҳиятини ва улар ўртасидаги фарқ ва ўзаро боғлиқликини кўрсатиб беради. Солиқларни прогноз қилиш кўламига солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнларини прогноз қилиш, солиқ тушумларини бюджетга келиб тушиш жараёнини прогноз қилиш миллий иқтисодиёт, тармоқ, ҳудудлар, солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш (аниқлаш) каби жараёнларни қамраб олиб ўз навбатида унинг макро ва микро даражадаги жараёнларни қамраб олишини ифодалайди. Прогноз объектларини қамраб олиши жиҳатдан эса бюджетнинг солиқли даромадлар қисмини прогноз қилиш, солиқ ва мажбурий тўловларни прогноз қилиш ҳамда солиқ прогнозига таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ, бюджет, пул-кредит демографик, ташқи иқтисодий жараёнларнинг таъсирига оид муносабатларнинг йўналишларини прогноз қилишга ажралади.



11-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг гуруҳланиши.

Функционал белгисига қараб интуитивли, формациялашган, сифатий, микдорий ҳамда комбинациялашган гуруҳларга ажратилиши уларни тадқиқ


қилиш нуктаи назардан ёндошилади. Солиқларни прогноз қилишнинг муддатлилиги бўйича гуруҳланиши иқтисодий ва молиявий прогнозларда фаркли равишда уларнинг муддатлилиги оралиғи қисқароқ. Сабаби солиқларни прогноз қилиш жараёнининг кўпи билан 5-7 йилдан ортиқ муддатга кўрсаткичларини аниқлаш методик жиҳатдан мумкин бўлсада, аммо, солиқ тизими тез ўзгарувчан ва мослашувчан бўлганлиги сабабли уларнинг жуда узок муддатли прогноз кўрсаткичлари ҳақиқатдан узоклашиб қолади.

### 3.4. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, прогнознинг вазифалари ва тамойиллари

Солиқ прогнозининг моҳиятини аниқлашда яна муҳим босқичлардан бири бу унинг мақсади ва вазифаларининг белгиланишидир. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади - бюджет-солиқ сиёсатида белгиланган вазифаларга эришиш борасида бюджетга солиқ тушмумларини тушиши прогнозининг умумий ва хусусий қонуниятларини аниқлаш, миллий, ҳудуд ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятига баҳо бериш ҳамда бюджетни режалаштиришга оид муҳим натижавий ахборотларни тақдим қилишдан иборат бўлса, унинг вазифалари қуйидагилардан ташкил топади:

Келтирилган расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилишнинг вазифалари сифатида қуйидаги вазифалар юзага чиқади:

- Турли даражадаги бюджетларни оптимал режалаштириш учун унинг даромад манбаларининг келиб тушишининг турли вариантлардаги прогноз кўрсаткичларини аниқлаш;
- миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогнозларини аниқлашда муҳим ахборот манбалари билан таъминлаш;
- миллий иқтисодиёт, ҳудудлар, тармоқлар ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини мунтазам аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш;
- барча босқичдаги солиқларни прогноз қилиш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш;
- иқтисодиётдаги турли даражадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарурий ахборотларни шакллантириш;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда муҳим молиявий инструмент сифатида иштирок этиш;
- давлатнинг ЯИМни қайта тақсимлаш борасидаги ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлашга оид муҳим услубий йўналишларни кўрсатиб бериш ва ҳақозо.



### 12-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади ва вазифалари.

Ҳар қайси иқтисодий жараённинг ўзига хос белгилари бўлади. Ушбу белгилар унинг бошқа иқтисодий категориялардан фаркли жиҳатларини кўрсатиши билан бирга унинг ички хусусиятларини ҳам очиқ беришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан олганда солиқларни прогноз қилиш тушунчаси(жараёни)нинг ҳам ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб улар қуйидагиларда ифодаланади(13-расмга қаранг). Солиқ прогнозининг энг муҳим белгиларидан бири бу унинг мавҳумлигидир, яъни прогноз аслида мавҳум бўлган жараён ва ҳодисаларни қамраб олади, ушбу мавҳумликни аниқлаш эса прогноз жараёнини тўғри ташкил қилиш, унда қўлланиладиган методлар ва моделларни тўғри қўллаш ҳамда ахборот базасини тўғри шакллантирган ҳолда уларни тўғри қайта ишлаш каби тадбирлар(жараёнлар)га боғлиқ бўлади.



13-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг белгилари ва тамойиллари

Солиқларни прогноз қилишнинг мавхумлик белгиси эса ўз навбатида унинг кейинги белгиси бўлган эҳтимолликка асосланиш белгисини ҳам келтириб чиқаради (прогноз кўрсаткичлари доим эҳтимолий бўлади, унинг ҳаққонийлигини эса ҳақиқий ҳолат кўрсатиб беради), прогноз жараёнининг аниқлиги эса ўз навбатида таҳлиллар ва илмий асосланган ҳолда иш юритишни талаб этади. Прогнознинг яна муҳим белгилари сифатида албатта у олдиндан кўра билиш ва айтишлик тамойили асосида мавжуд бўлишлиги, жуда кўп омиллар таъсирига эгаллиги ҳамда натижаларнинг муқобил вариантларда олинишлиги каби муҳим белгилари юзага чиқади. Прогнозни ташкил қилишдан мақсад ҳам иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеяларнинг келгусидаги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини олдиндан айтиш ҳисобланади. Албатта бу жараёнда прогноз кўрсаткичларига жуда кўплаб омиллар таъсир қилади ва бу унинг муҳим белгиси сифатида юзага чиқади.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг реал амал қилиши, уларнинг самардорлигига эришиш кўп жиҳатдан унинг амал қилиш тамойилларини аниқлашга боғлиқ. Солиқлар иқтисодий категория сифатида мажбурий тўловларни ифодаласа, иқтисодий муносабатлар сифатида солиқ тўловчилар ва давлат ўртасида мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам ифодалайдики, бундай муносабатларнинг самараси нафақат солиқ тамойилларига, шунингдек, солиқни прогноз қилиш тамойилларига ҳам боғлиқдир.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнида энг муҳим нарса бу уни ташкил этиш ва амалга ошириш тамойилларидир. Тамойиллар бу жараёни ташкил этиш ва унинг йўналишининг "Йўлчи юлдузи" ҳисобланади. Шу боисдан солиқларни прогноз қилишда унинг тамойилларини тўғри белгилаб олиш прогноз натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлайди. Солиқларни прогноз қилиш тамойиллари аввало жараёнлар ва илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг умумий тамойилларига асослансада, шу билан биргаликда унинг ички хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз хусусий тамойилларига ҳам эга. Солиқларни прогноз қилиш тамойилларининг белгиланишига қараб уни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиблари белгиланади. Амалий нуқтаи назаридан солиқларни прогноз қилишнинг тамойиллари хусусида кўплаб илмий ёндошувлар мавжуд бўлиб уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: тизимлилик тамойил (барча жараёнлар ва элементларни ўзаро боғлиқликда қараш) мувофиқлик тамойили (прогноз жараёнида модел, метод ва ахборотлар тўпламининг бир-бирига мувофиқлиги), вариантлилилик тамойили-прогноз натижалари бир неча вариантларда ишлаб чиқиши), мослашувчанлик

тамойили(прогноз кўрсаткичлари ва ахборотларининг прогноз белгиларига мослашуви), ишончлилик тамойили(прогноз натижаларининг ишончлилиги), рентабеллилик тамойили(прогноз натижалари самараси прогноз жараёнини ташкил этиш, уни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлардан юқори бўлиши).

Солиқларни прогноз қилиш тамойилларини аниқ белгилаш ва уларга асосланиш солиқ тизимини самарадорлигини таъминлашга олиб келади, прогноз жараёнини амалга оширишнинг умумий йўналишларини тавсифлайди, унинг қонуниятларини кўрсатиб беради, бинобарин, солиқларни прогноз қилишнинг умумий тенденцияларини аниқлаш прогноз жараёнининг аниқлигини таъминлайди. Солиқларни прогноз қилиш жараёни мавҳумликка ва эҳтимоллик асосланиши ҳамда жуда кўп омиллар таъсирида мавжуд бўлиши унинг амал қилишининг ўзига хос тамойилларини тақозо қилади. Умумий тартибда солиқларни прогноз қилиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

**Тўловга қобилиятлилик тамойили.** Солиқларни прогноз қилишда асосий тамойиллардан бири тўловга қобилиятлилик тамойили бўлиб, унинг асосий моҳияти бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлар миқдорини, яъни, бюджет даромадлар сўммасини фақат ўтган йилги кўрсаткичларни инфляцияни ҳисобга олган кўрсаткичлар асосида эмас, балки, солиқ тўловчиларнинг тўловга қобилиятини ва солиқларнинг адолатлилик тамойилини ҳисобга олган ҳолатдан келиб чиқиб аниқлашни тақозо этади. Солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш имкониятини уларнинг молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил этган ҳолда, уларнинг фойда олиш даражаси динамикасига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Солиқларни прогноз қилишда **миқдорийлик тамойили**ни ҳам қўллаш ўз моҳиятига эга. Прогноз жараёнида солиқ тўловчилар сони ва миқдорини эътиборга олиш солиқ тушумлари ҳажми аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки солиқ тушумларининг прогноз қилишда солиқ тўловчиларининг сонининг динамик ўзгариши, яъни янги ташкил этилаётган ёки ташкил этилиши кутилаётган солиқ тўловчилар миқдори, уларда яратилган иш ўринлари сони, ўз фаолиятини тугатган (банкрот бўлган) солиқ тўловчилар сони, зарар кўриб ишлаётган ва узлуксиз даромад олиб келаётган солиқ тўловчилар сони, янги ташкил этилаётган корхоналарнинг соҳалар бўйича таркиби доимий солиқ имтиёзларига эга бўлганларнинг қанчаси ўз фаолиятини давом эттирганлар сони ва шу каби кўрсаткичларга асосланиш лозим.

Солиқларни прогноз қилишда **ҳисобга олиш тамойили**га амал қилиш солиқларни прогноз қилишда ва солиқлар миқдорини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу тамойилда солиқлар бўйича бюджетга боқиманда

сўммаларига эга бўлган солиқ тўловчилар, боқиманда қарзларининг вужудга келиш сабабларини таҳлил этиш, давлат томонидан фаолиятни рағбатлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг самараси, солиқ тўлашдан қочаётган, солиқ қонунчилигини мунтазам солиқ тўловчиларнинг фаолияти натижасида бюджетга келиб тушиши лозим бўлган солиқ тушумлари бўйича йўқотишларни алоҳида ҳисобга олиш асосий эътиборда бўлади.

**Тизимлилик тамойили.** Маълумки, солиқни прогноз қилиш жараёнида жуда кўплаб иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишга тўғри келиб, уларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, қўлланиладиган кўрсаткичлар ва ўрганиладиган жараёнларни ўзаро боғлиқда қараб, уларга таъсир этувчи омилларнинг ҳам таъсирини эътиборга олишни тақозо этади. Прогноз жараёнида унчалик муҳим бўлмаган кўрсаткичларни эътибордан четда қолдириш ёки кўрсаткичларнинг прогноз жараёнидаги ролини етарлича баҳоламаслик прогноз натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, фойда солиғи бўйича солиқ тушумлари прогноз қилинаётганда фойда солиғи тўловчилари сони, яъни миқдор кўрсаткичлари асос қилиб олиниб, сифат кўрсаткичлар бўлган-солиқ тўловчиларнинг молиявий натижалари(фойда ёки зарар) прогноз жараёнидан четда қолиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлар яхлит(боғлиқ) ҳолда ўрганмаслик прогноз натижаларининг ҳаққонийлиги пасайишига(эҳтимолликни ошишига) олиб келиши шубҳасиз.

Таъкидланганидек, солиқ прогнози мавҳумлик ва эҳтимолликка асосланади. Бироқ, прогноз жараёни якунида эса аниқликка асосланган ҳолда кўрсаткичларга эришиш бош мақсадлардан бири саналади. Бу эса солиқ прогнозининг **эҳтимолликдан аниқликка интилиш тамойили** асосида таъминланади. Прогноз жараёнининг дастлабки ва оралик босқичида эҳтимоллик кўрсаткичлари асосий роль ўйнайди. Аммо бош мақсад-юқори аниқликка асосланган прогноз кўрсаткичларига эга бўлишга эришиш эҳтимоллик кўрсаткичларининг аниқлик кўрсаткичларига тарнасформациялашувини тақозо этади. Бу тамойилнинг ўзига хос яна бир хусусияти бу прогноз жараёнида қўлланиладиган усулларни тўғри танлашни, прогноз жараёнининг қайси даврида ёки шаклида қўлланиладиган методларнинг қайси бири эҳтимоллик кўрсаткичларини аниқликка айланттиришини тавсифлайди. Прогноз жараёнида эҳтимолли кўрсаткичларининг аниқлигини таъминлашга эришиш прогноз жараёнининг самарадорлигини билдиради. Агар эҳтимоллик кўрсаткичларининг таъсири камайиб борса, прогноз натижаларининг аниқлиги ошиб бориши, провардида эса натижалар асосида режалар тузилишига эришилади.

Солиқни прогноз қилиш жараёнида таъкидланидек, бюджет даромадлари қисмига келиб тушадиган молиявий ресурсларнинг ҳажмини максимал даражада аниқликда ҳисоблаш бўлиб, прогноз жараёнида ҳам асосий эътибордан бири сифатида барча жараёнлар прогнознинг мақсадига қаратилиши лозимлигини тақозо этади. Бирок, прогноз жараёнида умумий мақсад бюджетнинг даромадлар қисмига солиқ тушумларининг келиб тушишини баҳолаш бўлса, айрим ҳолларда прогноз жараёнида мақсад бошқачароқ, масалан, прогнозга таъсир этувчи омилларни баҳолаш мақсад қилиб қўйилиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда солиқни прогноз қилиш жараёнида оралик мақсад ҳам бўлиши мумкин. Мақсадга қараб эса қўлланиладиган методлар ҳам фарқланади. Демак, солиқни прогноз қилишнинг ҳам ташкилий босқичида, ҳам якуний босқичида ҳам якуний мақсадга қаратилганликдан келиб чиқиш лозим бўлади. Бу эса прогноз жараёнининг йўналиши мақсаднинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини тавсифловчи- **прогнознинг ташкил этилиши ва амалга оширилиши прогнознинг мақсадига қаратилганлиги тамойилининг** моҳиятини ифодалайди.

**Догмаликдан узоқлашиш ва ўзгарувчанликка мойиллик тамойили.** Мазкур тамойил солиқни прогноз қилиш жараёнида жараён(кўрсаткич, омил, ҳолат, ҳодиса)ларни ўзгарувчанликда олиб қарашни тавсифлайди. Яъни, дастлабки босқичда олинган натижаларга догматик сифатда эмас, балки, улар ўзгарувчанликка мойиллигини эътиборга олиш лозим бўлади. Натижаларга ўзгармас деб қараш прогноз жараёнининг йўналишларида ҳатоликка олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда прогнозда догмаликдан узоқлашган ҳолда ўзгарувчанликка мойиллик асосида ишлаш прогнознинг олдида қўйилган мақсадга эришишда асосий омиллар бўлиб хизмат қилади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида амал қиладиган яна бир тамойил бу **синтез ва таҳлилнинг ягоналиги тамойилидир**. Маълумки, синтез бу таҳлилдан фарқли равишда ўрганилаётган объектни уларни белгиларига қарб бирлаштириш, илгари мавжуд бўлмаган қисмларини тўлдириш ва жойлаштиришни ифодалайди. Синтезлаш жараёнида прогноз объектга тегишли кўрсаткичлар тартибланади ва улар бир-бири билан тўлдирилади. Синтез воситасида бирлаштирилган(тартибланган) кўрсаткичлар ва объектлар эса таҳлил қилинади, натижада эса прогноз жараёнини амалга ошириш соддалашиб, олинган хулосаларга замин яратилади. Демак, солиқни прогноз қилиш жараёнида объектлар ва кўрсаткичлар синтезлаш асосида таҳлил қилишга асосланган мазкур тамойил катта аҳамиятга эга. **Жараёни ташкил қилишда мантиқийлик, амалга оширишда таҳлил, якуний кўрсаткични қабул қилишда баҳолашнинг устуңлиги тамойили** ҳам солиқни прогноз қилиш жараёнини маълум тизимга солиш асосида уни тўғри амалга оширишда

муносиб роль ўйнайди. Прогноз жараёнини ташкилий босқичида албатта мантиққа асосланиш, уни амалга оширишда таҳлиллар муносиб ўрин тутиши, жараён сўнгида олинган натижалар эса албатта баҳоланиши, яъни бир неча вариантларни энг ишончлисини танлаш прогноз жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Солиқларни прогноз қилиш тамойиллари солиққа тортишнинг умумий тамойиллари билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Солиққа тортишнинг умумий тамойилларидан бўлган адолатлилик тамойилида шу нарса назарда тутиладики, солиқлар шундай миқдорда ундирилиши керакки, ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчи манфаатларига мос келиш керак. Бу эса солиққа тортишнинг замонавий тамойилларидан бўлган етарлилик тамойилига ҳам тегишлидир. Ушбу тамойилларда назарда тутилган бюджетга зарур бўладиган молиявий маблағларнинг ҳолатини эса солиқ прогнози тамойиллари аниқлаб беради.

### **3.5. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг тарихий шаклланиши ва унга оид назарий қарашлар<sup>15</sup>**

Солиқларни прогноз қилиш тушунчаси ва жараёни маълум шаклланиш ва ривожланиш аспектига эга. Қадимги дастлабки ва кейинги даврларда ҳам албатта, давлат хазинасининг молиявий манбаларини чамалаб боришда давлатнинг маълум бир шахслари, мансабдорлар, кейинчалик алоҳида бўлинмалари шуғулланишган, бу жараён давлатнинг шакли, унинг тузилиши, қолаверса иқтисодий сиёсатининг мазмунига қараб шаклланиб такомиллашиб борган. Бу масалага тарихий нуктаи назардан қаралганда айрим тарихий далиллар буни исботлайди.

Масалан, қадимги Рим давлатида император А.Октавиан томонидан давлат хазинасига келиб тушадиган даромадларнинг ҳажмини аниқлаш мақсадида жойларда давлатнинг молияси шуғулланувчи давлат идораларини ташкил қилинди, ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар топшириш мажбуриятлари жорий қилинди. Чунки, Рим империясининг бошқа босиб олган худудлари ҳажми кенг бўлиб, улардан мажбурий тўловларни ундириш мураккаблашиб, уларнинг ҳажмини аниқлаш ҳам қийинлашиб борган эдики, оқибатда эса давлат даромадларининг ҳажмини аниқлаш ва уларнинг келгусида келиб тушиш эҳтимолларини аниқлаш ишларини ташкил қилишни тақозо этди.

<sup>15</sup> Ушбу параграфдаги тарихий жараёнлар қуйидаги манбаларга таянилган: Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001; История Узбекистана в источниках; «Ислом дини тарихи ва фалсафаси» фани бўйича маърузалар матни. Тошкент 2010 й. Тузувчи: С.Оқилов. <http://library.ziyounet.uz>.

Қадимги араб давлатларида жумладан, Муҳаммад Пайғамбардан кейинги даврларда давлат ҳукмдорди бўлган Умар ибн ал-Хаттоб даврида олиб борилган солиқлар сиёсатидаги ислохотлар натижасида бошқарув тизимини такомиллаштирилиб давлат хазинасига келиб тушадиган тушумларнинг ҳисобини олиш ва уларнинг келгуси даврдаги ҳажмини аниқлаб бориш мақсадида Девонлар ташкил қилинди. Девон – форс тилида «рўйхат», «қайд қилиш» ёки «дафтар» маъноларини англатади. Унда бир неча бўлимлар мавжуд эди. Жумладан, Аскарлар девони (ديوان الجند) да аскарлар номи, қабилалар таркиби ва уларнинг ҳар бирига бериладиган маошлар белгиланган бўлса, Харож девони(ديوان الخراج)да эса «Байт ал-мол»га топшириладиган солиқлар қайд этиб борилган. Бу даврда девоннинг доимий таркибини ўз ичига олувчи рўйхат тузилган бўлиб, унда кирим ва чиқим, шунингдек, давлатдан маош олиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар рўйхати қайд этиб борилган.

1200 йилларнинг бошларида Хитойнинг Муғуллар томонидан босиб олинishi ва унга қарши кураш олиб борган Чжу Юаньчжана ҳукмдорлиги вақтида ҳам солиқ тизими такомиллаштирилиб борилиб, давлат хазинасига келиб тушадиган бошқа даромадлар билан биргаликда солиқли даромадларнинг келиб тушишини аниқлаш мақсадида 1370 йилдан бошлаб ерларнинг рўйхати тузилди ва уларнинг кадастрлари ишлаб чиқилди ва бу "Сариқ реестр" деб номланди. 1387 йилда эса бутун Хитойда ягона ерларнинг реестри яратилди ва хитой тилида "рибичейшўйча-того" деб номланди. Ушбу ҳужжатда ҳар бир ерга бириктирилган деҳқонлардан ундириладиган солиқлар аниқ қилиб белгилаб қўйилиш биргаликда солиқ тушумларининг келгусидаги ҳажмлари ҳам ёзиб борилган.

Ватанамиз ҳудудида амал қилган қадимги давлатчилик шаклларида ҳам солиқли тушумларни ҳисобга олиб бориш ва уларнинг келгусидаги ҳамжини аниқлаш ишлари ташкил қилиб борилган. Айниқса бу жараён давлатчиликнинг кейинги даврларида милоддан кейинги 800-900 йилларда юзага келган, Фарғона, Исфижоб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чоғониён, Хутталон, Кеш, Хуросон ва Сейистон каби ўлкаларни бирлаштирган йирик Сомонийлар давлатида анча ривож топди. Сомонийлар давлат бошқарувида 10 га яқин девонлар(вазирликлар) ташкил этилиб, уларнинг орасида давлатнинг молиявий масалалари билан шуғулланадиган Молия ишлар девонлиги тузилиб, унда давлат ғазнасига тушадиган барча даромадлар, жумладан солиқларнинг келиб тушиши ва ундан давлат манфаатлари йўлида сарфланиш масалалари билан биргаликда солиқ тушумларининг келгусидаги ҳажмини аниқлаш асосида харажатларни режалаштириш ишлари амалга ошириб борилган. Вилоят ва туманлар(шаҳарлар)дан солиқ йиғувчилар томонидан ундирилиладиган солиқларнинг ҳисоб-китоб ишлари ушбу девоннинг зиммасига юклатилган.

Масалан, IX-XIII асрларда қадимги рус давлатларида ерларга феодал эгалик қилишнинг жорий этилиши, ер эгаларининг ўз ерларидан фойдаланганлиги учун турли хил тўловларни жорий этиш билан бирга унинг келгусидаги ҳажмини аниқлаш ишларини ҳам ташкил қилган.

А.Темур ҳукмронлиги даврида давлатнинг бошқарув тизими икки бўғинга, яъни Даргоҳ ва Девонларга бўлинган. Давлатнинг молиявий ва солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири ҳамда Молия вазири томонидан ташкил этилган. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазирлиги турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни рўйхатга олиш, уларни тақсимлаш, савдогарлардан закот ва бож тўловларни олиш, жорий қилинган солиқларнинг ҳисобини юртиш ва уни ундириш ишларини ташкил этиш, мамлакат чорвалари яйловзор ва майзозор ерларни бошқариш, улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш, мулкчилик бўйича меросхўрлик мақомларини белгилаш масалалари билан шуғулланишган.

Молия ишлари вазирлиги эса давлат ғазнасига келиб тушган даромадларнинг сарфлаш ҳамда уни назорат қилиш, даромадларни кўпайтириш йўллари аниқлаш ишлари билан шуғулланишган. Бундан кўринадики, А.Темур ҳукмронлиги даврида ҳам давлат хазинасига келиб тушадиган солиқли даромадларнинг ҳажмини аниқлаш ишлари ташкил қилинган ва у махсус вазирлик томонидан амалга ошириб борилган.

XIII асрда Рус давлатининг Қизил Ўрда хонлигига ўлпонлар тўлашига мажбурлиги оқибатида бундай мажбуриятни бажаришни таъминлаш мақсадида подшоҳ(Иван III) амри билан 1460 йилларда давлат хазинасига солиқларнинг келиб тушишини режалаштириб бориш ишлари ташкил қилинади.<sup>16</sup> 1655 йилда эса Рус давлатида давлат хазинасига маблағларнинг келиб тушишини таъминловчи ва унинг прогнозини амалга ошириш билан шуғулланувчи махсус "Ҳисоб палатаси" тузилади, 1672-1725 йилларда Петр I томонидан солиқлар ва тўловларни ундиришнинг янги тартиблари жорий этилади. 1693 йилда махсус қонунга кўра ҳар бир шаҳар ва қишлоқлардан солиқларни ундириш жорий қилиниб, давлатнинг хазинасини бойитиб бориш ва унинг ҳажмини аниқлаб бориш ишлари билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар ташкил қилинади ва унга йирик мутахассислар жалб қилинади.

XIX асрга келиб давлат арбоби М.М. Сперанский томонидан «молия режаси» ишлаб чиқилади ва унда молиявий манбаларнинг ҳажми ва унинг хазинага келиб тушишини прогнозлаш масалалари ҳам ўрин олади. Бу даврга келиб яъни, молия, солиқ масалалари билан биринчилардан илмий тадқиқотлар олиб борган Н.И. Тургенев 1818 йилда ўзининг "Солиқ назариясидан тажриба"

<sup>16</sup> Попова, Л.В. Прогнозирование и планирование в налогообложении: учеб.пособие для вузов/ Л.В. Попова, Н.Г. Варакса, М.В. Васильева. – Орел: ОрелГТУ, 2007. – 264с.

номли асарини чоп этади. Ушбу асарда солиқларнинг иқтисодий моҳияти, давлатнинг молия хўжалик фаолияти масалалари билан бир қаторда давлат хазинасига солиқларни жалб этиш ва унинг прогнози ҳақидаги илмий ғоялар ўрин олади. 1898 йилда Николай II томонидан хунармандчилик солиғининг жорий этилиши ва унинг ставкасининг табақалаштирилиши солиқларни келиб тушиши ишларини ташкил қилинишини ҳам тақозо этди. иқтисодчи мутахассис С.Ю. Витте 1899 йилда давлатга хорижий инвестицияларни жалб этиш, улардан солиқ ундириш ҳамда солиқларнинг ҳажмини аниқлашга қаратилган давлатнинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқади ва солиқларни режалаштириш ишлари давлат даражасида ривожлантирилади.

Давлат даражасида режалаштириш ва прогнозлаштириш ишларининг ривожлантирилиши 1920 – 1955 йиллар оралиғида режали бошқаришнинг муҳим бўғинларидан бири сифатида собиқ СССР даврида Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши тузилиб давлат даражасида режалаштириш ва прогнозлаштириш ишларига бошчилик қилди. 1960 йилларга қадар солиқ иттифоқ иқтисодиётини ривожлантиришда асосан режалаштириш ишларига урғу берилди, фақат 1960 йиллардан сўнг эса режалаштириш ишлари прогнозлаш кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгилана бошланди, ўз навбатида мамлакат хўжалигини прогнозлаштириш билан шуғулланувчи махсус илмий текшириш муассасалари ва марказ ташкил қилинди.

Ўтган асрнинг 60 йилларига қадар прогноз жараёнида прогноз тушунчаси амалиётда деярли қўлланилмаган. Ҳатто, 1971 йилда нашр қилинган "Математика ва кибернетика иқтисодиётда" номли дугатда ҳам прогноз термини киритилмаган. 1970 йилларнинг охирида собиқ иттифоқ даврида прогнозлаштириш ишлари бўйича мамлакатнинг йирик олимлари бошчилигида йирик ҳажмдаги прогнозлаштириш ва режалаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Бу даврларда биринчи марта мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг 1976-1990 йилларга мўлжалланган муқобил режалари ишлаб чиқилди ва прогнознинг муқобиллик хусусияти ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юзага чиқа бошлади.

Режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнлари асосан "Футурология" термини билан изоҳланган. "Футурология" (лот. futurum — келажак ва ...логия) — кенг маънода инсоният келажаги, умумбашарий муаммолар ҳақидаги умумий концепция ёки тасаввурлар мажмуаси; тор маънода — ижтимоий жараёнлар ҳамда фантехника тараққиётига оид соҳалардаги жараёнларни изчилликда ўрганиш ва келажагини башорат қилиш имкониятини берадиган фан соҳаси, «башорат қилиш» сўзининг синоними. 1943 й. немис социологи О. Флейтхейм «Футурология» терминини келажак ҳақидаги фан сифатида ишлатишни таклиф қилган. Ҳозирги вақтда футурологияда 2 асосий йўналиш

кузатилади. 1 йўналиш — «экологик пессимизм» тарафдорлари инсоният ривожининг салбий оқибатларини башорат қилсалар, 2 йўналиш — илмий-техникавий оптимизм намояндлари технология тараққиётининг ижобий имкониятлари асосида инсоният цивилизациясини сақлаб қолиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.<sup>17</sup>

Прогноз жараёнининг кўлами, унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар иқтисодий тизимга ҳам боғлиқ бўлади. Режали иқтисодиётдаги прогнознинг хусусияти билан аралаш бозор муносабатларига асослаган иқтисодий тизимдаги прогнознинг кўлами ва унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар тубдан фарқланади. Прогноздан асосий мақсад ва унинг вазифалар ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Собиқ иттифоқ даврида прогнозлаш жараёнига буржуазия белгилари сифатида қаралган, айниқса молиявий жараёнлар, бюджет ва солиқларни прогнозлаш жараёни деярли тўлиқ мафқуранинг мазмунидан келиб чиққан ва амалга оширилган. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида солиқ иттифоқ давлатини солиқларсиз давлат бюджетини шакллантиришга эришадиган ягона давлатга айлантириш борасидаги мафқуравий-иқтисодий ғоялар юзага келган бир шароитда солиқларни прогноз қилиш хусусидаги илмий қарашларга ўрин қолмади.

Ваҳоланки, ўтган асрнинг 20 йилларидаги ўша машҳур ГОЭЛРО режасида бошқа масалалар қатори давлат бюджетининг манбаларини(солиқларни) режалаштириш ва унинг кўламини аниқлаш борасидаги дериктив вазифалар белгилаб олинган эди. Бу даврларда солиқларга эксплуатация қуроли сифати қаралиши нуқтаи назардан ёндошилганлиги ўз навбатида уларнинг бюджетга келиб тушиш жараёнларини прогноз ҳам ҳам амалий ҳам назарий жиҳатдан мазмунга эга бўлмаган. Шундай бўлсада ўтган асрнинг 50 йилларидан кейин бутун халқ хўжалигини ривожлантиришга оид прогнозлаш жараёнини амалга оширилишида иқтисодий масалалар социал масалалар билан биргаликда амалга оширилган. Бунда эса социал масалалар(аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, уй-жой, таълим муассасалари, дам олиш жойлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш ва шу қабилар)ни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш албатта уларнинг молиявий манбаларини прогнозлаштирмасдан туриб амалга ошириш қийинлиги эътиборга олинган.

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб Собиқ иттифоқ даврида солиқларни прогноз қилишга оид илмий тадқиқотлар аста-секин ривожланиб борди. Академик А.И. Анчишкин бошчилигида бир қатор олимлар томонидан халқ

<sup>17</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. "Ф" харфи. Тошкент.

хўжалиги ресурсларини қайта ишлаб чиқиш жараёнлари, тармоқлараро мажмуаларнинг ривожланиш тенденциялари, инвестиция жараёнлари, меҳнат ресурслари, даромад ва истеъмол ўртасидаги боғлиқлар масалалари прогнозлари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини амалга оширган бўлса, Ю.В.Яременконинг илмий тадқиқот ишлари эса ресурсларнинг иерархияли тарзда амалга қилиш қонуниятлари ва уларнинг прогноз жараёнларига бағишланди, давлатнинг режалаштириш прогнозлаштириш жараёнларини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар амалга оширилди. Булар орасида халқ хўжалигининг молия соҳасини режалаштириш ва прогнозлаштиришга илмий тадқиқот ишлари ҳам ўрин олди. Бу борада Л.В. Попова, М.В. Васильева ва Н.Г. Вараксаларнинг илмий тадқиқот ишлари натижалари катта аҳамият касб этди<sup>18</sup>. Асосан Л.В. Попованинг илмий тадқиқот ишларида солиқларнинг иқтисодий моҳияти каби масалалар билан бир қаторда солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг социал-иқтисодий роли, уни амалга оширишнинг алгоритмлари каби масалалар кенг ўрин олди. Давлат бюджетининг даромад манбаларини режалаштириш ва уни прогнозлаштириш бюджет орқали давлатнинг иқтисодиётни тартиблашувида муҳим молиявий инструмент сифатида амал қилишини кўрсатиб берди.

Жаҳон молия хўжалигида солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришга оид жараёнлар ва унинг замонавий муаммолари иқтисодчи олимлар А.Р. Горбунов, В.А. Кашин, С.Ф. Сутыринлар томонидан ўрганилди.<sup>19</sup> Ушбу олимларнинг илмий қарашларида солиқларни прогноз қилишнинг жаҳон тажрибаси ва унинг муаммоларини ҳал этишда иқтисодий йўналишлар аниқланди. Ушбуларнинг фикрича аввало солиқларни режалаштиришда ҳар бир давлатнинг фарқланувчи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда давлатлараро аспектларни ҳисобга олиш, яъни давлатлараро ҳудудий яқинлик ва қулайлик молия бозорларида катта аҳамиятга эга бўлади, ушбу ҳолатни эса прогноз ва режалаштириш жараёнларида доим диққат марказдан кочирмаслик, шунингдек, халқаро солиққа тортишда резидентларнинг ўз даромадларини "Оффшор ҳудудлар"га ўтказишга ва юқори даромад келтирувчи зоналарга йўналтиришга интилиш кучайиб боришига эътибор қаратиш керак бўлади.

<sup>18</sup> Қаранг: Попова, Л.В. Прогнозирование и планирование в налогообложении: учеб.пособие для вузов/ Л.В. Попова, Н.Г. Варакса, М.В. Васильева. – Орел: ОрелГУ, 2007. – 264с.

<sup>19</sup> Горбунов А.Р. Налоговое планирование и снижение финансовых потерь. - М.: СО «Анкил», 1993.; Кашин, В.А. Полный словарь терминов и нормативных понятий, используемых в деятельности ФНС России АНС России и Росфинмониторинга / В.А. Кашин, А.Б. Паскачев, К.В. Седов. - М.: Магистр, 2007. – 541с.; Сутырин, С.Ф. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике / С.Ф. Сутырин, А.И. Погорлецкий. – СПб.: Полиус, 2003. - 214с.

### 3.6. Солиқларни прогноз қилишни ташкил қилишнинг хориж тажрибаси.

Жаҳон амалиётида давлат даражасида макроиктисодий прогнозлаштириш масалалари ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида юзага келиб бошлади. Давлат даражасида тизимли равишда режалаштиришнинг аҳамияти ва унинг йўналишларни характерловчи дастлабки йирик илмий тадқиқот ишлари эълон қилина бошланди. Немис иқтисодчиси К. Ландауэр томонидан 1944 йилда «Миллий режалаштириш назарияси» номли асарида индикатив режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг иқтисодиётни бошқаришдаги таъсири кўрсатиб берилди.

Солиқларни прогноз қилишнинг солиқларни ундириш ва жалб қилиш борасидаги муаммоларга бағишланган илмий тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 70 йилларидан анча авж олди. Бу вақтга қадар эса молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш муаммолари сифатида тадқиқ этиб келинди. Чунки, бу вақтларда дунё мамлакатларида солиқлар масалалари давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида ўрин олиб бўлган эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштириш масалалари муҳокамаси янада ривож олди, давлат даромадларини аниқлашда ва тақсимлашда солиқларни прогнози натижаларига кенг таянила бошланди. Провардида эса жаҳон мамлакатларида макроиктисодий даражада солиқларни режалаштириш ва прогноз қилишнинг икки муҳим йўналишлари пайдо бўлди.

Биринчи йўналиш асосан солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштиришни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини бу борадаги вазифаларини кучайтирилиш билан боғлиқ бўлиб, асосан Франция, Канада ва Япония давлатларида амалга оширилди. Иккинчи йўналиш 1960 йилларда ривожланиб, бунда солиқларни прогноз қилиш билан боғлиқ махсус органлар ташкил қилина бошланди. Францияда "Режалаштириш бош комиссариат", Канадада "Иқтисодий кенгаш", Японияда "Иқтисодиётни модернизациялаш бўйича иқтисодий маслаҳат кенгаши", "Иқтисодий режалаштириш бошқармаси", "Фан ва техника бошқармаси", Голландияда "Марказий бош режалаштириш бюроси" ташкил этилди, уларнинг олдига мамлакат иқтисодиётни комплекс ривожлантиришнинг режасини тузиш билан бир қаторда солиқлар бўйича тушумларнинг ҳажмларини аниқлаб бориш, солиқлар бўйича қарздорликни камайтириш йўллари аниқлаш вазифалари ҳам юклатилган эди.

Жаҳон амалиётида солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш тушунчаларининг мазмунини ҳам талқини ўртасидаги фарқлар изоҳланди. Солиқларни прогноз қилиш жараёнини бюджет жараёнининг ажралмас қисми сифатида асосланган ва реал ҳисоб-китобларга таянилган ҳолда бюджетнинг

даромад ва харажатлари ҳолатини аниқлаш деб тавсифланган бўлса, солиқларни режалаштириш жараёнини бюджетнинг турли даражаларида бюджет маблағларини мақсдли сарфлаш, бюджет даромада манбаларини аниқлашга қаратилган молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида изоҳланди. Иккала жараён ҳам уч босқичда: прогнозлаш- ахборотларни ўрганиш, вариантни танлаш ва натижаларни таҳлил қилиш босқичидан, режалаштириш эса режани тузиш, уни кўриб чиқиб тасдиқлаш ва харажатларни тақсимлаш босқичларидан иборат бўлган.

Макродаражада солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш масалалари АҚШда ҳам анча ривожланди. Америка иқтисодчиси О. Моргенштерн иқтисодий назариялар ва прогнозлаш масалаларининг ўзаро боғлиқлигини очиб берди.<sup>20</sup> АҚШда Прогнозлаш жараёнлари уч босқичда давлат (федерал, штатлар, муниципал), фирмалар ва савдога оид прогнозлар амалга оширилади. Иқтисодий маслаҳат кенгаши, Федерал захиралар тизими кенгаши, маъмурий-бюджет бошқармаси АҚШда давлат миқёсидаги прогнозлаштириш ишларини амалга оширувчи бўлинмалар саналади. Иқтисодий маслаҳат кенгаши эса АҚШ Президентига иқтисодий соҳада тавсиялар тайёрлаш билан бир қаторда солиқларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳам ишлаб чиқади.<sup>21</sup> АҚШда солиқларни макро ва микро даражада стратегик прогнозлаш ва режалаштириш мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим иқтисодий индикаторлари сифатида баҳоланади.

АҚШда макро ва микро даражадаги стратегик солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш анча ривожланган бўлиб, унинг натижаларидан нафақат федерал ва муниципал бюджетларни режалаштиришда, шунингдек, уни мамлакатни ривожлантиришнинг бош режаларидан бири сифатида ички ва ташқи бозорда инвестицияларни жойлаштиришда ҳам муҳим манба сифатида кенг фойдаланилади. Шу жиҳатдан олганда АҚШда солиқларнинг ҳажмига таъсир этувчи омилларни бутун иқтисодиётга таъсир этувчи омиллар сифатида қаралади ва салбий таъсир кучига эга бўлган омилларни юмшатишга ҳаракат қилинади. АҚШда ҳам бошқа давлатлар сингари солиқларни прогноз қилишдан мақсад ҳам кам харажат қилган ҳолда кўпроқ максимал даражада натижага эришишга қаратилган. Солиқларни режалаштиришдан мақсад эса бюджетга солиқларни кўпроқ жалб қилиш эмас, балки, солиқларни ундиришга оид харажатларни камайтириш орқали юқори молиявий натижаларга эришиш сифатида қаралади.

<sup>20</sup> Моргенштерн О. Теория игр и экономическое поведение / О. Моргенштерн, Дж. Рон Нейман. – М.: Наука, 1970. – 708 с.

<sup>21</sup> Погорлецкий А.Я. Принципы международного налогообложения и международного налогового планирования. СПб, 2008, 78 с.

Солиқларни прогноз қилиш солиқларни камайтирмасдан туриб молиявий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва шундай йўл тутилади. Солиқларни прогноз қилиш натижаларига қараб инвестицияларни бошқариш тактикалари ишлаб чиқилади, солиқлар кам келиб тушаётган ҳудудлар(объектлар)га инвестицияларни камроқ жойлаштириш стратегиялари амалга оширилади, қайси ҳудудларга кредиторлар ва инвесторларни жойлаштириш масалалари ҳал этилади. Жаҳон амалиётида солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёни кўпроқ макро ва микро даражадаги солиқ сиёсатининг қонуний механизмлари ҳисобланиб, уларнинг асосий йўналишлари бошқарув жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг жаҳон амалиётида асосан икки хил ёндошув мавжуд. Биринчиси, бу ҳудудий боғлиқлик бўлса, иккинчиси резидентлик мақомидир. Биринчи ёндошувга кўра солиққа тортиш объекти ҳар қайси давлат учун даромад ҳисобланади, қайсики тегишли давлатнинг ҳудудида олинган барча даромадлар солиққа тортилиши лозимлиги тамойилига асосланади ва уни солиқларнинг прогнозида эътиборга олинади. Бир солиқ объекти икки давлатда солиққа тортилиши солиқларнинг умумбелгиланган тамойилларига зид келиб қолади. Шунингдек, мазкур ёндошувга кўра бошқа давлатлар чегарасида мазкур давлатнинг резидентлари томонидан олинган даромадлар эътиборга олинмайди ёки солиққа тортилмайди(баъзи ҳоллар бундан мустасно).

Иккинчи ёндошувда эса ҳудудий тамойил эмас, балки резидентлик мақомига қараб солиққа тортилади ва солиқлар ҳажми шунга қараб прогноз қилинади. Албатта бу ерда солиққа тортиш мақсадида резидентлик мақомини бериш ва уни ўрнатиш ҳар бир давлатнинг ички қонунлари билан бир қаторда давлатлар ўртасида келишувга мувофиқ ҳам белгиланади. Резидентлик тамойилида эса ҳудудий тамойилдан фарқли равишда олинган даромадларнинг манбаи ва юзага келиш мақомидан қатъий назар солиққа тортилиши лозим. Аммо, таъкидлаш лозимки, иккала ёндошувда ҳам солиққа тортиш ва унинг ҳажмини аниқлаш билан боғлиқ объектив ва субъектив муаммолар келиб чиқади. Ҳудудий тамойилга кўра солиққа тортиш эса ташқи инвесторларни солиққа тортиш жараёнида икки марта солиққа тортилиши муаммоси келиб чиқади ва инвестицияларнинг халқаро миқёсидаги ҳаракатига салбий таъсир қилади. Инвестициялар ҳар қайси давлатнинг иқтисодий сиёсатида асосий ўринлардан бири эгаллаши эса ўша давлатларнинг солиқ сиёсатига таъсир қилмай қолмайди.

Демак, ҳудудий тамойиллар асосида солиққа тортиш эса халқаро келишувларни тақозо этади. Худди шунингдек, резидентлик ёндошувда ҳам

баъзи бир муаммолар келиб чиқиши табиий. Чунки, бу ерда ҳам солиққа тортиш объектларини оптимал солиққа тортиш ва улар бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда ноаниқликларни келтириб чиқаради. Биринчиси бўйича муаммони ҳал этиш йўллари сифатида иккиёклама солиққа тортиш жараёнларини ўзаро келишувлар асосида тартибга солинса, иккинчиси бўйича эса доимий муассалар мақомини ташкил қилиш билан ҳал этилади. Бу ерда яна бир муаммо шундан иборатки, айрим халқаро бизнесни амалга оширувчи йирик компанияларнинг турли хил солиқ қонунлик базасига эга турли давлатларда ўзларининг олган даромадлари бўйича солиқ тўлашда номувофиқликларнинг келиб чиқиши муаммосидир.

Унга кўра бундай компаниялар томонидан солиқларни кам тўлаш ёки ортиқча тўлаш ҳолатларининг тез-тез содир бўлиши орқали уларнинг халқаро арбитражларга қилинадиган харажатлари ошиб бориши, қолаверса уларнинг номига(брендига) салбий таъсир этиш ҳолатлари юзага чиқиб қолишидир. Шу билан биргаликда баъзи давлатларда икки ёклама солиққа тортиш борасидаги келишув актлари билан миллий қонунчилик нормаларининг ўртасидаги тафовутлар оқибатида ҳам солиқларни ундириш ва улар бўйича солиқларни ҳажмини прогноз қилиш жараёнига салбий таъсир этмоқда. Афсуски, бундай муаммо ҳозирги кунда жаҳон солиққа тортиш амалиётининг ажралмас қисми сифатида кучайиб бораётганлигидир.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг жаҳон амалиётидаги яна бир тенденцияларидан бири бу солиқларни прогноз қилиш натижаларининг муҳим молиявий дастак сифатида фойдаланишидир. Солиқларнинг ҳажмининг кутилаётган даражасига қараб давлатлар ўзларининг инвестиция, социал, протекционизм, капиталларни бошқариш, давлат харажатларини бошқариш, ташқи сиёсатда ён босишлар ва шу каби йўналишдаги сиёсатларининг мазмунини белгиламоқда. Ҳатто, кейинги йилларда молиявий инкироз туфайли янгидан келган вазият молиявий институтларни давлат томонидан назорат қилиш ва уларга ишончли деривативларни жойлаштириш каби ўта муҳим масалаларни ҳам ҳал этишда солиқ тушумларининг кутилаётган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш амалиётга айланиб бормоқда.

Агар таҳлилларга эътибор берсак, кейинги беш йил давомида (2009-2014) аксарият давлатларда солиқларнинг прогрессивлик хусусиятининг ошиб бормоқда. Албатта, бу бир томондан давлатнинг қўлидаги молиявий капиталларнинг ҳажмининг ўзгариши бўлса, бошқа томондан солиқ тушумлари борасидаги нобарқарорликнинг вужудга келишидир. Бу нарса яна шундан ҳам далолат берадики, солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнида эътиборга олинмай келаётган омиллар ва уларнинг таъсирининг эътиборсиз баҳоланиши солиқларнинг прогнози жараёнида юза берадиган "акс таъсир"

жараёнини кучайтириб юборди. Бошқача қилиб айтганда молиявий бозорлардаги қимматли қоғозларнинг ҳаракати ва уларнинг асоси билан боғлиқ ахборотларнинг таҳлили сўнги йилларда эътиборга олинмаганлиги, қимматли қоғозлар бозоридаги танглик жараёни прогноз натижаларига акс таъсир этди, яъни солиқ тушумларига салбий таъсир этди, албатта бу товарлар ва хизматлар бозори ҳамда истеъмол бозорлари орқали рўй берди. Бугунги кунда жаҳон амалиётида солиқларни прогноз қилишнинг методларини янада такомиллашувини тақозо этмоқда. Иқтисодиётнинг очиқлик даражасининг солиқ тушумларига таъсири масалалари деярли прогноз жараёнида эътиборга олинмас эди. Албатта уни баҳолаш ўта мураккаб бўлиб, унинг таъсирини баҳолаш жуда кўплаб тенгламаларни ўз ичига олган макроиктисодий моделларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ваҳоланки, аксарият давлатларнинг макроиктисодий моделларида бюджет блоқи учрамайди, бу эса муаммони янада кучайтириши мумкин. Бу ерда яна бир муаммоли жараён мавжуд бўлиб албатта бундай жараёнлар бизнинг Республикамиз солиқ тизимига ҳам хос бўлиб, ушбуларни ҳал этиш иккиёклама солиққа тортишни давлатлар ўртасидаги ўзаро дипломатик келишувлар асосида ҳам Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига мувофиқ доимий муассаса мақомининг иқтисодий ва ҳуқуқий тушунчасининг аниқлик киритилганлиги ва ушбу нормалар бўйича солиққа тортилишнинг тартиблари асосида амалга оширилади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги умумий тенденцияларидан бири ўзаро интеграцияларнинг кучайиши билан солиқларни ундириш жараёнларининг ҳам ўзаро интеграциялашувидир. Интеграциялашувнинг кучайиши эса солиқларни прогноз қилиш жараёнини бир томондан енгиллаштиради, бошқа томондан қийинлаштиради. Осонлиги шундаки, прогноз жараёни учун жуда муҳим бўлган ахборот манбаларини олиш ва уларни қайта ишлаш жараёнларини соддалаштиради, бошқа томондан товарлар ва хизматлар бозоридаги муқим тенденцияларни аниқлаш имконияти қийинлашади ва прогноз жараёнига салбий таъсир этади. Бу кўпинча эркин бозорларда кўринадир. Ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб "Умумий бозор"нинг шаклланиши бошланди, унинг кейинги вақтларда кучайиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу бозор мақомида товарлар ва хизматларнинг эркин алмашинуви ва уларнинг истеъмолини соддалаштиради. 1951 йилда "Европа кўмири ва пўлат уюшмаси"нинг ташкил этилиши, 1957 йилда Римда ташкил этилган ва европанинг олти давлати: Германия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембургни бирлаштирган "Умумий бозор" ва кейинчалик "Европа иқтисодий ҳамкорлиги" ва ҳозирги кунда "Европа иттифоқи", "Анд ҳамкорлиги", "Кариб умумий бозор бирлашмаси", "Марказий америка умумий

бозори", "Ягона иқтисодий макон" ва шу кабиларнинг юзага келиши солиқларни ундириш борасидаги ҳамкорликни ҳам уйғунлаштиришни талаб этмоқда, шу билан биргалликда бундай умумий бозорларда солиқларни прогноз қилиш жараёнини ҳам ўзига хос хусусиятларини юзага келтирмоқда.

Бу хусусиятлар прогноз жараёнида хусусий омиллар билан бирга умумий омилларга таянилишнинг зарурлиги, айрим солиқ турлари бўйича умумий келишувларни амалга оширишнинг эҳтиёжнинг туғилиши ва шу кабиларда акс этади. Масалан, 1958 йилдаги келишувга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи, истеъмол солиғи ва бошқа эгри солиқлар бўйича умумий келишувлар жорий этилди. 1977 йилдан бошлаб эса қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг ягона методикаси жорий қилинди. Бунга асосий сабаб қўшилган қиймат солиғи хусусиятига кўра товарларнинг реализацияга қаратилган бўлиб, ягона методиканинг киритилиши, бюджетга асосий маблағ жалб этувчи қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тушумларининг ҳажмини аниқлаш(прогноз қилиш) ишларини соддаштиришдан иборат эди. ҚҚС бошқа солиқлардан фаркли равишда умумий бозор шароитида солиқларни ундириш механизмга катта таъсирга эгаллиги ва уни фискал хусусиятининг юқорилиги 1993 йил 1 ноябрдан бошлаб ушуб солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг минимал чегараси(15%дан кам бўлмаслик шarti) ва айрим солиқ турлари бўйича бериладиган солиқ имтиёзларининг юқори чегараси(5%дан юқори бўлмаслиги шarti) ҳам келишиб олинди.

Солиқларни ундириш тартиблари бир неча марта ўзгартирилди, албатта бу умумий бозор конъюктурасининг мураккаблашуви, бозорга олиб чиқилаётган товар(хизмат, иш)ларнинг диверсификациялашуви, товар айланмасининг тезлашуви, умумий бозорда товарларнинг истеъмолнинг фарқланишуви, ҳаттоки сиёсий устуңлик ҳолатларига боғлиқ эди. Солиқлар бўйича тушумлар ҳажмини аниқлашни янада соддаштириш мақсадида солиқ тўловчиларни ягона реестрда ҳисобга олиш ва алоҳида идентификация рақамларини бериш жорий қилинди. Европа иттифоқи давлатларида солиқларни ундириш тартибларини гармонизциялаштиришдан асосий йўнаишлари солиқларнинг бефарқлиги(барча давлатлар иқтисодиётига бир хил таъсир қилиш)ни таъминлаш, алоҳида олинган солиқ сиёсатида дискриминациялашувга йўл қўймаслик, бир неча давлатларда фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчилар юзасидан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш, солиқ назоратини юмшатишни таъминлаш, ҳар бир давлатга тегишли солиқларни ўзаро ҳисоб-китоблари кафиллигини таъминлаш ва шу кабиларга қаратилган эди. Солиқларни ундириш ва улар бўйича тушумларни ўзаро тақсимлаш борасида интеграциялашувнинг кучайиши ва бу борада орттирилган тажрибалар пул-кредит соҳасида ҳам ягона интегарциялашувни

кучайтирди, провардида эса интеграциялашувнинг алоҳида олинган мезонлари асосида ягона пул бирлигини ташкил этилишига эришилди.

Солиқларни ундириш борасидаги жаҳон интеграциялашувида "Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги" доирасида ҳам бир қатор тажрибалар олинди. Бу ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам солиқларни ундиришни унификациялаш мақсадида биринчи босқичда аъзо давлатларнинг солиқ қонунчилиги чуқур таҳлил қилиниб, айрим умумий нормалар жорий этилди, миллий солиқ қонунчилигидаги ўхшашликлар таққосолаштирилди. Солиқларни ундиришдаги ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи махсус орган- "Солиқ хизмати органлари раҳбарлари Кенгаши" тузилди. Бу кенгашнинг асосий вазифалари сифатида аъзо давлатлар ўртасида солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, солиқ тушумларига оид маълумотларни умумий алмашинувни амалга ошириш, солиқ қонунчилигини уйғунлаштириш, кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш, келгусида ташкилот доирасида амал қилувчи ягона солиқ кодексини ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг тарихий шаклланиш тенденцияларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш ҳар қайси давлатнинг солиқ сиёсатида миқдорий ва сифат белгиларига эга бўлади ва давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда миқдор ва сифат кўрсаткичларнинг ўзаро акс таъсирини эътиборга олиш лозимлигини кўрсатади.

### **3.7.Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг мазмуни ва уларнинг ўзаро фарқлари**

Иқтисодиётга оид илмий ва ўқув адабиётлар ҳамда бошқа манбалар ўрганилганда солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг мазмунини очиб берувчи ягона тушунчани учратиш қийин. Бир томондан прогноз ва режалаштириш жараёни ўта мураккаблиги бўлса, бошқа томондан бу жараёнларни мутахассислар томонидан турлича талқин қилинишидир. Талабалар солиқларни прогноз қилишга оид илмий ва ўқув адабиётлари билан танишишда солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг моҳиятига оид кўплаб турли хил ёндошувларга дуч келиши мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда бу борадаги асосий адабиётларда уларнинг муаллифлари томонидан келтирилган айрим ёндошувларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Солиқларни режалаштириш бўйича йирик илмий тадқиқотлар олиб борган Россиялик олимлар М.В. Романовский ва О.В. Врублевскаянинг фикрларича солиқларни режалаштириш бюджет жараёнини

мувофиқлаштиришда қатнашувчи давлат ҳокимликларини ва солиқ муносабатларида қатнашувчиларнинг ўзаро фаолияти бўлиб, ўзида аниқ ҳудудлар доирасида бюджетга солиқлар ва тўловларнинг ҳажмини аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнидан иборат бўлиб<sup>22</sup>. Шунга ўхшаш ёндошув В.И. Бариленко томонидан келтирилади. Солиқларни режалаштириш - давлат эҳтиёжлари учун зарур бўладиган ва давлат бюджетига жамланадиган молиявий ресурсларнинг юзага келиш жараёнидир<sup>23</sup>.

Л.А. Дробозинанинг фикрича солиқларни режалаштириш бу бюджетни режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашнинг ташкилий механизм саналади.<sup>24</sup> Ушбулардан фарқли равишда И.В. Горский ва Н.И. Малислар солиқларни режалаштириш билан прогнозлаштириш тушунчаларини айнан ўхшаш сифатида изоҳлайди. Уларнинг фикрича солиқларни режалаштириш солиқларни прогноз қилиш натижалари асосида солиқ салоҳиятига баҳо беришдир. Солиқларни режалаштириш бу солиқ салоҳиятнинг солиқ тушумларига нисбатидир<sup>25</sup>. Ўз навбатида А.Б. Паскачев, Ф.К. Садыгов ва В.И. Мишинлар юқоридагилардан фарқли равишда солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришни алоҳида категориялар ва тушунчалар деб ҳисоблайдилар. Солиқларни прогнозлаштириш деганда бу мамлакат ва ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришга асосланган ҳолда солиқларни бюджетга жалб қилиш жараёни бўлиб, солиқлар базасини аниқлаш, солиқлар ва тўловларни таҳлил қилиш, солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси, солиқ қарздорликни баҳолаш ҳамда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш муносабатларидир.<sup>26</sup> А.Б. Паскачевнинг таъкидлашича, солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқ сиёсатини амалга оширишда катта роль ўйнайди, яъни солиқлар бўйича тушумлар ҳажми ошириб кўрсатилса, солиқларнинг йиғилувчанлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари камайтириб кўрсатилса бюджет даромадларининг харажатлардан ошишига олиб келади, бюджетда даромадларнинг харажатлардан ошиши ижобий ҳолат деб баҳолансада, аммо,

<sup>22</sup> Финансы. Под ред. Романовского М.В., Врублевской А.В., Сабанти В.М. М.: 2004. - 504 с.

<sup>23</sup> Анализ финансовой отчетности : учебное пособие / В.И. Бариленко, С.И. Кузнецов, Л.К. Плотникова, О.В. Кайро ; под общ. ред. В.И. Бариленко. — 2-е изд., перераб. — М.: КНОРУС, 2006. — 416 с.

<sup>24</sup> Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник для вузов / Л.А. Дробозина, Л.П. Окунева, Л.Д. Андросова и др.; Под ред. проф. Л.А. Дробозиной. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997.-479 с.

<sup>25</sup> Теория и практика налогообложения: Учебник / Н.И. Малис, И.В. Горский, С.А. Анисимов; Под ред. Н.И. Малис. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Инфра-М, 2013. - 432 с.

<sup>26</sup> Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика / А.Б. Паскачев, Ф.К. Садыгов, В.И. Мишин, Р.А. Саакян, О.А. Бессчетная, В.Н. Засько, А.И. Новикова; под ред. Ф.К. Садыгова. М.: Издательство экономико-правовой литературы, 2004. 39 с.

прогноз таъсиридаги бундай ҳолат салбий деб ҳисоблайди. Бюджетни режалаштиришда хатоликлар юзага келганлигини ифодалайди<sup>27</sup>.

Иқтисодчи мутахассислардан Р.А. Саакян ва Г.Ананьеваларнинг фикрича солиқлар прогноз қилиш ўзида солиқ салоҳиятини аниқлаш асосида жамланма бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишини прогноз қилиш ва шу билан биргаликда мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашнинг муҳим базасидир.<sup>28</sup> С. В. Барулин, Е. А. Ермакова, В. В. Степаненколар солиқларни прогноз қилиш бу-ҳақиқатни аниқлашга асосланган олдиндан кўра билиш жараёнидир. Прогнознинг асосий мақсади эса объектнинг у ёки бу ҳолати ҳақида аниқ ва ишончли маълумот беришдан иборат бўлиши лозим.<sup>29</sup>

Кўп йиллардан буён солиқларнинг прогнозлаштириш муаммолари билан шуғулланадиган В. А. Красницкий солиқ прогнози тушунчасига ёндошуви Р.А. Саакян ва Г.Ананьевалар билан ўхшаш бўлиб, унинг моҳияти солиқ салоҳиятига асосланган ҳолда турли даражадаги бюджетларнинг солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашдан иборат деб ҳисоблайди.<sup>30</sup> "Солиққа тортиш тизимида прогнозлаш ва режалаштириш" ўқув қўлланмасининг муаллифлари Разник Е.Д ва И.А.Самсоновалар эса солиқларни прогноз қилишни солиқ жараёнининг босқичи деб таърифлайди ва прогнозлаштириш босқичи солиқ жараёнининг илмий асосланган ва ишончли ҳамда қўйилган вазифани бажаришнинг унсурлари(деталларини) кўрсатиб берувчи муҳим жараёни сифатида тавсифлайди.<sup>31</sup>

Е.Н.Лавренчукнинг фикрича солиқларни прогноз қилиш асосида тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўлаш имконияти ётади. Ўз навбатида муаллиф солиқ прогнозини микро даражада талқин қилиб солиқ прогнозини амалга оширишдан мақсад солиқ тўловчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий имкониятларини баҳолаш асосида уларнинг солиқ тўловларини амалга ошириш шарт-шароитларни баҳолаш, корхонанинг стратегик бошқаруви учун асосли хулосаларни олиш, амалдаги солиқ қонунчилигига таянган ҳолда қўлланиладиган методларни аниқлаш солиқ тўловларини оптималлаштириш асосида харажатларни самарали сарфлашнинг йўллари аниқлаб олишдан

<sup>27</sup> Ўша ерда.

<sup>28</sup> Р.А. Саакян, Г.И. Ананьева. О некоторых аспектах налогового прогнозирования и планирования. <http://www.nalvest.com/nv-articles/detail.php?ID=24593>.

<sup>29</sup> Барулин С.В, Е.А.Ермакова, В. В. Степаненко. Налоговой менеджмент.М.: -Омега. 2007. 57 с.

<sup>30</sup> Красницкий В. А. Эффективная реализация аспектов налогового прогнозирования и планирования в рамках развития налогового администрирования. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (2011), 10-1 (октябрь), 59 с.

<sup>31</sup> Разник Е.Д., Самсонова И.А. ПРОГНОЗИРОВАНИЕ И ПЛАНИРОВАНИЕ В НАЛОГООБЛОЖЕНИИ: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. 14с.

иборат деб ҳисоблайди.<sup>32</sup> Солиққа тортиш назарияси бўйича йирик олимлардан бири И. М. Александров ўзининг "Солиқлар ва солиққа тортиш(Налоги и налогообложение)" дарслигида эса солиқларни прогноз қилиш бу- бюджет-солиқ сиёсати тизимида қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришда солиқли даромадларнинг салоҳият ҳажмларини аниқлашга асосланган жараёндир деб таърифлайди.<sup>33</sup>

Ҳар қайси ўзаро яқин иқтисодий категорияларнинг моҳиятини ўрганишда уларнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш хусусиятларини солиштириш аҳамиятлидир. Баъзи бир иқтисодий адабиётларда<sup>34</sup> ушбу тушунчаларни битта тушунча сифатида қаралсада, аммо улар бир-биридан фарқ қилади.



**14-расм. Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштириш (тушунча) жараёнларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.**

Келтирилган расмдан кўринадик, солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг ўхшаш хусусиятлари қуйидагиларда акс этади: яъни, улар солиқ сиёсатининг таркибий элементи ҳисобланади, иккаласи ҳам молиявий инструментлар сифатида юзага чиқади, бюджетни

режалаштиришнинг асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга уларда асосан бир хил турдаги моделлар ва методларнинг қўлланилади. Шу билан биргаликда улар ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга. Уларнинг бу фарқли хусусияти қўлама жиҳатдан фарқланиши(солиқларни режалаштириш микродаражада асосан маҳаллик ҳокимликлар томонидан ўз ваколатлари доирасидаги солиқ сиёсатининг мазмуни ва корхоналарда солиқ тўловларини тўлашни режалаштириш шаклида кечади), бюджет-солиқ сиёсатидаги иштироки турличалиги(солиқни режалаштириш солиқ сиёсатининг йўналишларини белгилашга қаратилган бўлса, солиқ прогнози бюджетнинг солиқли даромадларини қамраб олади), жараёнда фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг турличалиги, турли хилдаги ахборот базаларидан фойдаланиши, турлича умумий белгига эгаллиги ва вазифаларининг фарқланиши, жараён натижаларини акс эттириши жиҳатдан фарқланиши ҳамда амал қилиш муддатларининг турличалиги ва шу каби хусусиятлари билан фарқланади.

Солиқларни режалаштиришнинг фарқли хусусияти шундаки, қабул қилинган вариант ижро учун мажбурий ҳисобланади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш содиқ тизими ва солиқ сиёсатининг самарадорлигини ифодалайди. Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришга оид ёндошувларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин: Биринчи ёндошувга кўра солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштириш синоним тушунчалар ҳисобланади. Иккаласи ҳам давлат ва маҳаллий бюджетларга солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларни максимал даражада кам харажатлар эвазига жалб қилишнинг восита ва элементларидир. Иккинчи ёндошувга асосан солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш бир-бирини тўлдирувчи категориялар саналади ва солиқ тизими ҳамда солиқ сиёсатининг элементидир. Бу ерда солиқларни прогноз қилиш солиқ сиёсатида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган солиқ салоҳиятини аниқлашга ва таҳлил қилиш билан боғлиқ тизимли фаолият бўлса солиқларни режалаштириш аниқ даврда солиқ тушумларини аниқлашга қаратилган тизимли фаолиятдир. Учунчи ёндошувга кўра солиқларни режалаштириш ўз ичига солиқларни прогнозлаштиришни қамраб олади ва прогнознинг характерли хусусиятларини белгилаб беради.

Яъни солиқларни режалаштириш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш борасида бюджетнинг турли даражаларига солиқларнинг келиб тушиш ҳажмини, таркибини ва динамик ҳолатинини аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар саналса, солиқларни прогнозлаштириш режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида солиқларни ундириш жараёнида иштирок этувчи органларнинг бюджетга солиқларни жалб қилишга қаратилган мувофиқлаштирувчи фаолиятдир. Тўртинчи йўналиш учунчи йўналишга тескари равишда солиқларни режалаштириш солиқларни


<sup>32</sup> Лавренчук Е.Н. Налоговое прогнозирование. Экономические науки 2011, 1(74).

<sup>33</sup> Александров И. М. Налоги и налогообложение Учебник Москва, 2009 Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°» Москва, 138 с.

<sup>34</sup> Қаранг: Перов, А.В. Налоги и налогообложение: учеб. пособие / А.В.Перов, А.В.Толкушкин. – 2 изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 76с.; Чигракова Н.М. РИСК: Ресурсы, информация, снабжение, конкуренция, (2011), 3 (2 квартал), 274 с.

прогнослаштиришнинг таркибида бўлиб, солиқларни прогноз қилиш жараёнини солиқ тушумларини аниқлаш, солиқ базаси ва салоҳиятни аниқлаш жараёни, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва солиқлар бўйича қарздорликни таҳлил қилишга қаратилган фаолият, солиқларни режалаштириш эса солиқ сиёсатида мақсад қилиб қўйилган вазифаларни солиқ элементлари орқали амалга оширишга қаратилган бошқарув жараёнидир деб ҳисоблайдилар.

Аввало солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнлари давлатнинг молиявий сиёсатининг энг муҳим ажралмас қисми бўлиб, бу икки тушунча кенг қамровли муносабатларни изоҳлайди. Солиқларни прогноз қилиш ҳам режалаштириш ҳам давлат бюджети жараёнига хизмат қилиб улар бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий категориялар сифатида бюджет-солиқ сиёсатининг ядросини ташкил этади. Аммо, солиқларни режалаштириш иқтисодий муносабатлардаги ўрни юзасидан прогноз жараёнига нисбатан бирламчи ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда **солиқларни режалаштириш** давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисми сифатида давлатнинг солиқ ва фискал сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди ҳамда у таркибий жиҳатдан солиқларни жорий этиш, солиқ ставкаларини белгилаш, уларнинг даражаларини ўзгартириш, солиқ имтиёзларини бериш(бекор қилиш), солиқларни ундириш, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари билан ҳуқуқий-меъёрий нормаларни ишалб чиқиш ҳамда ушбу жаарёнларни тартибга солиш)мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидан иборат.




15-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро таъсири йўналишлари.

Солиқларни прогноз қилиш молиявий прогнознинг муҳим таркибий қисми сифатида молиявий прогнознинг бошқа турлари билан ўзаро таъсирда бўлади. Бу эса молиявий прогноз ва солиқ прогнозининг илдизи битта нарсага, яъни молиявий сиёсатнинг ўзагини ташкил қилишлигини билдиради. Ўз навбатида солиқларни прогноз қилиш жараёни молиявий режалаштириш, молиявий прогнослаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогнослаштириш ҳамда солиқларни режалаштириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Албатта бу тушунчалар бир биридан фарқ қилади. Молиявий режалаштириш таркиби жиҳатдан давлатнинг барча марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини режалаштириш, барча даражадаги молиявий ресурсларни режалаштириш жараёнларини қамраб олиб, молиявий прогнослаштириш эса унинг таркибий қисми ҳисобланади ва молиявий прогнослаштириш эса барча турдаги(марказлашган ва марказлашмаган) пул фондларининг маблағлари ва уларни сарфлашнинг прогноз кўрсаткичларини қамраб олади. Бюджетни режалаштириш эса бюджет жараёнининг муҳим ташкилий босқичларини қамраб олса, бюджетни прогнослаштириш эса бюджетнинг барча даромад манбалари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаб беради. Бюджетни прогнослаштириш ва солиқларни прогноз қилиш жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, солиқларни прогноз қилиш эса бюджетнинг даромад манбаларининг солиқли даромадлари қисмини қамраб олади, бошқа даромад манбаларининг прогнози жараёни эса солиқни прогноз қилиш объектига қирмайди. Солиқларни прогноз қилиш эса шу жиҳатдан бюджетни режалаштириш ва прогнослаштириш жараёнига муҳим ахборот манбаларини тадқим этиши билан аҳамиятлидир.

Ўз навбатида солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнлари макро ва микро даражада амал қилиб, улар нафақат бир-бирига шунингдек, қайд этилган кўрсаткич(жараёнлар)ларга таъсир қилади. 15-расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилиш макро даражада жамланма бюджетнинг даромадлар қисмига солиқ тушумларини прогноз қилишни қамраб олиб, мамлакат иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий прогноз қилиш ва бюджет ҳамда солиқларни режалаштириш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қилади ва уларнинг йўналишларини белгилашга таъсир қилса микро даражада эса тармоқлар, ҳудудлар, солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолашни, солиқ турлари бўйича солиқ прогнозини қамраб олади, ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ҳамда маҳаллий бюджетларнинг кўрсаткичларини аниқлашга хизмат қилади ва унинг йўналишларини белгилашга таъсир қилади.

Солиқларни режалаштириш жараёни эса макродаражада солиқ сиёсатининг ўзаги сифатида солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш

механизмлари, солиқ ставкалари, имтиёзларини белгилашга оид жараёнларни қамраб олади, мамлакат иқтисодий-ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг асоси бўлиб хизмат қилади, бюджет жараёни ва ўз навбатида солиқларнинг ҳамда солиқларни прогноз қилиш(солиқ салоҳияти) жараёнига акс таъсир қилади. Шунингдек микро даражада ҳам мавуд бўлиб, маҳаллий ҳокимликларнинг ўз ваколатлари доирасидаги мажбурий тўловларни жорий қилиш, уларни ундириш механизмлари, солиқ ставкалари, имтиёзларини белгилашга оид ва корхоналарда солиқларни режалаштириш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади, ҳудуд иқтисодий-ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг асоси бўлиб хизмат қилади, ҳудуднинг солиқ салоҳиятини аниқлашга таъсир қилади.



**16-расм. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг макро ва микро даража амал қилиши ва уларнинг ўзаро таъсири** Солиқларни прогноз қилиш эса солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнлари ва давлат бюджетининг даромадлар қисми сифатида солиқларнинг турли даражадаги бюджетларга келиб тушиш прогноз қилиш (эҳтимоллигини ҳисоблаш), солиқларнинг бюджетга жалб этилиш даражаси ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш, шунингдек, ушбу жараёнларни ва уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни динамик таҳлил этишга қаратилган муносабатлар ҳамда давлатнинг ваколатли органларининг комплекс фаолияти тушунилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган ёндошувларда қайд этилганидек, бу тушунча ва муносабатлар бир-бирини тўлдириш ва кетма-кетликка эга бўлади. Солиқларни режалаштириш солиқ тушумлари, солиқ базаси, солиқларнинг йиғилувчанлик даражалари ва макроиктисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Солиқларни режалаштиришдан мақсад давлат бюджетига солиқ тушумларини максимал даражада жалб қилишдан иборат. Солиқларни режалаштириш давлат даражасида социал-иқтисодий жараёнларни прогноз қилишнинг муҳим кўриниши бўлиб юзага чиқади ва бир неча босқичлардан иборат бўлади. Давлат бюджетига солиқларни жалб этиш билан боғлиқ режалаштиришнинг олдига бир қатор вазифалар қўйилади: турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмларига тушумларнинг келиб тушишини таъминлаш, солиқ ставкаларини оширмаган ҳолда бюджетга солиқ тушумларини ҳажмини оширишнинг қулай воситаларидан фойдаланиш ва таъминлаш, молия йили давомида солиқларнинг бюджетга келиб тушишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, бошқарув амалиётида солиқларни максимал даражада жалб қилишнинг методларидан кенг ва самарали фойдаланиш ва шу қабилилар.

Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги солиқ-бюджет жараёнларининг чегарасини белгилайди. Шу билан биргаликда солиқларни прогноз қилиш ўзида директив хусусиятларни акс эттирган тахминларга асосланса, солиқларни режалаштириш эса ўзида бажаришга қабул қилинган миқдорий кўрсаткичларни ифода қилади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш механизмлари фақат макроиктисодий даражада фарқланади, улар бир-бирини тўлдирсада солиқларни прогноз қилиш жараёни режалаштириш жараёнидан олдин содир бўлади. Солиқларни прогноз қилишни мувофиқлаштириш асосини бюджет жараёни нормалари ҳисобланади. Шу жиҳатдан олган солиқларни прогноз қилиш масаласи давлатнинг молия сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органларнинг бош вазифаларидан бири бўлиб юзага чиқади. Солиқларни прогноз қилиш ҳар бир солиқ ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича солиқ базасини аниқлашни қамраб олади, бу

жараён ўта мураккаб бўлиб, бу масаланинг тўғри хал қилиниши бошқа кейинги жараёнларга яъни солиқ қарздорлиги, солиқларнинг йиғилувчанлиги кабиларга тўғридан тўғри таъсир қилади.

Солиқларнинг бюджетга келиб тушиши бошқа омилар сингари солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштириш босиқчларига боғлиқ бўлади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича<sup>35</sup> солиқларни режалаштириш боскичлари уч боскичдан: солиқлар сифатида бюджетга жалб қилиш мақсадида иқтисодий субъектларнинг ресурс имкониятлари аниқлаш; давлатнинг социал-иқтисодий ҳамда бюджет-солиқ сиёсатининг йўналишларини аниқлаш; солиқларнинг турли даражадаги бюджетларга келиб тушишини ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган аниқ ҳаракатларни амалга ошириш каби боскичлардан иборат. С.В.Барулин бошчилигидаги "Солиқ менежменти" ўқув қўлланмаси муаллифларининг фикрича эса солиқларни режалаштириш жорий ва келгуси даврлар бўйича солиқ мажбуриятларини такомиллаштиришга ва уларни камайтиришга қаратилган турли хил вариантларни тизимли таҳлил қилишни ўзи ичига олган тадбирлардан иборат ва у ўз ичига солиқ салоҳиятини аниқлаш, жамланма бюджетга солиқларнинг келиб тушиш ҳажмини аниқлаш, турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисми бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда прогнозлаштирилаётган ҳажмдаги молиявий маблағларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлашдан иборат бўлади. Солиқларни режалаштиришнинг асосий вазифаси эса максимал молиявий натижага эришиш ва солиқларни минимал даражада камайтиришга қаратилган солиққа тортиш тизимини ташкил этишдан иборат. Солиқларни режалаштириш босқичлари эса ташкилий-тайёргарлик, тадқиқотчилик, режани ишлаб чиқиш, режани амалга ошириш кабилардан иборат.<sup>36</sup> Иқтисодий адабиётларда солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштиришни макродаражада амалга оширишда уларнинг ягона тизим сифатида шакллантириш ҳамда уларнинг ўзига хос элементларини аниқлаш хусусида фикрлар билдирилади.

#### Солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштиришни макродаражада амалга ошириш элементлари:

|    |   |   |
|----|---|---|
| 1. | Солиқларни режалаштириш элементлари                   | Солиқларни прогнозлаштириш элементлари    |
| 2. | Солиқлар бўйича тушумларнинг бюджетга бириктирилишини | Солиқларни прогноз қилишнинг мақсадларини |

<sup>35</sup> Ефимов С.С. Формирование системы налогового прогнозирования и планирования на макроуровне. автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук.- Орёл, 2014. 22 с.

<sup>36</sup> Панасенкова, Т.В. Модернизация системы налогового планирования и прогнозирования в современной экономике России: диссертация на соискание ученой степени к.э.н., Ростов-на-Дону, 2004.

|     |  |  |
|-----|--|--|
|     | шакллантириш   | шакллантириш   |
| 3.  | Солиқ хизмати органилари ходимларининг малакаси солиқ тартиб интизомини такомиллаштириш                    | Солиқларни прогнози қилишнинг мақсадларига эришишнинг воситаларини аниқлаш                               |
| 4.  | Бюджетга бириктирилиш кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш асосида давлат даромадларини кўпайишини таъминлаш | Солиқларни прогнози қилишнинг даражаси мезонлари ва ички ахборотлар тизимини шакллантириш                |
| 5.  | Бюджет топширикларини ижросини таъминлаш ва режалаштириш учун зарур бўладиган зарурий маълумотларни йиғиш  | Солиқ прогнози даражасига ташқи омилар белгиларини аниқлаш   |
| 6.  | Бюджет маблағларини оқилона тақсимлашнинг коэффициент ва кўрсаткичларидан фойдаланиш                       | Турли хил методлардан фойдаланган ҳолда солиқларни прогноз қилиш жараёнини амалга ошириш                 |
| 7.  | Солиқ сиёсатини мувофиқлаштириш ва мослаштириш ёрдамида давлатни ривожлантириш самарадорлигини ошириш      | Келгусида молиявий ресурсларни бошқаришни таъминловчи ташкилий, методик ва технологик воситаларни жамлаш |
| 8.  | Солиқ рискларни юзага келиши ва унинг даражасини камайтириш  | Солиққа оид режани солиқлар бўйича тушумларга баланслаштириш   |
| 9.  | Ички ва ташқи омиларга солиқларнинг мослашувчанлигини ошириш   | Солиққа оид қонунчилик ва халқаро шартномаларни доимий фаоллаштириш                                      |
| 10. | Бюджет жараёнини пул маблағлари билан таъминлаш  | Давлатнинг молия режасидаги пул маблағларини тақсимлаш   |

Россия иқтисодчилари томонидан қайд қилинаётган солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш элементларини қўллаш механизмларида барча элементларнинг мақсади солиқларни бюджетга жалб қилиш жараёнига қаратилган бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бюджет жараёнини тўғри шакллантириш ва амалга оширишнинг муҳим шarti сифатида баҳолайди.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш элементлари юқорида иқтисодчилар таъкидлаганидек, уларнинг ўзаро боғлиқлиги бюджет-солиқ сиёсатида мақсад қилиб қўйилган натижаларга эришишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилсада, аммо уларнинг элементларини уларнинг ички хусусиятлари ва амалга оширилиш жараёнининг мазмуни ҳамда уларга энг кўп

таъсир этувчи омилларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнида элементларни қўллашга тизимли ёндошув тадқиқотнинг натижаларининг аниқлиги ва ишончлигини таъминлайди. Элементларни қўллашда тизимий ёндошув улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг қонуниятларини мантикий асосда аниқлашга имкон беради. Ҳар қандай иқтисодий жараён ёки объектнинг ўзи ўзига хос тизимга эга бўлиб, аввало ушбу объектнинг ички тизимлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш объектнинг моҳияти ва хусусиятини очиб берса, бошқа томондан унинг амал қилиши жиҳатидан ўзига яқин бўлган категориялар ва муносабатларга боғлиқлик даражасини ҳам кўрсатиб беришга хизмат қилади. Объектларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашда ҳам тизимий ёндошувнинг тамойилларига асосланиш зарур бўлади. Солиқларни прогноз ва режалаштиришда уларнинг элементларининг ўзаро боғлиқлигини тизимлашган ҳолда ўрганиш ва қўллаш бир томондан уларнинг ўз ички хусусиятларини очиб берса, бошқа томондан уларнинг юзага чиқиш ва амал қилишини белгилаб берувчи омилларни ҳам кўрсатиб беради. Ўз навбатида мазкур омилларни уларнинг ўзлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш эса прогноз ва режалаштириш жараёнининг қонуниятларини янада очишлишига ёрдамлашади.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришда уларнинг элементларини ўзаро боғлиқлигини аниқлашда тизимли ёндошувда асосий эътибор элементларнинг ўзаро яқинлиги, иқтисодий муносабатлар маконида жойлашган ўрни, шунингдек, бюджет жараёнидаги аҳамияти ва таъсири нуктаи назаридан ёндошиш мақсадга мувофиқ. Масалан солиқ ставкасининг ўзгаришини солиқ тушумига таъсирининг ўрнига солиқ назорати самарадорлигига таъсирини ўрганиш прогноз нуктаи назаридан тўғри бўлмайди, бу ерда тизимий ёндошув бўлсада, аммо мақсадга эришиш нуктаи назаридан нотўғри услуб ҳисобланади. Шунингдек, солиқ имтиёзларини солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқлиги ўрнига солиқ қарздорлигига таъсирини ўрганиш солиқ тушумлари прогнозини аниқлашга етарлича ёрдам бермайди, бошқача қилиб айтганда тизимий услуб мақбул эмас. Демак, тизимий ёндошувда ҳам албатта мантиқ ва таҳлил усулларига таянилиш лозим бўлади. Албатта тизимли ёндошув ҳам ўз навбатида маълум бир тамойилларга асосланади. Иқтисодий адабиётларда унинг қуйидаги тамойиллари келтирилади: Яхлитилик-барча элементлар яхлит бутунликни ташкил этади.

Иерархияли-тизими элементлари бири-бирига бўйсинувчан ҳолатда бўлади, қуйидан юқорига ва аксинча ҳолатда акс таъсирда бўлади.Таркиблик-ўзаро боғлиқ элементлар маълум бир таркибда фаолиятда бўлади. Тўпламлилик-турл хил математик-моделларни ягона тўплам сифатида

қўллаш мумкин бўлади. Тизимлилик-хар қайси объектнинг тизимнинг барча белгиларини акс эттиради.<sup>37</sup>

Солиқларни режалаштиришдан фарқли ўлароқ солиқларни прогноз қилиш мураккаб ҳисоб-китобларга, таҳлилларга, қўлланиладиган усулларнинг хил-хиллиги, уларни комбинациялашган ҳолда қўлланилиши, ахборотлар базасининг турли туманлиги ва уни қайта ишлаш даражасининг юқорилиги, нафақат статистик, математик, эконометрик ҳисоблар, шунингдек, мантикий ёндошувларга ҳам таянилади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш ташкилий босқичда ўзаро ўхшаш бўлади. Яъни уларни шакллантиришда қатнашувчи субъектларнинг кўплигидир. Солиқларни режалаштиришда ахборотлар билан таъминловчи органлар билан биргаликда солиқ сиёсатининг мазмунига хос тақлифларни илгари сурувчи органлар ҳам иштирок этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида эса аксарият қатнашувчи органлар асосан ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан чекланади.

Албатта солиқларни прогноз қилишнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳам унинг омиллар таъсирида бўлишлигидир. Яъни омиллар тизими бу жараёнда асосий роль ўйнаовчи бўлиб юзага чиқади ва уларнинг кўплиги ва таъсирчанлигининг нобарқарорлиги солиқларни прогноз қилиш жараёнида прогноз натижаларига таъсир этувчи омилларни доим ва турли хил методларни мос ҳолда қўллаб боришни тақозо этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида омиллар таъсирини баҳолашда кўпинча улар маълум гуруҳларга бўлинади. Бундайлар қаторига объектив ва натижали омилларни келтириш мумкин. Объектив омиллар жумласига прогнозни амалга оширувчи солиқ хизмати ва бошқа органлар фаолиятига боғлиқ бўлмаган молиявий омиллар(яъни ички махсулот, инфляция, инвестиция, жамғарилиш, истеъмол ва нарх индекслари, импорт-экспорт ҳажми ва ш.к.) киритилса, натижали(ички) омилларга бевосита солиқ хизмати ва бошқа молиявий органларнинг фаолияти натижалари киритилади. Натижали омилларнинг таъсирини эса солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган турли хил текширув натижалари, солиқларни ундириш борасидаги ишлар, солиқ тўловчиларни ўз вақтида рўйхатга олиш, информацион технологияларнинг қўлланилиши, солиқ тўловчиларнинг маданиятини ошириш борасидаги амалга оширилган ишлар ва шу қабилар билан ўлчанади.<sup>38</sup> Аммо қайд этилганларни эътироф этиш билан бир қаторда

<sup>37</sup> Васильева, М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. - №6 – С.69.

<sup>38</sup> Маслова, И.А. Планирование и прогнозирование налоговых рисков для целей эффективного налогового менеджмента /И.А. Маслова// Управленческий учет. — 2012. - №6.– С. 75-80.; Рогачев, А.Ю. Моделирование налоговых поступлений на примере Сибирского федерального округа / А.Ю.

бизнинг фикримизча солиқ прогнозига таъсир этувчи омилларни бундай тартибда гуруҳлаш услубий жиҳатдан унчалик тўғри эмас. Қайд этганимиздек, прогноз жараёни ўта қалтис ва маъсулиятли жараён бўлиб, унинг натижаси иқтисодий сиёсатнинг мазмунига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Омиллар тўпламини тўғри баҳоламаслик прогноз натижасига салбий таъсир этиши, провардида эса иқтисодий сиёсат қолаверса, солиқ сиёсатининг тактик йўналишларини нотўғри белгиланишига олиб келади. Шу боисдан прогноз натижаларига таъсир этувчи омилларни аввало услубий жиҳатдан тўғри гуруҳлаб олиш лозим бўлади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Прогноз, прогноз турлари, солиқларни прогнозлаштириш, солиқларни режалаштириш, гипотеза, башорат, режа, футурология, молиявий режалаштириш, молиявий прогнозлаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогнозлаштириш, солиқларни прогноз қилиш тамойиллари, солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, солиқларни прогноз қилишнинг вазифалари, солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг фарқлари, иерархиялик, тизимлилик, таркиблилик, солиқларни прогноз қилишнинг зарурий омиллари, Ягона иқтисодий макон, "Сарик реестр", девон, харожи, солиқларни прогноз қилишнинг белгилари.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Прогноз тушунчасининг моҳияти ва унинг юзага келишининг шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.
2. Прогноз қанақа турларга бўлинади?
3. Солиқларни прогноз қилиш деганда нима тушунилади?
4. Солиқларни прогноз қилиш жараёни қанақа белгиларга эга?
5. Солиқларни прогноз қилиш жараёни қанақа тамойилларга асосланади?
6. Солиқларни прогноз қилиш ва солиқларни режалаштиришнинг қанақа ўхшаш ва фарқли томонлари мавжуд?
7. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.
8. Солиқларни прогноз қилишнинг молиявий режалаштириш, прогнозлаштириш ҳамда бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларини изоҳлаб беринг.

Рогачев // Налоговая политика и практика. - 2006. - №1. - с. 44-48.; Смирнов, А.Н. Модель оптимизации системы налогов. Диссертация кандидата технических наук. - М., 1999.

9. Солиқларни прогноз қилишнинг тарихий ривожланиш жараёнларини изоҳланг.

10. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришни шаклланиши ва ривожланишининг хорижий давлатлар тажрибасини айтиб беринг.

11. Башорат ва прогноз тушунчаларининг нима фарқи мавжуд?

12. Солиқларни прогноз қилишнинг миқдорийлик тамойилининг моҳияти нимадан иборат?

13. Ватанимиз ҳудудида амал қилган қадимги давлатчилик шаклларида ҳамда А.Темур ҳукмронлик қилган даврда солиқли тушумларни ҳисобга олиб бориш ва уларнинг келгусидаги ҳамжини аниқлаш ишларининг ташкил этилиши ҳақида айтиб беринг.

14. Футурология деганда нима тушунилади?

## 4-БОБ. СОЛИҚНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

### 4.1. Солиқларни прогноз қилишда моделлар ва моделлаштиришнинг аҳамияти ва уларнинг моҳияти

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида энг муҳим босқичлардан бир бу уни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва методларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Тадқиқотлар методологиясида модел ва методлар илмий билишнинг муҳим қуроли сифатида қайд этилади. Ҳаётда қўлланиладиган объектнинг яширинган ички ва ташқи хусусиятларини билишда мантиқий, тарихий ёндошувлар унинг ташқи хусусиятларини очиб беради холос. Объектни чуқурроқ ўрганиш эса маълум бир ёндошувлар тизимидан фойдаланишни тақозо этади, бу эса модел ва методларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Аввало "модель", "моделлаштириш" "метод" каби тушунчаларнинг мазмунини билиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида "Модель" лотин тилидан олиган бўлиб "modulus" — "ўлчов, меъёр" меъёр деган маънони беради. моделлаштириш эса жараёнларни модель ёрдамида тадқиқ қилиш деган маънони беради" деб таърифланган, аммо ушуб тушунчаларнинг иқтисодиёт билан боғлиқ тушунчалари келтирилмаган.<sup>39</sup> Бошқа бир манбаларда Модель французча "modèle", латинча "modulus" — «ўлчов,ўхшаш, намуна деган маънони бериб бу бошқа тизим хусусида маълумот олиш тизими ва реал ҳолатни тасаввур ва унинг кўринишларини англаш воситасидир" деб, таъриф берилган<sup>40</sup>.

Моделлар ҳақиқатни акс даражасига қараб эвристик, натурал ва математик турларига бўлинади. Эвристик модел инсон кўриниши ва хусусиятларини намоён этишда қўлланилса, натурал моделларнинг моҳияти шундаки, улар мавжуд ҳолатни аниқ ифода қилади, фақат ҳажм ва миқдор жиҳатдан фарқланади. Математик моделлар ҳам кейинги вақтларда жамият ижтимоий ҳаётининг турли жаҳаларини, жумладан социал-иқтисодий жараёнларни ўрганишда кенг фойланилиб келинмоқда. Бундай моделларнинг асосини математик-мантиқий ёндошув асосида объектларни миқдорий жиҳатдан ўрганиш ҳисобланади. Математик моделларнинг энг кўп тарқалган турлари жумласига аналитик, миқдорий, формал-мантиқий ахборот моделларни киритиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра математик моделлар қўллаш ва иқтисодий жиҳатдан анча қулай саналади. Натурал моделлар физик, тремплет ва макетли турларга бўлинади. Булар ичида физик моделлар энг кўп қўлланиладиган моделлардан ҳисобланиб унинг ўзи ҳам техник, социал ва иқтисодий моделларга бўлинади. булардан ташқари оралиқ моделлар ҳам

мавжуд бўлиб, улар жумласига графикли, аналогли(ўхшаш) ва математик-иқтисодий моделлар киради. Моделлар тузилиши ва жараёнларни қамраб олиши жиҳатдан бир-биридан фарқланади, яъни уларнинг функционал вазибалари даражаланади. шу жиҳатдан олганда функционал, принципаал, структурали ва параметрли моделларга ажратилади.

Функционал модел (баъзи ҳолларда абстрактли модел ҳам деб аталади) бу ўрганилаётган объектнинг ички ва ташқи элементларининг ўзаро боғлиқлигини очиб беришга хизмат қилади. Иқтисодиётдаги ҳар қандай жараён ўз ички ва ташқи элементлари ва омилларга боғлиқ бўлиб, бирининг ўзгариши бошқасининг ўзгариши таъсир қилади ва уни ўзига боғлиқ(тобе) қилиб қўяди, шу билан биргалликда ўзи ҳам тобе бўлади. Бундай ҳолат солиқларни прогноз қилиш жараёнида доим содир бўлади, қолаверса, ташқи ва ички элементларнинг ўзаро боғлиқлиги жуд кучли бўлади. Масалан солиқ ставкасининг ўзгаришининг солиқ тушумларига таъсирида ички ва ташқи омиллар ва элементларнинг ўзаро боғлиқлиги жуда кучли бўлади, улар ўртасидаги функционал алоқаларни ўрганиш эса солиқ тушумлари ҳажмини аниқроқ аниқлашда катта роль ўйнайди. Бу ерда асосий масалалардан бири ҳам ўзаро функционал боғлиқ элементларни тўғри аниқлаш керак бўлади.

Принципаал(концептуал модел) модел ўрганилаётган объектнинг реал ҳолати ва унинг алоқаларига асосланади. Деярли барча жараёнларда принципаал алоқалар ва ҳақаратлар мавжуд бўлади, моделлаштиришда уларнинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратилади. Масалан, солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқ тушумларининг ошиши ва камайишини тушумнинг принципаал хусусиятлари(динамик тарзда бўлиши, омилларга боғлиқлиги, солиқ хизмати органларининг фаолияти ва ш.к)га таянилиш лозим бўлади. Структурали моделнинг асосида ҳар қандай объект маълум бир таркибга эга бўлади, уларнинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш эса таркибий кетма-кетликнинг иерархиясининг мавжудлиги ётади. Таркибий звенога эга бўлиб, уларнинг боғлиқлигини кучайтиради ва улар ўртасида принципаал ва функционал алоқаларни аниқлаш имкони туғилади, шу жиҳатдан олганда мазкур моделлар юқорида қайд этилган приципаал ва функционал моделларни тўлдирди ва уларга хизмат қилади. Параметрли моделлар одатда математик моделлар ҳам деб аталади. Ушбу моделнинг моҳияти шундан иборатки, моделлаштирилаётган тизимнинг функционал ва ёрдамчи(асосий ва асосий бўлмаган) параметрлари ўртасида миқдорий боғлиқликларни очиб беради.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари моделлар тизими хусусиятлари, даражалари ва мақомига қараб оддий ва мураккаб, бир хил турдаги ва хилма-хилли, очиқ ва ёпик, статистик ва динамик, барқарор ва эҳтимолли моделларга

<sup>39</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. "М" ҳарфи. Тошкент. 671б.

<sup>40</sup> Уёмов А. И. Логические основы метода моделирования, М.: Мысль, 1971. — с.48

хам гуруҳланади<sup>41</sup>. Моделларнинг шакли ва турига қараб моделлаштириш юзага чиқади. Моделлаштириш тегишли моделни қўллаган ҳолда жараёни амалга оширишнинг амалий жараёнидир. Моделлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қандай тартибда ўрганишнинг самарали воситаларини ифодалаб берса, моделлаштириш ана шу жараёнларнинг механизмларини кўрсатади. Моделлаштириш ҳам моделнинг хусусияти, моделлаштирилаётган объектнинг характери ва унинг қўлланиш соҳасига қараб маълум бир гуруҳларга бўлинади. Ҳозирги кунда адабиётларда моделлаштиришнинг қуйидаги: ахборотли, компьютерли, математик, математик-картографик, молякулярли, рақамли, мантиқий, педагогик, психологик, статистик, таркибли, физик, имитацион, эволюцион, графикли-геометрик, натурали ва иқтисодий-математик моделлаштириш каби турлари мавжуд.<sup>42</sup>

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш уч элемент: субъект(моделни ташкил этувчи шахслар), объект(модел асосида ўрганилаётган объект) ва қўлланилаётган моделдан иборат бўлади. Моделлаштириш объект ёки жараёни олдиндан ўрганиш, унинг муҳим аломатлари ёки тавсифномаларини ажратиш асосида моделнинг лойиҳасини ишлаб чиқишни назарда тутати. Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлардан фойдаланган ҳолда прогноз қилиш моделни ишлаб чиқиш, уни экспериментал таҳлил қилиш, модел асосидаги прогноз ҳисоб-китоблари натижаларини объект ёки жараённинг амалдаги ҳолати маълумотлари билан таққослаш, моделни аниқлаштириш ва тузатишлар киритишни ўз ичига олади. Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқариш даражасига қараб, макроиқтисодий, тармоқлараро, худудлараро, тармоқ, худудий моделлар ва микродаражадаги моделлар (фирманинг ривожланиш моделлари) фарқланади. Иқтисодиётнинг ривожланиш жиҳатлари бўйича нарх, меҳнат ресурслари, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш моделлари ажратиб кўрсатилади. Моделларни таснифлашнинг бир қатор бошқа белгилари: вақт, омиа, транспорт, ишлаб чиқариш аломатлари мавжуд.

Аввалги бандларда таъкидлаб ўтганимиздек, ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб иқтисодиётнинг қонуниятлари ва унинг муаммоларини ўрганишда ҳамда унинг ечимларини топишда бир қатор моделлар ва уларга асосланган ҳолда моделлаштириш усуллари қўлланила бошланди. Ушбу моделлар ва моделлаштириш усуллари бошқа соҳалар сингари солиқларни прогноз қилиш жараёнида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Иқтисодий

адабиётларда<sup>43</sup> ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан солиқларни прогноз қилишнинг моделларини уларнинг моҳияти, қўлланилиш даражаси ва улардан олинган натижаларнинг даражасига макроиқтисодий моделларни макроиқтисодий, микроматацияли ва экстрополяция моделларга бўлишса, базиларида макроиқтисодий моделларни эконометрик(таркибсиз) ва гибридли(таркибли) гуруҳларга ажратишади.<sup>44</sup>

Қайд этилган муаллифларнинг фикрича эконометрик моделлар давлатнинг иқтисодий сиёсатини қиёсий таҳлил қилишга мўлжалланмаган. Гибридли моделлар эса ўрта ва узоқ муддатли иқтисодий мувозанатни моделлаштиришга хизмат қилиб иқтисодий ислохотларнинг оқибатларини таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Ушбу иккала моделларнинг ўхшашлиги шундаки, иқтисодий назарияларга асосланади давлатнинг иқтисодий сиёсатининг сценарияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Гибридли макроиқтисодий моделлар макроиқтисодий назарияларга асосланган ҳолда иқтисодий жараёнларнинг афзаллик жиҳатлари алоҳида олинган статистик методлар орқали аралаштирилиб, улар маълум бир ўлчамларга келтирилади, бунда эса энг муҳим иқтисодий индикаторлар(масалан, ялпи ички маҳсулот, инвестиция, истеъмол даражаси в.ш.к.) асосий мезон сифатида олинади. Бироқ, алоҳида олинган параметрлар макроиқтисодий таҳлилларга асосланган ҳолда уларнинг динамик жараёнини ўрганиш қийин, шу сабабли эконометрик методлардан фойдаланилади. Бу эса макроиқтисодий моделларни икки турга бўлинишига олиб келди. Ушбу моделларда асосан статистик қонуниятларга асосланиб, ўзаро боғлиқликдаги параметрларнинг қайси бири кўпроқ таъсирчан хусусиятга эга бўлишига алоҳида ургу берилади. Мазкур иккала ёндошувлар ҳам амалиётда кенг қўлланилади.

Эконометрик моделлар эса кўпроқ қисқа муддатли макроиқтисодий прогнозлаштиришда кўпроқ самара беради. Статистик методлар ва ҳисоблаш техникаларнинг тақомиллашиб бориши эконометрик моделларнинг афзалликларини кўрсатиб бермоқда. Моделлаштиришнинг макроиқтисодий шакллари макроиқтисодий даражадаги иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ривожлантириш тенденциялари уларнинг кейинги даврлардаги ҳолатини

<sup>43</sup> Қаранг: Рогачев, А.Ю. Моделирование налоговых поступлений на примере Сибирского федерального округа / А.Ю. Рогачев // Налоговая политика и практика. - 2006. - №1. - с. 44-48.; Попова, Л.В. Моделирование планирования налоговых поступлений в федеральный бюджет Орловской области / Л.В. Попова // Экономические и гуманитарные науки. - 2012. - № 3. - С.76-80.; Сидорова, Н.И. Налоги в государственном регулировании экономики. Финансы. - 1996. - № 11. - С. 26-27.

<sup>44</sup> Diebold, Francis X., "The past, present, and future of macroeconomic forecasting", National Bureau of Economic Research, 1997, NBER working paper, number 6290, month November.; Алексеев Александр, "Межстрановая и многоотраслевая вычисляемая модель общего равновесия", ЦЭМИ РАН, 2005, Препринт-36-47с.

<sup>41</sup>Юдин А. Д. Экстремальные модели в экономике. М., 1979, 79 с.

<sup>42</sup> Глинский Б.А. Моделирование как метод научного исследования. М., 1965. 56 с.

аниклаш мақсадида қўлланилади. Бюджет-солиқ соҳасидаги макроиктисодий прогнозлаштириш моделлари бюджетни самарали режалаштириш ва уни бошқаришга мўлжалланган. Бунда солиқларнинг бюджетга тушишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи макроиктисодий кўрсаткичларни ўрта ва узок муддатли динамикасини чуқур ва сифатли прогноз қилишни талаб қилади. Солиқ тушумлари эса давлатнинг иқтисодий, жумладан бюджет-солиқ сиёсати, иқтисодий ислохотларнинг мазмуни ва йўналишлари ҳамда ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Булар макроиктисодий омиллар ҳисобланади. Бундай омилларнинг ўзаро боғлиқлигини комплекс ўрганиш маълум бир макроиктисодий моделларни қўллашни тақозо қилади.

#### 4.2. Солиқларни прогноз қилишда қўлланиладиган моделлар

Солиқ даромадларини прогноз қилиш муаммоси иқтисодий прогноз қилиш умумий муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни тадқиқ қилиш учун маълум бўлган иқтисодий-математик моделлар ва усуллар фойдаланилиши мумкин. Иқтисодиётда дастлабки йирик макроиктисодий моделлардан бири Кейнсчилар назарияга асослаган IS-LM моделидир. Маълумки, ушбу моделнинг асосини истеъмол функцияси, инвестиция функцияси, талаб функцияси ва шу кабилар ташкил этади. Кейнс назариясида макроиктисодий мувозанат масаласи қайд этилган функциялар билан биргаликда солиқлар функциясини ҳам қамраб олади, яъни ушбу назарияда биринчи бор "солиқ мультипликатори" тушунчаси киритилади ва солиқларнинг қайд этиб ўтилган жараёнлар билан ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг акс таъсири каби масалалари кўриб чиқилади.

**Солиқ мультипликатори** (*Tax multiplier*) ( $m_t$ ) – бу солиқларнинг ўзгаришининг инвестиция ва миллий даромаднинг ўзгаришининг боғлиқлигини ифодалайди. Қанча солиқ ставкалари кам бўлса, мультипликаторлик самараси шунча юқори бўлади ва аксинча. Солиқларнинг камайиши хусусий талаб ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, солиқларнинг ошиши эса ўз навбатида талабга ва шу орқали миллий даромад ҳажмининг камайишига таъсир қилади. Худди шундай жараён давлат бюджети харажатлари доирасида ҳам содир бўлиб, бу ерда солиқлар макроиктисодий кўрсаткичлар сифатида асосий функцияларни бажаради. Кейнсчилар назариясига кўра прогрессив солиққа тортиш давлат бюджетидан ялпи талабни оширишга қаратилган инвестиция харажатлари ҳисобига юзага келадиган тақчилликни камайтиришда роль ўйнайди.

Макроиктисодий моделнинг ушбу турида солиқларнинг бюджетга келиб тушишини таъминлашда асосий восита солиқ ставкаларининг таъсири асосий диққат марказда бўлади. Кейинроқ, 70 йилларда макроиктисодий мувозанатни

таъминлашнинг фискал функциялари ўрнига монетар функцияларнинг афзаллиги хусусидаги янги макроиктисодий моделлар юзага келдики, уларда асосий масала пул агрегатлари бўлди (монетариястлар назарияси). Ўтган асрнинг 70 йилларида макроиктисодий эконометрик моделларни қўллаш анча ривож топди. Бунга асосий сабаблардан бири бу математика соҳасида ўзаро нисбатли авторегрессияларни прогноз жараёнида қўллаш имкониятини берувчи йирик ишланмаларнинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бўлиб, иқтисодиётдаги тасодифий ўзгаришлар ва уларнинг вақт қаторлари ўртасида юз берадиган боғлиқликларни авторегрессияли функциялар билан ўрганиш имкониятини берди.

Эконометрик макроиктисодий моделларнинг янада ривож топиши машхур иқтисодчи ва математик олимлар Бокс ва Женсонларнинг ARIMA (autoregressive integrated moving average)-ўрта оғишнинг авторегрессияли моделининг яратилиши ва унинг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. XX асрнинг 60-70-йилларида интеграцияланган сирпанувчи ўртача кўрсаткич авторегрессияси модели (ARIMA), авторегрессия модели (AR) ва ўтказма функция чизикли модели оммавий бўлган. ARIMA моделида кўзда тутиладики, прогноз қилинаётган кўрсаткич умумлаштирилган барқарор тасодифий жараён ҳисобланади, яъни унинг ўзи, ёки унинг маълум бир тартибдаги ўсиши барқарор саналади. Мазмунон бу шуни англатадики, иқтисодий жараённинг ривожланиши, масалан, унинг ўзгариши ёки суръатининг ўсиши барқарор бўлади, юзага келадиган четлашишлар эса тасодифий характерга эга бўлади ва ривожланиш асосий тенденциясини ўзгартирмайди. Бу ҳолатда модель структурасидаги номаълум кўрсаткичларни Бокс-Дженкинс усули ёрдамида баҳоланади.<sup>45</sup>

Тажрибалар шуни кўрсатадики, авторегрессия ва оғувчан ўртача кўрсаткич моделларини битта моделда бирлаштириш юқорида айтиб ўтилган чекловчи шартларни бажарган ҳолда етарли даражада аниқлик билан прогноз қилишга имкон беради. Кўплаб ҳолатларда ARIMA моделининг хусусий ҳолати ҳисобланган авторегрессия оддий модели деярли шундай натижаларга олиб келади. Унда баҳоланадиган кўрсаткичлар сони кичиклигида мавсумий омилни ҳисобга олиш мумкин. Мавсумий омилни ҳисобга олишнинг "аддитив усули" ва оғувчан ўртача кўрсаткичи элементининг йўқлиги ушбу моделни кўрсаткичлар бўйича чизикли қилиб қўяди ва шу сабабли уларни баҳолаш учун энг кичик квадратлар оддий "рекуррент усули"дан фойдаланилади. Кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаларини ҳисобга оладиган оддий модел икки таркибий қисмдан иборат бўлган ўтказма функция модели саналиб, биринчи

<sup>45</sup> Қаранг: Бокс Дж., Дженкинс Т. Анализ временных рядов. Прогноз и управление. Выпуск. 1, 2. М., "Мир", 1974.

таркибий қисм прогноз қилинаётган жараённинг стохастик қисмини, иккинчиси эса – жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни тавсифлайди.

Моделлар ва методларнинг уч гуруҳини кўриб чиқамиз: баланс, эконометрик (статистик) ва ўйин (минимакс).

Собиқ иттифоқ даврида макроиктисодий моделлар сифатида бир неча хил моделлар, жумладан, балансли, эконометрик(статистик), минимакс(ўйин) каби моделлар қўлланилди. Балансли моделда турли иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқалар назарий жиҳатдан ҳисобот баланслари асосида ишлаб чиқилган динамик иқтисодий-математик моделларда тавсифланади.<sup>46</sup> Режали иқтисодиётда тармоқлараро баланс моделлари ялпи маҳсулот ҳажмини прогноз қилиш ва халқ хўжалиги тармоқларига режа топшириқлари белгилаш учун фойдаланилган. Бунинг учун кўпинча бошланғич ахборотга жуда сезувчан бўлган тескари математик масалаларни (математикада ҳатто махсус атама мавжуд – нотўғри масалалар) ечишга тўғри келган. Бу ҳолатда прогнозлар шунчалик бекарор бўлиши мумкинки, бу прогноз қилиш вазифасини бажариш мумкинлигининг ўзини шубҳа остига қўяди. Миллий ҳисоблар тизимида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш тармоқлараро модели куйидаги тенгламалар тизими ёрдамида ифодаланган:

$$X = P + D;$$

$$P = A * X,$$

Бу ерда

**X** - асосий нархларда тармоқ чиқарилиш вектори;

**P** - оралик истеъмол вектори;

**A** - тўғридан-тўғри харажатлар матрицаси;

**D** - тармоқлар бўйича қўшилган қиймат вектори.

Алгебраик тенгламалар тизимини ечишда бекарор прогнозлар вужудга келиш механизмини куйидаги чизикли тенгламалар тизими орқали ифодаланган:

Битта модель тенгламалар учбурчакли тизими куйидагича бўлсин:

$$\begin{cases} X_1 & = 1; \\ X_1 + X_2 & = 2; \\ X_1 + X_2 + \dots + X_n = B, \end{cases}$$

У куйидаги прогноз тенгласини беради:

$$X_1 = X_2 = \dots = X_n = 1.$$

Биринчи моделнинг биринчи қисмини атиги 1% ўзгартириб, бошқа моделга эга бўлинади:

$$\begin{cases} Y_1 & = 0.99; \\ Y_1 + Y_2 & = 1.01; \\ Y_1 + Y_2 + \dots + Y_n = n\lambda_n, \end{cases}$$

Бу ерда

$$\lambda_n = 0.99_{\text{ТОК}} n;$$

$$\lambda_n = 1.01_{\text{ТОК}} n, \text{ у куйидаги прогноз ечимини беради}$$

$$Y_n = \{1 + (0.02n - 0.01) \text{sign}(\lambda_n - 1)\}.$$

$Y_n$  ва  $X_n$  прогнозлар ўртаси фойздаги фарқ куйидагига тенг:

$$\frac{|Y_n - X_n|}{X_n} * 100\% = 2(n - 1)\%.$$

Кўриниб турибдики, кўп сонли (**n**) бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқ прогноз қилинаётган **n**-кўрсаткич учун унинг бошланғич маълумотлардаги кичик (1%) фарқларда олинган  $Y_n$  ва  $X_n$  прогнозлари ўртасидаги фарқ худди ўзаро алоқалар сони (**n**) каби катта бўлиши мумкин. Бошланғич маълумотларда хатоликлар (хеч бўлмаса кичик) муқаррар эканлиги сабабли бундай вазифаларни бирон-бир амалий мақсад билан, масалан, режалаштириш учун ҳал қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.<sup>47</sup> Бу кўриб ўтилган жараён солиқ соҳасига ҳам тааллуқли, чунки солиқ даромадлари кўплаб бирламчи иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ бўлган ҳосила кўрсаткичлар ҳисобланади. Ноаниқ ва ишончсиз прогнозларга йўл қўймаслик мақсадида математикада маълум бўлган нотўғри масалаларни тартиблаш усулларини қўллаш дастлабки (тахминий) ечим маълум бўлган, яъни агар дастлабки прогноз маълум бўлса, прогноз қилиш вазифаси тўғри деб ҳисобланади. Солиқ тизимидаги кичик ўзгаришлар, айниқса, уни ислоҳ қилишлар солиқлар ва солиқ базасини белгилаб берадиган омиллар сони ортишида, яъни солиқ тизимида маъмурчиликнинг мураккаблашувида олдиндан айтиш қийин бўлган оқибатлар рискига олиб келади.

Иқтисодиётда прогноз қилиш кенг қўлланилган эконометрик моделлар ва методлар П.Самуэльсоннинг фикрича "одатий ҳолатларда" етарли даражада аниқ прогноз олишга имкон беради.<sup>48</sup> Бу шуни англатадики, ретроспективада (ўтмишга қараб) аниқланган тенденцияларга йўналганлик агар янги технологиялар пайдо бўлиши, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказилиши ва ҳ.к. билан боғлиқ муҳим ўзгаришлар таъсири ҳисобга олинмаса, прогнозда

<sup>47</sup> Анисимов С.А., Погорелко И.А. Проблемы прогнозирования налоговых доходов.// Аудит и финансовый анализ. 2003, №1, 26-34с.

<sup>48</sup> Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика. - М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2000, 164 с.

<sup>46</sup> Анисимов С.А., Дракин В.И., Погорелко И.А. //Автоматика и телемеханика, 1978, N 1., 27-32с.

жиддий хатоларга олиб келиши мумкин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, аниқланган тенденциялар асосида қилинган кўпгаб прогнозлар (масалан, демография, алоқа, компьютерлаштириш соҳаси ва ҳ.к.да) ўзининг тўлиқ ишонарли эмаслигини намоиш этди, чунки, уларда янги технологиялар жорий қилиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ҳ.к. билан боғлиқ инқилобий ўзгаришларни ҳисобга олиш жуда қийин.

Бу даврларда кенг қўлланилган макроиқтисодий моделлардан бири бу «ЗОНТ» модели бўлиб, у асосан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида маҳсулот ҳосилининг табиий шароитларга боғлиқлик даражаси прогноз қилинган ва унинг натижалари ўртача 85 фоиз атрофида бўлган<sup>49</sup>.

Статистик моделлардан фойдаланишда муҳим ўзгарувчилар ва кўрсаткичларни баҳолаш усулларини диққат билан танлаш зарур. Бирок иқтисодий шароитларнинг ўзгарувчанлиги ва хилма-хиллиги эконометрик моделлар қўллашда статистик гипотезаларни аниқлашни қийинлаштиради, бу эса ноаниқ ва ишончсиз прогнозларга олиб келиши мумкин. Натижада анъанавий математик воситалар аниқ ва ишончли прогнозлар олиш учун етарли бўлмай қолади. Прогноз қилиш вазифасини қўйиш ва ҳал қилишга ёндошувнинг кескин ўзгариши прогнознинг минимакс (ўйин)<sup>50</sup> моделларини ишлаб чиқишга ундади. Ушбу модел иқтисодий жараёнларга унчалик боғлиқ бўлмаганлиги сабабли атрофлича тўхталмаймиз.

Жаҳон амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилишда ва унинг ҳолатини прогноз қилишда бир қатор макроиқтисодий моделлар ишлаб чиқилди ва улар иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қўлланилди. Ушбулардан бири бу векторли авторрегрессия моделидир. Ушбу моделда жараёнларни прогноз қилишда асосан эндоген(ички) омилларнинг таъсири баҳоланади. Ушбу модел асосида ялпи ички маҳсулот ва пул массасининг ички боғлиқлари баҳоланган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ҳажмига пул массасининг таъсири, ўз навбатида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига қараб пул массасига бўлган талаб ўртасидаги боғлиқлар ва унинг прогнозлари ишлаб чиқилган. Мазкур моделдаги хатоликлар коррекция хатолигининг вектори модели деб аталган моделни қўллаш орқали бартараф этилади, яъни, ушбу моделни қўллаш орқали нобарқарор вақт қаторлари ўртасидаги ўзгаришларнинг узилиши оқибатида эътиборга олинмай қолган элементларнинг таъсирини баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

<sup>49</sup> Қаранг: Загайтов И.Б., Яновский Л.П., Раскин В.Г., Дементьев С.Н. Метод "Зонг" в прогнозе колебаний природных условий урожая. Воронеж: С.А.Г.Е., 1996.

<sup>50</sup> Қаранг: Анисимов С.А. Некоторые методы минимаксной идентификации. Автоматика и телемеханика, 1978, N 6.

Пул массасининг ўзгаришига сабаб бўлган омиллар ҳар доим ҳам барқарор позицияда бўлмайди, уларнинг ўзгариш вақтларида ҳам стохастик ҳолатлар мавжуд бўлади, чунки, пулга бўлган талаб ҳар вақтда ўзгаради. Шундай экан бундай ўзгаришларнинг таъсирида ялпи ички маҳсулот даражасига ва акс таъсирни прогноз қилишда коррекция хатолигининг вектори модели самара беради. Шу билан биргаликда айрим макроиқтисодий моделлар алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодиётини қамраб олган бўлса, баъзилари мамлакатлараро иқтисодиётга бағишланган. Солиқларни прогноз қилишнинг кейинги моделларидан бири бу **микроимитацияли моделлар** ҳисобланади. Микроимитацияли моделлар жаҳон амалиётида қисқа муддатли прогнозларни амалга оширишда, жумладан, жисмоний шахслар томонидан декларациялаш асосида тўланадиган солиқлар бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунинг моҳияти шундан иборатки, декларация топширувчи жисмоний шахслар сони кўп бўлган шароитда, маълум даврларга тегишли солиқ тушумларини аниқлашда микроимитацияли модел аниқроқ натижаларни бериши исботланган. Бу ерда солиқ тўловчилар томонидан келиб тушган солиқ ҳисоботлари асосий ахборот базаси бўлиб хизмат қилса, моделлаштиришда статистик усуллар қўлланган ҳолда умумий тенденциялар аниқланади ва улар маълум бир вақтлар бўйича динамик ҳолати ўрганилади.

Ушбу модел кўпроқ АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия ва шу каби давлатларида кенг қўлланилади. Шунингдек, ушбу моделлардан Хитой, Гватемала, Ямайка ва Россия давлатларида ҳам аста-секин қўлланилиб бошланди. дастлабки вақтларда ушбу моделдан асосан жисмоний шахслар тўлайдиган(асосан даромад солиғи) солиқлар бўйича солиқ тушумлари прогнози аниқлашда қўлланилган бўлса, кейинги даврларда солиқ тизимига ахборот технология янгиликларининг тез кириб бориши юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича солиқ тушумларининг кейинги даврларга тегишли қонуниятларини ўрганишда фойдаланилмоқда. Бу ерда асосий эътибор ва механизм солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва унинг маълумотларига таянилади. Шу жиҳатдан олганда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг бюджет даромадларига таъсирини ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири саналади. Микроимитацияли моделлар бюджет даромадларидаги миқдорий ўзгаришларни аниқлашда катта аҳамият касб этиши билан биргаликда турли тармоқлар ва турли ҳудудлар кесимида солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юқининг тақсимланишида қандай тенденциялар юзага келаётганлигини ҳам кўрсатиб беради.

Мазкур моделда солиқ тўловчилар кесимида солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлиши билан бирга алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашга оид

маълумотларини таҳлил этиш орқали улар бўйича солиқ тушумларининг кейинги динамикаси аниқланилиши мумкин, шунингдек, уларнинг фаолияти бўйича солиқ назоратини ташкил этишнинг йўлларини режалаштириш имкони пайдо бўлади. Солиқ тўловчиларнинг улар тақдим этган ҳисоботлар маълумотлари асосида солиқ тушумларини прогноз қилишда салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжудки, у ҳам бўлса, ҳисобот маълумотларининг ишончлиги даражасидир. Агар ҳисобот маълумотларида миқдорий кўрсаткичлар ҳақиқатдан узоқ бўлса, солиқ тегишли солиқ турлари ва тегишли солиқ тўловчилар кесимидаги солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари ҳам ҳақиқийликдан узоқлашади, ушбулар эса мазкур моделларнинг камчилликларни изоҳлайди. Ҳозирги кунда микроимитацияли моделларни солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўллашнинг ягона ёндошуви мавжуд эмас.

Шу боисдан мазкур моделларни икки гуруҳга: статистик ва динамик моделларга бўлинади. Статистик моделнинг моҳияти шундаки солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар қисқа муддатда солиқ тўловчиларнинг фаолиятига таъсирини, яъни уларнинг фаолият турини ёки маҳсулот турини ўзгартиришга ундаганлигини(таъсир қилганлигини) изоҳласа, динамик моделларда эса унинг акс бўлади. Демак, статистик ва динамик микроимитацияли моделлар моделлар маҳсулот турини Микроимитацияли моделларни ташкил этиш механизми учта компонентлардан ташкил топади. Биринчиси бу маълумотлар базаси ҳисобланса, иккинчиси солиқ тўловчилар маълумотларини қайта ишлаш жараёни, яъни дастурий маҳсулларнинг самарадорлиги ва учинчиси сифатида натижаларни умумлаштириш ва улар юзасидан прогноз кўрсаткичларини аниқлаш саналади. Микроимитацияли моделларни тўғри қўллашда энг муҳим жараён бу солиқ тўловчиларни турли параметрлар бўйича гуруҳлаш ва уларнинг маълумотларини ўзаро таққослаш таҳлилини тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Агар ушбу моделлар солиқ тўловчилар гуруҳлари бўйича солиқ тушумларининг ҳолатини ва унинг ўзгариш сабабларини нотўғри аниқласа, ўз навбатида прогноз кўрсаткичларига ҳам таъсир қилади, провардида алоҳида олинган солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки ёки фаолият турларига белгиланган солиқ ставкаларини ўзгартириш(ёки ўзгартирмаслик) хусусидаги солиқ сиёсатининг тактикасининг қандай белгиланишига олиб келади. Ўз навбатида микроимитацияли моделларнинг маълумотлари макроиқтисодий ва экстрополяцияли прогноз қилиш моделлари учун ахборот сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, занжирли реакция тарзида кейинги моделлардан олинган натижаларга ҳам таъсир қилиши мумкин.

Солиқларни прогноз қилишнинг яна бир моделларидан бири **экстраполяция моделидир**. Маълумки, экстрополяция бу-ҳодисалар ва жараёнларнинг бир қисмини кузатиш асосида олинган ҳулосаларнинг бир қисмини унинг бошқа қисмига олиш ёки ёйиш жараёни бўлиб, солиқларни пргноз қилишнинг ушбу моделида ҳам унинг умумий белгилари акс этсада, бироқ, прогнозлаштириш жараёнида ўрганилаётган объектнинг ўтмишидаги эндоген ва экзоген ҳодиса(белгилар)нинг унинг келгусидаги кўриниши(натijasи)га таъсирини ҳам эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай хусусиятли жараёнларни экстрополяция моделлари амалга оширади. Иқтисодийда юз бераётган жараёнлар(ҳодисалар) ва иқтисодий объект(категория)ларнинг амал қилиш ва ривожланиш тенденцияларида умумий қонуниятлар сақланиб қолган бўлиб, ушбу ички хусусиятлар уларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда маълум бир аҳамият касб этади.

Демак, ушбу жараённи маълум бир моделга солган ҳолда тадқиқ этиш, яъни моделлаштиришга зарурат туғилади. Аммо иқтисодий муносабатлар, жараён ва ҳодисалар мавқея жиҳатдан фарқланади, шундай экан моделлар ҳам шунга кўра фарқланади. Услубий жиҳатдан ҳар қандай прогнознинг асосий воситаси экстраполяция схемаси ҳисобланади. Экстраполяциянинг моҳияти ўтмишда ва ҳозирги кунда юзага келган прогноз объекти ривожланишининг барқарор тенденцияларини ўрганиш ва уларни келажакка ўтказишдан иборат.

Расмий ва прогнозли экстраполяция фарқланади. Расмий экстраполяция прогноз объектнинг ҳозирдаги ва ўтмишдаги ривожланиш тенденцияларини келажакда сақлаб қолиш ҳақидаги тахминларга асосланса прогнозли экстраполяцияда эса амалдаги ривожланиш истикболда турли омиллар таъсирининг ўзгаришиги ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилаётган жараён динамикаси ҳақидаги фаразлар билан боғланади. Таъкидлаш жоизки, экстраполяция усулларини кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш учун прогнознинг бошланғич босқичида қўллаш зарур. Экстраполяция моделида кўпинча трендлашган асосий ўринга чиқади. Тренд бу инлизира "trend" сўз бўлиб, луғавий маъноси —тенденция деган маънони беради. Яъни вақт қаторлари(динамик қаторлар)нинг ўзгаришининг асосий тенденцияларини кўрсатади. Трендлар турли хил шаклда: линеяли, логарифли ва даражали шаклда бўлиши мумкин.<sup>51</sup> Солиқларни прогноз қилишнинг ушбу модели жумласига тренд модели, экспоненциал текисланиш модели ва авторегрессияли ўртача оғиш модели(ARMA) кабиларни киритиш мумкин. Солиқларни прогноз қилишнинг экстраполяция моделларининг камчилиги шундаки, ушбу модел

<sup>51</sup> Қаранг: Коротаев А. В., Малков А. С., Халтурина Д. А. Законы истории. Математическое моделирование развития Мир-Системы. Демография, экономика, культура. 2-е изд. М.: УРСС, 2007. ISBN 978-5-484-00957-2

кўпроқ автоном ҳисобланади, аммо ўзи бошқа моделларда "оралиқ ёрдамчи" вазифасини ўтасада, ундан кўпи билан 5 йилдан ортиқ бўлган прогнозларни амалга оширишда ўзини оқламайди.

Айрим муаллифлар<sup>52</sup> солиқларни прогноз қилишнинг ушбу моделига объектни унинг ўтмишига қараб ўрганишга асосланган (ёки фойдаланган) барча иқтисодий-математик моделларни киритади.

#### **4.3. Жаҳон амалиётида қўлланилган макроиқтисодий моделлар ва уларнинг солиқларни прогноз қилишда қўлланилиши**

Макроиқтисодий моделлар жуда кўп миқдорда бўлиб, биз уларнинг айримларини, хусусан, бюджет блокига эга бўлган, солиқларни прогноз қилишни ўз ичига олган ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлик масалаларини акс эттирган айримлари хусусида қисқача тўхталиб ўтаемиз.

**Умумий мувозанатнинг динамик макроиқтисодий модели.** Мазкур модел давлатнинг бир неча соҳаларида масалан, солиқ, баҳо, инвестиция, пул-кредит, божхона каби соҳалардаги иқтисодий сиёсатларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш ва уларнинг ривожланиш прогнозларини қамраб олади. Моделнинг асосида прогноз жараёнида асосий эътибор бериладиган иқтисодий агентлар (масалан, истеъмолчининг нафлилик даражасини максималлаштириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг фойдани максималлаштиришга интилиши каби) ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлади. Аммо ушбу модел қисқа муддатли прогнозларни амалга оширишда етарлича аниқликни бермайди ва шу сабабли ўрта ва узок муддатли прогнозларни амалга оширишга мўлжалланган.

**Буюк Британия Банки ядро модели.** Ушбу модел янгикейнсчилар таълимоти асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу моделда ишбилармонлик фаоллик ва пул-кредит сиёсатининг ишлаб чиқаришга таъсирини ўзида акс эттирган бўлиб, унинг камчилиги шундаки, нарх омилини таъсири эътиборга олинмайди. Ушбу моделнинг хусусиятлари иқтисодчи олим Кальвонинг илмий ишларида акс эттирилган.<sup>53</sup>

**Япон иқтисодиёти модели (JEM).** Мазкур макроиқтисодий моделда харажатларнинг ўзгариш ҳолати асос қилиб олинган бўлиб, иқтисодий мувозанатни таъминлаш ва унинг ривожланишида иккинчи даражали харажатларнинг ўзгариш даражасини квадрат линияли усулларни қўллаган ҳолда аниқлашга мўлжаллангандир. Моделнинг натижалари давлат, аҳоли ва

<sup>52</sup> Қаранг: Яковлева И.А. О МОДЕЛЯХ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ // Фундаментальные исследования. – 2008. – № 3 – С. 123-124.

<sup>53</sup> Қаранг: Calvo, Guillermo A., "Staggered prices in a utility-maximizing framework", Journal of Monetary Economics, 1983, volume 12, number 3, pages 343-482, month September.

бизнес соҳасида қилинган харажатларнинг ўзаро тенглигини таъминлашнинг прогноз курсаткичларини аниқлаш орқали, уларнинг ўзгариш тенденциялари прогнознинг векторли авторегрессия усули орқали аниқланган.

**Канада молия Департаментининг "Канада иқтисодиёти модели (CEFM).** 1996 йилда Канада молия Департаменти томонидан ишлаб чиқилган энг катта моделлардан бири бўлиб, у ўз таркибига 113 та баҳолаш тенгламаларини олиб, унинг 52 таси фискал хусусиятли қолганлари эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига бағишлангандир. Моделнинг асосида федерал бюджетнинг даромад ва харажатларини чуқур таҳлил қилиш асосида харажатлар ва даромадлар ҳажмининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш ва уларнинг иқтисодиётнинг бошқа элементларига таъсирини эконометрик таҳлилларни қўллаган ҳолда ўрганиш ташкил қилади. Модел алоҳида бюджет блокига эга бўлиб, унда Канаданинг уч босқичли: федерал, муниципал ва маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ва улар бўйича тушумлар, жумладан солиқ тушумларининг бюджетларга келиб тушиш жараёнига прогнози амалга оширилган, шунингдек, бюджет харажатларининг ҳолати ҳам прогноз кўрсаткичлари математик-статистик тенгламалар асосида аниқланган. Модел чораклик ахборотларга асосланган ҳолда 4 та блок: давлат (унинг бюджети), уй хўжаликлари, ишлаб чиқарувчилар ва ташқи секторни қамраб олган.<sup>54</sup>

**Канада молия Департаментининг "Канада иқтисодиёти модели (NAOMI, 2001).** Ушбу модел аввалги (1996 йилги) моделдан фарқли равишда оддий ва соддароқ тарзда бўлиб, у бор-йўғу 6 та математик-статистик тенгламалардан иборат бўлиб, унда асосан иқтисодий ўсиш суръати, истеъмол нархи, ялпи ички маҳсулотнинг дефляторининг ўсиш даражаси, валюта курсининг ўзгариши, номинал кредит ставкасининг ўзгариш ҳолатлари ва уларнинг прогнозларига бағишланган.

**АҚШнинг макроиқтисодий модели (FRB/US, 1997).** Ушбу макроиқтисодий модел АҚШ Федерал захираси томонидан 1997 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, аввалиги IS-LM макроиқтисодий моделининг ўрнига 1963-1995 йиллар оралиғидаги чораклик ҳисоботлар маълумотларига асосланган ҳолда эконометрик методларни кенг қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган. Модел истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи, молиявий бозорлар ва ташқи сектор блокларидан иборат. Моделда асосий масалалардан бири сифатида уй хўжаликлари ва фирмалар реал секторда пул-кредит сиёсатини ўзгартиришнинг

<sup>54</sup> Қаранг: Robidoux, Benoit and Wong, Bing-Sun, "The Canadian Economic and Fiscal Model 1996 version. Part 1. Model structure", Department of finance of Canada, 1998, Working paper, number 5.; Cao, Jian-Guo and Robidoux, Benoit, "The Canadian Economic and Fiscal Model 1996 version. Part 3. Empirical specification and statistical assessment", Department of finance of Canada, 1998, Working paper, number 7.

муҳим иқтисодий агентлари сифатида қаралган бўлиб моделда 300 дан ортиқ турли даражадаги тенгнамалар асосида давлатнинг федерал бюджетига солиқ тушумларини прогнозлаштиришда уй хўжаликлари ва фирмаларнинг пул сиёсатига таъсири каби омилларга боғланган. Моделнинг бюджет блокида бюджетга солиқ тушумларини прогноз қилиниш ҳолати асосан коррекция хатолигини векторли моделидан кенг фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Бу ерда эндоген(ички) ва экзоген(ташқи) омилларда ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари чуқур аҳдид қилинган, иқтисодий агентларнинг пул-кредит ва солиқ сиёсатига таъсири кўриб чиқилган. Давлатнинг ташқи қарзи ва унинг фоиз ставкаларига таъсирини уй хўжаликлари ва фирмаларнинг истеъмоли орқали бюджетга солиқ тушумларининг тушиши каби масалаларнинг ички ва ташқи сабаблари аниқлаб берилган.

**Америка иқтисодиётининг янги модели(MUSE,2005).** Ушбу макроиқтисодий модел Канада банки томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, моделнинг моҳияти, аввалги моделлардан фарқли равишда Канада ва АҚШ давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва уларнинг ушбу давлатлар, шунингдек, жаҳон бозорига таъсири каби масалалар ва уларнинг прогноз кўрсаткичлари аниқлаб берилган. Моделнинг асосий қисмини ялпи ички маҳсулотнинг истеъмоли этилиши нуқтаи назардан уй хўжалиқларининг истеъмоли ва мол-мулкка қилган инвестициялари, фирмаларнинг инвестициялари, давлат харажатлари, экспорт ва моддий захираларнинг ўзгариши кабилар ўзаро алоқадорликда ўрганилган. Моделда солиқларни прогноз қилиш масаласига ҳам эътибор берилган бўлиб, унда асосан давлат ва фирмаларнинг харажатларига мувофиқ равишда жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг бюджетни шакллантиришдаги таъсири чуқур кўриб чиқилган. Шунингдек, мазкур моделда давлат харажатларининг мувофиқлигини(тенглигини) таъминлаш орқали бюджетдан давлат қарзларини камайтиришда фойдаланишнинг омиллари ҳам кўрсатиб берилган. Мазкур моделнинг асосий жиҳатлари иқтисодчилар Лалон ва Гасселинларнинг илмий тадқиқот ишларида акс эттирилган.<sup>55</sup>

**Буюк Британия иқтисодий ва социал тадқиқотлар Миллий институти давлатлараро макроиқтисодий модели (NiGEM, 2001).** Мазкур модел Буюк Британия иқтисодий ва социал тадқиқотлар Миллий институти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳажми ва объектларни қамраб олиниши жиҳатдан жуда йирик ва мураккаб моделлардан бир саналади. Моделда 35 та давлат ва 13 та ҳудудларнинг(давлатлараро) иқтисодиётини қамраб олган

<sup>55</sup> Қаранг: Gosselin, M.-A. and Lalonde, R... "MUSE: The Bank of Canada's New Projection Model of the U.S. Economy" Bank of Canada Technical Report, 2005, No. 96.; Gosselin, M.-A., "MUSE: The Bank of Canada's New Projection Model of the U.S. Economy", Bank of Canada Review, 2006.

бўлиб, ушбу жараёнлар 3677 тенгнамаларда, уларнинг 448 таси мураккаб эконометрик тенгнамаларга асосланган ҳолда таҳлиллар қилинган ва прогноз кўрсаткичлари аниқланган. Модел алоҳида бюджет блокига эга бўлиб, унда бюджетнинг даромадлари сифатида солиқлардан бюджетга тушумларнинг прогнози масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган, шунингдек, давлатларнинг солиқ тизими борасидаги сиёсатининг хусусиятлари таҳлили берилган. Солиқларни прогноз қилиш жараёни эгри ва тўғри солиқлар бўйича алоҳида, жисмоний ва юридик шахслар тўлайдиган солиқларни ҳам тўғри ва эгри солиқлар бўйича гуруҳланган ҳолда солиқлар базаси ва солиқ ставкаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилган ҳамда уларнинг давлат бюджети харажатларига боғлиқлиги жараёнлари таҳлил қилинган. Моделнинг яна бир фискал хусусияти шундаки, бюджет тақчиллигини бошқариш жараёни солиқлар бўйича солиқ ставкаларини ўзгартиришига боғлиқлиги асосланган.<sup>56</sup>

**"Европабанки"нинг еврохудуд давлатлари модели( AWM,2001).** Модел ўз номига кўра асосан еврохудуд таркибига кирувчи давлатларнинг иқтисодиётни қамраб олади. Модел еврохудуд мамлакатлари иқтисодиётини бир бутун объект сифатида унинг ривожлантиў тенденциялари ва прогноз кўрсаткичларини аниқлаб берган. Моделда 84 та тенгнамалардан фойдаланилган бўлиб, асосий эътибор иқтисодий агентлар ўртасидаги мувозанатнинг ўзгариш омиллари ҳисоблаб чиқилган. Модел алоҳида фискал блогига эга бўлиб, унда асосий масалалар сифатида бошқа моделлардаги каби давлат харажатлари мазмуни, унинг молиявий асоси сифатида солиқлар ва уларнинг прогнози, давлат қарзларини бошқаришда солиқлар ва бошқа молиявий манбалардан фойдаланиш жиҳатлари иқтисодиётнинг бошқа элементлари ва агентлари билан боғлиқликда кўриб чиқилган.

**Европа Комиссияси модели(QUEST, 1997).** Мазкур модел Европа ҳамкорлиги Комиссияси томонидан икки: QUEST ва QUEST II босқичда қисқа ва узоқ муддатга ишлаб чиқилган бўлиб унинг ядросида монетар ва солиқ сиёсатида олиб борилган ислохотларнинг самарадорлиги масалалари ётади. Модел доирасида европа ҳудудидида жойлашган давлат томонидан олиб борилган монетар сиёсат ва солиқ сиёсатининг ўзаро боғлиқлиги, пул агрегатлари, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқ қонунчилигининг уйғунлашуви, истеъмоли даражаси, давлат харажатлари ва давлат қарзларини бошқаришга фискал ёндашувлар алоҳида турли хил макроиқтисодий моделларнинг инструментларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва TROLL пакети асосида амалга оширилган.

<sup>56</sup> Қаранг: Barrell, Ray and Dury, Karen and Holland, Dawn, "Macro-Models and the Medium Term: The NIESR experience with NiGEM", Presentation at 75th International Conference "Policy modeling for European and global issues", 2001, month July.

**Янги Зелландия иқтисодиётнинг модели (FPS, 1997).** Мазкур модел Янги Зелландиянинг иқтисодий сиёсатининг комплекс тарзда таҳлил қилиш ва прогноз кўрсаткичларини аниқлашга мўлжалланган. Моделнинг муҳим хусусиятларидан бири бу умумийликдан хусусийликка тамойилига асосланишидир. Моделда иқтисодиётдаги ўзгаришлар вақт қаторлари асосида таҳлилик қилиниб, модел йўлдошлари сифатида эндоген ва экзоген ҳодиса ва омиллар математик-эконометрик функциялар асосида таҳлил этилган. Моделда бюджет модели доирасида давлатнинг солиқ сиёсати, солиқларни ундиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ва солиқларнинг бюджетга тушиш жараёнларига алоҳида урғу берилган. Фискал сиёсат асосида давлат томонидан аҳолига қилинадиган трансферт харажатлари ва давлат қарзларини камайтиришга қилинган харажатларни солиқларни ундириш билан боғлиқ давлат сиёсатининг инструментлари билан боғланган ҳолда прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

**Халқаро валюта фондининг макроиқтисодий модели. (MULTIMOD,1998).** Ушбу модел халқаро валюта фонди томонидан узок муддатли прогноз сифатида дунё давлатларининг пул-кредит ва фискал соҳасидаги сиёсатларининг оқибатларини таҳлил қилишда кенг фойдаланилади. Модел "кучли еттилик", "саноати ривожланган давлатлар", "ривожланаётган давлатлар", "ўтиш иқтисодиёти давлатлар" ҳамда ривожланаётган давлатлар" каби алоҳида блокларда давлат миқёсида амалга оширилаётган монетар ва фискал сиёсатнинг тенденциялари ва уларнинг прогноз кўрсаткичлари аниқлаб берилган. Моделнинг фискал блокада корхоналарни солиққа тортишда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва капиталлари солиққа тортиш масаласи кўрилган. Солиққа тортиш масаласида ёндошув давлатнинг ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражасига қараб ўзгариши асослаб(кўрсатиб) берилган.

**Халқаро валюта фондининг глобал иқтисодий модели. (GEM, 2005).** Халқаро валюта фондининг GEM модели фондининг аввалги MULTIMOD номли моделдан анча фарқли равишда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнлари ва унинг келгусидаги ҳолати бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашга хизмат қилиб, унинг фарқли хусусияти шундаки, иқтисодий агентлар микроиқтисодий даражада ҳам чуқур таҳлил этилган бўлиб, бунда жаҳон савдо бозоридаги ўзгаришларнинг давлатлар иқтисодиётига таъсирини экзоген ҳодисалар сифатида таҳлил этилган. Аммо мазкур моделнинг бюджет блоки блокнинг аввалги моделларига нисбатан анча саёз ишланган. Бу моделда давлат қарзлари билан боғлиқ жараёнлар деярли эътиборга олинмаган.

**Россия иқтисодий эконометрик модели.(1999).** ТАСИС лойиҳаси доирасида европа ва Россия иқтисодчилари томонидан ҳамкорликда ишлаб

чиқилган макроиқтисодий модел бўлиб, асосан қисқа муддатли прогнозларни амалга оширишга мўлжалланган. Моделнинг муҳим хусусияти шундаки, унда алоҳида бюджет блоки мавжуд бўлиб, ушбу блокда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнозларига кенг эътибор берилган бўлиб, солиқлар ва солиқсиз тўловлар алоҳида прогноз қилинган. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида асосан эндоген(ички) омилларга эътибор қаратилган бўлиб, экзоген(ташқи) омиллар таъсирига қайта мослаштирилган. Шунингдек, давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш жараёнларининг ҳам прогноз кўрсаткичлари аниқланган. Давлат бюджети харажатлари реалистик ва норматив усулларни қўллаган ҳолда прогнозлаштирилган бўлиб, харажатлар инвестиция, давлат хизмати, трансферт тўловлари ва давлат қарзлари йўналишида таҳлил қилинган ва прогнозлаштирилган. 2003 йилда ушбу модел янада такомиллаштирилиб, СТАСИС модели сифатида йирик макроиқтисодий модел сифатида ўзида 200 дан ортиқ эконометрик тенгламаларни акс эттирган ва 14 та блокдан ташкил топган модел ишлаб чиқилди. Ушбу моделда ҳам нарх ва дефлятор блоки, даромадлар ва харажатлар блоки, саноат тармоғи блоки, ЯИМни ҳисоблаш блоки, инвестиция блоки, чакана савдо ва пуллик хизмат блоки, импорт ва экспорт блоки, тўлов баланси блоки, монетар кўрсаткичлар блоки, меҳанга ресурслари блоклари билан биргаликда бюджетнинг солиқли даромадлари блоки, бюджет блоки ҳамда даромадларни шакллантириш блоклари доирасида ҳам прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

Бюджетнинг солиқли даромадлари блокада эса солиқларни прогноз қилишда оддий усул, яъни, барча қонун билан ўрнатилган ҳар солиқ тури бўйича солиқ базасига белгиланган солиқ ставкаларини кўпайтириш ва унга тушумларнинг мавсумий характердалигини эътиборга олган ҳолдаги корретировкалар қилиш асосида аниқланган. Аммо, таъкидаш ўринлики, солиқларни макроиқтисодий даражада бундай тартибда аниқлаш аниқ кўрсаткичларни бермайди, балки, мавҳум умумий тенденцияларни ифодалайди холос. Шу боисдан ҳам мазкур моделнинг натижалари даврида Россия иқтисодиётида давлат бюджети профицит кўрсаткичига эга бўлишиги прогноз қилинган бўлсада, аммо, давлат бюджетига катта миқдорда(ўртача 6% атрофида) тақчиллик юз берди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳоқ макроиқтисодий, ҳоқ микроиматацион модел бўлсин, солиқларни прогноз қилишда ички, ташқи омиллар билан бир қаторда бошқа омилларни ҳам эътиборга(уларнинг таъсирини аниқ баҳолаган ҳолда) прогноз кўрсаткичларини аниқлашлик кўзланган натижаларни бермайди.

**Россия иқтисодиётининг квартал модели(2005).** Мазкур модел аввалги моделлардан фарқли равишда асосан фискал хусусиятга эга бўлиб, унда

устувор мақсад килиб давлат бюджети ва Барқарорлаштирувчи фонд<sup>57</sup>нинг даромад манбаларини режалаштириш ва прогнозлаштиришга йўналтирилгандир. Модел ЯИМни фойдаланиши бўйича ҳисоблаш блоки, ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаш блоки, бюджет даромадлари блоки, тўлов баланси блоки, монетар сиёсат блоки, фискал сиёсат блоки ҳамда Барқарорлаштирувчи фондни ҳисоблаш блокларидан иборат. Бюджет даромадалари блокада бюджетнинг даромадлари федерал ва жамланма бюджет миқёсида кўриб чиқилган. Бюджет даромадларининг асосий манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, фойдали қазилмалар учун солиқ, даромад солиғи, акцизлар, нефть, нефть маҳсулотлари ва газ, экспорти учун тўлов, импорт учун тўловлар в ашу кабилар бўйича солиқларнинг бюджетга тушиши мумкин бўлган ҳажмини эконометрик усуллар орқали прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

**Украинанинг кварталлик макроиктисодий модели(1999).** Ушбу модел Польшанинг CASE(Center for Social and Economic Research-Социал ва иқтисодий тадқиқотлар Маркази) ташкилоти томонидан Украина ҳукумати учун ишлаб чиқилган макроиктисодий модел бўлиб, унда хуфиёна иқтисодиётнинг ҳолатини таҳлил этиш билан бир қаторда фискал масалалар, жумладан, давлат бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришнинг манбаларини прогноз кўрсаткичларини аниқлаш масалалари ҳам ўрин олган. Модел Эконометрик блок, миллий ҳисоблар тизими блоки(даромадлар бўйича), жамланма бюджет блоки, тўлов баланси блоки ва пул-кредит блокларидан ташкил топган. Моделда 200 дан ортик математик-эконометрик тенгламалар қўлланилиб, қайд этиб ўтилган блоklar бўйича жараёнларни таҳлил этиш билан биргаликда уларнинг ўртасидаги ўзгариш алоқаларининг ривожланиш тенденциялари аниқлаб берилган. Моделда жамланма бюджетнинг даромадлари ва харажатларининг баланс тенгламалари келтирилган. Давлат бюджети даромадлари сифатида аҳолидан олинadиган даромад солиғи, эгри солиқлар, корхона даромад солиғи ва бошқа солиқ турлари бўйича солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, бюджетнинг тақчиллигини молиялаштириш сифатида бюджет харажатларида давлат секторидида ишловчиларнинг иш ҳақларига қилинадиган харажатларни камайтириш механизмлари ишлаб чиқилган.

**Қозоғистон иқтисодиёти кварталлик макроиктисодий модели(2004).** Модел Қозоғистон иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиётнинг қуйидаги блоklarини камраб олган: ЯИМни ҳисоблаш блоки, даромадлар блоки, тўлов баланси блоки, ташки савдо блоки, монетар блок

<sup>57</sup> Эслатма: Ушбу фонд 2008 йилдан бошлаб иккита фондга: захира фонди ва миллий фаровонлик фондига бўлинган.

ҳамда бюджет блокидан иборат. Моделда ишлаб чиқариш сектори йўқ бўлиб, аммо, ЯИМни ҳисоблаш блокада саноатда қўшилган қийматни аниқлаш ҳисоблашлар амалга оширилган. Шунингдек, даромадлар блокада меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг шаклланиши ва ҳисобланишига эътибор берилган бўлиб, меҳнатга тўлаш жараёнлари корхоналарнинг тўлайдиган солиқлари билан боғлиқлиги таҳлил қилиб берилган. Меҳнат ҳақ тўлаш фондининг таҳлили корхоналарнинг фойда ва бошқа солиқларининг базасини тўғри аниқлашга имкон беради деган тамойил қўлланилган. Моделнинг бюджет блокада асосий эътибор солиқлар бўйича солиқ тушумларига қаратилган бўлиб, асосий бюджетни шакллантирувчи солиқли даромадлар сифатида социал солиқлар, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқлар, фойда солиғи, нефть экспорти учун солиқлар ва бошқа солиқлар ҳамда солиқсиз тўловлар бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқланган. Ҳар бир солиқ тури бўйича тушумлар солиқ базасига боғлиқ ҳолда, солиқларнинг ставкалари ва улар бўйича тушумларнинг мавсумийлиги жиҳатидан келиб чиқиб ёндошилган. Булардан ташқари давлат бюджетининг тақчиллиги ва уни қоплашнинг йўналишлари хусусида ҳам механизмлар ишлаб чиқилган.

**Солиққа тортиш тадқиқотларининг Халеева-Уоллей<sup>58</sup> модели.** Ушбу модел Россия иқтисодиётининг умумий мувозанати макроиктисодий йирик моделининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида бошқа моделлардан фарқли ўлароқ солиққа тортиш масалалари алоҳида тадқиқ қилинган ҳолда хулосалар олинган ва солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқлаб берилган. Моделда Россияда солиққа тортиш жараёни ва унинг натижасида федерал бюджетнинг даромадларини шакллантириш мамлакатнинг турли хил ҳудудларида ишлаб чиқариладиган 21 турдаги маҳсулотларнинг нархлари ўртасидаги тафовутларнинг юқорилиги маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқли даромадларнинг фарқланишига, провардида эса бюджетлараро трансфертларнинг фарқланишининг кучайишига олиб келиниши исботлаб берилган. Шунингдек, мазкур моделда ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлашда ҳудудий ёндошув ва унинг бюджетлар ўртасидаги тафовутларни қискартириш муаммолари хусусида таҳлиллар амалга оширилган. Солиқ тушумларининг ҳажмига бир тармоққа солиқ ставкаларининг оширилиши ушбу тармоққа нарх орқали боғланган бошқа тармоқлар маҳсулотини нархига таъсир этиш солиқлар базасининг ўзгариши олиб келишлиги исботлаб берилган.

<sup>58</sup> Қаранг: Алексеев Александр и Волчкова Наталья и Денисова Ирина и Левина Ирина и Турдыева Наталья и Халеева Юлия, "Микроэкономическая оценка последствий налоговой реформы", Московский общественный научный фонд, 2004, Научные доклады: независимый экономический анализ, номер 156.; Турдыева, Наталья и Шабалин, Андрей и Уоллей, Джон, "Региональная модель общего равновесия", ЦЭФИР, 2005.

**Тармоқлараро модел RIM (1999-2004 й.)** Собиқ иттифок даврида макроиқтисодий моделларнинг негизида "Харажат-чиқиш" матричасига асосланган бўлиб, унда турли хил тармоқлар ўртасида товар ва хизматларнинг тақсимланиш ҳисоби амалга ошириб келинган. Мазкур моделни бозор муносабатларига мослаштириш янги тармоқлараро моделларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Шундай моделлардан бири RIM<sup>59</sup> моделидир. Ушбу модел аввалгилардан фарқли равишда йиллик модел ҳисобланади. Модел икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш(реал) ва даромад(номинал) тамойилига асосланган. Яъни, ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёни доимий нархларда ҳисобга олинса, даромадлар эса жорий нархларда ҳисобга олинади. Ушбу модел муаллифлари томонидан моделни такомиллаштирган ҳолда янги QUMMIR<sup>60</sup> номли моделни ишлаб чиқишди. QUMMIR мазмунан аввалги моделга ўхшасада даврийлиги жиҳатан чораклик модел ҳисобланади ва фискал масалаларни қамраб олиши жиҳатидан RIM модели билан айнан ўхшаш бўлиб, у қисқа ва ўрта муддатли прогнозларни ўтказишга мўлжаллангандир. Моделнинг бюджет блокада жамланма бюджетининг харажатлари ва даромадлари прогноз кўрсаткичлари мураккаб эконометрик ҳисоб китобларга асосланган ҳолда аниқланган.

Таҳлилларда 87 та фискал хусусиятли объектларнинг таҳлили қилинган бўлиб, уларнинг 11 тасида прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи ташқи омилларнинг таъсири баҳоланган. Моделда солиқларнинг бюджетга келиб тушиши жараёнини прогноз кўрсаткичларини аниқлашда асосан эконометрик тенгламалардан фойдаланилган. Фақат акциз ва ресурс тўловларини аниқлашда уй хўжалиқларининг истеъмолига солиқ ставкалари коэффицентларини қўллаш ҳамда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тушумларини аниқлашда қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улушини аниқлаш ва унга статистик хатоликлар коэффицентларини қўллаш орқали ёндошилган. Бундан ташқари моделда давлат қарзларининг солиқ ставкаларига таъсир этмаслигини таъминлашнинг йўллари сифатида Барқарорлаштирувчи фонд маблағлари орқали давлат қарзларини бошқариш механизмлари кўрсатиб берилган. QUMMIR ва RIM моделларида ягона социал солиғи ва мажбурий суғурта ажратмалари бўйича бюджетга тушумлар моделлаштирилмаган.

Юқоридагилардан кўринадикки макроиқтисодий моделлар дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, Ғарбий Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Россия ва шу каби бир қатор давлатларида макроиқтисодий муаммолар ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашда кенг қўлланилиб келинмоқда. Моделларнинг эконометрик ва гибридли турларига

<sup>59</sup> RIM- Russian Inter-Industry Model.

<sup>60</sup> QUMMIR -Quarter Macroeconomic Model of Interactions for Russia.

бўлиниши эса асосан уларнинг иқтисодий объектлар ва муносабатларни даврийлик жиҳатидан қамраб олиши билан бир қаторда назарий жиҳатдан ёндошишлигига боғлиқдир. Эконометрик моделларда статистик таҳлиллар асосий ёндошув бўлса, гибридли моделлар асосан асосан назарияларга таянган ҳолда мувозанатнинг умумий динамикасига асосланади. Эконометрик моделларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларда фискаллик кўпроқ аҳамият касб этади, яъни бу моделларнинг аксариятида бюджет, монетар, солиқ масалалар макроиқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда алоҳида чуқур ўрганилади.

Аммо, эконометрик моделларда фискал масалалар ва муаммолар чуқур таҳлил этилсада бироқ, уларни ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар бўйича қўллаш имконияти чекланган. Гибридли моделлар эконометрик моделларнинг қайд этилган камчиликларини ҳал этсада аммо, эконометрик таҳлилларсиз муҳим жараёнлар, жумладан, фискал масалалар юзасидан ишончли прогноз кўрсаткичларини олишга имкони чекланган. Шу боисдан кейинги вақтларда генерациялашган(уйғунлашган) ҳолда қўллашни ифода этувчи моделларга эҳтиёж туғилмоқда. Агар Россия иқтисодиёти амалиётида қўлланилган моделлар орасида фақатгина QUMMIR моделида бюджет блока алоҳида чуқур таҳлил этилган бўлсада, ушбу прогноз кўрсаткичлари узоқ муддатли даврларга хос натижаларни бера олмайди. Шу боисдан ҳозирги кунда узоқ муддатга мўлжалланган сифатий прогнозларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб глобал муаммоларидан саналади.

#### **4.4. Солиқларни прогноз қилиш методлари**

Қайд этилганидек, моделга асосланган ҳолда моделлаштириш жараёнлари амалга оширилади. Моделлаштиришнинг ўзи эса у ёки бу тардаги методлардан фойдаланишни зарурат қилиб қўяди. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида келтирилишича метод (юн. *metodos* — билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) —воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули. Методлар ҳақидаги таълимот фанда методология деб аталади. Билиш методлари воқеликни қамраб олиши жиҳатидан 3 турга бўлинади: ялли умумий билиш методлари — ҳамма фанларда ва билишнинг барча босқичларида ҳам қўлланиладиган умумий ва универсал методлари — методология; умумий билиш методлари — бир қанча ёки барча фанларда қўлланиладиган ва билишнинг муайян босқичи (эмпирик, назарий ёки эмпирик босқичдан назарий босқичга ўтиш чегараси)да қўлланиладиган билиш методлари; хусусий ёки методлари — айрим фан доирасида қўлланиладиган билиш методларидир. Методология (метод ва ...логия сўзларидан) — тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш

тамоийллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи-умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади<sup>61</sup>.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг ўзи кенг миқёсдаги тадқиқот объекти бўлиб, прогноз жараёнида жуда кўплаб методлардан фойдаланишни талаб қилади. Билиш назарияларига кўра тадқиқот объекти қанчалик ички хусусиятлари мураккаб бўлишига қараб эмас, балки унинг бошқа экзоген ва эндоген омиллар билан боғлиқлиги ҳамда объектнинг ўзининг бошқа категориялар(муносабатлар)га таъсирининг даражаси билан мураккаблиги белгиланади. Солиқ категорияси нафақат иқтисодий ҳодисаларни изоҳлайди, шу билан биргаликда йирик муносабатлар доирасида бошқа муносабатларга таъсири даражаси жиҳатдан энг катта аҳамиятга эгадир. Солиқ категориясининг бундай хусусияти уни прогноз қилиш жараёнининг мураккаблигини ҳам белгилаб беради. Солиқлар жамятнинг нафақат иқтисодий, балки, шу билан биргаликда ижтимоий жараёнларини, ҳатто сиёсий муносабатларни ҳам қамраб олади, демак, айтилганлар шу билдирадиги, уни прогноз қилиш жараёнида унга таъсир этувчи омиллар ҳам жуд кўп бўлади. Солиқларнинг жамятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларидаги ўрни унинг прогнози жараёнида қўлланиладиган методларнинг турли туман бўлишлигини тақозо этади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, прогноз қилишнинг 150 дан ортиқ турли методлари мавжуд бўлиб, амалиётда эса улардан атиги 15-20 таси фойдаланилмоқда. Информатика ва ҳисоблаш техникаси воситаларининг ривожланиши фойдаланилаётган прогноз қилиш ва режалаштириш методлари доирасини кенгайтириш ва уларни такомиллаштириш имкониятини яратади.<sup>62</sup>

Таъкидлаш жоизки, солиқларни прогноз қилиш методлари хусусида иқтисодчи олимлар ўртасида турлича ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларда жуда кўплаб методлар ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Ушбуларнинг баъзиларига қиёсий ёндошувни келтириб ўтамиз. Прогноз соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган айрим иқтисодчиларнинг фикрича прогнозлаш методлари уларнинг формализациялашуви даражаси(формализм (лотинча. *sormalis* — форма, шаклга оид) — инсон фаолиятининг турли соҳаларида шакл (форма)ни мазмунга нисбатан устун қўйилиши) ва прогноз жараёнини қамраб олиш даражасига қараб интуитивли<sup>63</sup> ва формализацияли методларга бўлинади.

<sup>61</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси "М" харфи. Тошкент, 460-461 бетлар.

<sup>62</sup> Қаранг: «Прогнозирование и планирование экономики», под ред. Борисевича В.И., Мн.: 2001, 72-79с. Бокун И.А., Темичев А.М.; «Прогнозирование и планирование экономики», МН.: 2002,-26-31 с.

<sup>63</sup> Интуиция (лот. *intuitio* — синчиклаб қарайман) — ҳақиқатни далил билан исботламасдан, бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилияти. Аммо бу ерда бу усулнинг моҳияти мазкур хусусиятлардан анча кенгрок қаралади.

Бундай ёндошув Э.Тихонов, А.Бурдо, И.Чучуева, Н.Громоваларда учрайди.<sup>64</sup> Ўз навбатида Э.Тихонов А.Бурдолар интуитивли прогноз турлари сифатида индивидуал ва жамоа экспертли баҳолаш турларига бўлади. Индивидуал экспертли баҳолаш гуруҳига «интервью методи», тахлилий маъруза(аналитические докладные записки), ва сценария методларини, жамоа экспертли баҳолаш гуруҳига эса анкеталаш методи, "комиссия" методи, ақлий ҳужум методи, дастурий прогнозлаштириш методи, эвристик прогнозлаш методи ва ғояларни жамоавий уйғунлаштириш методларини киритади. Формализациялаш мезонларига кўра эса прогноз методларини экстраполяцияли, тизимли-таркибий, бирлаштирувчи, ахборотларга таянилувчи ва математик методларга ажратади.

Муаллифлар прогноз методларини чуқур тахлилни давом эттириб, формализацияли методларни уларнинг хусусиятларига қараб янада кичик гуруҳларга ажратади: экстраполяцияли методларни кичик квадартли, экспоненциал текисланиш, эҳтимолий моделлаштириш ҳамда мослашувчан текисланиш методларга тизимли-таркибий методларни функционал-иерархияли, морфологик тахлил, матрицали, тармокли, таркибий ўхшаш, прогнозли сценариялар методлари, бирлаштирувчи методларни эса метод имитацияли моделлаштириш, мантикий-тарихий тахлил, образларни назарий аниқлаш ва нейротармокли ва ақлий тахлил методларга, математик методларни корреляцион ва регрессион тахлил, аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш, факторли тахлил, вариацияли, спектрли тахлил математик мантик, барқарор ва нобарқарор жараёнларни моделлаштириш каби методларга ахборотларга таянилувчи методларни эса ишнамаларни баҳолаш ва патентли ахборотларни тахлил қилиш каби методларга ажратилади.<sup>65</sup>

Профессор Н.Громова солиқларни прогноз қилиш методларини уч гуруҳга: формализациялашув даражасига, жараённинг умумий тамойилига кўра ва прогноз ахборотларини олиш даражасига кўра гуруҳлайди. Громованинг фикрича методлар деганда объектнинг келгусидаги ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, объектнинг ички, ташқи ҳамда унинг тарихий ривожланиш хусусиятларини аниқлашга асосланувчи қарорлар қабул қилиш ва мулоҳаза қилишнинг умумий жараёни тушунилади. Муаллиф прогноз қилишнинг интуитив методларига индивидуал, интервью, сценарияларни тузиш, жамоа экспертли баҳолаш, "комиссия", жамоа умумлашуви, "дельфи",

<sup>64</sup> Қаранг: Тихонов Э.Е. Прогнозирование в условиях рынка. Невинномысск, 2006. 221 с.; Ирина Чучуева, Классификация моделей прогнозирования: анализ курса лекций о прогнозе. <http://www.Nabrahabr.ru/post/177633/>; Громова Н.М., Громова Н.И. Основы экономического прогнозирования. уч.пос. Издательство "Академия Естествознания", 2006 год ISBN 978-5-91327-005-4.

<sup>65</sup> Қаранг: Ўша ерда.

матрицали ва ғояларни психоинтеллектуал умумлаштириш методларини киритади. Формализацияли методларга эса экстраполяция прогнози, моделлаштириш, экспоненциал текисланиш, таркибий, ўртача оғиш(сирпаниш), тармокли, мослашган текисланиш, матрицали, авторегрессияли қайта ташкил этилиш ва имитацияли методларга бўлади<sup>66</sup>.

Айрим адабиётларда прогноз моделлари ва методларини бир нарса деб қарайдилар. Масалан иқтисодчи олим Жингфай Янгнинг ишларида прогнознинг моделлари ва методлари синоним сифатида қаралган бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳлаган. Жингфай Янг прогнознинг моделларини бошқа аксарият иқтисодчилар сингари йирик икки турга яъни, статистик ва таркибий моделларга бўлади. Статистик моделлар(методлар)га кўплик линейли регрессиялар методи, тартибсиз вақт каторлари, умумий экспоненциал текисланиш, ҳолат макони ва таянч векторли регрессиялар методларини киритади. Таркибий моделларга эса эксперт тизими, сунъий нейрон сетлари ва тўлиқсиз мантик методларини киритган.<sup>67</sup> Аммо, бу ерда шуни ҳам таъкидалаш керакки модел бу математик боғлиқни ташкил этса, метод жараёнини узлуксизлигидир. Шу жиҳатдан олганда охириги муаллиф аввалгилардан фаркли равишда методларнинг янги турларини кўрсатиб ўтган бўлсада, аммо уларнинг аниқ характерларини изоҳлаб бермаган ва шу билан биргаликда модел ва методлар ўзаро ўхшашлик хусусиятига эга бўлсада, прогноз жараёнида уларни синоним сифатида қараш услубий жиҳатдан тўғри эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, прогноз жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган методлар жуд кўп бўлиб, солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири қўлланиладиган методларни тўғри танлаш ҳисобланади. Солиқларни прогноз қилиш жараёни билан шуғулланувчи олимлар ва иқтисодчи мутахассисларнинг солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланиладиган методлар хусусидаги ёндошувларни умумлаштириб, уларнинг айримларининг қиёсий таҳлилини келтириб ўтамыз.

Профессор А.Минаковнинг фикрига кўра солиқларни прогноз қилишда икки гуруҳдаги методлардан яъни, ҳақиқий солиқ тушумлари ва уларнинг аввалги даврдаги миқдори ўртасидаги фарқлар хусусидаги ахборотлар базасига қурилган фактографик(формализацияли) методлар ва мутахассис-экспертларнинг фикрларини умумлаштириш ва жараёни тизимлаштириш асосида юзага келадиган ахборотларга таянилган экспертли (интуитив) методларга бўлади. Фактографик(формализацияли) методлар жумласига

<sup>66</sup> Қаранг: Ўша ерда.

<sup>67</sup> Jingfei Yang M. Sc. Power System Short-term Load Forecasting: Thesis for Ph.d degree. Germany, Darmstadt, Elektrotechnik und Informationstechnik der Technischen Universität, 2006. 139 p.

экстраполяцияли, тизимли-таркибий ва бирлашган методларни, экспертли методларга эса индивидуал ва жамоа экспертли баҳолаш методларини киритади.<sup>68</sup> Профессор Е.Астафьева солиқларни прогноз қилишнинг методларини маълум бир мезонларга асосланган ҳолда гуруҳлашни, масалан, маълумотларни олиш ва уларни қайта ишлаш даражасига қараб: статистик, ўхшаш, таянувчи методларга; формализацияланиш даражасига қараб: формализацияли ва интуитивли методларга; жараёнини умумий боришига кўра: экстраполяцияли, тизимли-таркибий, бирлашган, ахборотларга асосланган методларга ажратишни тавсия қилади.<sup>69</sup> Профессор А.Жидикиннинг фикрига кўра солиқларни прогноз қилиш методларини уч гуруҳга бўлиши мумкин. Биринчиси вақт каторлари бўйича прогнозлаштириш(экстраполяция методи), иккинчиси эса иқтисодий-математик методлар ҳамда учинчиси<sup>70</sup> экспертли баҳолаш методларига бўлинади.

Бироқ, солиқларни прогноз қилиш жараёнида аксарият ҳолларда асосан 10 тага яқин умумий методлар қўлланилиб келинади. Уларнинг айримларининг хусусиятлари хусусида тўхалиб ўтамыз.

**Интуитив прогнозлаштириш методлари** прогноз қилинаётган объект содда ёки унинг ривожланиш жараёнига ташқи таъсирлар йўқ ёки жуда кам бўлган ҳолатларда қўлланилиб, унда прогнозни амалга оширувчи субъектлар-мутахассисларнинг интуитив ёндошишини билдиради. Яъни бундай методларда прогноз жараёнини амалга ошириш натижасида олинган кўрсаткичлар (хулосалар) мутахассиснинг тажрибаси интуитив фикрлай(вазиятни англай олиш) қобилиятига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай методларда математик-эконометрик ҳисоблардан узоқроқ бўлиб, ундан кўпроқ тарихий, ижтимоий, мантикий ва психологик жараёнлар базасига асосланган объектларни прогноз қилишда фойдаланиш самара бериш мумкин. Албатта бундай жараёнлар солиққа тортиш ва унинг прогнозида ҳам мавжуд бўлади.

Масалан, солиқ тушумларининг ҳажмига солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти даражасининг таъсири, солиқларни жорий қилишда ушбу солиқ турининг аввалги вақтларда қўлланганлиги ва шунга ўхшаш солиқнинг бўлганлиги ва унинг солиққа тортишдаги роли ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий жиҳатдан роли қандай бўлганлиги ва шу каби омиларни эътиборга олишда албатта интуитив методлар катта самара беради. Аммо, иқтисодиётнинг

<sup>68</sup> Минаков, А.В. Модели анализа и прогнозирования налоговой базы и налоговых поступлений / А.В.Минаков // Экономический анализ: теория и практика. – 2005. - №5. – С. 47-52

<sup>69</sup> Астафьева, Е. Среднесрочное прогнозирование налоговых поступлений с использованием структурных моделей / Е. Астафьева // Проблемы теории и практики управления. – 2007. - №3. – С.16-31

<sup>70</sup> Жидикин А.А. Анализ категориального аппарата налогового планирования и прогнозирования. Управленческий учет, (2012), 10 (октябрь), 101-107с.

таркибий чуқурлашуви, талаб ва таклифнинг муовзанатининг кесишувининг мураккаблашиши, товарлар ва хизматларнинг диверсификациялашувининг кучайиб бориши, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнига ахборот технологияларнинг "хукмронлиги"нинг ортиб бориши, истеъмол ва жамғаришнинг таркибий ўзгаришининг кучайиб бориши, бозор сегментларининг мураккаблашуви ва шу каби омиллар солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланиладиган методларнинг янги шакллари, уларнинг уйғунлашувини такозо этади. Бу эса ўз навбатида формализацияли методларнинг ахамиятини оширади.

Интуитив методлардан фарқли ўларок **формализацияли методлар** моделлаштиришни такозо этади. Бундай методлар мураккаб ҳисоб-китобларни такозо этади, шунингдек, жуда кўплаб ўзгарувчан ҳолатларни таъсирини баҳолашни талаб қилади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида кўп қўлланиладиган моделлар сирасига регрессивли ва норегрессивли моделлар қиради. Икки ва ундан ортиқ ўзгарувчиларнинг ўртасидаги боғлиқлар ва уларга ташки таъсирларини баҳолаш учун регрессив таҳлилни такозо этади. Ҳозирги вақтда регрессив таҳлил бошқарув ва солиқларни прогноз қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Регрессив таҳлилдан мақсад дастлабки ўзгаришларнинг ташки омиллар(регрессивлар)га боғлиқлиги ва уларнинг таъсири даражасини аниқлашдан иборат бўлади. Бунда регрессия коэффициентлари кичик квадратли ёки максимал ҳақиқатланиш(правдоподобия) <sup>71</sup> методлари ёрдам беради. Регрессияли моделлардан бири линеяли регрессия модели ҳисобланади. Мазкур модел энг оддий моделлар сирасига кириб прогноз жараёнига таъсир этувчи бирламчи ташки омиллар билан ўзаро алоқаларини баҳолайди ва у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Z(t) = \alpha_0 + \alpha_1 X(t) + \varepsilon_t$$

Бу ерда:  $\alpha_0$  и  $\alpha_1$  — регрессия коэффициентлари;  $\varepsilon_t$  — модел хатолиги. Прогноз кўрсаткичларига эга бўлиш учун  $Z(t)$  вақт ҳолати  $t$  эса  $X(t)$ га эга бўлиши керак бўлади. Амалиётда эса  $Z(t)$  жараёни бир қатор бирламчи  $X_1(t), \dots, X_S(t)$ -ташки омилларга эга бўлади. У ҳолда модел қуйидагича кўринишга эга бўлади ва у кўп омилли линеяли регрессия моделини ифодалайди:

$$Z(t) = \alpha_0 + \alpha_1 X_1(t) + \alpha_2 X_2(t) + \dots + \alpha_S X_S(t) + \varepsilon_t$$

Бироқ, ушбу моделнинг камчилиги шундаки, келгуси давр учун  $Z(t)$  жарёни ҳисоблаш учун  $X_1(t), \dots, X_S(t)$ нинг барча омилларини билиш зарур

<sup>71</sup> Maximum likelihood // The free encyclopedia «Wikipedia» [электронный ресурс]. URL: [http://en.wikipedia.org/wiki/Maximum\\_likelihood](http://en.wikipedia.org/wiki/Maximum_likelihood).

бўладики, амалиётда буни аниқлаш жуда мушкул саналади. Шу сабабли мазкур моделни қўллашда ҳамма омилларнинг таъсирини баҳолашни асосий мақсад қилиб қўймаслик керак.

Вақт қаторларини изоҳлашда энг кўп қўлланиладиган моделлар жумласига авторегрессияли моделлар қиради. Авторегрессияли моделларнинг энг кўп тарқалган тури бу- ARIMAX(инглизча- autoregressive integrated moving average, баъзан Бокс — Дженкинс модели, Бокс — Дженкинс методологияси) — интеграллашган ўртача оғувчи авторегрессияли модел бўлиб, вақт қаторларини таҳлил қилишнинг метод ва методологияси ҳисобланади. Авторегрессияли моделларда  $Z(t)$  линеяси ушбу жараёнинг аввалги қаторларнинг микдори  $Z(t-1), \dots, Z(t-p)$ га боғлиқ бўлади. Ўртача оғувчи(сирпанувчи) авторегрессияли модел (autoregressive, AR) ва ўртача оғувчи модел (moving average, MA)лар амалиётда, шу жумладан солиқларни прогноз қилиш ажараёнида ҳам энг кўп қўлланиладиган моделлар сирасидандир. <sup>72</sup> Дж.Бокс ва Г.М. Дженкинсларнинг фикрича авторегрессия моделлари амалиётда учрайдиган бир қатор вақт қаторларини изоҳлашда катта ахамиятга эга бўлиб, қуйидаги кўринишга эга бўлади <sup>73</sup>.

$$Z(t) = C + \phi_1 Z(t-1) + \phi_2 Z(t-2) + \dots + \phi_p Z(t-p) + \varepsilon_t$$

Муаллифлар мазкур формула орқали авторегрессия жараёни  $p$ , тартибида(аксарият адабиётларда  $AR(p)$  шаклда берилди) изоҳлайди. Бу ерда  $C$  — ашёвий константа,  $\phi_1, \dots, \phi_p$  — коэффициентлар,  $\varepsilon_t$  — модел хатолиги.  $\phi_i$  ни аниқлаш учун  $C$  энг кичик квадратлар методи ёки максимал ҳақиқатланиш(правдоподобия) методларидан фойдаланиш лозимлигини изоҳлайди. Мазкур моделлар сирасига кирувчи ўртача оғувчи модел эса кўпинча авторегрессия билан қўлланилиб у ўртача оғиш тартиби яъни  $q$  тенгласини олади:

$$Z(t) = \frac{1}{q} (Z(t-1) + Z(t-2) + \dots + Z(t-q)) + \varepsilon_t$$

Қайд этиш жоизки, аксарият адабиётларда жараён  $MA(q)$  шаклда изоҳланади. Бу ерда  $q$  — ўртача оғиш тартиби  $\varepsilon_t$  — прогноз хатолиги. Мазкур модел моҳияти жиҳатдан вақт қаторларининг паст даражадаги кўринишларини бартараф этиб туради ва вақт қаторларини маълум бир тизгинга солинишига туртки бўлади ва амалиётда қўлланилиш даражасига қараб оддий, тортилган, кумулятив, экспоненциал шаклларда ҳам мавжуд бўлади. Дж.Бокс ва Г.М. Дженкинслар мазкур моделларни такомиллаштириш юзасидан уларни

<sup>72</sup> Mazengia D.H. Forecasting Spot Electricity Market Prices Using Time Series Models: Thesis for the degree of Master of Science in Electric Power Engineering. Gothenburg, Chalmers University of Technology, 2008. 89 p.

<sup>73</sup> Бокс Дж., Дженкинс Г.М. Анализ временных рядов, прогноз и управление. М.: Мир, 1974. 406 с.

бирлаштирган ҳолда ARMA(p,q)ни шакллантиради ва унга ўртача оғиш тартиби q нинг реакциясини мослаштириб ARIMA(p,d,q) (autoregression integrated moving average) моделини яратди. Аммо унинг янада такомиллашган кўриниши эса ARIMAX(p,d,q), шаклдаги комбинациялашган янги тенглама юзага келади:<sup>74</sup>

$$Z(t) = AR(p) + \alpha_1 X_1(t) + \dots + \alpha_s X_s(t)$$

Бу ерда:

$\alpha_1, \dots, \alpha_s$  —  $X_1(t), \dots, X_s(t)$  ташки омилларининг коэффициентлари,  
 $Z(t)$  жараёни MA(q) моделнинг натижаси (сараланган ҳолдагиси).

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида самарали қўлланиладиган моделлардан яна бирлари экспоненциал текисланиш моделлари (exponential smoothing, ES)<sup>75</sup> ҳисобланади. Мазкур моделлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, улар оддийлиги ва яхши самарадорлиги билан аҳамиятлидир. Экспоненциал текисланиш моделлари асосида ҳақиқий жараён (масалан, солиқ тушумларини) ни доимий эътиборга (тахлил) олишни жараёни ётади. Янги ҳодисаларнинг юзага келиши прогноз аввалгиларининг аҳамиятини пасайтиради. Шу жиҳатдан прогноз жараёнида янги жараёнларнинг таъсирини баҳолашига эътибор берилади. Модел функциясига қуйидагига тенг бўлади:

$$Z(t) = S(t) + \varepsilon_t,$$

$$S(t) = \alpha \cdot Z(t-1) + (1-\alpha) \cdot S(t-1),$$

Бу ерда:  $\alpha$  — текисланиш коэффициенти,

текисланиш  $0 < \alpha < 1$  орталиги дастлабки шартда  $S(1) = Z(0)$  сифатида аниқланади. Бу ерда ҳар қайси кейинги текисланувчи жараён  $-S(t)$  эса аввалги тортилган вақт қатори орталигидаги  $Z(t)$  ва  $S(t-1)$  ларни изоҳлайди.

Экспоненциал текисланиш моделларининг "Хольта модели" деб номланувчи иккинчи даражаси экспоненциал текисланиш модели эса тренд қаторлари мавжуд бўлган текисланишларда қўлланилади. Шу жиҳатдан модел икки қисмдан: даража ва трендлардан иборат бўлиб, улар алоҳида текисланишга эга бўлади:

$$Z(t) = S(t) + \varepsilon_t;$$

$$S(t) = \alpha \cdot Z(t-1) + (1-\alpha) \cdot (S(t-1) - B(t-1));$$

$$B(t) = \gamma \cdot (S(t-1) - S(t-2)) + (1+\gamma) \cdot B(t-1).$$

Бу ерда:  $\alpha$  — текисланиш даражаси коэффициенти,

$\gamma$  — тренд текисланиш коэффициенти.

<sup>74</sup> Ўша асарга қаранг.

<sup>75</sup> Prajakta S.K. Time series Forecasting using Holt-Winters Exponential Smoothing // Kanwal Rekhi School of Information Technology Journal [электронный ресурс]. 2004. 13 p.

Экспоненциал текисланиш моделлари узоқ муддатли прогнозларда қўллаш яхши самара беради.

"Марков занжири базасига асосланган моделлар" (Markov chain model).<sup>76</sup> Мазкур моделларнинг хусусияти шундаки, ўрганилаётган объектнинг келажакдаги ҳолати ўтган даврлардаги ҳолатига эмас фақат жорий даврдаги ҳолатидан келиб чиқиб аниқланишга асосланади. Шу жиҳатдан олганда мазкур моделларда жараённинг уч томони эҳтимоллик, жорий ҳолат, келгуси ҳолати диққат марказда бўлади, прогноз жараёнида кўрсаткичларни аниқлашда жорий даврда юз бераётган ўзгаришларнинг қонуниятларига асосланади. Шу жиҳатдан мазкур модел молиявий жараёнлар, жумладан, солиқларни прогноз қилиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин, яъни, алоҳида олинган солиқ турлари бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашда таҳлил қилинаётган даврдаги солиқ тушумларининг динамикаси ва унинг сабабларини чуқур ўрганиш асосида иккинчи даражали деталлардан узоқлашган ҳолда ёндошилади.

Бунда прогнозни амалга ошириш соддалашади, унчалик аҳамиятга эга бўлмаган омилларга вақт сарфламай прогнознинг тезкорлигини оширишга эришилади. Аммо, бу моделнинг камчилиги шундаки, агар, объектнинг ўтган даврига тегишли бўлган жараёнлар прогноздаги роли камаймаган бўлган шароитда прогноз натижаларининг аниқлигининг камайишига олиб келиши мумкин бўлади.

Регрессион-классификацияли дарахт базасига асосланган моделлар (classification and regression trees, CART)<sup>77</sup> ҳам вақт қаторларини изоҳлашга хизмат қилувчи ва кенг тарқалган моделлардан бўлиб, асосан прогноз жараёнига ташки омилларнинг таъсири узлуксиз бўлган шароитда унинг таъсирини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Шу жиҳатдан олган мазкур моделлар солиқ тушумларига импорт-экспорт даражасига жаҳон бозоридagi конъюктуранинг доимий таъсири, қўшилган қиймат солиғи тушумига маҳсулотларга бўлган талабнинг доимий ўзгариши каби ташки омилларни баҳолашда қўлланилиши мумкин. Агар ташки омиллар узлуксиз характерга эга бўлса, у ҳолда регрессияли дарахт модели қўлланилади, агар омиллар доимий тусда бўлмаса у ҳолда классификацияли регрессия моделларидан фойдаланилади. Агар прогноз жараёнига омилларнинг узлуксизли ва вақтинчалик таъсирлари бир вақтда таъсир қилса, унда регрессион-классификацияли дарахт модели қўлланилади.

<sup>76</sup> Zhu J., Hong J., Hughes J.G. Using Markov Chains for Link Prediction in Adaptive Web Sites // 1st International Conference on Computing in an Imperfect World, UK, London, 2002. P. 60 – 73.

<sup>77</sup> Hannes Y.Y., Webb P. Classification and regression trees: A User Manual for Identifying Indicators of Vulnerability to Famine and Chronic Food Insecurity // International Food Policy Research Institute [электронный ресурс]. 1999. 59 p.

Қайд этилганлардан ташқари солиқларни прогноз қилиш жараёнида бир қатор унчалик муҳим бўлмаган моделларни ҳам қўллаш имконияти мавжуд бўладики, ушбу моделлар оралиқ жараёнларда иштирок этиб маълум бир хулосаларни олишга имкон яратиши мумкин. Бундайлар жумласига таянч векторлар модели(support vector machine, SVM)<sup>78</sup> (бозорларнинг ҳаракатини, маҳсулот таннархига таъсир этувчи омилларни ва шу кабиларни таҳлил қилишда фойдаланилади), генетик алгоритм (genetic algorithm, GA)(ташқи омилларнинг таъсири баҳолашда қўлланилади), узатувчи функцияга асосланган модел (transfer function, TF) (вақт қаторларининг динамик ўзгаришини ифодалайди ҳамда ташқи омилларни баҳолашда ҳам қўлланилади)лар шулар жумласидандир.

Қайд этиб ўтилган моделлар ва методлар прогноз қилиш жараёнида маълум бир афзалликларга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг заиф томонларини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Уларнинг афзалликлари ва заиф томонларини фарқлаш эса уларни прогноз жараёнида танлаш имкониятини беради.

Регрессивли моделлар(методлар) оддийлиги, мослашувчанлиги уларни таҳлил қилиш лойиҳалаштиришда ўхшаш хусусиятларга эга билан аҳамиятлидир. Линеяли регрессион моделларни қўллаш орқали қисқа вақтда натижаларни олиш имкони бўлади. Шунингдек, бу моделларнинг яна бир хусусияти уларнинг шаффофлиги бўлиб, барча оралиқ жараёнларда ҳисоблаш чун маълумотларни олиш имконияти мавжуд бўлади. Булар бир қаторда ушбу моделлар маълум камчиликларга ҳам эга. Масалан нолинеяли регрессион моделларда функцион боғлиқликни аниқлаш имконияти қийинроқ кечади, меҳнатни кўп талаб қилади, мослашувчанлиги камроқ ва линеяли моделларга нисбатан имкониятлари камроқдир.<sup>79</sup>

Авторегрессияли моделлар(методлар) ҳам бошқа моделлар сингари афзалликлар ва камчиликларга эга. Уларнинг афзалликлари сифатида оддийлиги ва шаффофлиги, мослашувчанлиги лойиҳаларни таҳлил қилишда ўхшашлиги бўлиб, регрессияли моделларга жуда ўхшайди, шунингдек, прогноз жараёнида энг кўп қўлланиладиган моделлар сирасига киради. Мазкур моделларнинг камчилиги эса уларда моделнинг параметрларини ва меҳнат сарфини кўп талаб қилишлиги, параметрлар кўп бўлган шароитда эса хатоликлар қилиш эҳтимолининг ҳам мавжудлиги билан изоҳланади. Шунингдек, мослашувчанлик даражаси бошқа моделларга нисбатан

<sup>78</sup> Huang W., Nakamura Y., Wang S. Forecasting stock market movement direction support vector machine // Elsevier: computers and operation research. 2005, Vol. 32. P. 2513 – 2522.

<sup>79</sup> Mazengia D.H. Forecasting Spot Electricity Market Prices Using Time Series Models: Thesis for the degree of Master of Science in Electric Power Engineering. Gothenburg, Chalmers University of Technology, 2008. 89 p.

пастроқдир.<sup>80</sup> Экспоненциал текисланиш моделлари(методлари)нинг афзаллик аҳамияти шундаки, мазкур моделлар қўллашнинг оддийлиги ва узоқ муддатли прогнозларни ҳам амалга оширида катта саара беради. Аммо, ушбу моделларда мослашувчанлик даражаси деярли йўқ даражада бўлиб, улар бошқа моделлар билан уйғунлаша олмайди.

Нейротармоқли моделлар(методлар)нинг муҳим хусусияти уларнинг мослашувчанлик даражаси ва объектларни қамраб олиш даражасининг кенглиги, таҳлил жараёнида ҳисоблаш ишларининг соддалиги бўлиб, булар ушбу моделларнинг афзалликларини изоҳлайди. Аммо уларда шаффофлик, прогноз архитектурасини қуришнинг қийинлиги ва меҳнат сифимини кўп талаб қилиши мазкуур моделларнинг заиф томонларини ифодалайди.<sup>81</sup>

"Марков занжири базасига асосланган моделлар"(Markov chain model) ҳам бошқа моделлар каби оддийлиги, таҳлил жараёнларини амалга оширишнинг қулайлиги билан тавсифланса, улар ҳам маълум камчиликларга эга, масалан, узоқ хотирали моделлаштириш имкониятига эга эмаслигидир. Регрессион-классификацияли дарахт базасига асосланган моделлар(classification and regression trees, CART) йирик қўламга эгаллиги, прогноз жараёнини тезлаштириш имконияти мавжудлиги, шунингдек, узлуксиз ташқи омиллар таъсирини баҳолашнинг юқорилиги билан ҳам аҳамиятлидир. Камчиликлари сифатида эса прогноз архитектурасини қуриш имконияти қийинлиги, таҳлил ишларини амалга ошириш қийинроқ кечиши кабиларни келтириш мумкин.

Қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, прогноз жараёнида қўлланиладиган моделлар ва методларнинг биронтасига "прогноз жараёнининг аниқлиги" деган тавсиф берилмаган. Чунки, бундай тавсиф моделдан жуда кўп нарсаларни талаб қилади. Аммо, алоҳида олинган моделни қўллаб юқори даражадаги аниқликка эга прогноз натижаларини олиш имконияти йўқ, бу илмий-услубий томондан ҳам мантиқсиз ҳисобланди. Бироқ, прогнознинг муҳим принципларидан бири ҳам аниқлик бўлиб, унни таъминламаслик прогнознинг мазмунини йўқотади. Булар эса комбинациялашган моделларга эҳтиёжни талаб қилади. Бундай моделларни ишлаб чиқилиши юқорида қайд этиб ўтилган моделларнинг имкониятлари чекланганлиги ва уларнинг камчиликлари бартараф этиб борилади.

Комбинациялашган моделлар алоҳида олинган модел эмас, уларнинг моҳияти эса энг илғор моделларнинг ижобий имкониятларини акс эттира оладиган ва уларни қўллаш орқали прогнознинг аниқлигини таъминлай

<sup>80</sup>Gheyas I.A., Smith L.S. A Neural Network Approach to Time Series Forecasting // Proceedings of the World Congress on Engineering, London, 2009, Vol 2 [электронный ресурс]. P. 1292 – 1296. URL:www.iaeng.org/publication/WCE2009/WCE2009\_pp1292-1296.pdf.

<sup>81</sup> Pradhan R.P., Kumar R. Forecasting Exchange Rate in India: An Application of Artificial Neural Network Model // Journal of Mathematics Research. 2010, Vol. 2, No. 4. P. 111 – 117.

оладиган моделлар бирикмасини ҳамкорликда қўллаш имкониятларидир. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир моделнинг энг керакли имкониятларини прогноз жараёнида тўғри қўллаш жараёнидир. Мазкур моделларни қўллашнинг асосчиларидан бири Х.Фоглернинг фикрича, комбинациялашган моделларни қўллаш учун икки босқичда моделлардан фойдаланишни ташкил этиш лозим. Биринчи босқичда объектларни аниқлаш имкониятини берувчи(pattern recognition) келиб чиқиши(яратилиши) бир хил бўлган(гомогенный) вақт қаторлари гуруҳларини(patterns) шакллантириш ва иккинчи босқичда эса ҳар бир гуруҳ учун алоҳида алоҳида модел лойиҳаси тузиш керак бўлади ва бундай тартибда прогнозни амалга ошириш унинг аниқлигини оширади.<sup>82</sup> Қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар қайси соҳада, жумладан солиқларни прогноз қилиш жараёнида энг муҳим масалалардан бири прогноз жараёнида қўлланиладиган модел ва методларни тўғри танлашдир. Бу масаланинг тўғри ҳал этилиши эса прогнознинг кам харажатли(моддий ва меҳнат сарфлар) асосда юқори аниқликдаги натижаларни олиш имкониятини туғдиради.

Солиқларни прогноз қилишнинг "**Ақлий ҳужум**" методининг моҳиятини объектни ўрганилаётган вақтда ва унинг ривожланиш жараёнининг прогнозини аниқлашда прогнозни амалга оширувчилар ўртасида тўғри ва тесқари алоқаларнинг мавжудлиги ва муаммони ҳал этишда мутахассисларнинг салоҳиятини фаоллаштириш ҳамда фикрларни уйғунлаштириш жарёни ташкил этади. Бу ерда тесқари жараёнда энг муҳим нарса таклиф этилаётган оптимал вариантларига тўхталиш ҳисобланади. Мазкур метод бўйича прогноз жараёнини амалга ошириш бир қатор босқичларда амалга оширалади:

1-босқич. "Ақлий ҳужум" гуруҳини шакллантирилади. Унда бир-бирини(салоҳиятини) билувчи ёки бир-бирини танимайдиган мутахассисларни жалб қилинади. Мутахассислар қўйилаётган муаммонинг моҳиятини англаб етувчилар ҳамда бир неча нафари эса муаммони ҳал этишнинг умумий йўналишларини чуқур англаб етувчилардан иборат бўлади.

2-босқич. Гуруҳ иштирокчилари учун муаммонинг моҳияти ва ақлий ҳужумнинг методининг мазмунини ёритувчи ёзма вариант тайёрланади. Унда ишни(прогнозни) амалга ошириш тамойиллари, методнинг нимага асосланганлиги, шартлар, ақлий ҳужумни ўтказиш(амалга ошириш) асосий қоидалари, муаммонинг моҳияти, унинг келиб чиқиш сабаблари, унинг таҳлиллари ва юзага келиш мумкин бўлган оқибатлар, муаммони ҳал этишнинг

<sup>82</sup> Қаранг: Fogler H.R. A pattern recognition model for forecasting // Management science. 1974, No.8. P. 1178 – 1189.

(агар мавжуд бўлса) халқаро тажрибалари, муаммони ҳал этишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган вариантлари акс эттирилади.

3-босқич. Бу босқичда ғоялар умумлаштирилади. Бу жараён гуруҳ бошлиғи томонидан муаммонинг мазмунини баён этишдан бошланади. Гуруҳ иштирокчиларига ақлий ҳужумни ўтказиш тартиби тушунтирилади. Унга қўра чиқувчилар(фикр билдирувчилар) ўз фикрини аниқ ва раво қилиб айтиши, аввалги чиқувчининг фикрини такрорламаслик ва фикрларга танқидий ёндошмаслик, сўзга чиқувчилар ўз фикрларини бир неча марта айтиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Гуруҳ бошлиғи иштирокчиларнинг фикрларини муаммонинг ечимига қаратган ҳолда муаммоли саволларни йўналтириб туради.

4-босқич. Ақлий ҳужум доирасида аниқланган ғоялар ва фикрларни умумлаштирилади. Бир-бирини қайтарувчи фикрлар гуруҳланади, бир-бирини тўлдирувчи ғоялар эса алоҳида умумлаштирилади.

5-босқич. Умумлаштирилган ғоялар гўплами шу соҳанинг бошқа етук мутахассислари(тахминан 20-25 нафар) иштирокида муҳокама қилинади. Билдирилган танқидий фикрлар умумлаштирилади.

6-босқич. Ақлий ҳужумнинг охириги босқичида билдирилган танқидий фикрлар рўйхати тузилади, барча босқичларда аниқлаштирилган ғоялар ва мулоҳазалар йиғма жадвалда акс эттирилади. Жадвал маълумотлари таҳлил қилинади ва муаммонинг ечимини беришга лаёқатли энг асосий ғоялар аниқланади ва хулоса қилинади. Мазкур методнинг муҳим хусусияти шундаки, ўрганилаётган объект ва қўйилган вазифаларни ягона фикр доирасида аниқлаш имкони бўлмаган ёки унга шубҳа билан қаралганда муаммонинг жамоавий ҳал этилишини таъминлайди.

"**Дельфи**" методи. Мазкур метод прогноз қилишни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. У ўтган асрнинг охириларида АҚШнинг РЭНД корпорацияси томонидан яратилган бўлиб, прогноз жараёнида иштирок этган эксперт-мутахассисларнинг фикрларини статистик қайта ишлаш имкониятини беради. "Дельфи" методининг асосий тамойилини экспертларнинг фикрлари ва уларнинг субъектив мулоҳазаларини қўйилган муаммонинг ечимига мослаштириш ва уларнинг аниқлик даражасини белгилаб олиш ташкил қилади. Ушбу методнинг моҳияти ва бошқа экспертли методлардан фарқи шундаки, унда экспертларнинг аноним ҳисобланади, яъни экспертлар бир-бирларини билишмайди, аввалги тур сўровларидан фойдаланилади ва гуруҳ жавоблари яъни прогноз кўрсаткичлари статистик шаклда тақдим қилинади.

Умумий қилиб айтганда экспертли баҳолаш методлари қуйидаги босқичларни қамраб олади: Гуруҳни шакллантириш(экспертлар гуруҳи тузилади ва уларнинг прогноз жараёнидаги салоҳияти(тажрибаси, муаммо

доирасида назарий ва амалий билимлари хусусидаги салоҳияти) аниқланади. Глобал мақсад аниқланади ва гуруҳларнинг прогнозни амалга ошириш борасидаги ишлари тизимлаштирилади. Экспертлардан олинган сўровномалар маълумотлари қайта ишланади. Охириги босқичда эса экспертларнинг баҳолари(хулоса, фикрлари, мулоҳазалари) ҳисоб-китоб қилинади ва умумий хулосага келинади.

**Экстраполяция методлари** вақт қаторлари методи ҳам деб аталади. Вақт қаторлари бўйича прогноз қилиш методи ўзида том маънодаги статистик методни акс эттиради. Вақт қаторлари эса муддатлари аниқланган ва вақт оралиқларига боғланган кўрсаткичларнинг тизимлаштирилган шаклидир. Вақт қаторлари орқали прогноз қилишда объектнинг мураккаблик даражасига қараб уларнинг турлари қўлланилади. Масалан, оддий регрессион таҳлиллар узок муддатли даврларда ва барқарор тенденциялар мавжуд бўлган шароитда қўлланилса, цикли ўзгаришлар мавжуд бўлган шароитда масалан, кишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларидаги жараёнларни прогноз қилишда эса мураккаб вақт қаторлари методлари қўлланилади. Экстраполяция методларининг энг кўп ва солиқларни прогноз қилишда ҳам фойдаланиладиган турларига энг кичик квадрат методи, экспоненциал текисланиш, ўртача оғувчи(сирпанувчи) методларни киритиш мумкин.

Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани ва қулайи эса кичик квадратли метод бўлиб, оддий функцияларни танлаш(линейли қаторларни) орқали прогноз қилинётган параметрларни вақт қаторлари бўйича боғлиқлигини изоҳлайди. Ушбу моделнинг хусусияти шундаки, унда ўрганилаётган объектнинг ўтган даврига тегишли кўрсаткичларни камида 10-15 тасини қамраб олишни тақозо этади ва прогноз кўрсаткичларининг аниқлигини оширади. Мазкур методнинг афзалликлари шундаки, уни қўллаш осон, натижаларнинг ажратишнинг қулайлиги, ушбу методни электрон ҳисоблаш машиналари орқали, жумладан, Microsoft Excel электрон жадваллари ёрдамида фойдаланиш мумкин. Аммо, ушбу методни қўллашни соҳаси чекланган бўлиб, уни қўллашда фақат миқдорий кўрсаткичларни прогноз қилиш мумкин, сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлилларни амалга ошириш чекланган. Масалан, фойда солиғи тушумларини прогнозини амалга оширишда солиқ тўловчиларнинг фойдасининг ҳажмига таъсир этувчи барча омилларни вақт қаторлари орқали таҳлил этиш имкони йўқ. Мазкур методлардан эса фақат қисқа муддатли прогнозларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Услубий жиҳатдан ҳар қандай прогнознинг асосий воситаси экстраполяция схемаси ҳисобланади. Экстраполяциянинг моҳияти ўтмишда ва ҳозирги кунда юзага келган прогноз объекти ривожланишининг барқарор тенденцияларини ўрганиш ва уларни келажакка ўтказишдан иборат.

Расмий ва прогнозли экстраполяция фарқланади. Расмий экстраполяция прогноз объектнинг ҳозирдаги ва ўтмишдаги ривожланиш тенденцияларини келажакда сақлаб қолиш ҳақидаги тахминларга асосланса прогнозли экстраполяцияда эса амалдаги ривожланиш истиқболда турли омиллар таъсирининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилаётган жараён динамикаси ҳақидаги фаразлар билан боғланади. Таъкидлаш жоизки, экстраполяция усулларини кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш учун прогнознинг бошланғич босқичида қўллаш зарур.

**Иқтисодий-математик методлар(моделлар).** Ушбу методлар прогноз қилишнинг мураккаб методлари ҳисобланиб, уларнинг асосида комплекс таҳлиллар ётади. Ушбу методлар экстраполяция методларидан фарқли равишда ўрганилаётган объектни прогноз кўрсаткичларини аниқлашда миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўрганади. Масалан, вақт қаторларида тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўловлари бўйича тушумларини уларнинг аввалги фаолиятлари нуқтаи назардан ёндошилса, уларнинг товар айланмаси ҳажмининг ортиши бошқа солиқларнинг ҳажмига таъсирини таҳлил қилиб бера олмайди. Аммо, иқтисодий-математик моделларни қўллаш орқали эса корхоналарнинг ялпи тушум ҳажми ва харажатлар ҳажмини аниқлаш орқали, ушбу миқдорий кўрсаткичларнинг корхона тўлайдиган бошқа солиқларни(масалан, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи)нг ҳажмига таъсирини баҳолаш имконияти бўлади, яъни миқдорий кўрсаткичлар сифат кўрсаткичларига боғланади. Бу эса иқтисодий-математик моделларнинг энг муҳим хусусиятини ва афзалликларини кўрсатади.

**Норматив методи.** Ушбу метод бошқа методлардан фарқли равишда режалаштиришда кўпроқ қўлланилади. Аммо, мазкур методдан солиқларни прогноз қилиш жараёнида ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Методнинг хусусияти номига мос равишда нормативларга асосланади ва нормативларнинг турли вариантларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш(объектни) жараёнини бошқаришни ташкил этиш мумкин. Чунки, нормативлар ишлаб чиқариш жараёнини унинг натижалари билан боғлаш имкониятини беради. Шу жиҳатдан олганда мазкур метод орқали ҳам сифат кўрсаткичларини ҳам миқдор кўрсаткичларни ўзаро таҳлил қилишни амалга ошириш мумкин. Ушбу методларнинг солиқларни прогноз қилишдаги аҳамияти шундаки, ер солиғи бўйича солиқ тушумларини аниқлашни ер майдонларига ўрнатилган солиқ ставкалари орқали, яъни норматив объектларни таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи базасини ҳисоблашда корхонага сотиб олинган материалларга тегишли қўшилган қиймат солиғининг ушбу материалларни норматив асосда ишлаб чиқаришга сарфланиш жараёни билан биргаликда қўшилган қийматнинг ҳажмини ёки маҳсулотга тегишли

қўшилган қиймат солиғини аниқлаш имкони пайдо бўлади, провардида эса қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тушумларининг ҳажмини аниқлаш мумкин бўлади.

**Баланс методи.** Ушбу метод ҳам норматив метод сингари номидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган объектнинг ҳолати ва бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашда объектнинг икки томонига асосланади, яъни вазиятнинг сабабларини ва унинг келтириб чиқарган оқибатларини баланслаштирган ҳолда таққослайди, ижобий ва салбий жараёнларни умумий тартибда кўрсатиб беради. Иқтисодий баланслар моддий, меҳнат ва молиявий турларига бўлинади. Мазкур моделларнинг хусусияти ва афзалликлари ҳам шундаки, баланснинг ҳар бир тури кўрсаткичлари кейинги баланс кўрсаткичларини аниқлашда ёки ундаги камчиликларни бартараф этишда ўзаро муҳим аҳамиятга эга бўлади. Балансли метод молиявий соҳаларда асосан эҳтиёж учун зарур бўлган(бюджетни режалаштиришда) ёки фаолият давомида юзага келиши мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг ҳолатини аниқлашда кенг фойдаланилади. молиявий ресурсларнинг юзага келиш имкониятлари(максимал даражада) унинг манбалари билан баланслаштирилади, аммо, корхона ёки давлат бюджети манфаатлари учун молиявий ресурслар(маблаглар) ҳажми унинг манбаларидан ортиқ бўлишига эришиш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Баланс методи эса жараёни моделлаштиради, бошқа томондан таҳлил қилиш имкониятини беради. Баланс оқибатида кейинги даврларда молиявий маблагларнинг юзага келиш жараёнлари ҳақида умумий маълумотларни олиш имконияти пайдо бўлади.

Мазкур методдан солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўллашнинг аҳамияти шундаки, макродаражада бюджетга талаб қилинадиган молиявий маблаглар билан шу даврларга тегишли солиқ салоҳияти ўртасидаги нисбатлар баланслаштирилади ва пайдо бўлган фарқ(манфий, мусбат)лар даражасидан келиб чиққан ҳолда умумий йўналишларни ва прогнознинг тўлиқ аниқликдаги бўлмасида маълум даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Аммо, баланс методдан микро даражада солиқларни прогноз қилишда кенг фойдаланиш мумкин. Корхоналарда солиқ тўловларини режалаштириш эса аслида солиқ мажбуриятлари билан корхонанинг шу мажбуриятлар доирасидаги тўлов қобилияти баланслаштирилади ва унинг ҳолатидан келиб чиқиб эса корхонанинг кейинги босқичдаги молиявий маблагларни сарфлаш масаласи ҳал этилади. Молиявий органлар(молия ва солиқ хизмати)да эса балансли метод орқали маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларининг келиб тушиши ва режалаштирилган харажатлар ўртасидаги жараён баланслаштириш орқали солиқларнинг келиб тушишининг прогноз кўрсаткичлари ҳамда юкори

бюджетлардан қўшимча маблаг жалб қилиш кўрсаткичларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

**Вақт қаторлари** бу айрим катталикларнинг мазмунининг изчиллиги бўлиб, улар иккита мажбурий элементлардан, яъни вақтни белгилаш қатор у ёки бу шаклда воситалар билан олинган вақт белгиларининг кўрсаткичлари мазмунидан ташкил топади. Ҳар бир вақт қаторлари танлаб олинган натижа сифатида қаралади. Вақт қаторлари мазмунни аниқлаш, вақт оралиқлари ва барқарорлиги бўйича интервалли ва ҳолатли вақт қаторларига бўлинади. Интервалли вақт қаторларида ўрганилаётган жараёнинг прогнозлари бўйича олинандиган натижаларнинг изчиллигини ифодалайди, маълум бир интервал оралиғида вазиятнинг(жараёнинг) қайта содир бўлиб туриши ва унинг хусусиятларига асосланади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар ҳафталик, ойлик ва йиллик ҳажми, солиқ тўловларининг ҳар ойнинг 20 санаси, келаси ойнинг 5 санасигача, чорак охиригача тўланиши(келиб тушиши) каби такрорланиб турадиган вақт қаторлари ва шу қабиларнинг қонуниятли характерларига асосланган ҳолда уларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлашга хизмат қилади.

Вақт қаторларининг мазмуни маълум бир аниқ ҳолатларда такрорланиб турадиган бўлса, бундай вақт қаторлари ҳолатли тус олади. Масалан, молиявий индекслар, бозор нахлари, физик кўрсаткичлар ва шу қабилар аниқ бир вазиятларда содир бўлади, бундай жараёнларга хос вазиятларнинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш ҳолатли вақт қаторларини тақозо қилади. Вақт қаторлари оралиқларда жойлашиши нуктаи назардан тенг вазиятларда жойлашган ва нотекис жойлашган турларга ҳам бўлинади. Товарлар ва хизматлар бўйича нарх индекслари маълум бир тенг оралиқ вақтларда ўзгариб борса, аммо, биржа индекслари қаторларининг жойлашиши, биржа иш кунлари билан боғланган бўлади, яъни биржадаги нарх индекслари маълум нотекислик асосида жойлашади, шунингдек, солиқни тўлаш муддатининг охириги кунларига қадар тўланмаган мажбуриятлар юридик шахслар бўйича банк муассасаларининг иш кунлари билан боғлиқ бўлиб, бунда солиқ тушумларининг вақт қаторлари нотекис ҳолатда бўлади. Булардан ташқари солиқларни прогноз қилиш жараёнида қисқа ва узок хотирага эга бўлган вақт қаторларидан ҳам фойдаланилади.

Бундай вақт қаторлари солиқ базаларининг шаклланиш жараёнлари узок вақтли вақт қаторларини эгаллайди, аммо, солиқлар бўйича ҳисоботлар ва уларни бюджетга тўлаш жараёнларида кўпинча қисқа хотирали вақт қаторлари содир бўлади, сабаби солиқ тўловлари ва ҳисоботларини топшириш белгиланган охириги кунларида кўп содир бўлади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида барқарор ва нобарқарор бўлмаган вақт қаторларидан ҳам

фойдаланиш прогнозга таъсир эувчи омиллар билан бир қаторда жараёнларнинг вақтли барқарорлигининг таъсирини ҳам аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Солиқ тўловлари бўйича солиқ базаларини аниқлашда барқарор вақт қаторлари сифатида мол-мулк солиғи, ер солиғи базалари бўйича барқарор вақт қаторлари юзага келса фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ягона солиқ, ободонлаштириш ижтимоий инфратилмани ривожлантириш ва шу каби солиқларнинг солиқ базалари бошқа омиллар таъсирига тез тушиши сабабли ҳам уларда нобарқарор вақт қаторлари мавжуд бўлади. Вақт қаторларининг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг динамик ёки статистик ҳолати ички ва ташқи омиллар таъсирига тез учрайди, шу сабабли ҳам вақт қаторларининг функционал боғлиқлигини таъминлаш орқали уларнинг хусусиятларини доим кузатиб туриш талаб этилади.

Ахборот олиш ва қайта ишлаш методлари бўйича қуйидаги прогноз қилиш методлари ажратиб кўрсатилади: статистик методлар, ўхшатишлар методи, илғор методлар.

**Статистик методлар** – прогноз қилинадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар структураси, динамикаси ва ўзаро алоқаларида намоён бўладиган миқдорий қонуниятлар олишга қаратилган ахборотни қайта ишлаш методлари тизими.

**Ўхшатишлар методи** – прогноз қилинадиган жараёнлар ҳақида билим бир жараёнлар ривожланиши қонуниятларининг бошқа жараёнлар ривожланиш қонуниятларига ўхшашлиги асосида юзага келадиган мантикий хулосага асосланган прогнозлар олишга асосан тузилади.

**Прогноз қилишнинг илғор методлари** прогнозда прогноз қилиш объектининг ривожланиш қонуниятлари янги тенденцияларини аниқ этириш хусусиятини амалга оширадиган илмий-техник ахборотни махсус қайта ишлаш тамойилларига асосланади. Прогноз қилишнинг расмий методлари прогнозлар аниқлиги ва ишончлилигини ошириш, уларни бажариш муддатини сезиларли қискартириш, ахборотни қайта ишлаш ва натижаларни баҳолаш имконини берадиган математик назария воситалари тузишга асосланади. Прогноз қилишнинг расмий методлари таркибига қуйидагилар киради: интерполяция ва экстраполяция методлари, математик моделлаштириш методи, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика методлари.

**Интерполяция методининг** моҳияти  $y_i=f(x_j)$ , объект функциялари прогноз қийматини аниқлашдан иборат бўлиб, бу ерда  $j=0, \dots, n$ ,

Экстраполяция методи бу – илмий тадқиқот методи бўлиб, ўтмишда белгиланган тенденцияларни кегуси даврда тарқатишдан иборатдир. Математик экстраполяция методлари агар унинг  $x_1=x(t_1), \dots, x(t_{n-1}) > x(t_n)$  ўтмиш

даврдagi қиймати маълум бўлса, у ёки бу  $X=x(t_1)$  ўзгарувчан кўрсаткич қандай қийматга эга бўлишини аниқлашга бориб тақалади.

Прогнозга қайси тамойиллар ва қайси бошланғич маълумотлар асос қилиб олинганига қараб, қуйидаги экстраполяция методлари мавжуд: ўртача мутлақ ўсиш, ўртача ўсиш суръати ва бирон-бир тахлилий формула бўйича қаторларни тенглаштириш асосида экстраполяция.

Ўртача мутлақ ўсиш бўйича прогноз қилиш умумий тенденцияни чизикли деб ҳисоблашга ишонч бўлган, яъни метод бир хилда ўзгариш ҳақида тахминга асосланган ҳолатда бажарилиши мумкин. Ўртача ўсиш суръати бўйича прогноз қилиш умумий тенденция экспоненциал эгри чизик билан тавсифланадиган ҳолатда амалга оширилиши мумкин. Агар динамика қаторига бошқача қонуният хос бўлса, ўртача ўсиш суръати асосидаги экстраполяцияда олинган маълумотлар бошқа экстраполяция методи билан олинган маълумотлардан фарқ қилади.

Прогноз қилишнинг энг тарқалган методи трендни тахлилий ифодалаш ҳисобланади.

Экстраполяция қилинадиган ҳодиса тренди бу – иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши узок муддатли тенденцияси, яъни ривожланиш умумий йўналишини, вақт қаторлари асосий тенденциясини белгилаб берадиган ўзгариш. Тренд маълум маънода тасодифий таъсирдан холи бўлган вақт бўйича ҳаракат асосий қонуниятларини тавсифлайди. Энг кичик квадратлар методининг моҳияти шундан иборатки, прогноз қилинадиган ҳодисани тавсифлайдиган функция оддийроқ функция ёки уларнинг комбинацияси билан уйғунлашади. Бунда уйғунлик шундай танланадиган, амалдаги функция даражасининг ўртача квадратик оғиши кузатилаётган нуқталарда энг кичик бўлади.

Сирпанувчан ўртача методи шундан иборатки, тартиб бўйича биринчи қатордаги даражалардан ўртача даража ҳисоблаб чиқилади, сўнгра иккинчидан бошлаб, ундан кейин учинчидан ва ҳ.к. ўртача даражалар аниқланади. Шундай қилиб, ўртача даражани ҳисоб-китоб қилишда динамика қатори бўйича унинг бошидан охирига қараб «сирпанилади», ҳар сафар бошида битта даража олиб ташланади ва кейинги даража қўшилади.

Математик моделлаштириш методи билим олиш объекти ҳақидаги билимлар ва объектининг ўзи ўртасида маълум бир мувофиқлик ўрнатиш имкониятига асосланади. Математик методларни қўллаш прогнозлар асосланганлиги, амалийлиги ва ўз вақтидалиги даражаси юкори бўлишини таъминлайди.

Умумий хулоса қилиб айтганда солиқларни прогноз қилиш жараёни таъкидланганидек, бошқа жараёнлардан фарқли равишда ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Солиқлар аралаш иқтисодиёт шароитида давлатнинг иқтисодиётга

аралашувининг энг муҳим воситаси ҳисобланиши, унинг мураккаблигини янада оширади. Чунки, солиқлар бўйича давлат бюджетга тушумлар ҳажмини маълум бир даврларга прогноз қилишни амалга ошириш солиқ тушумлари ҳажмига таъсир этувчи омилларни баҳолашни тақозо этади, ваҳоланки, бундай омиллар жуда кўп ва уларнинг таъсир даражалари ҳам турличадир. Қайд этилганлар эса солиқларни прогноз қилиш жараёнини соддалаштириш, унинг натижаларининг аниқлигини ошириш ва мақсадга эришиш учун маълум моделлар ва методларни тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Моделлар ва методларни гуруҳлаш ва уларнинг хусусиятларини англаш ва шу асосда прогнознинг мақсади ва унинг қамраб олинishi даражасини аниқлаб уларнинг мантикий уйғунлигини таъминлаш мақсадга эришишнинг муҳим қадамларни ифодалайди. Бу борада эса прогнозда қўлланиладиган методларни тўғри танлаш катта аҳамият касб этади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Модел, моделлаштириш, метод, прогнозлаш моделлари, прогноз жараёнини моделлаштириш, макроиктисодий моделлар, микроимитацияли моделлар, экстраполяцияли моделлар, комбинациялашган моделлар, регрессион-классификацияли дарахт базасига асосланган моделлар, авторегрессияли моделлар, регрессивли моделлар, интеграллашган ўртача авторегрессияли модели, солиқларни прогноз қилиш методлари, формализацияли методлар, интуитив методлар, статистик методлар, Интерполяция методи, Экстраполяция методи, вақт қаторлари, норматив методи, "Дельфи" методи.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Модел ва моделлаштириш деганда нима тушунилади?
2. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида моделлаштиришнинг аҳамиятини нималардан иборат?
3. Солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги макроиктисодий моделларнинг хусусиятларини изоҳланг.
4. Микроимитацияли моделлар орқали солиқларни прогноз қилишнинг моҳиятини сўзлаб беринг.
5. Солиқларни прогноз қилишнинг илғор методлари деганда қайси методлар тушунилади?
6. Экстраполяция методининг солиқларни прогноз қилишдаги қўлланиш хусусиятларини тушунтириб беринг.
7. Солиқларни прогноз қилишнинг статистик методларига қайси методлар киради?

8. Регрессивли ва норегрессивли моделларни солиқларни прогноз жараёнидаги аҳамиятини изоҳлаб беринг.

9. ARIMAX бу нима?

10. Макроиктисодий моделларнинг жаҳон амалиётида қўлланиладиган айрим турларининг мазмунини айтиб беринг.

11. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида "Дельфи" методининг қўлланилиш хусусиятларини нимада?

12. Экстраполяцияли моделларга қайси моделлар киради?

13. Комбинациялашган моделларнинг солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги аҳамияти изоҳлаб беринг.

14. Интуитив методларнинг моҳиятини айтиб беринг.

## **5-БОБ. СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУМЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

### **5.1. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади ва унинг ҳуқуқий асослари**

Ҳар қандай мақсадли жараёнларни амалга оширишнинг муҳим шarti бу унинг алгоритмик қурилишини тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Бу нарса илмий тадқиқотлар методологиясида ҳам муҳим ўрин тутаети. Бошқа муносабатлар сингари солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўйилган мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бир ҳам унинг ташкилий-услубий механизмларини тўғри ташкил ҳисобланади. Аввалги параграфларда қайд этилганидек, солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқ категориясининг маҳсули сифатида иқтисодий муносабатларнинг деярли барча жиҳатларини қамраб олади ва боғлиқ бўлади. Шу билан биргаликда унинг муҳим белгилари сифатида унинг эҳтимолликка асосланиши ва омиллар таъсирида бўлиши бу жараёни янада мураккаблаштиратди. Шундай экан солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам маълум бир кетма-кетликка асосланган жараёнлар тизимидан иборат бўлади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги дастлабки босқичлардан бири прогнознинг мақсадини аниқлаб олиш ҳисобланади. Солиқларни прогноз қилишнинг бош мақсади бу миллий иқтисодий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари прогнози ҳамда турли даражадаги бюджетларнинг даромад манбаларининг ҳажмини аниқлашга қаратилган бўлади.

Шу жиҳатдан олганда солиқларни прогноз қилиш жараёни мамлакатнинг бош стратегик режаларидан келиб чиқиб аниқланса, ўз навбатида солиқ прогнози натижасида олинган кўрсаткичлар давлатнинг умумий режаларини ишлаб чиқишга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Солиқларни прогноз қилиш мақсадининг ўзи ҳам унинг хусусиятларидан келиб чиқиб таркибланади. Бош мақсад бюджетга келиб тушиши мумкин бўлган солиқли даромадларнинг ҳажмини аниқлаш билан бир қаторда прогноз қилишнинг қўлами ва унинг амал қилиш ҳолатига қараб ҳам унинг мақсади таркибланади. Яъни солиқ прогнозини амалга оширишда тармоқлар бўйича солиқ тушумларини прогноз қилиш, ҳудудлар, солиқ тўловчилар ҳамда амалдаги солиқ турлари бўйича тушумларни прогноз қилиш мақсадлари юзага келади. Бундан ташқари солиқларни прогноз қилишда унинг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ салоҳиятини миллий иқтисодиёт, тармоқлар, маҳаллий ҳудудлар, алоҳида олинган корхоналар, аҳоли қатламлари ҳамда солиқ турлари бўйича ҳам салоҳиятни аниқлаш мақсад қилиб белгиланиши мумкин. Прогноз жараёнида мақсаднинг белгиланишига қараб унинг методологик йўналишлари аниқланади.

Масалан давлат бюджетига умумий солиқ тушумларини прогноз қилиш асосий мақсад қилиб белгиланган бўлса, унда макроиктисодий моделлар ва методлар қўлланилади, ахборот базаси сифатида фойдаланадиган иқтисодий кўрсаткичларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш ҳам асосан макроиктисодий кўрсаткичларга таянилади.

Агар мақсад алоҳида олинган ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш белгиланган бўлса у ҳолда прогнознинг методлари ва унинг кўрсаткичлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, солиқларни прогноз қилишнинг мақсади стратегик(асосан 5-10 йилга мўлжалланган) ва жорий шаклларда бўлади.

Солиқларни прогноз қилишнинг муҳим инструментларидан бири бу унинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади. Республикамизда солиқларни прогноз қилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги, Давлат статистикаси тўғрисидаги, Бухгалтерия тўғрисидаги Қонунлари ҳамда ваколатли органларнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида Низом, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом, Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақида НИЗОМ, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом, Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги Йўриқнома, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисида Йўриқнома, Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидалари ва шу каби қонуности меъёрий-ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 7-моддасида бюджет тизими принциплари сифатида бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштиришнинг амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бу бюджет жараёнида прогноз қилиш масаласи асосий бўғинлардан эканлигини ифодалайди. Шунингдек, ушбу кодекснинг 9-моддасига кўра бюджет тизими Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ бўлиши, 11-моддага кўра эса бюджет тизими бюджетларини тузишда бюджет таснифига мувофиқ, даромадлар уларнинг аниқ манбалари бўйича прогноз қилинади, харажатлар

эса йўналишлар бўйича режалаштирилади. Республикамизда бюджет тизимининг даромадларининг таснифланишига мувофиқ уларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш поғаналари ҳам аниқланади. Масалан Бюджет кодексининг 21-моддасига мувофиқ бюджет тизими бюджетлари даромадларининг таснифи тузилмаси қуйидагилардан: бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари ва даражалари таснифи; даромадларнинг турлари; ташкилий тасниф; ҳудудий таснифлардан иборат бўлишлиги белгиланган бўлиб, улар келиб тушаётган даромадларнинг тегишли маблағлар манбаларига ва ушбу бюджетлар даражаларига мансублигини аниқлаш учун қўлланилса, ўз навбатида прогноз жараёнини амалга оширишда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек солиқ бўлмаган тўловларни уларни ундириш базаси бўйича кодлашга хизмат қилади.

Бюджет даромадларининг бундай таснифланиши келиб тушаётган даромадларнинг ана шу даромадларни маъмурий жиҳатдан идора қилувчи тегишли органга мансублигини аниқлашга ҳамда ушбу даромадлар шакллантирилаётган ёхуд ўтказиб берилаётган тегишли маъмурий-ҳудудий бирликка мансублигини идентификациялаш мақсадида қўлланилиб, келгусида ҳудудларнинг молиявий салоҳиятларининг кўрсаткичларини аниқлашда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат бюджетининг даромад манбалари прогноз қилинаётганда улар бюджетнинг даромад манбаларининг гуруҳланиши ҳамда бюджет таснифида даромадлар турларига мувофиқ амалга оширилади. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга қўлланилиб, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади.

Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари гуруҳланиши бўлиб, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Давлат бюджети даромадларининг таснифида барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари гуруҳланишлаштирилган

бўлиб, унда даромадлар, жумладан солиқли даромадлар қуйидагича гуруҳланган:

Бўлим даромадларни уларнинг олиш манбалари бўйича гуруҳланишини билдиради:

- 3 100 000 «Солиқлар»;
- 3 200 000 «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар»;
- 3 300 000 «Грантлар»;
- 3 400 000 «Бошқа даромадлар»;
- 3 500 000 «Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар».

11. Параграф солиқ ёки бошқа турдаги даромадларни солиққа тортиш базаси бўйича даромадларнинг гуруҳланишини билдиради.

- 12. «Солиқлар» (3 100 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:
  - 3 110 000 «Даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқлар»;
  - 3 130 000 «Мол-мулкка солинадиган солиқ»;
  - 3 140 000 «Товарлар ва хизматларга солиқлар»;
  - 3 150 000 «Халқаро савдо ва операцияларга солиқлар»;
  - 3 160 000 «Бошқа солиқлар».<sup>83</sup>

Солиқларни прогноз қилишда давлат бюджети тизимида бюджетлар даражаларининг солиқли даромадларига мослаштирилади. Бюджет кодексининг 50-моддасида бюджетнинг даромадлари сифатида солиқли ва бошқа мажбурий тўловлар асосий даромад манбаи сифатида келтирилган бўлиб, унга кўра<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари:

- 1) умумдавлат солиқлари, шу жумладан:
  - юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
  - ягона солиқ тўлови;
  - жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
  - қўшилган қиймат солиғи;
  - акциз солиғи;
  - ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

2) божхона божлари;

3) қўшимча фойда солиғидан ўз навбатида эса Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ умумдавлат солиқлари, шу жумладан:

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА.

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 50-модда.

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;  
ягона солиқ тўлови;  
жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;  
тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

қўшилган қиймат солиғи;  
акциз солиғи;  
ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ;  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;  
2) маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан:  
мол-мулк солиғи;  
ер солиғи;  
ягона ер солиғи;  
айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим;

3) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

4) бозорлардан тушадиган даромадлар;

5) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади<sup>85</sup>.

Бошқа даромадларга давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, тоvon пуллари ва жарима санкциялари, эғасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Республика ва маҳаллий бюджетларнинг келтириб ўтилган даромад манбаларидан божхона божи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим, бозорлардан тушадиган даромадлар ва бошқа даромадлар бўйича бюджетга солиқли ва солиқсиз тушумларни прогноз қилиш жараёни бошқа солиқли даромадларга қараганда бироз қийинроқ ва мавҳумроқ кечади. Чунки, бу каби даромад манбаларининг юзага келиш барқарорлиги паст, уларнинг юзага келиши эса унинг тўловчиларининг фаолиятига боғлиқ бўлади.

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 52-модда.

Прогноз жараёнини ташкилий жиҳатларидан бири бу давлатнинг ваколатли органларининг бу борадаги иштирокини аниқлаш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигида бюджет даромадларини, жумладан солиқли даромадларни прогноз қилишда Молия вазирлигининг роли юқори ҳисобланади. Молия вазирлиги ўз Низомига кўра молия-бюджетни ва солиқни режалаштириш, нарх белгилаш, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий соҳани маблағ билан таъминлаш соҳасида услубий раҳбарликни амалга оширади. Шунингдек, молия, бюджет, валюта ва солиқни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш усулларини такомиллаштириш, республика йиғма молия балансининг молиявий ресурсларини шакллантиришнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли истикболни белгилашларини тузиш ишида, шунингдек, умумреспублика мақсадли бюджетдан ташқари пул жамғармаларини шакллантиришда қатнашади, уларни ташкил этиш, фойдаланиш ва миқдорлари тартибини ишлаб чиқади, республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг янги усуллари асосида ҳудудий молия-бюджетни, солиқни режалаштиришни такомиллаштиради<sup>86</sup>. Бундан кўринадики Молия вазирлигининг муҳим вазифалари ва функциялари қаторида солиқларни режалаштириш, молиявий ресурсларни шакллантиришнинг истикболли даврларга режалари, яъни солиқлар ва бошқа тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш қабилар белгилаб қўйилган.

Давлат бюджетининг даромадлари, жумладан, солиқлар ва солиқсиз тўловларни прогноз қилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳам қатнашади. Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомга кўра ўз ваколатлари доирасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши прогнозини ишлаб чиқишда, солиққа оид қонун ҳужжатларини, шу жумладан табиий ресурслардан эҳтиётлаб ва самарали фойдаланишни рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, солиқ юқини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади, солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиншини таъминлаш, уларни тўлиқ қамраш ва ҳисобга олиш

<sup>86</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида НИЗОМ.

механизмларини такомиллаштиради, солиқ органлари ахборот ресурс маълумотларининг ягона интеграциялаштирилган базасида солиқ тўловчилар бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқилиши ва амалдаги тушумлари ҳисобини юритади ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритади ва солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш<sup>87</sup> каби вазифаларни бажаришligи белгиланганки, бу вазифалар асосан давлат бюджетига солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини амалга оширишга қаратилгандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида солиқларни прогноз қилиш жараёнида ўз ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика Қўмитаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишининг умумий тенденцияларига ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолати ва молиявий кўрсаткичларига оид, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Божхона Қўмитаси импорт-экспорт операциялари бўйича маълумотларига оид, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ер, сув ресурсларининг ҳолати ва уларнинг таркибий тузилиши (ягона ер солиғи ва ер солиғи юзасидан) бўйича маълумотларни, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ер ости бойликларига оид маълумотларни (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ прогнози учун) ва шу каби вазирлик, қўмита, концерн ва агентликлар тегишли маълумотлар ва ахборотларни тақдим қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса бюджет даромадларини прогноз қилиш жараёнига услубий раҳбарлик қилишда ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бюджетлар лойиҳаларини тузиш юзасидан ҳамда солиқларнинг бюджетга келиб тушишини прогноз қилиш бўйича зарурий ахборот ва маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

## **5.2. Солиқларни прогноз қилишнинг ахборот манбаи ва уларни қайта ишлаш**


Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг яна бир энг муҳим инструментларидан бири бу ахборотлар ва маълумотлар базасидир. Қайд этилганидек, бу борадаги зарурий ахборот ва маълумотлар тегишли ваколатли

органлардаги мавжуд маълумотларга таянилади. Солиқларни прогноз қилишнинг ахборот базасини шакллантиришнинг ўзи ҳам бир неча босқичлардан иборат бўлади. Бунинг учун дастлаб прогнознинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарурий ахборотлар, яъни кўрсаткичлар аниқланади ва бундай кўрсаткич ҳамда маълумотларни энг қулай ва ишонувчанлиги нуктаи назаридан ушбу маълумотларга эгалик қилувчи ва уни тарқатувчилар рўйхати аниқланади ҳамда тегишли тартибда ушбу маълумотлар олинади. Маълумотлар базаси аниқланаётганда аввало уларнинг муҳимлиги ва ишончилиги ҳамда ушбу маълумотларнинг прогноз жараёнидаги аҳамиятига эътибор қаратилади. Кейинги босқичда эса олинган ахборотлар гуруҳланади. Бунда ахборот ва кўрсаткичларнинг солиқни прогноз қилишнинг қайси қисмига ёки жараёнига тегишли эканлигига ажратилиб, уларни синтезлаш амалга оширилади. Яъни, синтезлаш орқали тугалланмаган, тўлиқ ақс этмаган ва чала хусусиятга эга бўлган маълумотлар тўлдирилиб, уларни бир-бутун ҳолга келтирилади ва уларни таҳлил ва ҳисоб-китоб ишларига тайёрлаб қўйилади.

Шунингдек, бу босқичдаги энг эътибор бериладиган нарсалардан яна бири маълумотларни ўзаро таққослаш ва бир-бирига мослаштирган ҳолда уларнинг самарадорлиги масаласидир. Масалан, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқ тушуми бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли таркибининг соҳалар ва тармоқлар бўйича тақсимланиши, тармоқларда ўртача иш ҳақи даражаси, тармоқлар ўртасида ходимларнинг кўчиши каби кўрсаткичлар муҳим бўлсада, аммо, ушбу жараёнда тармоқлар, ҳудудлар кесимида ходимларнинг демографик ёш таркиби, уларда пенсия ёшидагилар ва пенсия ёшига яқинлашаётган, юқори малака талаб қиладиган ва юқори иш ҳақи белгиланган касбларнинг вакансия даражаси, ходимларнинг гендер таркибидаги ўзгаришлар ва шу қабилар кўрсаткичларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганишга мослаштириш лозим бўлади. Бундай ёндошув ҳар бир солиқ тури ва прогнознинг бошқа жараёнларида ҳам эътиборга олинган талаб қилинади. Бунинг учун олинган маълумотларни тўғри гуруҳлаш ва уларнинг ўзаро энг яқин боғлиқлик даражасини таъминлаш лозим бўлади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида зарур бўладиган ахборот ва кўрсаткичлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни маълум белгиларига қараб гуруҳлаш мумкин. (17-расм).

<sup>87</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98- сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида НИЗОМ.



**17-расм. Солиқларни прогноз қилишга хизмат қилувчи ахборот манбаларнинг гуруҳланиши.**

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида ахборот манбалари умумий(барча босқичдаги прогноз жараёни учун зарур бўладиган ва қўлланиладиган кўрсаткичлар), оралик(прогнознинг оралик босқичларида зарур бўладиган ва қўлланиладиган кўрсаткичлар), молиявий(худудлар, солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳияти ҳамда солиқ турлари бўйича прогноз жараёнида қўлланиладиган кўрсаткичлар), номолиявий(прогноз жараёнининг мазмунига қараб зарур бўладиган ва қўлланиладиган кўрсаткичлар) гуруҳларга бўлинади.

Шу билан биргаликда ахборотларни макроиктисодий(ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодиётга жами киритилган инвестициялар, ташқи савдо айланмаси, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар, аҳолининг реал пул даромадлари даражаси, бюджет тақчиллиги, давлат бюджети параметри ва ижроси кўрсаткичи, аҳолининг табиий ўсиши, соҳалар ва тармоқлар бўйича иш ҳақи даражасининг табақалашуви, нархлар индекси ва шу кабилар) микроиктисодий(корхоналарнинг молиявий ресурслари ҳажми, даромадларнинг ренивестициялашув даражаси, маҳсулот таннархининг ўсиш даражаси, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, корхонанинг ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлари ҳажми, солиқ боқиманда ҳажми ва шу кабилар), солиқларни прогноз қилувчиларнинг ўзларидаги мавжуд маълумотлар ва четдан жалб қилинадиган маълумотлар каби гуруҳларга ҳам бўлинади.


Солиқларни прогноз қилиш жараёнида четдан(бошқа ахборот тарқатувчилар ва эгалик қилувчилар) жалб қилинган ахборотларнинг хусусияти шундаки, уларнинг ишончилигини қайта текшириш талаб қилинади, яъни уларнинг қайси манбалардан жалб қилинганлигига қараб ҳақиқийлигига баҳо берилади. Солиқ прогнозини амалга оширувчиларнинг ўзларидаги мавжуд маълумотларнинг эса ишончилиги юқорироқ бўлади, сабаби улар синтезлашган бўлади. Шу боисдан ҳам қайд этилган ахборот манбаларни ўзаро синтезлашган ҳолда қўллаш прогноз жараёнида катта аҳамиятга эга. Булар орасида молиявий ва номолиявий кўрсаткичларни ўзаро боғлиқ ҳолда қўллаш иқтисодий таҳлилнинг илғор методларидан фойдаланиш талаб қилинади. Молиявий кўрсаткичлар жумладан, солиқ тури бўйича солиқ қарздорлиги, ҳисобланган солиқ сўммаси ва шу каби кўрсаткичлар солиқ тўловчиларнинг фаолиятининг мавсумийлик характери, солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинishi, корхоналарда ҳисоб ишларининг ташкил этилиш даражаси, солиқ тўловчиларнинг таркибий ўзгариши(яъни, умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг соддалаштирилган тартибда солиқ тўлашга ўтиши), салоҳият солиқ тўловчиларнинг реал солиқ тўловчиларга айланиши, бир солиқ тўловчининг солиқ турлари бўйича мажбуриятларининг ошиши ёки камайishi(масалан, кичик корхона қўшилган қиймат солиғи тўловчи сифатида юзага келиши ёки уни ягона солиқ тўловига қўшиб тўлаши, илгари акциз

солиғи тўловчисиси бўлмаган солиқ тўловчининг акцизости маҳсулот ишлаб чиқариши туфайли акциз солиғи тўловчисига айланиши) каби кўрсаткичлар ўзаро таъсирда бўлади ва солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларининг натижаларига таъсир қилади. Демак, солиқларни прогноз қилиш жараёнида ахборотларни гуруҳлаш ва уларни қайта ишлаган ҳолда қўллашдаги мураккаб жараёнлардан бири ҳам уларни ўзаро боғлиқ ва ўз ўрнида фойдаланиш масаласидир. Бунинг учун прогноз жараёнини амалга оширувчи мутахассислардан маълум бир малака кўникмалари бўлиши лозим. Бундай малака талабларига назарий ва таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаси, иқтисодий таҳлил, эконометрик, статистик, математик методлардан яхши хабардор бўлиши, мантикий фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиш кабилар қиради. Шу боисдан ҳам солиқ хизмати ва молия органларида айнан даромадлар прогнози ҳамда корхоналарда солиқларни режалаштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг иқтисодий таҳлил, эконометрик, миқдорий усуллар, статистика каби фанларни ўзлаштириб борилишини таъминлаш прогноз жараёнининг объективлигини оширишга хизмат қилади.

Умумий тартибда солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-амалий жараёнининг ўзини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Яъни, ташкилий босқич, таҳлилий босқич, амалга ошириш босқичи ва якуний босқич. Қайд этилган босқичлар умумий тартибда солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-методологик моделини ифода этади. Ҳар бир босқичларнинг ўзи ҳам маълум бир кетма-кетлик босқичдан иборат бўлади. Ташкилий босқич эса прогноз жараёнининг дастлабки қадами бўлиб унинг даражаси эса солиқларни прогноз қилишнинг кейинги босқичларининг натижаларига бевосита таъсир қилади (18-расмга қаранг). Солиқларни прогноз қилиш ташкилий босқичи бу прогноз мақсадининг аниқлашдан бошланиб, кейинги тартибда жараёнда катнашувчи ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари аниқланиб олинади. Ваколатли органлар ҳам ўз навбатида бевосита прогноз жараёнини амалга оширувчи ва унга ёрдам берувчиларга бўлинади.

Молия, солиқ хизмати ва божхона хизмати органлари бевосита прогноз жараёнини амалга оширса, бошқа тегишли вазирлик, кўмита, концерн ва агентликлар эса прогноз жараёнига ахборотлар тақдим қилиш, прогноз жараёнига тегишли маълумотларни қайта ишлашда, сўровномаларни ўтказиш жараёнида ёрдам беришда катнашиши мумкин. Ташкилий босқичда унда катнашувчи мутахассисларнинг малака талабларини аниқлаш ва унга асосланган ҳолда уларга вазифаларни тақсимлаш ва зарур бўладиган маълумотлар манбаларини аниқлаш, уларни шакллантириш ва қайта ишлаш ҳам асосий жараёнлар саналади. Чунки, ахборотлар базаси етарлича ва аниқ қилиб шакллантирилган тақдирда ҳам уни амалга оширувчи субъектлар-

мутахассисларнинг малака даражаси ва уларнинг иш самарадорлиги энг муҳим аҳамият касб этади ва прогноз жараёнининг натижаларининг аниқлиги ҳам уларга боғлиқ бўлади, шу жиҳатдан олганда солиқларни прогноз қилиш жараёнида бу масалага катта эътибор бериш зарур бўлади. Солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услугий жараёнида асосий жараёнлар қаторида таҳлилий босқич ҳам катта аҳамиятга эгадир. Таҳлилий босқичда асосан солиқларни прогноз жараёнига хизмат қилувчи ахборотларга таянилган ҳолда амалий ҳолат унинг ривожланиш тенденциялари аввалги йиллар билан қиёсий таҳлил қилинган ҳолда зарурий хулосалар олинади. Бунда турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумларининг келиб тушиш тенденциялари, солиқ турлари бўйича аввалги йилларда аниқланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолати, миллий иқтисодиёт, тармоқлар, ҳудудлар, солиқ тўловчилар ҳамда солиқ турлари бўйича солиқ салоҳиятининг динамик ва статистик ҳолати, ушбу жараёнларга таъсир этувчи омилларнинг таъсири даражалари таҳлил қилинади.



**18-расм. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг ташкилий босқичлари.**

Қайд қилинганидек, таҳлилий босқичда кўрсаткичлар иқтисодий, статистик, математик ҳамда эконометрик таҳлилнинг методларидан фойдаланилади. Таҳлилий босқичда ҳам ишлар маълум бир кетма-кетликда оширилиш талаб этилади. Бунда ҳам таҳлилнинг олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқилади. Таҳлилдан мақсад этиб солиқ тушумларининг йиллар бўйича динамик ёки статистик ҳолатига баҳо бериш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, асосий ва асосий бўлмаган, молиявий ва номолиявий

кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлик даражаларини аниқлаш ва шу кабилар белгиланиши мумкин, мақсаддан келиб чиққан ҳолда маълумотлар базаси мослаштирилади, синтез қилиниб таҳлилнинг тегишли методлари танланиб таҳлил жараёни амалга оширилади. Таҳлилий босқичда ахборотлар ва кўрсаткичларни маълум бир гуруҳларга бўлиш орқали таҳлилни амалга ошириш самара бериши мумкин. Бунда кўрсаткичларнинг даврийлиги, уларнинг мазмунан яқинлиги, боғланиш даражаси ҳамда шартли коэффицентларга айлантириш имкониятига алоҳида эътибор берилади.

Кўрсаткичларнинг даврийлиги нуктаи назардан ёндошганда узоқ вақт тегишли маълумотларни жорий йил ва яқин йиллар билан таққослашда таққосий кўрсаткичлардан фойдаланиш, турли хил объектларни баҳолашда шартли коэффицентларга айлантириш, бир бирига яқин бўлмаган кўрсаткичларни боғлашда оралик кўрсаткичларни қўллашга ҳам аҳамият бериш талаб этилади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида таҳлилий босқичда молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар, миқдорий ва сифатий кўрсаткичлар алоҳида-алоҳида ҳамда улар биргаликда таҳлил қилиш ҳам зарур бўлади. Миқдорий кўрсаткичлар солиқларни прогноз қилишнинг умумий тенденцияларини изоҳласа, сифатий кўрсаткичлар эса прогнознинг омилларини баҳолаб беришга хизмат қилади.

Миқдорий кўрсаткичлар прогноз жараёнида тез таъсир этса, сифатий кўрсаткичларнинг прогноз жараёнига таъсири бевосита тарзда кечади. Масалан, солиқ тўловчилар сони, молиявий натижа- фойда ёки зарарга эга бўлганлар сони ва шу кабилар солиқ тушумларига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Сифат кўрсаткичлари эса миқдорий кўрсаткичларга нисбатан тез ўзгарувчан бўлиб, уларни баҳолаш мураккаб ҳисобланади. Миқдорий ва сифат кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ҳолда прогноз натижаларига таъсири ҳам турлича бўлади. Яъни, солиқ тўловчиларнинг сони ўзгармаган ҳолда фойда олувчилар сони ўзгариши ёки фойдага эга бўлган солиқ тўловчиларнинг олган фойда ҳажми ўзгариши ҳисобига солиқ тушумлари ошиши мумкин, бу ерда кўринадикки, миқдорий кўрсаткичларга нисбатан сифат кўрсаткичларининг таъсири кўпроқ бўлади. Демак, миқдорий кўрсаткичлар солиқ тушумларига таъсири тўғридан-тўғри бўлсада, унинг ҳажми эса сифат кўрсаткичларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Сифат кўрсаткичларининг прогноз жараёнидаги таъсири миқдорий кўрсаткичларга боғлиқ бўлсада, шу билан биргаликда ички сифат кўрсаткичлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, янги ташкил этилган солиқ тўловчилар имтиёзга эга бўлиб, имтиёз муддати тугагунга қадар фаолиятини тугатиши мумкин. Бундан кўринадикки, миқдорий кўрсаткичлар ҳамма вақт ҳам солиқ тушумларига таъсир қилмаслиги мумкин.

### 5.3. Солиқ тушумларини таҳлил қилиш тартиби ва методлари

Республикаимиз солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам таҳлил жараёни билан бирга олиб борилади. Бу жараёнларни ташкил этиш мақсадида солиқ хизмати органларида махсус бўлинмалар ташкил қилинган. Давлат солиқ қўмитасида "Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш бошқармаси", вилоят Давлат солиқ бошқармалари ва туман(шаҳар) Давлат солиқ инспекцияларида эса "Солиқ ва мажбурий тўлов тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими" мутахассислари томонидан солиқ ва мажбурий тўловлар тушуми бўйича таҳлил ишлари билан бирга солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари Давлат солиқ қўмитасида "Солиқ солиш методологияси бошқармаси" ҳам ташкил қилинганки, бу бошқарма томонидан солиқ тушумларини таҳлил қилиш ва унинг прогнозини амалга оширишнинг методологик йўналишлари ишлаб чиқилиб борилади.

Солиқ хизмати органларида бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли фондларга солиқ тушумларини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш иерархияли тарзда, яъни туман(шаҳар) Давлат солиқ инспекциялари, вилоят Давлат солиқ бошқармалари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси кесимларида кетма-кетликда амалга оширилади. Бунда таҳлил ва прогнозлаш ишлари бир хил тартибда ва бир неча босқичларда амалга оширилади. Дастлаб таҳлил ва прогноз ишлари иқтисодий статистика методларга асосланган таҳлилий амалга оширилади. Кейинги босқичда эса амалга оширилган таҳлиллар ҳамда мавжуд иқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, турли хил методларни қўллаш натижасида бюджетларга келиб тушиши кутилаётган солиқ тушумларининг ҳажми ҳисоб-китоб қилинади. Солиқ хизмати тизимида кейинги вақтларда солиқ ишларини ташкил этиш ва уларнинг таҳлилий ҳамда мониторингини амалга ошириш мақсадида 30 га яқин дастурий маҳсуллар ишлаб чиқилган бўлиб, солиқ тушумларини таҳлил қилиш ва прогноз ишларини амалга оширишда дастурий маҳсуллар қўлланилиб келинмоқда.

Аммо, солиқ тушумларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш ишлари мураккаб жараёнлари бўлганлиги ҳам уларни амалга оширишда мутахассислар томонидан таҳлилнинг турли хил шакллари билан фойдаланишни талаб қилади. Солиқларни таҳлил ва прогноз қилиш ишлари куйи босқичда яъни, Давлат солиқ инспекциялари кесимида дастлаб туман(шаҳар) бўйича келиб тушадиган солиқ тушумларини икки гуруҳга бўлиб таҳлил этилади. Биринчи гуруҳга бевосита турли даражадаги бюджетларда даромадларни шакллантирувчи, қолаверса, солиқ базасини аниқлаш имкони мавжуд бўлган юридик шахслардан олинadиган фойда, даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи,

мол-мулк солиғи ва шу каби солиқлар киритилиб улар бўйича солиқ тушумлари ва прогноз кўрсаткичларини аниқлаш алоҳида амалга оширилади. Иккинчи гуруҳда эса бюджет даромадларини шаклланишида юқори улушни эгалламайдиган солиқсиз тўловлар ва бошқа даромад манбалари киритилиб таҳлил қилинади.

Таъкидлаш керакки, баъзи ҳолларда туман(шаҳар) миқёсида асосий бўлмаган даромад манбаларининг юзага келиш ва уларнинг динамик ўзгариши вазиятдан келиб чиқиб катта аҳамият касб этиши мумкин. Шу боисдан ҳам бундай даромад турларининг бюджетдаги улушига қараб эмас, балки, уларнинг динамик вазиятда бўлишига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Кейинги босқичда эса юқорида келтириб ўтилган молиявий, номолиявий, миқдорий, сифат ҳамда макроиктисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда туман(шаҳар) миқёсида бевосита солиқ инспекциясидаги мавжуд маълумотлар ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ(молиявий) ҳисоботларининг кўрсаткичларидан фойдаланиб комплекс таҳлил ишлари амалга оширилиб, умумий ва хусусий хулосалар олинади. Таҳлил жараёнида иқтисодий ва статистик таҳлил жараёнида кўп қўлланиладиган мутлоқ ўзгариш даражаси, ўртача мутлоқ ўзгариш даражаси, ўзгариш суръати, кўшимча ўзгариш суръати, ўртача ўзгариш суръати каби таҳлил методларидан кенг фойдаланилади.

Таҳлил жараёнида мутлоқ ўзгариш даражаси  $\Delta y_i = y_i - y_{i-1}$  (1) формуласини қўллаш орқали аниқланадики, бунда  $y_i$  вақт қаторининг  $t(t=1,2,3,\dots,n)$  ҳолатидаги қийматларини ифодалаб, базис даврига нисбатан объектнинг(тушумнинг) мутлоқ ҳажмда ўзгариши аниқланади ва унинг  $\Delta y = \frac{y_n - y_1}{n-1}$  (2) формуласи орқали унинг ўртача мутлоқ ўзгариш даражаси аниқланади. Биринчиси миқдорий кўрсаткични ифодаласа, кейингиси эса сифат кўрсаткични тавсифлайди. Тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўзгариш суръатларини эса  $T_i^p = \frac{y_i}{y_{i-1}} \cdot 100\%$  (3) формуласи ёрдамида аниқлаймиз. Бюджетга солиқли ва солиқсиз тўловлар бўйича тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг кўшимча ўзгариш даражаси  $T_i^{mp} = \frac{y_i - y_{i-1}}{y_{i-1}} \cdot 100\% = T_i^p - 100\%$  (4) орқали аниқланса,

тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўртача ўзгариш суръати  $\bar{T} = \sqrt[n]{T_2^p \cdot T_3^p \cdot \dots \cdot T_n^p} \cdot 100\% = \sqrt[n]{\frac{y_n}{y_1}} \cdot 100\%$  (5) формуласи орқали аниқладики, бу ерда  $T_2^p \cdot T_3^p \cdot \dots \cdot T_n^p$  - алоҳида вақт оралиғидаги ўзгариш суръатларини ифодалаб, ҳар бир вақт қаторлари ўзидан олдинги қатордаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Таҳлил жараёни Давлат солиқ бошқармалари ва Давлат солиқ қўмитаси даражасида ҳам қайд қилиб ўтилган формулалар ва методларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Солиқ тушумларини таҳлил қилишда тадқиқ этилаётган жараёнларни турли хил ўлчов бирликларида баҳолашга тўғри келади. Бунда эса албатта натурал, пул ва шартли ўлчов бирликлари асосий роль ўйнайди. Бу ўлчов кўрсаткичлар мутлоқ(абсолют) ўзгаришларни ифодалаб, мутлоқ миқдорлар ҳисобланади, шу боисдан улар ўрганилаётган ҳодиса ёки жараёнларнинг ривожланиш тезликларини ифодалаб беролмайди. Ўз навбатида мутлоқ миқдорлар яқка тартибда(битта қатордан иборат бўлган) ва умумий шаклда мавжуд бўлади. Умумий миқдорлар эса яқка миқдорларнинг умумий йиғиндисидан иборат бўлади. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш керакки, натура ва пул ўчов бирликларини таҳлил осонроқ кечеди, аммо, турли хил ўлчов бирликларини(қийматсиз) ягона бирликка айлантириш учун эса статистикада қўлланиладиган шартли коэффициентларга айлантириш методлари ёки аниқланган коэффициентлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Таъкидланганидек, мутлоқ миқдорлар солиқ тушумларини тўлақонли таҳлил қилиш имкониятига эга эмас. Шу боисдан ҳам амалиётда нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Нисбий миқдорлар таҳлил этилаётган объектнинг сифат белгилари асосида ўтган даврларга нисбатан нисбий ҳолатларини изоҳлашга ва аниқлашга ёрдам беради. Солиқ тушумларини комплекс тарзда таҳлил қилиш учун тузилмавий нисбий миқдор, таққослама нисбий миқдор, координация нисбий миқдор, режа топшириғи нисбий миқдори, режа бажарилиши нисбий миқдори, динамика нисбий миқдори, интенсив нисбий миқдори каби турларидан фойдаланилади.

Тузилмавий нисбий миқдорлар тадқиқот объекти тизимидаги элемент даражасининг жамига нисбатан салмоғини тавсифлайди. Бу кўрсаткич куйидагича аниқланади:

$$d_i = \frac{Y_i}{\sum_{i=1}^n Y_i} \quad \text{ёки} \quad d_i = \frac{Y_i}{\sum_{i=1}^n Y_i} \cdot 100\% \quad (6).$$

бу ерда  $Y_i$  – тўпلام бирлиги даражаси;  
 $n$  – тўпلامдаги бирликлар сони.

Масалан, давлат бюджетига юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича 2013 ва 2014 йиллардаги ҳар бир солиқ турининг тушумларининг ҳиссасини аниқлаш учун ушбу тузилмавий нисбий миқдорлардан фойдаланиш мумкин.

Давлат бюджетда солиқлар тушумларининг ҳажми<sup>88</sup>

| №  | Кўрсаткичлар  | 2016 йил | 2017 йил |
|----|---|----------|----------|
| 1. | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (млрд.сўм).     | 1038,8   | 1120,2   |
| 2. | Кўшилган қиймат солиғи (млрд.сўм).                        | 7552,5   | 9475,6   |
| 3. | Акциз солиғи (млрд.сўм).                                  | 4168,3   | 4941,1   |
| 4. | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (млрд.сўм). | 2717,3   | 3261,7   |
| 5. | Жами бюджет(мақсадли фондларсиз) даромадлари (млрд.сўм).  | 26223    | 31729,6  |

Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, юқоридаги формулалар асосида солиқ тушумларининг ўзгариш динамикасини аниқлаймиз: Яъни,

$$2016 \text{ йил } d_1 = \frac{1038,3}{26223} \cdot 100 = 3,95\%, \quad d_2 = \frac{7552,5}{26223} \cdot 100 = 28,80\%, \dots$$

2017 йил  $d_1 = \frac{1120,2}{31729,6} \cdot 100 = 3,55\%$ ,  $d_2 = \frac{9475,6}{31729,6} \cdot 100 = 29,86\%$ , ва шу тартибда давом эттирилади.

Таққослама нисбий миқдорлар таҳлил жараёнида турли тўплам ёки унинг бирликлари даражаси ўзаро таққослашда ёрдам беради ва у қуйидагича аниқланади:

$$T_{HM} = \frac{Y_a}{Y_b} \text{ ёки } T_{HM} = \frac{Y_a}{Y_b} \cdot 100 \quad (7).$$

Бу ерда  $Y_a$  - «а» бирлик даражаси,  $Y_b$  – тўпламдан база сифатида қабул қилинган бирлик даражаси. Таққослама нисбий миқдорлар алоҳида олинган ҳудудлар, шунингдек даврий ораликлар бўйича энг кичик базисга нисбатан таққосланаётган кўрсаткичнинг даражасини марта ёки фоизда аниқлаб беришга хизмат қилади. Масалан, 2017 биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳри бўйича бюджетга солиқ тушумлари 2 131 349,0 млн сўм, 2018 йилнинг биринчи йилида эса 2 535 728,6 млн. сўмни ташкил этган, шунингдек, шу даврларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мос ҳолда 176 011,6 млн.сўм ва 213 590,6 млн.сўмни ташкил этган. Бу ерда кўринадики, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича тушум кўрсаткичи энг кичик базис ҳисобланади ва Тошкент шаҳри маълумотлари Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичига нисбатан таққосланади. Йиллар кесимида Тошкент шаҳри

бўйича солиқ тушумлари Қорақалпоғистон Республикаси бўйича тушумга караганда мос ҳолда 2017 йилда 2 131 349 / 176 011,6=12,1 марта ва 2018 йилда 2 535 728,6 / 213 590,6=11,8 мартага кўп бўлган ёки улар фоизда ҳам ифодаланиш мумкин.

Солиқ тушумларини таҳлил қилишнинг яна бир методларидан бири интенсивлик нисбий миқдори бўлиб, ушбу метод орқали турли, аммо, мазмунан бир-бирига яқин бўлган ҳодиса ва жараёнларни ўзаро таққосланади ва ўрганилаётган ҳодиса даражасини шу ҳодисани юзага келишига сабаб бўлган ҳодиса даражасига нисбати орқали аниқланади:

$$I_{HM} = \frac{Y^1}{Y} \text{ ёки } I_{HM} = \frac{Y^1}{Y} \cdot 100 \text{ ёки } I_{HM} = \frac{Y^1}{Y} \cdot 1000 \quad (8).$$

Бу ерда  $Y$  - берилган ҳодиса даражаси,  $Y^1$ - берилган ҳодиса натижасида вужудга келадиган ҳодиса даражаси.

Масалан, солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқларнинг тушумига таъсир этувчи омиллардан бўлган миқдорий кўрсаткич янгидан ташкил этилган ва ўз фаолиятини тугатган корхоналарни таққослаш учун уларнинг интенсивлик нисбий миқдори аниқланади. Олайлик, 2018 йил боши ҳолатига 298859 та(фермер хўжаликлари бунга киритилмаган) корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, 2017 йил давомида 36509 та янгидан корхоналар ташкил топган бўлиб, 21448 та корхона расмий ўз фаолиятини тугатган. Агар, ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиб, янги ташкил этилган корхоналарнинг интенсивлик нисбий миқдорини аниқлайдиган бўлсак, яъни корхоналарнинг ўсиш даражаси  $I_{HM} = \frac{Y^1}{Y} = \frac{36509}{298859} = 0,12$  яъни, Республика бўйича 2017 йилда корхоналар сони 12 фоизга ёки ҳар 100 та корхона 12 тага кўпайган ва уларнинг солиқ тушумларига таъсири ҳам кўпайиш тенденциясига эга бўлади.

Координация нисбий миқдорлари ҳам таҳлилнинг шаффофлигини оширишга хизмат қилувчи методлар сирасига қиради. Координация нисбий миқдорлари мазмунан таҳлилда олинган бир бирлик даражасини бошқа (базис сифатида қабул қилинган) бирлик даражасига нисбатан тавсифлайди:

$$K_{HM} = \frac{Y_l}{Y_0} \quad (9).$$

Бу ерда  $Y_l$  – тўпламдаги l-чи бирлик даражаси,  $Y_0$ - базис сифатида қабул қилинган бирлик даражаси.

Юқорида келтирилга 6-жадвал маълумотларидан фойдаланиб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиқларининг координация нисбий миқдорини аниқлайдиган бўлсак, у:  $K_{HM} = \frac{2717,3}{1038,8} = 2,6158$  коэффицентдан иборат бўлиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан давлат бюджетига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига нисбатан 2,6 мартадан кўпроқ солиқ

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

тушумлари тушаётганлигини ва ҳар 100 сўмлик фойда солиғига 261,5 сўмлик шахслардан олинадиган даромад солиғи сўммаси тўғри келишини изоҳлайди.

Шунингдек, солиқ тушумларини таҳлил қилиш жараёнида режа топшириғи нисбий миқдори ( $(P_m)$ ) – жорий даврда режалаштирилаётган даража ( $(D_{PT})$ )ни ўтган давр ҳақиқий даражаси ( $(D_0)$ )га нисбати орқали аниқланади), режа бажарилиши нисбий миқдори(жорий даврда эришилган натижанинг мутлак даржаси( $(D_1)$ )ни режа топшириқ мутлок даражаси( $(D_{II})$ )га нисбати орқали аниқланади), динамика нисбий миқдори( турли даврга (вақтга) тегишли мутлак миқдорларнинг бир-бирига нисбати орқали аниқланади) каби методлардан ҳам фойдаланилади. Бу ерда режа топшириғи нисбий миқдори режа топшириғининг аввалги даврдаги ҳолатга нисбатан қандай бажарилганлигини ифодаласа, режа бажарилиши нисбий миқдори эса режа топшириғи қандай бажарилганлигини изоҳлайди, ўз навбатида динамик нисбий миқдори ҳодисаларнинг вақт бўйича ривожланишини тавсифлайди.

Келтириб ўтилган таҳлил методлари асосан кўпроқ миқдорий тавсифлаш хусусиятига эга бўлиб, улар фойдаланиш қулай бўлсада, аммо, сифат кўрсаткичларни изоҳлай олмайди, яъни таҳлилнинг вақт қаторларидан ўрин олган ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг акс таъсирини тўлиқ ифодала олмайди. Шу боисдан таҳлил жараёнида ҳодиса ва жараёнларни динамик қаторларининг боғлиқлиги ёндошувига асосланган таҳлил методлардан ҳам фойдаланилади. Бунда хронологик кўрсаткич(саналар, йиллар, ойлар) ва миқдорий кўрсаткичлар(солиқ тўловчилар сони, тадқиқот объекти сони, тушумлар ҳажми ва шу кабилар)дан фойдаланилади. Булар айниқса давлат бюджети ва ҳудудларнинг бюджет даромадларини таҳлил қилишда абсолют ўсиш суръати, ўсиш тезлиги каби жараёнларини таҳлил қилишда кенг фойдаланилади. Динамик қатор кўрсаткичларини аниқлашдан мақсад унинг даражаларини ўзаро таққослаш ҳисобланиб, бунда мутлок ҳамда занжирли базислар асосида амалга ошириш осонроқ кечади. Бунда мутлок базис ёрдамида таҳлил қилинганда барча кўрсаткичлар танлаб олинган базис кўрсаткич билан таққосланади. Динамик қатордан жой олган ҳар бир кўрсаткич эса ўзидан олдинги қатордаги кўрсаткич билан солиштирилиб борилади ва унинг ўзгарувчанлиги аниқланади.

Солиқларни таҳлил қилиш жараёнида динамик қаторнинг икки даражасини энг биринчи ўлчов бирликларида солиштириш орқали унинг мутлок ўсишини базисли ва занжирли тартибда юз бераётганлигини аниқлаш ҳам қатга аҳамиятга эгадир. Базисли абсолют ўсиш  $\Delta_{\text{бi}}$  – таққосланаётган  $u_i$  даража ва доимий базис сифатида танланган  $u_{o_i}$  даражаларининг фарқи

сифатида аниқланса, занжирли абсолют ўсиш эса  $\Delta_{\text{цi}}$  – таққосланаётган  $u_i$  даража билан ундан олдинги  $u_{i-1}$  даража ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Агар, абсолют ўсиш манфий қийматга эга бўлса, бу ўрганилаётган даражанинг базис даражага нисбатан қанчалик камайганлигини кўрсатади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқ тушумларининг охириги ўн йиллик кўрсаткичларига асосланган ҳолда солиқ тушумларининг мутлок ўсишининг базисли ва занжирли ҳолати ва унинг тезланиш даражаларининг таҳлили келтирилган(7-жадвал).

7-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг солиқли тушумларининг базисли ва занжирли ўсиш суръатларининг таҳлили<sup>89</sup>**

| Йиллар | Бюджет даромадлари (млрд. Сўм) | Базисли мутлок ўсиш (млн. сўм) | Занжирли мутлок ўсиш (млрд. Сўм) | Мутлок тезланиш(млрд. Сўм) | Нисбий тезланиш, (коэфф.ициент) | Занжирли ўсиш суръати (%) | Занжирли ўсиш тезланиши, (%) | 1% ўсишни мутлок қиймат и (млрд. Сўм) | Тезланиш суръати |
|--------|--------------------------------|--------------------------------|----------------------------------|----------------------------|---------------------------------|---------------------------|------------------------------|---------------------------------------|------------------|
|        | 1                              | 2                              | 3                                | 4                          | 5                               | 6                         | 7                            | 8                                     | 9                |
| 005    | 3433,5                         | -                              | -                                | -                          | -                               | -                         | -                            | -                                     | -                |
| 006    | 4148,4                         | 714,9                          | 714,9                            | -                          | -                               | 120,8                     | 20,8                         | 34,3                                  | 0,20821          |
| 007    | 6145,0                         | 2711,5                         | 1996,6                           | 1281,7                     | 2,79283                         | 148,1                     | 48,1                         | 41,4                                  | 0,58150          |
| 008    | 8760,8                         | 5327,3                         | 2615,8                           | 619,2                      | 1,31012                         | 142,6                     | 42,6                         | 61,4                                  | 0,76184          |
| 009    | 10840,2                        | 7406,7                         | 2079,4                           | -536,4                     | 0,79493                         | 123,7                     | 23,7                         | 87,6                                  | 0,60562          |
| 010    | 13596,7                        | 10163,2                        | 2756,5                           | 677,1                      | 1,32562                         | 125,7                     | 25,7                         | 135,9                                 | 0,80282          |
| 011    | 17061,3                        | 13627,8                        | 3464,6                           | 708,1                      | 1,25688                         | 125,4                     | 25,4                         | 170,6                                 | 1,00905          |
| 012    | 21295,6                        | 17862,1                        | 4234,3                           | 769,7                      | 1,22216                         | 124,8                     | 24,8                         | 212,9                                 | 1,23323          |
| 2013   | 26223,0                        | 22789,5                        | 4927,5                           | 693,2                      | 1,16371                         | 123,1                     | 23,1                         | 262,2                                 | 1,43512          |
| 2014   | 31729,6                        | 28296,1                        | 5506,6                           | 579,1                      | 1,11752                         | 121,0                     | 21,0                         | 317,2                                 | 1,60378          |
| 2015   | 36493,3                        | 33059,8                        | 4763,7                           | -742,9                     | 0,86508                         | 115,0                     | 15,0                         | 364,9                                 | 1,38741          |
| 2016   | 41043,4                        | 37609,9                        | 4550,1                           | -213,6                     | 0,95516                         | 112,4                     | 12,4                         | 410,4                                 | 1,32520          |

Бизнинг мисолимизда базисли абсолют ўсиш бу 2005-2016 йиллардаги бюджетга солиқ тушумларининг ҳар йилги кўрсаткичларини базис йили, яъни 2005 йилги кўрсаткичларининг фарқи аниқланади. Яъни 2006 йилги базисли мутлок ўсиш (4148,4-3433,5)714,9 га тенг ва шу тартибда кейинги йилларга тегишли кўрсаткичлар аниқлаб чиқилади. Бу ерда эса 2005 йилнинг кўрсаткичи (3433,5) базис кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Занжирли абсолют ўсиш эса, базисли мутлок ўсиш кўрсаткичларининг кетма-кетликдаги йилларга тегишли кўрсаткичларининг фарқи сифатида

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

аниқланади. Буни жавдалдаги маълумотлар асосида аниқлайдиган бўлсак, 2006 йилга тегишли базисли ўсиш кўрсаткичи (2711,5-714,9) 1996,6 га, яъни 2007 ва 2006 йиллардаги мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқка тенг. Мутлоқ тезланиш кўрсаткичи эса занжирли мутлоқ ўсишнинг фарқига тенг бўлади. 2007 йилга тегишли мутлоқ тезланиш кўрсаткичи эса 2007 ва 2006 йилги занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг фарқи (1996,6-714,9=1281,7)дан иборат бўлади. Шунингдек, таҳлил жараёнида нисбий тезланиш даражасини ҳам аниқлаш лозим бўлади. Ўз навбатида нисбий тезланиш эса, мутлоқ тезланиш кўрсаткичидан фарқли равишда занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг нисбати сифатида аниқланади. Мисолимизда эса бу кўрсаткич 2007 йилда 2,79283 коэффициентига тенг бўлиб, у 2007 йилга тегишли занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичини 2006 йилги кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланган. Занжирли ўсиш суръати эса, ҳар бирга тегишли бюджет даромадларининг кўрсаткичини ўзидан олдинги йилги (қатор) кўрсаткичига бўлиш орқали аниқланади.

Занжирли боғланишда унинг тезланиш даражасини ҳам аниқлаш лозим. Занжирли ўсиш тезланиши эса занжирли ўсиш суръатининг 100 дан ошган қисмини ифодалайди. Бу кўрсаткич 2006 йилда 20,8 фоиз, 2007 йил 48,1 фоиз ва шу тартибда 2016 йил эса 12,4 фоизни ташкил этган. Бундай таҳлилдаги охириги босқичлардан бир бу тезланиш суръати бўлиб, занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг базис йилидаги бюджет даромадлари кўрсаткичи нисбатига тенг бўлади. Жадвал мисолида базис кўрсаткичи бу бюджет даромадаларининг 2005 йилга тегишли кўрсаткичи бўлиб, кейинги, яъни 2006 йилдан бошлаб кетма-кетликда йилларга тегишли занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари ана шу базис кўрсаткичига бўлиб борилади. Бу кўрсаткичлар солиқларни таҳлил қилиш жараёнидаги аҳамияти шундаки, уларнинг даражалари динамик қаторлар бўйича ўзгаришларнинг ҳолати ва ўзгариш сабабларини аниқлашга имкон беради, қолаверса, вақт қаторлари бўйича боғлиқликларнинг ўзаро таъсирини ҳам ифодалашга ёрдам беради.

Занжирли абсолют ўсиш эса базисли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг кетма-кетликдаги йилларга тегишли кўрсаткичларининг фарқи сифатида аниқланади. Буни жавдалдаги маълумотлар асосида аниқлайдиган бўлсак, 2006 йилга тегишли базисли ўсиш кўрсаткичи (2711,5-714,9) 1996,6 га, яъни 2007 ва 2006 йиллардаги мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқка тенг. Мутлоқ тезланиш кўрсаткичи эса занжирли мутлоқ ўсишнинг фарқига тенг бўлади. 2007 йилга тегишли мутлоқ тезланиш кўрсаткичи эса 2007 ва 2006 йилги занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг фарқи(1996,6-714,9=1281,7)дан иборат бўлади. Шунингдек, таҳлил жараёнида нисбий тезланиш даражасини ҳам аниқлаш лозим бўлади. Ўз навбатида нисбий тезланиш эса мутлоқ

тезланиш кўрсаткичидан фарқли равишда занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг нисбати сифатида аниқланади. Мисолимизда эса бу кўрсаткич 2007 йилда 2,79283 коэффициентига тенг бўлиб, у 2007 йилга тегишли занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичини 2006 йилги кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланган. Занжирли ўсиш суръати эса ҳар бирга тегишли бюджет даромадларининг кўрсаткичини ўзидан олдинги йилги(қатор) кўрсаткичига бўлиш орқали аниқланади. 2006 йилда бу кўрсаткич (4148,4/3433,5\*100) 120,8 фоиз кўрсаткичига тенг бўлган.

Занжирли боғланишда унинг тезланиш даражасини ҳам аниқлаш лозим. занжирли ўсиш тезланиши эса занжирли ўсиш суръатининг 100 дан ошган қисмини ифодалайди. Бу кўрсаткич 2006 йилда 20,8 фоиз, 2007 йил 48,1 фоиз ва шу тартибда 2014 йил эса 21,0 фоизни ташкил этган. Бундай таҳлилдаги охириги босқичлардан бир бу тезланиш суръати бўлиб, занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичларининг базис йилидаги бюджет даромадлари кўрсаткичи нисбатига тенг бўлади. Жадвал мисолида базис кўрсаткичи бу бюджет даромадаларининг 2005 йилга тегишли кўрсаткичи бўлиб, кейинги, яъни 2006 йилдан бошлаб кетма-кетликда йилларга тегишли занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари ана шу базис кўрсаткичига бўлиб борилади. Бу кўрсаткичлар солиқларни таҳлил қилиш жараёнидаги аҳамияти шундаки, уларнинг даражалари динамик қаторлар бўйича ўзгаришларнинг ҳолати ва ўзгариш сабабларини аниқлашга имкон беради, қолаверса, вақт қаторлари бўйича боғлиқликларнинг ўзаро таъсирини ҳам ифодалашга ёрдам беради.

7-жадвалдаги маълумотлар базис йили ва ундан кейинги йилларда Давлат бюджетининг базисли мутлоқ кўрсаткичлари(даромадлари) доим ўсиб борганлигини кўрсатади. Таҳлил қилинган йиллар ораллиғида мутлоқ ўсишнинг ўртача даражаси ( $\sum_{\text{м.ўсиш.}} / \text{йиллар сони} = 108899,1/9$ ) 12099,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, ўртача мутлоқ ўсиш миқдори эса ( $\sum_{\text{занжирли.м.ўсиш.}} / \text{йиллар сони} = 28296,2/9$ ) 3144,0 млрд.сўмга тенг бўлган. Ўз навбатида ўртача ўсиш (1115/9) 128,3 фоизни ташкил этиб, унинг ўсиш тезланиши эса 28,3 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар Давлат бюджетига солиқ тушумлари бўйича ўртача даромадларнинг тушиши 12099,9 млрд.сўмни ташкил этаётдиб, унинг миқдори ҳар йили ўртача 31444,0 млрд.сўмга ошиб бораётганлиги ва ўсиш суръати эса 28,3 фоизни ташкил этаётганлигини изоҳлайди. Шунингдек, жадвал маълумотлари занжирли мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари эса динамик ҳолатла бузилиш бўлганлигини кўрсатади, агар жадвалга қарайдиган бўлсак, 2009 йилда паст даражага эга бўлган ва мутлоқ тезланиш кўрсаткичи манфий кўрсаткични ташкил қилганлигини кўрсатади.

**5.4. Солиқларни прогноз қилишнинг босқичлари ва амалга оширилиш тартиби**

Солиқларни прогноз қилиш жараёнини амалга ошириш маълум бир иерархияли тартибда маълум бир босқичларда амалга оширилишни такозо қилади. Бунда юқорида айтиб ўтилганидек, прогноз жараёнини ахборот билан таъминловчи тегишли ваколатли органлар билан биргаликда молия-кредит органлари(молия, солиқ, ғазначилик, божхона) томонидан бевосита жараёнини амалга оширишга киришилади. Ўзбекистон бюджет-солиқ тизими тузилиши ва унинг қурилишига қарайдиган бўлсак, давлат бюджетининг солиқли даромадлари(жумладан бошқа мажбурий тўловлар) куйидаги тартиб ва босқичларда амалга ошириладики, биз бу босқичларни шартли равишда етти босқичга бўлдик.

**Биринчи босқич.** Бунда Молия вазирлиги ва унинг органлари томонидан республика, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқланади. Республика бюджети бўйича қутилаётган даромадлар ҳажми бюджет таснифида белгиланган даромад турларининг тегишли кодлари бўйича туман(шаҳар) Ғазначилиги бўлинмалари(давлат солиқ хизмати органларидан олган маълумотларга асосан) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан олинadиган маълумотлар базасида аниқланади. Яъни, тегишли туман(шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан аниқланган тушумлар бўйича прогноз кўрсаткичлари "\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун республика бюджетига қутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги ТЕЗКОР маълумот"да акс эттирилиб тегишли поғонадаги Ғазначилик бўлинмаларига ҳар ойнинг 3 санасига қадар тақдим қилинади. Давлат божхона қўмитаси ҳам худди шу тартиб ва шаклда маълумотларни тақдим қилинади(8-жадвал)

**20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун туман (шаҳар) бўйича Давлат бюджетига қутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги ТЕЗКОР МАЪЛУМОТ**

(Млн. сўмда)

| №     | Бўлим | об | Даромадлар номи**      | Суммаси |
|-------|-------|----|------------------------|---------|
| 1.    |       |    |                        |         |
| 2.    |       |    |                        |         |
| 3.    |       |    |                        |         |
| ..... |       |    |                        |         |
|       |       |    |                        |         |
|       |       |    | <b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b> |         |

Давлат солиқ хизмати органи раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари бўйича даромадлар прогнози эса Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармалари билан биргаликда уларнинг ўзларидаги мавжуд маълумотлар ҳамда туман(шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан Ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган бюджет таснифида белгиланган даромадлар турлари кесимида "20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун туман (шаҳар) бўйича Давлат бюджетига қутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги тезкор маълумот"асосида ҳар икки ойда бир марта аниқланади(жадвал).

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун республика бюджетига қутилаётган  
даромадлар тушуми тўғрисидаги  
ТЕЗКОР МАЪЛУМОТ

| №    | Бўлим | Параграф | Даромад тури | Даромадлар номи            | Млн. сўмда<br>Суммаси |
|------|-------|----------|--------------|----------------------------|-----------------------|
| 1.   |       |          |              |                            |                       |
| 2.   |       |          |              |                            |                       |
| 3.   |       |          |              |                            |                       |
| .... |       |          |              |                            |                       |
|      |       |          |              | <b>ЖАМИ<br/>ДАРОМАДЛАР</b> |                       |

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона  
қўмитаси

М.Ў.

(имзо)

Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари микёсида ҳам прогноз кўрсаткичлари юқоридаги тартиб асосида, яъни ҳудудий молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмалари билан биргаликда уларнинг ҳамкорликдаги тайёрлайдиган "\_\_\_\_\_ вилояти (туман (шаҳар)) бюджетига 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун даромадлар тушуми прогнози" маълумотлари асосида ҳамда жойлардаги тегишли давлат солиқ хизмат органлари томонидан олинган "20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун туман (шаҳар) бўйича Давлат бюджетига қутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги тезкор маълумот"га асосан аниқланади.

\_\_\_\_\_ вилояти (туман (шаҳар)) бюджетига  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун даромадлар тушуми  
ПРОГНОЗИ

| №    | Бўлим | Параграф | Даромад тури | Даромадлар номи        | Млн. сўмда<br>Суммаси |
|------|-------|----------|--------------|------------------------|-----------------------|
| 1.   |       |          |              |                        |                       |
| 2.   |       |          |              |                        |                       |
| .... |       |          |              |                        |                       |
|      |       |          |              | <b>Жами даромадлар</b> |                       |

Молия органи раҳбари

(имзо)

Фазначилиги бўлинмаси раҳбари

(имзо)

Албатта бу жараёнда бюджетга қутилаётган тушумларнинг прогноз ойи учун умумий суммаларининг ҳисоб-китобида туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва тегишли Фазначилик бўлинмалари прогноз даврида тушмай қолиши мумкин бўлган бир-марталик (доимий бўлмаган) тушумларни эътиборга олиши зарур бўлади. Бундай тушумлар жумласига фермер хўжалиқларига Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тизими бўйича йўналтириладиган мақсадли транш маблағлар; Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компанияларидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарига тушадиган маблағлар; «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси корхоналари валюта тушумининг қисман сотувидан тушадиган маблағлар; бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар олдидаги кредитор қарздорликни тўлаш учун тушадиган марказлашган маблағлар; бир марталик тусга эга бошқа турдаги тушумлар кирадик, бу турдаги даромадлар аниқланса, у ҳолда туман (шаҳар) солиқ инспекцияси қутилаётган тушумларда инобатга олинмаган, бир марталик тусга эга тушумлар тушганда, туман (шаҳар) Фазначилик бўлинмаларига илгари тақдим қилинган, қутилаётган тушумлар тўғрисидаги маълумотларга ўзгартириш киритиши мумкин.

**Иккинчи босқич:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йили 15 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат

қўмиталари ҳамда идоралардан Давлат бюджети лойиҳасининг даромад қисми бўйича таклифлар сўрайди.

**Учинчи босқич:** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — жорий йилнинг 15 июнигача тақдим этади.

**Тўртинчи босқич:** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар бюджет сўрови билан бир вақтда тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг келгуси давр учун прогнозларини тақдим этади.

**Бешинчи босқич:** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг Давлат бюджети лойиҳасининг даромад қисми бўйича таклифларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.


**Олтинчи босқич:** Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан: даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шаҳар бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган ахборот асосида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан: даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ бошқармалари ва ҳокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган ахборот асосида амалга оширилади.

**Еттинчи босқич:** Агар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар тегишли бюджетлар ва давлат

мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ҳамда харажатларининг прогнозлари асосиз равишда пасайтирилган ёки оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет сўровлари олинганидан кейин ўн иш куни ичида ёзма билдириш тақдим қилади.

Шунингдек, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига, Худудий молия органлари эса тегишли маъмурий-худудий бирликларга Давлат бюджети даромадлари прогнозини ҳар чоракда етказди. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва молия йили учун мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози асосида тузилади.

Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогноз қилишнинг охириги босқичида Молия вазирлиги томонидан таҳлилий ишлар амалга оширилиб, бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчилардан тақдим қилинган ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда қўйилган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисобот маълумотларидаги ҳолатни эътиборга олинган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари билан таққосланади ва бюджетномага киритиш учун энг сўнгги вариант тайёрланади.



**19-расм. Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида солиқ (бюджет даромадини) прогнозининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиш жараёни.**

Бюджетнома эса Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ(9бмодда) эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси давр учун ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутадиган ҳужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари шакллантирилади. Бюджетномада мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳоси, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳоси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси, давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ва солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига доир тушунтириш хати акс эттирилади. Бюджетнома тегишли тартибда қонунчилик палаталари томонидан кўриб чиқилиб тасдиқлангандан сўнг жорий йилга мўлжалланган солиқларни прогноз қилиш жараёни яқунланган ҳисобланади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, ваколатли органлар, ахборот манбалари, ахборотларни қайта ишлаш, солиқларни прогноз қилишга тайёргарлик босқичлари, сифатий кўрсаткичлар, миқдорий кўрсаткичлар, оралиқ кўрсаткичлар, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар, ахборотларни гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил, эконометрик таҳлил, миқдорий таҳлил, мутлоқ ўзгариш даражаси, солиқларнинг ўртача ўзгариш сурвати, мутлоқ миқдорлар, тузилмавий нисбий миқдор, таққослама нисбий миқдор, координация нисбий миқдор, режа топшириги нисбий миқдори, режа бажарилиши нисбий миқдори, динамика нисбий миқдори, интенсив нисбий миқдори, энг кичик базис, динамик қаторлар, базисли ва занжирли ўсиш, базисли абсолют ўсиш.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади қандай аниқланади?
2. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

3. Солиқларни прогноз қилишнинг ахборот манбалари қандай гурҳланади?
4. Солиқларни прогноз қилишнинг ахборот манбалари қайта ишлаш қандай амалга оширилади?
5. Солиқ тушумларини таҳлил қилишнинг қандай методларини биласиз?
6. Солиқ тушумларининг миқдорий таҳлили деганда нима тушунилади?
7. Солиқ тушумларини таҳлил қилишда сифат кўрсаткичларга нималар киради?
8. Солиқларни прогноз қилиш учун зарур бўладиган оралиқ кўрсаткичларга нималар киради?
9. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида молиявий кўрсаткичларнинг аҳамиятини айтиб беринг.
10. Номолиявий кўрсаткичларга қайси кўрсаткичлар киради?
11. Базисли абсолют ўсиш қандай аниқланади?
12. Солиқ тушумлари таҳлилида нисбий тезланиш қандай аниқланади?
13. Занжирли мутлоқ ўсиш суръати таҳлил жараёнида нимани ифодалайди?
14. Мутлоқ тезланиш кўрсаткичининг моҳиятини тушунтириб беринг.
15. Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогноз қилишнинг босқичларни изоҳлаб беринг.
16. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида Давлат солиқ хизмати органларининг иштирокини изоҳланг.

## 6-БОБ. СОЛИҚ САЛОҲИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

### 6.1. Солиқ салоҳиятининг моҳияти ва аҳамияти

Аввалги бобларда таъкидлагимиздек, солиқларни прогноз қилишнинг асосида солиқ салоҳиятни аниқлаш ётади. Солиқ салоҳиятини тўғри аниқлаш эса бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишини аниқлашда энг муҳим база бўлиб ҳисобланади. Солиқ салоҳияти ҳам солиқни прогноз қилиш каби мураккаб иқтисодий жараён ҳисобланади. Солиқ салоҳияти иқтисодий муносабатлар маконида мавжуд бўлиб, у ўзида даромадларнинг бегоналашувини даражасининг ҳажмини кўрсатиб беришга хизмат қилади ва молиявий ресурсларнинг ҳажмини, уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши тартибларини ўзида акс эттиради. Солиқ салоҳиятни аниқлаш прогноз кўрсаткичларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши билан биргаликда у ҳудудлар бўйича бюджетлараро муносабатларни тартиблашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади, ҳудуднинг салоҳиятига қараб субвенция, ссудаларни тақсимлаш механизмларини шакллантириш мумкин. У орқали ҳудуднинг ривожланиш кўрсаткичлари ва у орқали ҳудудий ялпи ички маҳсулотни давлат ва уни яратувчилар ўртасида тақсимлашнинг меъёрларини ифодалайди(аниқлаб беради).

Солиқ салоҳиятининг олдига қўйиладиган вазифаларни аниқлаш унинг йўналишлари ва моҳиятини очишда ўз ўрнига эга. *Солиқ салоҳияти қуйидаги вазифаларни бажаради:*

- тақрор ишлаб чиқариш жараёнидаги нисбат муносабатларни мувофиқлаштиради(қайта бир-бирига мослайди);
- иқтисодиётда солиқ юкининг даражасини оптималлаштиради;
- солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг ҳолатини баҳолашга хизмат қилади;
- солиққа тортиш ва унинг таркибини аниқлашга ёрдам беради;
- солиқ сиёсатининг йўналишларини ишлаб чиқишга йўналиш беради;
- ҳудудларни ривожлантириш ва молиявий ресурсларни бошқаришнинг комплекс тадбирларни ишлаб чиқишга ундайди ва ёрдам беради;
- алоҳида олинган объект доирасида давлат бюджети бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришнинг механизмларини ишга солади;
- молиявий ресурсларнинг ҳудудлар кесимидаги оқими ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради;
- корхоналарнинг молиявий ва ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг муҳим параметрларини кўрсатиб беради;

➤ алоҳида олинган субъектлар доирасида ресурслардан самарали фойдаланганлик даражаси ва уларни оптимал жойлаштиришни кўрсатиб беради;

➤ бюджет тизими доирасида бюджетлараро тартибга солишда муҳим инструмент сифатида унинг самарали йўллари кўрсатиб беради ва шу қабилар.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш методологиясида солиқ салоҳияти муҳим роль ўйнайди. Солиқ салоҳиятини объектив баҳолаш турли даражадаги бюджетларни тузишда ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилади. Албатта уни ҳам оддий йўллар билан аниқлаш қийин. Бу ерда гап математик ҳисоблаш ҳақида эмас, унинг умумий чегарасини аниқлаш ҳақида гап кетаяпти, яъни солиққа тортиш жараёнида солиқ базасини аниқлаш солиқларни тўғри ҳисоблашнинг энг муҳим шarti ва босқичи ҳисобланса, солиқ салоҳияти ҳам солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги ўрни худди солиқ базаси сингаридир. Солиқ салоҳиятининг шаклланиши ва унинг динамик ўзгаришига ҳам турли омиллар таъсир қилади, бундай омилларнинг таъсирини баҳолаш зарурати ҳам солиқ салоҳиятини аниқлаш жараёни мураккаб таҳлил ва ҳисоб-китобларни талаб қилишни англатади.

Агар ўзбек тилининг изоҳли луғатига қарайдиган бўлсак, салоҳият тушунчасига "Салоҳият-имкониятлар, куч-қудрат даражаси, фойдаланиш мумкин бўлган воситалар, ресурслар мажмуи; намоён бўлиши, фойдаланиши мумкин бўлган бўлган, аммо рёбга чиқмаган салоҳият имкониятлар, салоҳият энергия" <sup>90</sup> деган мазмунда талқин этилган бўлса, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса "Салоҳият- (лот. *potentia* —салоҳият) — бирор вазифани ҳал этиш ва кўзланган мақсадга эришишда фойдаланиладиган манба, имконият, маблағ, захиралар; айрим шахс, жамият, давлатнинг муайян соҳадаги салоҳиятлари (масалан, иқтисодий салоҳият)" деб таъриф берилган.<sup>91</sup> Агар рус тилининг изоҳли луғатига<sup>92</sup> ҳам эътибор берадиган бўлсак, унда ҳам салоҳият тушунчасини воситалар йиғиндиси, куч-қудрат даражаси, имкониятлар каби маъноларни англатиши қайд этилган. Салоҳият тушунчасининг халқаро луғавий маъноси эса "'potentia - куч" деган маънони беради. Булардан кўринадики, салоҳият аввало имконият, фойдаланиш мумкин бўлган восита ва жараёнлардир, бу уч хусусият табиат ва жамиятдаги барча жараён ва ҳодиса ҳамда муносабатларга тегишли бўлиб, уларнинг бу хусусиятларини аниқлаш эса улардан самарали фойдаланиш ва оқилона бошқариш имкониятини яратади.

<sup>90</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва. "Рус тили" нашриёти, 1981 йил, 600 бет.

<sup>91</sup> Биз бу ерда потенциал тушунчасига иқтисодий маъноси нуктаи назардан ёндошиқ. Аммо, унинг физик маъноси ҳам мавжуд.

<sup>92</sup>Қаранг: Потенциал // Словарь русского языка: 70000 слов / Под ред. Н.Ю. Шведовой. 22-е. изд. стер. М. : Рус.яз., 1990.

Демак, салоҳиятни иқтисодий нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, иқтисодий салоҳият тизим сифатида ўзида молиявий, ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инвестиция ва шу каби салоҳиятларни ўз ичига олади. Профессор

Н.Громова иқтисодий салоҳиятни таркибига илмий-техникавий, саноат-ишлаб чиқариш, агросаноат мажмуаси ва социал ривожланиш салоҳиятларга бўлса,<sup>93</sup> профессор Т.Ф.Юткина эса иқтисодий салоҳиятни давлат, корпоратив хусусий хўжалиқларнинг молиявий фаолияти давомида юзага келадиган мулкнинг баҳолаш қиймати, капиталнинг ўсиши, аҳоли жамғармаси, табиий-хом ашё ресурсларнинг интеграллашган қиймати сифатида баҳолайди.<sup>94</sup>

Иқтисодиётда унинг таркибий элементлари бир тизими сифатида амал қилиши, уларнинг ҳар бирининг салоҳият даражасига бошқаларига боғлиқ бўлади, бу табиий қонуният, шу билан биргаликда уларнинг салоҳият кўрсаткичлари аввало уларнинг ички хусусиятларидан келиб чиқади. Омиллар таъсирида унинг даражаси динамик ҳолатда давом этади. Шу билан биргаликда улар орасида ўзаро яқинликдаги салоҳиятлар ҳам мавжуд бўлади, улар бири-бирини тўлдириб туради. Молиявий ва солиқ салоҳиятлари шулар жумласидандир. Мазмунаң ҳам таркибан молиявий салоҳият солиқ салоҳиятидан кенгроқ тушунча ва муносабатлардир. Солиқ салоҳияти тушунчаси мазмунан солиқларни тўлаш(ундириш) даражаси бўлсада, унинг моҳиятини очиб берувчи жуда кўплаб ёндошувлар мавжуд. 1993 йил Жаҳон банки томонидан чиқарилган кўрсатма характеридаги қўлланма-ҳисоботда биринчи бор "солиқ салоҳияти тушунчаси- (tax capacity-солиқ тўлаш имконият) — қайсидир маъмурий ҳудуд бирлигига солиқ тушумлари сифатида келиб тушадиган даромад бўлиб, у солиқ базаларининг йиғиндисидир" деб, таъриф берилган.<sup>95</sup>

1980-1999 йиллар оралиғида АҚШ ва Канада давлатлари иқтисодчилари томонидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича ҳисоботларда солиқ салоҳияти тушунчасини барча солиқларга ягона солиқ ставкаларини қўллашда юзага келадиган солиқли даромадлар йиғиндисини сифатида баҳолайди.<sup>96</sup> Айрим иқтисодчилар, масалан, Богачева О.В, Горский И.В, Кадочников П.А, Луговой О.В, Коломиец А.Л., А. Новиковалар <sup>97</sup>нинг фикрича солиқ салоҳияти аввало

<sup>93</sup> Громова Н.М. Основы экономического прогнозирования. Издательство "Академия естествознания", 2006 год, 87-88с.

<sup>94</sup> Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М. : ИНФРА-М, 2002, 124 с.

<sup>95</sup> Россия и проблемы бюджетно-налогового федерализма. М. :Всемирный Банк, 1993, 85 с.

<sup>96</sup> Robert Tannenwald The Representative Tax System — Tax Capacity and Tax Effort in the Ocean State (<http://www.ripec.com/rts2k.html>).

<sup>97</sup> Богачева О.В. Налоговый потенциал и региональные счёта // Финансы. 2000. № 2 — 3с, Горский И.В. Налоговый потенциал в механизме межбюджетных отношений // Финансы. 1999. № 6. 21с, Кадочников П.А., Луговой О.В. Моделирование динамики налоговых поступлений, оценка

бу солиққа тортиладиган ресурсларни реализация қилиш натижасида юзага келадиган солиқ тўловлари бўлиб, бюджетга солиқли даромадларни олиб келувчи манба бўлса, солиққа тортиладиган ресурслар эса солиқ қонунчилиги бўйича солиққа тортиладиган объектлардир ва улар солиқ турлари бўйича солиқ базани юзага келтиради.

Солиқ салоҳиятини тадқиқ қилувчи баъзи мутахассислар солиқ салоҳиятини энг аввало солиққа тортиладиган ресурслардан фойдаланган ҳолда бу солиқ имкониятлари бўлиб, улар бюджетга даромад олиб келувчи иқтисодий жараёндир деб ҳисоблаб, солиққа тортиладиган ресурсларни эса солиқ салоҳиятининг солиқ қонунчилиги асосида солиқ объектига айланувчи ва солиқ базасининг асосий қисми сифатида бюджетга жалб қилинувчи деб таъкидлайдилар. <sup>98</sup> Профессор Л.Н. Архипцеванинг фикрига кўра солиқ салоҳияти – бу солиқ қонунчилиги бўйича бюджетга олинадиган, ҳудуднинг макроиқтисодий кўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чиқиладиган ва солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини акс эттирадиган солиққа тортиладиган ресурснинг умумий ҳажмидир. <sup>99</sup> В.В.Кузьменко эса солиқ салоҳиятини солиқ юки сифатида баҳолайди. <sup>100</sup> Ушбулардан фарқли ўлароқ, М.Ричард солиқ салоҳиятининг мазмунини ҳокимият органлари томонидан давлатнинг барча ҳудудларида ягона солиққа тортиш шароитларини кўлаш орқали олинадиган ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган потенциалли бюджет даромадларининг ҳажминини билан изоҳлайди. <sup>101</sup> Профессор Н.Д. Матрусов эса солиқ салоҳияти тор ва кенг маънода тушуниш лозим деб ҳисоблаб, солиқ салоҳияти тор маънода давлатда амал қилувчи солиққа тортиш тизимига мувофиқ солиқ тўловлари орқали давлат бюджетига жалб қилиниши мўлжалланган молиявий ресурслар бўлса, кенг маънода "аҳоли-хўжалик-ҳудуд" кетма-кетлиги асосида солиққа тортиш орқали жалб этилиши мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг жами тушуниш лозимлигини таъкидлайди <sup>102</sup>.

налогового потенциала территорий (<http://www.jet.ru>), Коломиец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе // Налоговый вестник. 2000. № 3. 93с.

<sup>98</sup> Қаранг: Паскачев А.Б., Садыгов Ф.К., Мишин В.И., Саакян Р.С. и др. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика / Под ред. Ф.К. Садыгова. - М.: Издательство экономико-правовой литературы, 2004. 232 с.; Улыбина Л.В. Формирование налогового потенциала региона и закономерности его развития: Автореф. дис. ...к. э. н. - Чебоксары, 2006; Саранова С.Н. Развитие налогового потенциала в системе государственной региональной политики: Автореф. дис. ...к. э. н. - Волгоград, 2007.

<sup>99</sup> Архипцева Л.М. Налоговый потенциал: теоретические и практические аспекты использования в планировании налоговых поступлений// «Налоги и налогообложение», 2008, №7, 5-12 с.

<sup>100</sup> Кузьменко В.В., Ефимец Е.А. Институциональный подход к исследованию налогового потенциала и налогового бремени// Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «Экономика», 2005, №1

<sup>101</sup> Ricard M. Bird Tax Policy & Economic Development. The Johns Hopkins University Press : Baltimore and London, 1992.

<sup>102</sup> Матрусов Н.Д. Региональное прогнозирование и региональное развитие России. М. : Наука, 1995, 158 с.

Бюджетлараро муносабатлар муаммолари билан шуғулланувчи Н.И. Климова эса солиқ салоҳиятини стандарт солиққа тортиш ва босими шароитида солиқларни ҳисоблаш ва ўрнатилган солиқ ставкаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ базаси асосида ҳисобланиб бюджетга келиши мумкин бўлган имкониятлар деб баҳолайди. <sup>103</sup> Профессор И.В.Горский солиқ салоҳиятига таркибий ёндошувни илгари суриб, солиқ салоҳияти алоҳида олинган ҳудуд доирасида амал қиладиган барча солиқларнинг суммасини тушуниш керак деб ҳисоблайди ва умумий солиқ салоҳияти солиқлар бўйича ҳисобланган ҳажмдан, мамлакатнинг солиқ салоҳияти эса унинг ҳудудларининг солиқ салоҳиятидан, ҳудудларнинг солиқ салоҳияти эса муниципал(ҳудуд таркибидаги бўлинмалар) солиқ салоҳиятидан иборат бўлади дейди(бу ердаги ёндошув бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақларнинг сўммаларининг горизонтал мос келиши принципи асосланган). Бундан ташқари муаллиф солиқ салоҳиятига тўғри солиқлар, эгри солиқлар, мулк ва бошқа солиқлар нуктаи назаридан ҳам ёндошади.

Аммо муаллифнинг ушбу фикри бироз баҳслидир. Чунки, масалага бундай ёндошиш турли ҳудудларда солиқ объектлари билан солиққа тортиладиган базаларнинг мос келиш даражаси фарқлиниши табиий ва улар бўйича солиқ тушумлари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари солиқлар бўйича имтиёзларга эга бўлиш даражаси ҳам бир хил бўлмайди. Солиқ салоҳияти мазмунини очиб беришда Т.Ю.Юткинанинг қарашлари аҳамиятлидир. Муаллиф солиқ салоҳиятининг моҳиятини тўлароқ англаш учун стратегик ва функционал солиқ салоҳиятини турлайди. Стратегик солиқ салоҳиятини солиққа тортиш тизимининг умуммиллий эҳтиёжларнинг ўсишини, бизнеснинг тўлов қобилиятини, уларнинг инвестицион эҳтиёжларининг ўсишини таъминлашга қаратилган имкониятлари деб баҳолайди, яъни солиқ тизими рағбатлантирувчилик хусусияти унинг келгусидаги салоҳиятига замин яратади, шу жиҳатдан солиқ тизимининг базасида стратегик солиқ салоҳиятини ўстириш ётиш керак деб ҳисоблайди.

Функционал солиқ салоҳияти эса «ҳар йилги молия йилида бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида солиққа тортишнинг барча элементларини аниқлаш ҳамда стратегик солиқ салоҳиятининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда миқдорий ва сифат жиҳатдан ҳисоб-китобларга асосланган кутилаётган солиқ тушумларини тасаввур қилиш деб изоҳлайди. <sup>104</sup> Бу ерда муаллиф солиқ салоҳиятини солиқларни прогноз қилишнинг атрибути сифатида қараб, унинг

<sup>103</sup> Климова Н.И. Экономический инструментарий регулирования федеративных отношений: Доклад на семинаре Экономические факторы федерализации России. (<http://federalmcart.ksu.ru/conference/seminar4/>).

<sup>104</sup> Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М. : ИНФРА-М, 2002, 126 с.

асосини ташкил этишига урғу беради. Д. Слободчиковнинг фикрига кўра солиқ салоҳияти бу давлатнинг солиқ сиёсатига кўра ва амалдаги қонунчиликка кўра бюджетга жалб қилиш мумкин бўлган молиявий ресурслар ҳажмидан иборат. Шунингдек, муаллифнинг таъкидлашича солиқ салоҳиятини мазмунини аниқлашга ёндошувлар нафақат иқтисодчилар ўртасида, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам турлича талқин қилинади. Масалан, Россия федерациясининг Ингушетия, Тива, Кабардино-Балкар, Карачево-Черкесс, Коми Республикалари ва Олтой ўлкасидан бошқа барча субъектларда солиқ салоҳиятини аниқлашнинг усуллари ва унинг терминологик мазмуни қонун ҳужжатлари билан аниқлаштирилиб қўйилган.

Шунингдек, худуднинг солиқ салоҳияти Якутия, Чувашия Республикалари, Ненец автоном округи, Калуга, Новосибирск вилоятларида "даромад салоҳияти", Белград ва Томск областларида "шартли солиқ салоҳияти", Краснодар ўлкаси ва Мордовия Республикаларида эса "солиқ ресурси" каби тушунчалар қонун ҳужжатлари билан аниқлаштирилган.<sup>105</sup> Шу билан биргаликда солиқ салоҳияти тушунчасини молиявий салоҳият тушунчасининг синоними сифатида қарайдиган ёндошувларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, И.А. Моисеенко, М.С. Мишенина, И.В.Сугороваларнинг тадқиқотларида солиқ салоҳиятининг миллий ва худудий иқтисодиёт ва бюджетлардаги роли каби ҳамда уни ҳисоблашни такомиллаштириш каби масалалар ўрин бўлган бўлиб, уларда солиқ салоҳиятини молиявий салоҳиятига синоним сифатида қарашлар ҳам учрайди.<sup>106</sup>

Аммо, юқоридаги муаллифларнинг солиқ салоҳияти хусусидаги фикрларини умумлаштириш мазмуни сифатида шуни таъкидлаш лозимки, солиқ салоҳияти иқтисодий муносабатлардаги ўрни унинг миллий, худуд, корхоналар ва жисмоний шахслар бўйича уларнинг олган даромадлари ва иқтисодий ҳатти ҳаракатлари доирасида эга бўлган даромад, мол-мулк ва бошқа моддий қийматликларни жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимлаш жараёнида аниқлаштирувчи ролни ўйнайди. Солиқ салоҳиятининг даражаси ва унга асосланган ҳолда прогноз кўрсаткичларига қараб давлат ялпи ички(худудий) маҳсулот ва даромадларни қайта тақсимлаш сиёсатини амалга оширади.

<sup>105</sup> Слободчиков Д.Н. Оценка налогового потенциала: опыт субъектов Российской Федерации [Текст] / Д.Н.Слободчиков, А.Е.Суглобов // Проблемы теории и практики управления. - 2009. - № 8. - С. 13-34.

<sup>106</sup> Қаранг: Моисеенко И.А. К вопросу о методике оценки налогового потенциала Вестник Северо-Кавказского федерального университета, (2010), 4, 245-249 с.; Мишенина М.С. К ВОПРОСУ О СОДЕРЖАНИИ ПОНЯТИЯ НАЛОГОВОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНА Академический вестник, (2009), 4, 167-170 с.; Сугарова И.В. К вопросу о существенных характеристиках налогового потенциала региона Налоги и налогообложение, (2013), 10, 723-729 с.

Шу жиҳатдан олганда "солиқ салоҳияти деганда миллий хўжалик, худудлар ва юридик ва жисмоний шахс сифатида солиқ мажбурияти юклатилган шахсларнинг давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати доирасида ҳамда амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича ўзларига юклатилган солиқ мажбуриятларини тўлаш имконияти, шунингдек, давлат томонидан солиқларнинг адолатлилик тамойили бузилмаган ҳолда бюджетга максимал даражада солиқларни жалб қилиш мумкин бўлган имкониятидир".

Аслини олганда ҳар қайси молиявий ресурсга эга бўлган иқтисодий субъектларнинг солиқ салоҳияти даражасининг чегарасини белгилаш давлатнинг тақсимот ва солиқ сиёсатига боғлиқ бўлади. Давлат жамиятдаги асосий сиёсий ва тартибловчи куч сифатида яратилган миллий маҳсулот(даромад)нинг қанча қисмини марказлаштирилган пул фондларига олиш масаласини ҳал этишига қараб солиқ салоҳияти даражаси ҳам аниқланади, аммо, бу ерда шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий субъектларнинг солиқ салоҳияти уларнинг молиявий ресурсларга эгаллиги билан ўлчанади, давлат эса солиқ сиёсатини ишга солиш орқали ушбу молиявий ресурслар(салоҳияти)нинг қанча қисмини бюджетга ва бошқа мақсадларда олишни ойдинлаштиради, яъни молиявий ресурслар(салоҳияти)нинг қанча қисми солиқ салоҳиятига айланишининг чегарасини ўрнатади. Молиявий салоҳият иқтисодий ресурсларнинг таркиби сифатида солиқ салоҳиятини ўз таркибига олади, шу жиҳатдан молиявий ресурслар сифатида шаклланган даромад(фойда), айланма, мол-мулк, номоддий мулк объектларининг маълум қисми юқорида таъкидланганидек, солиқ салоҳиятига айлантирилади.

Молиявий салоҳият ўз таркибига шунингдек, барча молиявий ресурсларни қамраб олади, молиявий ресурсларнинг даражаси молиявий салоҳиятининг қисми сифатида солиқ салоҳиятининг ҳажмини аниқлаб беради. Шу ерда шуни ҳам таъкидлаш керакки молиявий ресурсларни ҳажмини ошириш ва уни тўғри бошқариш(тақсимлаш) солиқ салоҳиятининг даражасига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири сифатида қараш лозим. Молиявий ва солиқ салоҳиятлари бир-бирини тўлдирувчи категориялар сифатида бюджетни шакллантиришдаги роли фарқланади.

Солиқ салоҳияти молиявий салоҳиятнинг бир қисми сифатида турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмини асосий шакллантирувчи манба бўлсада, аммо, молиявий ресурслар нафақат солиқ салоҳияти кўринишида, шунингдек, бошқа манбалар сифатида масалан, ички ва ташқи қарзлар(Ўзбекистон қонунчилигида бюджетнинг даромад манбалари сифатида ички ва ташқи қарзлар белгилаб қўйилган бўлсада амалда ундан фойдаланиш амалиёти мавжуд эмас), ҳомийлик шаклдаги манбалар, солиқсиз даромадлар шаклда тушади. Молиявий салоҳият яна шунинг билан ҳам солиқ салоҳиятидан

фаркланадики, ички ва ташқи хорижий инвестициялар мамлакат ва ҳудудларнинг муҳим молиявий салоҳиятини ҳам ташкил қилади, солиқлар эса профессор Т.Юткина(аввалиги бетларга қаранг) айтганидек, стратегик солиқ салоҳияти сифатида уларнинг ҳажмини оширишга хизмат қилади.


Қайд этилганлардан шу нарсани аниқлаш мумкинки, молиявий салоҳият ва ресурслар солиқ салоҳиятининг юзага келиши ва унинг даражасининг динамик ёки статистик ҳолатда бўлишига таъсир қилади. Молиявий салоҳиятнинг солиқ салоҳиятига тўғридан тўғри ва акс таъсири бюджет тизими орқали ҳам амалга оширилади. Солиқ салоҳияти бир томондан давлат бюджетига солиқ тушумларини келиб тушишининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда муҳим восита бўлса, ўз навбатида давлат бюджетини ҳам ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнаб барометр вазифасини ўтайди. Бюджетлар орқали бир ҳудуддан олинган маблағларни инвестиция қилиш орқали ҳудудларнинг солиқ салоҳияти бўйича ўзаро табақалашувининг чуқурлашишининг олди олинади. Бундан ташқари давлат бюджетини солиқ салоҳиятининг умумий ва реал ҳажмини ҳам ўлчаб беради. Ўз навбатида эса солиқ салоҳиятини бюджет орқали тартибга солиниши эса бюджетлараро муносабатларни ҳам тартиблашнинг методи сифатида юзага чиқади. Ҳудудларнинг солиқ салоҳиятининг маълум даражада мувофиқлаштирилиши<sup>107</sup> юқори бюджетдан қуйи бюджетларга ажратиладиган ссуда ва қайтариб олинмаслик шаклидаги маблағларни тақсимлаш жараёнини ҳам соддалаштиради. Солиқ салоҳияти ва бюджет ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг ўзаро таъсири жараёнларини қуйидаги расмда келтирилган.

Қуйида келтирилган расмдан кўринадики, солиқ салоҳияти ва бюжети тизими ўртасидаги ўзаро нисбат ва акс таъсир муносабатларининг самарадорлигини солиқларнинг адолатлилик тамойилининг мувозанат сифатида ўрнатилиши ва намоён бўлишидир. Мазкур концепция эса солиқ салоҳиятининг умумий ҳажми ва унинг реал ҳажмини аниқлаб беришга ҳам хизмат қилади.

Давлат аниқланган солиқ салоҳиятининг маълум бир қисмини солиқ сиёсатини юритиш орқали турли даражадаги бюджетларга жалб қилиш билан биргаликда солиқ салоҳиятининг "эгалари"-солиқ тўловчиларнинг ўзларига турли тартибда унинг бир қисмини уларга киритилган марказлаштирилган инвестициялар, субсидиялар, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ва трансферт тўловлари сифатида қайтариб беради. Бу механизмдан

<sup>107</sup> Мувофиқлаштириш бизнинг фикримизча ҳудудларнинг молиявий ва солиқ салоҳиятини оширишга қаратилган иштиёқларини қўллашга хизмат қилмаслиги керак. Гап бу ерда ҳудудларнинг молиявий ва солиқ потенциал жihatдан ҳаддан зиёд чуқурлашиб кетмаслиги ҳақида бормоқда.

шуни аниқлаш мумкинки, бизнинг фикримизча солиқ салоҳиятининг умумий ва реал шаклини аниқлаш керак лозим бўлади, бу бир томондан солиқ салоҳиятининг давлат ва уларнинг эгалари ўртасида тақсимланиш жараёнларини ҳам миқдор жihatдан ҳам сифат жihatдан кўрсатиб берса, бошқа томондан солиқ прогнози ва солиқ салоҳиятига бевосита боғлиқликда бўлган солиқ юки даражаси ва унга оид давлат сиёсатининг йўналишларини ишлаб чиқишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.



**20-расм. Солиқ салоҳияти ва бюджет тизимининг ўзаро алоқадорлиги**

Ушбулардан келиб чиқиб, реал солиқ салоҳиятини умумий солиқ салоҳиятидан бюджетга келиб тушган солиқ тушумлари ва реал секторга қилинган инвестициялар, субсидиялар, солиқ имтиёзлар ҳамда солиқлар бўйича қарздорликлар сўммалари ўртасидаги фарқ сифатида қараш лозим. Ҳар қандай иқтисодий категория ёки муносабатларнинг моҳиятини ўрганишда ёндошувларнинг муҳимларидан бири уларни маълум бир белгиларига қараб гуруҳлашдир. Л.М.Архипцеванинг фикрига кўра солиқ салоҳиятини қуйидаги мезонлар бўйича фарқлаш мумкин: солиқ ва бюджет тизими даражасига кўра мамлакат, ҳудуд ва муниципал(ҳудуд таркибидаги бўлинма) солиқ салоҳияти; иқтисодиёт тармоқларига кўра фаолият турлари солиқ салоҳияти(саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, молиявий сектор ва ш.к.); солиқ гуруҳлари бўйича мамлакат, ҳудуд ва маҳаллий солиқ салоҳиятлари; солиқ турлар бўйича ҳар бир солиқ турининг солиқ салоҳияти; хўжалик юритиш шаклига кўра йирик ишлаб чиқарувчилар ва кичик бизнес субъектлари солиқ салоҳияти; вақт


горизонти бўйича жорий ва истиқболли солиқи салоҳиятларга бўлинади<sup>108</sup>. И.В. Вачугов эса солиқ салоҳияти икки гуруҳга бўлади ва солиқ салоҳиятининг ҳақиқий ва (энг қулай)оптималлашган турларини фарқлаш лозим деб ҳисоблайди. Ҳақиқий солиқ салоҳиятининг мазмунини эса иқтисодийнинг ҳолати ва солиқ қонунчилиги ҳамда солиқ маданияти даражасидан келиб чиққан ҳолда муаян(молия йилида) солиқ тушумларининг келиб тушиш имкониятлари ҳажми билан изоҳласа, энг қулай солиқ салоҳияти иқтисодий тараккиёт ва социал дастурларнинг бажарилишининг нисбати сифатида қараладиган самарали солиқ босими имкониятларидир деб тушунтиради<sup>109</sup>.

Солиқ салоҳиятининг амал қилиши, унинг юзага келиши ва ички ва ташқи хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш эса уларни маълум бир мезонлар асосида классификациялашга асос бўлади(-расмга қаранг).

Қуйида келтирилган 21-расмдан кўринадики, солиқ салоҳияти кўлами жиҳатдан миллий хўжалик(мамлакат миқёсида) ҳудудлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, тармоқлар ҳамда халқаро доирада мавжуд бўлади, халқаро даражадаги солиқ салоҳияти эса миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий давлатларга киритилган инвестициялари ва фаолияти орқали юзага келади ва улар ялпи миллий маҳсулот таркибида акс этади. Халқаро даражадаги солиқ салоҳиятининг миллий бюджетда акс этиши ва унинг жалб қилиниши эса халқаро солиққа тортиш тартиблари ва давлатлар ўртасидаги иккиёклама солиққа тортишни бартараф этишга оид ўзаро келишувларининг мазмунига боғлиқ бўлади. Аниқланган солиқ салоҳияти бюджетга жалб қилинишига кўра ҳам фарқланиб, улар асосан қонунчилик асосида солиқ мажбуриятлари юклатилган юридик ва жисмоний шахслардаги солиқ салоҳиятларига бўлинади. Шунингдек, солиқ агентлари, яъни солиқларни ҳисоблаб ва уни бюджетга ўтказиш(масалан жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ сўммасини) юклатилган корхона, ташкилот ва муассасаларида ҳам(гарчи уларнинг айримлари солиқ тўловчи бўлмасда) солиқ салоҳияти мавжуд бўлади. Солиқ салоҳиятининг мазмунини очиқ беришда уларнинг пайдо бўлишига кўра гуруҳлаш ҳам қатта аҳамиятга эга. Солиқ салоҳиятларининг энг муҳим асосий манбаи бу ишлаб чиқариш муомала жараёни ҳисобланади, чунки, фойда ва қўшилган қиймат айнан ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлиб, маҳсулотнинг реализация жараёнида аксарият давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам асосий бюджетни шакллантирувчи солиқлар- қўшилган қиймат ва акциз солиғи бўйича солиқ салоҳияти юзага келади.

<sup>108</sup> Архипцева Л.М. Налоговый потенциал: теоретические и практические аспекты использования в планировании налоговых поступлений// "Налоги и налогообложение", 2008, № 7. 23-28 с.

<sup>109</sup> Вачугов И.В. Теоретические основы и пути повышения налогового потенциала региона: Автореф. дис. ...к. э. н. - Нижний Новгород, 2003.



21-расм. Солиқ салоҳиятининг классификацияси.

Бу ерда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, қўшилган қиймат ишлаб чиқариш жараёнида иш хақи, энергия, асосий воситаларнинг эскириши ва бошқа маҳсулот таннархига бориб қўшиладиган харажатлар сифатида юзага келадики, унинг даражаси маҳсулотнинг сотиш(шартномавий) нархи ва материал харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида корxonанинг молиявий натижасига ҳам катта таъсир қилади, бу жараён эса солиқ салоҳиятининг энг муҳим манбаи сифатида юзага чиқади. Корxonалар томонидан фойданинг реинвестиция қилиниши эса қўшимча солиқ салоҳиятларини пайдо қилса,

марказлаштирилган инвестициялар ҳам бир томондан, янги иш ўринлари сифатида(даромад солиғи солиқ салоҳиятини) янги салоҳиятларни вужудга келтиради, мол-мулк шаклида эса бошқа турдаги(мол-мулк солиғи салоҳиятини) ҳамда қўшимча ишлаб чиқаришни ташкил қилиш оқибатида қайд этилган қўшилган қиймат ва фойдани юзага келтиради.

Шу жиҳатдан солиқ тизимида ҳам инвестицияларни солиқ воситасида жалб қилишнинг муҳим омиллари сифатида солиқ имтиёзларига катта эътибор қаратилади. Шу билан биргаликда истеъмол жараёнида ҳам янги шаклдаги солиқ салоҳияти вужудга келса, тақсимот муносабатларида, яъни корхона томонидан молиявий натижаларни тақсимлаш жараёни ҳам солиқ салоҳиятининг пайдо бўлиши(масалан, фойданинг реинвестиция қилиниши, дивиденд эгаларининг уни корхона устав фондида қайта қўшиши, фойда ҳисобидан янги турдаги маҳсулотларни яратишга қилинадиган маблағлар ва шу кабилар)га асос бўлиши мумкин. Қайд этилганлар билан биргаликда солиқ салоҳиятлари амал қилишига кўра доимий, вақтинчалик ва ўзгарувчан хусусиятларга эга бўлади. Солиқ салоҳиятининг бундай тартибда амал қилиши ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил қилиниши, уларга омилларнинг таъсир этиш даражасига боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан олганда солиқ салоҳиятларининг пайдо бўлиши, уларнинг ўзариши, ўзаро алмашинуви ва ҳажми маълум омилларга боғлиқ бўлади. Бундай омилларни англаш ва уларнинг таъсир доираларини баҳолаш эса солиқ салоҳиятининг ҳажмини тўғри аниқлаш, уларни бюджетга жалб қилиш масалаларни тўғри ҳал қилишда ҳамда уларни тўғри бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

## 6.2. Солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омилларни баҳолаш механизми

Таъкидлаш лозимки, солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омилларнинг моҳиятини тавсифловчи ҳолатлар иқтисодий адабиётларда турлича талкин қилинади. Ушбуларни эътиборга олиб талабалар уларни фарқлай олиш учун уларнинг айримларини келтириб ўтамиз. Солиқ салоҳиятининг омилларини характерловчи ёндошувлар бир қатор иқтисодчилар томонидан билдирилган. Хусусан, Д.Р.Попенков солиқ салоҳиятининг омилларини уч<sup>110</sup> гуруҳга, яъни, ҳудуднинг иқтисодиётига таъсир этувчи омиллар, ҳудудда бевосита солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омиллар, солиқларнинг базасига таъсир этувчи омилларга гуруҳлайди. А.Л. Коломиец ва А.И. Новиковалар солиқ салоҳиятининг омилларини объектив ва субъектив омилларга бўлиб, объектив омиллар жумласига амал қилаётган солиқ конунчилиги, ҳудуднинг

<sup>110</sup> Попенков, Д.Р. Методы оценки налогового потенциала территории // Власть и управление на Востоке России. 2003. № 2 23с.

ривожланиш даражаси, тармоқларнинг хусусиятлари, нарх даражаси, импорт ва экспортнинг ҳажми ва тузилиши кабиларни киритса, субъектив омилларга эса солиқ сиёсатининг ҳолати, солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари сони ва солиқларни кечиктириш бўйича тақдим қилинган муддатларни киритади.<sup>111</sup>

Айрим иқтисодчилар эса қайд этилганлардан фарқли ўларок, солиқ салоҳиятининг даражаси ва унинг асосий омили сифатида жуғрофий омилларни асосий омил сифатида баҳолаб, худуд ёки корхоналарнинг жуғрофий жиҳатдан қулай жойлашуви уларга ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради, маҳсулотни реализацияси осонлашади, уларда кўшимча ресурсларни тежаш имконияти бўлади<sup>112</sup>.

Л.М.Архипцева солиқ салоҳиятининг омилларини изохлаб уларни иқтисодий омиллар, солиқ маъмурчилиги омиллари ва социал омилларга ажратади. Солиқ иқтисодий ва социал омиллари бошқа муаллифларнинг ёндошувларига ўхшасада, солиқ маъмурчилиги омиллари сифатида солиқ назоратининг самарадорлиги, солиқ хизмати органларининг касбий тайёргарлиги, солиқ маъмурчилигини ташкил этишнинг услубий таъминланганлиги, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг солиқ тўловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражаси каби омилларни изоҳлайди.<sup>113</sup>

Солиқ маъмурчилигининг омиллари сифатида келтириб ўтилган солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг солиқ тўловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражаси каби омилдан ташқари омилларнинг солиқ салоҳиятига таъсири жуда паст, сабаб бу омиллар солиқ салоҳиятини эмас, балки солиқ тушумларининг бюджетга келиб тушиш жараёнига ва солиқ қарздорлигини камайтиришга таъсир этувчи омиллар сифатида баҳолаш лозим. Аммо муаллифнинг корхона ва ташкилотларнинг солиқ салоҳиятига бевосита таъсир этувчи-ишлаб чиқариш-ресурс омиллари, меҳнат ресурси омиллари, молиявий омиллар ва инновацион омиллар хусусидаги фикрлари ўринлидир. Муаллиф ушбу омилларни таҳлил қилиб корхонанинг солиқ салоҳияти шунингдек, корхонанинг нарх сиёсати, асосий фондларнинг ишлатилиш давомийлиги ва уларнинг эскирганлик даражаси, ишлаб чиқариш ходимларининг малака даражаси, маҳсулот сифати, жами маблағлари таркибида ўз маблағларининг улуши каби омилларнинг таъсирини ҳам эътиборга олиш лозим деб ҳисоблайди. Ушбу омилларнинг корхона солиқ салоҳиятини оширишдаги ролини инкор этмаган ҳолда, энг муҳим омиллар сифатида корхона доирасида молиявий ресурсларни самарали бошқариш, аниқроқ қилиб айтганда мавжуд ресурслар ва молиявий натижаларни иқтисодий манфаатдорлик нуктаи назардан тақсимлаш жараёнларини ҳам эътибордан қолдирмаслик лозим.

<sup>111</sup> Коломиец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе // Налоговый вестник. 2000. № 3. 29 с.

<sup>112</sup> Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. (<http://edulib.ru/>).

<sup>113</sup> Архипцева Л.М. Налоговый потенциал: теоретические и практические аспекты использования в планировании налоговых поступлений. // "Налоги и налогообложение", 2008, № 7. 23-28 с.

Юқорида қайд этилган мулоҳазаларда солиқ салоҳиятининг омиллари сифатида келтириб ўтилганларни инкор этмасдан, шу билан биргаликда бу масалага кенгроқ қараш лозимлигини ва унинг асосий барча омилларни эътибордан қочирмаслик керак деб ҳисоблаб, солиқ салоҳиятининг омилларини қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. Қуйида келтирилган 22-расмдан кўринадики, солиқ салоҳиятининг омилларини иқтисодий, молиявий, социал-демографик, табиий-жуғрофий, миллий минталик, тарихий ва сиёсий омилларга бўлинади. Иқтисодий омиллар: ЯИМнинг даражаси ва унинг тақсимланиш механизми; яъни унинг жамғарилишга ёки истеъмолга қайси бирига кўпроқ сарфланиши, иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг модернизация қилиниб борилиши ва улар ўртасидаги кооперацион алоқаларнинг ҳолати (ҳар қайси давлатнинг иқтисодий тараққиётини белгилловчи берувчи асосий тармоқлар муҳим касб этади ва тармоқлар ўртасида ўзаро кооперацион алоқалар қанча кучайса, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардорлиги шунча ошади).

Инфляция даражаси; аҳоли ҳарид қобилиятни аниқлашга хизмат қилади ва у истеъмолга таъсир қилади. Инвестицион муҳит ва унинг самарадорлиги; яъни ички ва хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётда янгидан қиймат қўшилишига олиб келади ва ишсизликни камайтиришга хизмат қилади. Импорт ва экспорт даражаси (импорт ҳажми ҳам экспорт ҳажми ҳам солиқ салоҳиятини оширади, аммо экспортнинг ошиши валютанинг мустаҳкамланиши орқали кўпроқ ижобий таъсирга эга бўлади).

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг интеграциялашув даражаси; миллий товар ишлаб чиқарувчилар халқаро интеграцияга қанчалик кенг киришса, миллий иқтисодиётга ва у орқали молиявий ресурсларнинг ошишига олиб келади. Истеъмолнинг даражаси; миллий иқтисодиётда истеъмолнинг ошиши ялпи талабни кучайтиради ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, истеъмолнинг таркибан ўзгариб бориши ва унинг кенгайиши янги маҳсулот турларини яратишга ундайди, провардида ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашувини тезлаштиради, шунингдек истеъмолнинг таркибий трансформацияланишуви каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.



22-расм. Солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омиллар таснифи.

Солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омиллар орасида молиявий омилларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар солиқ салоҳиятининг ҳажмига тез таъсир қилади. Буларнинг орасида бюджет-солиқ сиёсатининг мазмуни ва унинг йўналишлари(харажатларнинг тақсимланиши, солиқ ставкалари, имтиёзларининг белгиланиши ва ш.к) катта роль ўйнайди(бюджет тизимининг аҳамияти юқорида қисқача баён қилинган). Бунда солиқ сиёсатининг мазмуни энг муҳим омил бўлиб, унинг мазмуни, стратегик ва тактик йўналишлари ўз навбатида солиқ салоҳиятининг ҳажмининг яқин ва келгусидаги динамик ёки статистик ҳолатини белгилаб беради ҳамда солиқ салоҳияти билан ўзаро акс таъсирда бўлади, солиқ сиёсати орқали солиқ салоҳиятининг ҳажмининг ўзгариши солиқларнинг прогнозига тўғридан тўғри таъсир қилади ва солиқ сиёсатининг мазмуни ва унинг йўналишларининг ўзгартирилишига олиб келади. Бирок, бизнингча бу ерда солиқ сиёсати солиқ салоҳиятини стратегик ўсишини таъминлашга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Молиявий омиллар жумласидан пул-кредит сиёсати ҳам тез таъсирчан омиллар жумласидан бўлиб, пул агрегатларининг ҳажми, фоиз ставкаси(қайта молиялаш ставкаси)нинг даражаси, кредит ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариш соҳасига молиявий ресурсларни таклиф қилиш(кредитлаш) механизмлари иқтисодиётда пул шаклидаги молиявий ресурсларнинг даражаси ва ҳолатини белгилаб беради, провардида эса ишлаб чиқаришни рағбатлантириб янгидан солиқ салоҳиятларининг вужудга келишига таъсир қилади. Аммо, таъкидлаш лозимки бу ерда монетар инструментлар иккиёклама таъсир кучига эга бўлади. Агар давлат фоиз ставкасини оширадиган бўлса, пулга бўлган талаб камайиб, ишлаб чиқариш секторидаги жамғарма шаклида(шунингдек валюта шаклидаги)ги пул маблағларининг реинвестициялашуви тезлашиб, ўлик ҳолатдаги молиявий ресурсларнинг фойдаланиш коэффиценти ошади, аксинча фоиз ставкаларининг ҳаддан зиёд пасайиши эса иқтисодиётга бир(ёки бир неча) марталик фойдали молиявий ресурсларнинг кўпайишига олиб келади, аммо қисқа вақт давомида салбий таъсирни келтириб чиқаради.<sup>114</sup>

Давлат ўз молиявий сиёсати орқали корхоналар молиявий сиёсатига турли хил усуллар билан таъсир қилади, масалан, корхоналарнинг устав фондига минимал талаблар ва захира фондларини шакллантиришнинг мажбурийлиги, эмитент сиёсатини олиб бориш орқали корхоналар(банклар, суғурта ташкилотлари, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари ш.к.)нинг молиявий маблағларининг сарфланишига таъсир қилади, бу эса ўз навбатида

<sup>114</sup> Бунинг моҳиятини англаб етиш мақсадида АҚШ федерал захираси томонидан фоиз ставкаларининг ҳаддан зиёд пасайтирилиши молиявий инкирознинг сабабларидан бирига айланганлигини таъкидлаш ўринли.

солиқ салоҳиятига таъсир қилади. Корхоналарнинг солиқ салоҳияти даражасига ички омиллар сифатида уларнинг молиявий ва ҳисоб сиёсатларининг мазмуни катта таъсир қилади. Молиявий натижаларнинг ишлаб чиқаришга реинвестиция қилиниши ёки корхона ходимларини моддий қўллаб қўвватлашга бошқа социал масалаларга сарфланиши ўз навбатида корхонанинг стратегик солиқ салоҳиятига таъсир қилади. Бундан ташқари корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида фойдани максималлаштириш ёки оддий такрор ишлаб чиқариш шароитида корхонанинг иқтисодий фаолиятини таъминлаб туриш каби мақсадларнинг белгиланиши ҳам корхонанинг солиқ салоҳиятининг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади.

Аҳолининг жамғармаларни сарфлашга ёндошув ҳам солиқ салоҳиятининг даражасига турлича таъсир қилади. Аҳолида бизнес кўникмалари ривожланган, уларга молиявий хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар томонидан хизматларнинг сифати таъминланган ва бизнесни ташкил этишнинг ташкилий механизмлари содалашган шароитда эса жамғармалар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ёки аҳолининг жамғармани истеъмолга сарфлаши эса корхоналарнинг маҳсулотларига талабни оширади ва шу орқали корхоналарнинг молиявий ресурсларини кўпайтиришга хизмат қилади. Бу ерда биринчи позиция аҳоли учун ҳам иқтисодиёт учун анча қулай бўлиб, у доимий солиқ салоҳиятини юзага келтиради.

Миллий, ҳудудий ҳамда корхоналарнинг солиқ салоҳиятининг ҳажмига суғурта ва қимматли қоғозлар бозорининг таъсири ҳам аҳамиятлидир. Суғурта уларнинг фаолиятининг гарови сифатида таъсир кўрсатса, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши капиталларнинг фаоллашуви таъминлайди, реал ва хизматлар кўрсатиш ва бошқа секторларга қўшимча маблағларни жалб қилади, жамғармаларнинг реинвестицияланишини тезлаштиради ва шу орқали икки томонлама солиқ салоҳиятини, яъни эмитентга қўшимча маблағни, қимматли қоғоз эгасига эса қўшимча даромадни кафолатлайди. Солиқ салоҳиятининг омиллари сифатида меҳнат ресурсларининг билан таъминланганлик ва уларнинг малака даражаси(ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурслари ва уларнинг малака даражаси янги қийматни яратишда муҳим роль ўйнайди), меҳнатга лаёқатли ва пенсия ёшидаги аҳоли қатламлари ўртасидаги паритет даражаси(демографик таркибда меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлиш даражаси ошиши қўшимча солиқ салоҳиятларини юзага келтиради, аксинча меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигининг камайиши ва пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ўсиб бориши бир томондан солиқ салоҳиятининг камайишига олиб келса, бошқа томондан пенсия фонди маблағларининг инвестицияга йўналтирилишига тўсиқ бўлиши билан бирга қўшимча маблағларни талаб қилади, бу эса иқтисодиёт субъектларининг молиявий ресурслари ёки бошқа

манбалар(масалан бюджет маблағлари)ни жалб қилишни тақозо этади, провардида эса солиқ салоҳиятининг пасайишига олиб келади.

Табиий-иқлим шарт-шароитлар, қазилма бойликларнинг жойлашуви, эко-туризм даражаси, яъни қулай табиий иқлим ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда масалан, кишлоқ хўжалик соҳасида молиявий ресурсларнинг пайдо бўлишида энг асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қулай иқлим шароити ишлаб чиқаришда муомала харажатларини камайтирса, юқори ҳосил олиш гарови ҳисобланади, шунингдек, керакли ва малакали меҳнат ресурсларини жалб қилишга имкон яратади(оғир шароитларда биринчидан, меҳнат ресурсларни жалб қилиш қийин кечса, бошқа томондан уларга қўшимча маблағларни сарф қилишни тақозо этади). Табиий иқлим шароити кишлоқ хўжалигида таъсири икки томонлама бўлади. Агар иқлим шароити ёмон келса, даромаднинг камайтириб зарари кўпайтирса, бошқа томондан кишлоқ хўжалик корхонасида солиқ тўловлари бўйича нафақат солиқ салоҳияти камаяди, шунингдек, солиқ боқимандалигини келтириб чиқаради<sup>115</sup>, провардида эса ҳудуднинг реал солиқ салоҳиятининг пасайишига олиб келади.

Қазилма бойликларнинг жойлашуви ҳам солиқ салоҳиятига таъсир қилади. Уларнинг ҳудудлар бўйича жойлашуви шу ҳудудда инфратузилмани ривожлантиришга, қўшимча инвестицияларни жалб қилишга ундаса, бошқа томондан уларнинг прогрессив солиқ тортилиши<sup>116</sup> ҳудуднинг солиқ салоҳиятини оширади. Бу ерда қазилма бойликларини қайта ишлаш харажатлари ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиш лозим бўлади. Таъкидлаш ўринлики, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятининг муҳим омиллари сифатида эко-туризмнинг даражаси муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда барча давлатларда энг муҳим ресурс жалб қилувчи объектлар сифатида ривожлантиришга урғу берилмоқда. Экотуризмни ривожлантириш биринчидан юқори рентабелли соҳа бўлса, бошқа томондан инфратузилманинг ривожланишига, молиявий ресурсларни жалб қилишга, инвесторлар томонидан инвестицияларни йўналтиришга катта тўртки беради ва ҳудуднинг солиқ салоҳиятининг ошишига олиб келади. Солиқ салоҳиятининг яна бошқа омиллари қаторига мамлакат доирасида ташқи сиёсат(жумладан иқтисодий сиёсат)нинг йўналишлари, протекционизм сиёсати, аҳолининг ишлаб чиқариш менталитети(аҳолининг маълум қисми анъанавий иқтисодиётга содиқ қолиб гарчи бундай товарлар ва хизматлар бозор томонидан унчалик тан олинмасда миллий хусусиятни эътиборга олиб бундай фаолият билан шуғулланишни

<sup>115</sup> Кишлоқ хўжалик корхоналари ер солигини кадастр усулида тўлаши, солиқ сўммасининг уларнинг молиявий натижасига боғлиқ бўлмаслигини изоҳлайди.

<sup>116</sup> Аксарият давлатларда жумладан Ўзбекистонда ҳам фойдали қазилмалар прогрессив солиққа тортиш тартибда солиққа тортилади.

давом эттириши), ишлаб чиқаришнинг тарихий ривож топганлиги ва туризмни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида тарихий обидаларнинг роли каби омиллар ҳудудларнинг солиқ салоҳиятига катта таъсир кучига эгадирлар.

### 6.3. Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш методлари

Солиқ салоҳиятини аниқлашда энг муҳим жараён уни аниқлашнинг методларини тўғри танлаш ва улар асосида солиқ салоҳиятини ҳисоблаб чиқиш тартиб ва механизмлари ҳисобланади. Солиқ салоҳиятни тўғри ҳисоблаш эса солиқларнинг йиғилувчанлигини таъминлайди. Солиқларнинг йиғилувчанлиги бир томондан солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятига боғлиқ бўлса, бошқа томондан солиқ хизмати органларининг фаолиятига ҳамда солиқ салоҳиятининг аниқлилик даражасига боғлиқ бўлади. Агар, солиқларни прогноз кўрсаткичлари ошириш кўрсатилган ёки солиқ салоҳияти нотўғри аниқланган бўлса амалдаги солиқ ставкалари, солиқ тўловчилар ва фаолият турлари аниқ бўлган ва солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини етарли даражада ташкил қилган бир шароитда ҳам бюджетга белгиланган солиқ тушумлари келиб тушмаслиги ҳам мумкин.

Шундай экан солиқ салоҳиятининг мазмуни, унинг турлари ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш масаланинг бир томони бўлиб, уни ҳисоблаш жараёни эса алоҳида масаладир. Таъкидлаш керакки, солиқ салоҳиятини аниқлашнинг турли методлари мавжуд бўлиб, уларнинг хусусиятлари, қўлланиш тартиби ҳамда уларнинг камчиликлари хусусида кўпгина олимлар ва амалиётчилар томонидан методлар таклиф қилинган ва улар ҳақида фикрлар билдирилган. Иқтисодий адабиётлардаги солиқ салоҳиятини аниқлашга оид ёндошувларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги тўрт гуруҳдаги ёндошувларни ажратиш мумкин:

- 1) иқтисодий даромадларга асосланган ҳолда баҳолаш;
- 2) ўртача муътадил солиқ сиёсати тузилишига асосланган ҳолда аниқлаш;
- 3) солиқ ҳисоботлари ва солиқ тушумларини корриктировка қилиш асосида баҳолаш;
- 4) иқтисодий индексларни қўллаш асосида аниқлаш.

Ушбу қайд этилган ҳар бир гуруҳга оид ёндошувлар албатта аниқланаётган солиқ салоҳиятининг таркиби, унинг қўламлиги ва объектга таъсир этувчи омилларнинг сони ҳамда даражаларига қараб муносиб методни қўллаш солиқ салоҳиятини аниқлаш жараёнидаги энг муҳим босқичлардан ҳисобланади. Энг кўп тарқалган ва энг оддий методлар сирасига ялпи ички маҳсулотга нисбатан аниқлаш ҳисобланади, яъни:

$$Np = G * Ng,$$

Бу ерда:  $G$  - ЯИМ ҳажми;

$Ng$  - солиқ салоҳиятининг ЯИМдаги улуши.

Солиқ салоҳиятининг ЯИМдаги улуши( $Ng$ ) эса  $Ng = r1 - r2$  тартибда, яъни ЯИМдаги ялпи қўшилган қиймат( $r1$ ) ва ялпи фойда нормасининг ЯИМдаги улуши( $r2$ )нинг фарқи сифатида аниқланади ва солиқ салоҳиятини аниқлашнинг ЯИМ асосидаги метод эса  $Np = (r1 - r2) * G$ . кўринишига эга бўлади. Ялпи қўшилган қийматнинг, жумладан солиқли тўловларнинг ЯИМдаги улуши эса қуйидаги тартибда аниқланади:

$$r1 = WDS / G,$$

Бу ерда:  $WDS$  – солиқ тўловлари;  $G$  – ЯИМ ҳажми.

ЯИМга нисбатан ялпи фойданинг улуши эса ялпи фойданинг(солиқ тўловлар чегириб ташланган ҳолда) ЯИМга нисбати сифатида аниқланади:

$$r2 = WP / G,$$

Бу ерда:  $WP$  – ялпи фойданинг(солиқ тўловлар чегириб ташланган ҳолда);

$G$  – ЯИМ ҳажми.

Ушбу методлар дунёнинг аксарият давлатларида услубий жиҳатдан оддий ва умумий солиқ салоҳиятини аниқлаш, шунингдек, миллий иқтисодиёт ва ҳудудлар доирасида унинг умумий хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадида қўлланилиб, мазмунан миқдорий кўрсаткичларга асосланади. Аммо, солиқ салоҳиятининг ички хусусиятларини очиб беролмайди.

Солиқ салоҳиятини аниқлашнинг энг оддий методларидан яна бири сифатида профессор И.В.Горский томонидан қуйидаги метод ишлаб чиқилган:<sup>117</sup>

$$НПР = \Phi + 3 + Л,$$

Бу ерда:  $НПР$  — ҳудуднинг солиқ салоҳияти, (пул қийматида);

$\Phi$  — Ҳақиқий солиқ тушумлари, (пул қийматида);

$3$  — Ҳисобот даврида солиқ қарздорлигининг ортиши(пул қийматида);

$Л$  — Ҳудудга тўғри келувчи солиқ имтиёзлари(пул қийматида).

Мазкур метод иқтисодчилар ўртасида "ҳақиқий метод" деб ном олган бўлиб, унда ҳудуднинг солиқ салоҳияти бюджетга келиб тушган ҳақиқий солиқ тушумларига нисбатан ҳисобланади. Албатта бундай метод умумий характерга эга. Яъни бюджетга келиб тушган солиқ тушумлари бўйича солиқ салоҳиятини аниқлаш миқдорий хусусиятга эга бўлиб, сифат кўрсаткичларини эътиборга олмайди. Жараёни чуқур ўрганишнинг энг самарали методлари сифатида миқдор ва сифат кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш шартли илмий методологияда аксиомага айлангандир. Шу жиҳатдан олган мазкур метод солиқ салоҳиятини аниқлашда аниқ ҳолатни ифода этмайди. Шу билан биргаликда

<sup>117</sup> Горский И.В. Налоговый потенциал в механизме межбюджетных отношений // Финансы. 1999. № 6. 11с.

ушбу муаллиф(И.Горский) солиқ салоҳиятини аниқлашнинг бошқа методини ҳам илгари суради:<sup>118</sup>

$$НПР = \sum НБ_i * t_i / 100,$$

Бу ерда: *НПР* — худуднинг солиқ салоҳияти, (пул қийматида);

*НБ* — солиқ базаси, (пул қийматида);

*t* — *i* турдаги солиқнинг энг юқори ставкаси %;

*n* — солиқ турлари сони;

*i* — солиқ тури.

Келтирилган иккала метод ҳам молия йилига нисбатан ҳисобланган бўлиб, унда Молия вазирлигининг маълумотларига асосланади. Аммо таъкидлаш лозимки, И.Горский томонидан келтирилган иккинчи метод аввалгисига караганда бироз аниқликни изоҳласада аммо, бунда ҳам ҳақиқий солиқ тушумларига асосланган бўлиб, сифат кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги таъсири эътиборга олинмаган. Шу билан биргаликда солиқ турлари бўйича солиқ базалари қиймати солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади. Бунда солиқ базаларини ҳисоблаб чиқиш анча мураккабдир. Чунки, солиқ базалари нафақат қиймат шаклида, шунингдек, физик кўрсаткичларни(масалан транспорт воситаларининг от кучи шу кабилар) ҳам ҳисобга олишни тақозо этади, бу эса молия ва солиқ органларининг маълумотлари ўртасида ноаниқликлар келиб чиқиши мумкин ва солиқ салоҳиятининг кўрсаткичини объективлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

И.Горскийдан фаркли равишда О.В.Богачева солиқ салоҳиятини аниқлашда солиқ базасининг ўрнига аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, худудий ялпи маҳсулот ҳамда умумий солиқ ресурслардан фойдаланишни тавсия қилади. Муаллифнинг фикрича бу турдаги маълумотлар ягона орган статистика органлари томонидан барча худудлар кесимида аниқланиб, улардан фойдаланиш маълумотларнинг бузиб кўрсатилишининг олди олини ва солиқ салоҳиятини объективли бўлишини таъминлайди.<sup>119</sup> Бирок, муаллиф таъкидлаган кўрсаткичлар ҳақиқатан ҳам солиқ салоҳиятини аниқлашга етарли даражада аҳамиятга эга бўлсада, унда аҳоли даромадларининг барча манбаларини акс эттириш имкони йўқ, шунингдек, хизматлар соҳасидаги даромад манбаларини ҳам бу кўрсаткичларда тўлиқ акс эттирилмайди(масалан, туризмдан олинган даромадлар), бундан ташқари норезидентларнинг худуддан олган даромадлари ҳам бу кўрсаткичларда акс эттириш қийин, шу туфайли бундай кўрсаткичлар ҳам бирдан бир кўрсаткич сифатида қабул қилиб бўлмайди. Шу билан биргаликда аксарият давлатларда

<sup>118</sup> Ўша манба.

<sup>119</sup> Богачева О.В. Налоговый потенциал и региональные счёта // Финансы. 2000. № 2 — 3. 21-23 с.

(жумладан, Ўзбекистонда ҳам) корхоналар рўйхатдан ўтган худуд бўйича солиқ мажбуриятларини бажарадилар, бу эса худудларнинг ялпи худудий маҳсулоти таркибига асосланиб солиқ салоҳиятини аниқлайдиган бўлсак, у ҳолда худудий ялпи маҳсулот солиқ тўловлари ўртасида фарқ мавжуд бўлиб қолади.

Жами солиқ ресурслари кўрсаткичини қўллайдиган бўлсак, у ҳолда юқори бюджетдан қуйи бюджетларга берилган трансферт шаклидаги тўловларни чиқариб ташлаб лозим бўлади, ўз навбатида юқори бюджетдан берилган(юримдик ва жисмоний шахсларга) ушбу суммалар худуднинг ҳам ялпи маҳсулотида акс этган бўлади, демак, бу ерда ҳам қайта ҳисоб-китоблар қилиш зарур бўлади. Бу ерда яна бир муаммо борки, у ҳам бўлса юқорида қисқа таъкидлаганимиздек, солиқ тўловчиларнинг ялпи даромадининг корхона фаолият кўрсатаётган худуднинг ялпи маҳсулотида акс эттирилиши, унинг солиқ мажбуриятлари эса корхона рўйхатдан ўтган худудга тўланиши бўлиб, бунда бир худуднинг ялпи худудий маҳсулотидаги солиқ салоҳияти улушининг камайиштиришни тақозо қилса, бошқа худуднинг ялпи маҳсулотида эса акс этмайди қолишидир, бу ерда солиқ салоҳиятини аниқлашда эса қайта ҳисоб-китоблар қилишни тақозо этадики, бу физик жиҳатдан анча мураккаб жараёндир. Солиқ салоҳиятини тармоқлар бўйича аниқлаш анча мураккаб иш ҳисобланади. Чунки, ҳар бир тармоқнинг ўз ишлаб чиқариш технологиялари билан фарқланса, уларда молиявий кўрсаткичларнинг шаклланиши ва аниқланиши ҳам бир-бирдан фарқ қилиши мумкин.

Тармоқлар бўйича солиқ салоҳиятини аниқлаш борасида Россияда маълум бир тажрибалар амалга оширилган. Россия Молия вазирлиги ва Статистика давлат қўмитаси билан ҳамкорликда томонидан ишлаб чиқилган "солиқ ресурсларининг ўртача қиймати" ва "солиқ салоҳияти индекси" кўрсаткичларига асосланиб ҳар бир тармоқнинг ўртача солиқ салоҳияти ҳисобланади. Солиқ салоҳияти индекси эса бу худудда аҳоли жон бошига ишлаб чиқилган қўшилган қийматнинг ҳажмини ифодалайди, шу жиҳатдан мазкур кўрсаткич ҳар бир худуднинг мамлакат миқёсидаги ўртача солиқли даромадларидан қанча фарқланишини кўрсатиб беради.<sup>120</sup> Тармоқлар бўйича солиқ индексининг ўртача коэффициенти иқтисодийнинг умумий даражаси ва тармоқ ривожланишининг ҳолатидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Қайси тармоқда қўшилган қиймат кўпроқ бўлса коэффицент даражаси ҳам юқори бўлади. Масалан, Россиялик иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларича 2007-20012 йиллар оралиғида тармоқлар бўйича коэффицент ўртача қуйидагини ташкил қилган: саноатда-0,265-0,269; қурилишда: 0,163-0,184; қишлоқ хўжалиғида-0,066-0,0587; хизматлар соҳасида-0,113-0,117 ва ҳақозо. Ушбуларга

<sup>120</sup> Қаранг: Бирюков А.Г. К оценке бюджетной обеспеченности регионов. // Финансы. 2001. № 4. 19 с.

асосланган ҳолда ялпи солиқ ресурси ҳажми қуйидаги формулани юзага келтиради:<sup>121</sup>

$$ЯСР=0,265*ЯХМ_{\text{саноат}}+0,163*ЯХМ_{\text{қурилиш}}+0,066*ЯХМ_{\text{киш.хўж}}+0,113*ЯХМ_{\text{хизм}}$$

атлар.

Бу ерда:

ЯСР-ялпи солиқ ресурси(қиймат шаклда),

ЯХМ-ялпи ҳудудий маҳсулот(тармоқ бўйича, қиймат шаклда).

Мазкур аниқланган қиймат эса маълум давр оралиғидаги ёки ҳисобот даврининг аввалги йил(лар)га даврдаги солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар(солиқ ставкаларининг камайтирилиши ёки оширилиши, солиқ имтиёзларининг кўпайтирилиши(камайтирилиши) шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда кузатувчи коэффициент(ҳисобланаётган даврдаги бюджет даромадларининг базис йилидаги солиқ ресурслари ҳажмига нисбати)ни кўпайтириш орқали қайта корриктировка қилинади. Аниқланган натижа эса солиқ қончилигидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолдаги ялпи солиқ ресурсларини ифодалайди. Ушбу метод тармоқлар бўйича ялпи солиқ ресурсини аниқлашга хизмат қилиши табиий. Аммо, унинг айрим камчиликлари ҳам мавжудки, улар жумласига унда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги, шунингдек, айрим тармоқлардаги йирик корхоналарнинг фаолияти айнан шу тармоққа мос келмаслиги, яъни у бошқа тармоқ номенклатурасидаги маҳсулотларни ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш мумкин, бунда эса кўшилган қиймат ҳажми бир неча тармоққа тегишли бўлиб қоладики, буни ҳисобга олиш жуда мушкул вазифа бўлиб, провардида тармоқлар ўртасидаги кўшилган қийматни аниқ қилиб ҳисоблаш имкони йўқолади.

Бундан ташқари ушбу методда ҳудудий кесимда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда солиқ салоҳиятининг ролини акс эттириб бўлмайди, ваҳоланки, солиқ салоҳияти даражаси бюджет трансфертларини тақсимлашда энг муҳим омиллардан бири саналади. Айрим иқтисодчилар солиқ салоҳиятини аниқлашда миллий хўжалик ва ҳудудлар кесимидаги жараёни боғлиқлик ҳолда ёндошиш лозим деб ҳисоблайдилар. Ушбу ёндошув тарафдорлари бўлган Климова Н.И., Михеева Н.Н., С.А. Суспицынлар солиқ салоҳиятини аниқлашнинг қуйидаги методини таклиф қилишади:<sup>122</sup>

$$НП_{v,t,r,b} = \frac{ПНР(r=x)}{ЧНг} = \frac{НП(r=x) * \frac{ФП}{НП}}{ЧНг}$$

Бу ерда:

где НП<sub>v,t,r,b</sub> — ҳудуднинг солиқ салоҳияти(пул қийматида);

ПНР<sub>(r=x)</sub> — ҳудудда юзага келган солиқ ресурслари, (пул қийматида);

ЧНг — ҳудуддаги аҳоли сони(киши);

НПг<sub>r=x</sub> — ҳудуддаги солиқ ресурси (пул қийматида);

ФП — мамлакат бўйича солиқ тушумлари (пул қийматида);

НП — мамлакат бўйича солиқ ресурслари (пул қийматида).

Ушбу формуладан кўриш мумкинки, ҳудудда юзага келган солиқ ресурслари ҳажмини ҳудуднинг солиқ салоҳиятига мамлакат бўйича солиқ тушумлари ва мамлакат бўйича солиқ ресурсларининг нисбатининг кўпайтмаси сифатида қаралган, яъни бошқача қилиб айтганда солиқ ресурслари солиқ салоҳиятидан кенгроқ ҳажмда бўлади. Бирок, мазкур метод мамлакат ва ҳудуд миқёсидаги солиқ ресурслари ва солиқ салоҳияти ҳамда солиқ тушумлари ўртасидаги боғлиқликни маълум даражада ўзида акс эттирсада, нисбат кўрсаткичи қилиб аҳоли сонининг олинishi ҳолатни тўлалигича аниқ акс эттира олмайди. Биринчидан аҳоли даромад топиш манбаси ва даражаси табақлашган бўлади, иккинчидан эса уларнинг даромад манбаларининг ҳаммаси ҳам ҳудуднинг ялпи маҳсулоти таркибида акс этмаган бўлади(бошқа давлат ва ҳудудлардан олинган даромадлар).

Айрим иқтисодчилар томонидан миллий ва ҳудудий даражада солиқ салоҳиятини аниқлашни баҳолашда тизимлашган тартибда ёндошиш зарурлиги эътироф этилади. Чунончи, И.Моисеенко фикрича солиқ салоҳияти бу — иқтисодиёт ва (ёки) солиқ базасининг структураси ва ривожланиш базасидан келиб чиқиб, бюджетга олиш мумкин бўлган солиқ даромадлари ҳажмидир деб ҳисоблаб, уни аниқлашда қуйидаги тартибда амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди: ялпи минтақавий маҳсулот асосида минтақаларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш; регрессион моделлардан фойдаланган ҳолда баҳолаш; солиқ тизимининг махсус методларидан фойдаланган иқтисодиёт субъектларининг солиқ салоҳиятини баҳолаш.<sup>123</sup>

Минтақалар солиқ салоҳиятини тавсифлашга концептуал ва методологик ёндашувлар таҳлили уларнинг энг оқилона элементларини синтез қилиш, танланган макроиқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ базасининг ҳолати ўртасида функционал боғлиқликларни аниқлаш ва шу асосда мамлакат минтақалари ва иқтисодиёт тармоқларида солиқларнинг объектив салоҳиятини баҳолаш учун мос келувчи алгоритмлар ишлаб чиқиш учун шарт-шароитлар яратди. Шундай қилиб, бюджет-солиқларни режалаштириш ва прогноз қилиш тизими самарадорлиги ортади.

<sup>121</sup> Қаранг: Методика распределения средств Фонда финансовой поддержки субъектов Российской Федерации на 2000 г. (<http://budgetrf.ru>).

<sup>122</sup> Климова Н.И., Михеева Н.Н., Суспицын С.А. и др. Проект СИРЕНА: влияние государственной политики на региональное развитие Новосибирск : Изд-во ИЭОПП, 2002.

<sup>123</sup> Моисеенко И.А. К вопросу о методике оценки налогового потенциала. Вестник Северо-Кавказского федерального университета, (2010), 4, 245-249 с.

Солиқ тушумларининг ўсиши ва солиқ тўловлари тўпланишини оширишни таъминлаш бўйича давлатнинг муҳим вазифаси ҳал этилиши минтақада солиқ салоҳиятини миқдорий баҳолашни тақозо этади. Минтақанинг бюджет даромадларини шакллантириш салоҳиятни акс эттирадиган кўрсаткични танлаш кўпинча ишончли статистика базасининг йўқлиги туфайли мураккаблашади: маълумотлар кўпинча ноаниқ бўлади ёки умуман бўлмайди. Бунда солиқ салоҳиятини амалиётда минтақада амалда тўпланган солиқлар ва минтақанинг бюджет даромадлари шакллантириш салоҳияти ўртасидаги фарқнинг юзага келиши сабабларини ҳам эътиборга олиш зарур. Масалан, бир хил солиқ салоҳиятига эга бўлган минтақалар солиқ ставкаларининг ҳар хиллиги туфайли ёки солиқ органлари фаолияти самарадорлигининг ҳар хиллиги оқибатида турли миқдорда солиқ тўловлари тўплаши мумкин.

Солиқ салоҳияти минтақанинг иқтисодий структураси ва унинг солиқ базалари билан белгиланадиган солиққа тортиладиган ресурслар билан таъминлангани билан тавсифланади. Масалан, корхоналар фойда солиғи базаси бу – ҳудудда рўйхатга олинган барча корхоналар томонидан олинадиган солиққа тортиладиган фойда миқдоридир. Солиқ базаларига бошқа мисоллар – жисмоний шахсларнинг даромадлари (ЖШДС солиқ базасини ташкил қилади), ишлаб чиқариш жараёнида қўшилган қиймат (қўшилган қиймат солиғи), солиққа тортиладиган мулк қиймати (мулк солиғи) ва ҳ.к. Кўрииб турибдики, солиқ салоҳияти минтақанинг умумий солиқ базасига пропорционалдир. Масалан, минтақа бюджети даромадларининг энг аниқ манбаси – бу минтақада истиқомат қиладиган солиқ тўловчиларнинг даромадлари – минтақа солиқ салоҳияти нисбий даражасининг кўрсаткичларидан бири – минтақа аҳолисининг ўртача киши бошига тўғри келадиган даромадлари билан боғлиқ.

Минтақалар солиқ салоҳиятини белгиланган вақт давомида минтақа иқтисодий ресурсларидан (ер, меҳнат ва капитал) фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар, ишлар ва хизматлар умумий қиймати сифатида аниқланадиган ва корхоналарнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки ходимларнинг яшаш жойидан қатъи назар, минтақа ичкарисида шакллантириладиган барча даромадларни ўз ичига оладиган ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) тўларок акс эттиради. Амалиётда ЯММ кўрсаткичида сезиларли улушни жисмоний шахслар – мос келувчи минтақа аҳолисининг даромадлари эгаллайди, чунки минтақа аҳолисининг катта қисми асосан истиқомат қиладиган минтақада ишлайди. ЯММ ушбу минтақада солиққа тортилиши лозим бўлган норезидентларнинг даромадларини ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, ўртача киши бошига тўғри келадиган кўрсаткичдан фарқли равишда, ЯММ шунингдек, сайёҳларнинг меҳмонхона хизматларига ва минтақа ҳудудида амалга оширилган харидларга сарфланган маблағларини ҳам акс эттиради.

Солиқ салоҳияти ўлчови сифатида ЯММ камчиликлари Республикаимиз солиқлар структурасининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, ҳозирги пайтда корхоналар фойда солиғи корхона хўжалик фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд бўйича эмас, балки корхона рўйхатдан ўтган жойда тўланади. Шу боисдан солиқ салоҳияти ва ЯММ ўртасида тафовутлар вужудга келади. Бошқа мамлакатларда <sup>124</sup> корхоналар даромадлари улар ўзининг хўжалик фаолиятини амалга оширадиган барча минтақалар бўйича ишлаб чиқариш қувватларининг жойлашуви, меҳнат ресурслари ва сотув ҳудудий структурасини ҳисобга оладиган формулалар воситасида ёйилади. Реал солиққа тортиладиган ресурслар ва ЯММ ўртасидаги номувофиқликни бартараф этишга ҳаракатлар минтақа умумий солиққа тортиладиган ресурслари кўрсаткичининг яратилишига олиб келди.

Айрим иқтисодчилар ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) билан боғлиқ бўлган умумий солиққа тортиладиган ресурслар (СТР) кўрсаткичини ЯММга муқобил вариант сифатида таклиф этади, бунинг сабабини эса айрим умумдавлат солиқлар ва давлат бюджет трансфертларининг минтақалар солиқ салоҳиятига таъсирини ҳисобга олмаслик ҳолати билан изоҳлайди. <sup>125</sup> Мисол учун, АҚШ Федерал ҳукумати 1987 йил фискал салоҳият чораси сифатида СТРдан фойдалана бошлади. СТРни аниқлаш учун бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш зарур бўлади. Биринчидан, ЯММдан айрим умумдавлат солиқларни чиқариб ташлаш керак, чунки бу маблағлар минтақавий ва маҳаллий бюджетлар учун даромад манбаси ҳисоланмайди. Сўнгра ЯММ кўрсаткичи давлат бюджетдан корхона ва жисмоний шахсларга тўғридан-тўғри трансфертлар, жумладан, пенсия фонди тўловлари ва ишсизлик бўйича нафақат тўловлари миқдорига оширилиши лозим.

Ўзгаришларнинг иккинчи гуруҳи корхоналар фойда солиғи структураси хусусиятларини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Республикаимизда корхона хўжалик фаолиятини амалга оширадиган жой бўйича эмас, балки унинг рўйхатга олинган жойи бўйича ундирилади. Шу боисдан минтақанинг солиққа тортиладиган ресурслари ва ЯММ ўртасида тафовут юзага келади, чунки ЯММ корхонанинг рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, минтақада олинган барча фойда миқдорини ҳисобга олади. Шундай қилиб, юқорида олинган орилик натижадан минтақа ҳудудида жойлашган, лекин бошқа минтақаларда рўйхатга олинган корхоналар фойдасини чиқариб ташлаш ва минтақадан ташқарида

<sup>124</sup> Масалан, Норвегия, Финляндия, Люксембург, Греция ва шу қабилар.

<sup>125</sup> Мишенина М.С. К ВОПРОСУ О СОДЕРЖАНИИ ПОНЯТИЯ НАЛОГОВОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНА//Академический вестник, (2009), 4, 167-170 с.

жойлашган, лекин минтақада рўйхатга олинган корхоналар фойдасини қўшиш лозим бўлади.

Иқтисодчи олим А. Шогеновнинг фикрига кўра солиқ салоҳиятини аниқлашда албатта солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ҳисобланган аммо ҳали ундирилмаган солиқ суммалари(солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари ўртасидаги баҳслар туфайли судларда кўрилатган ишлар ҳажмида) ва солиқларнинг йиғилиувчанлик кўрсаткичларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади ва ушбу жараёни акс эттирувчи қуйидаги формулани таклиф этади:<sup>126</sup>

$$NP = NN + PD - PS,$$

Бу ерда: NN – ҳисобланган солиқ суммалари;

PD – солиқ текширувлари вақтида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари; PS – ҳисобланган солиқ суммаларининг бюджетга ундирилмаган қисми.

Солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ҳисобга олиш учун эса:

$$KS = PN : NP, \text{ формуласидан фойдаланишни таклиф қилади.}$$

Бу ерда: PN —Бюджетга жалб қилинган солиқ ва мажбурий тўловлар ҳажми, NP – ҳудуднинг солиқ салоҳияти. Муаллифнинг фикрига кўра бундай ёндошув солиқ салоҳиятини аниқроқ аниқлаш билан бир қаторда солиқ хизмати органларининг фаолиятининг самарадорлигини ҳам ўлчайди. Аксарият иқтисодчилар томонидан тан олинган яна бир муҳим метод борки у одатда "репрезентатив метод" ҳам деб юритилади. Мазкур метод солиқ даромадларини ўзида аниқ акс эттиради, солиқ даромадлари эса солиқ салоҳиятининг асосини ташкил қилади ва у қуйидагича кўринишга эга бўлади<sup>127</sup>:

$$НПР = \frac{\sum_{k=1}^k \text{НБк} * \text{НСк}}{100\%};$$

Бу ерда: НПР-ҳудуднинг солиқ салоҳияти;

НБк - мамлакат i- ҳудуднинг k -турдаги солиқли даромадининг солиқ базаси;

НСк –мамлакат i- ҳудуднинг k -турдаги даромадига репрезентатив(ўртача) солиқ ставкаси.

Мазкур методнинг яна бир хусусияти шундаки, унда ҳудуд доирасида ўртача(муътадил) босимдаги солиқ муҳити(босими) шароитида ушбу ҳудудда йиғиш мумкин бўлган ва амалда ҳисобланган солиқ суммалари асос қилиб олинади. Ушбу метод аҳамияти жиҳатдан ҳудуднинг солиқ салоҳиятини аниқроқ баҳолашга хизмат қилсада, аммо у кўп меҳнат талаб қилади, шу билан

<sup>126</sup> Шогенов А.А. Методические аспекты расчета налогового потенциала региона // Региональная экономика и управление: электронный научный журнал, 2013. - № 4 (28). - № рег. статьи 0097. - Режим доступа к журн.: <http://region.mcnip.ru> 55.

<sup>127</sup> Трунин И.В. Оценка налогового потенциала субъектов федерации и разработка методики распределения Фонда финансовой поддержки регионов на 2008г. -М.:ИППП, 2011 г. – 369 с., с. 231.

биргаликда ҳудуднинг k -турдаги солиқли даромадининг солиқ базасини аниқ ҳисоблаш анча мураккаб ва юқори малакани талаб қиладики, уни қўллашда мутахассисларнинг касбий малакасизлиги билан қилинган хатоликлар прогноз натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин.

Солиқ салоҳияти юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг амал қилиши, пайдо бўлиши ва кўлами жиҳатдан анча фарқланади. Шу боисдан иқтисодий адабиётларда солиқ салоҳиятини аниқлашда макроиктисодий кўрсаткичларга асосланган ҳолда ҳисоблашни акс эттирувчи методлар ҳам учрайди. Солиқ салоҳиятини аниқлашда яна энг кўп қўлланиладиган методлар бири сифатида қуйидаги "аддитив метод"ни ҳам мутахассислар кўп эътироф этишади<sup>128</sup>:

$$НП = \sum (\text{НБ}_i * \text{НС}_i) * S_1 * S_2 * S_3 * \dots * S_i$$

Бу ерда: НП – солиқ салоҳияти;

НБ<sub>i</sub>– i солиқ турининг солиқ базаси;

НС<sub>i</sub>– i солиқ турининг солиқ ставкаси;

S<sub>1</sub>\* S<sub>2</sub>\* S<sub>3</sub>\*.....S<sub>i</sub> –берилган шартларнинг аниқлаштирувчи коэффицентлари.

Мазкур методни қўллашда шу нарсани эътиборга олиш лозим бўладики, солиқ турлари бўйича солиқ базалари ва ставкаларининг аниқлиги таъминланган бир шароитда солиқ базасининг шаклланишига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини қайта эътиборга олишнинг тузатувчи коэффицентларини аниқлашда эса уларнинг функционал боғлиқлигини топиш талаб қилинади, бу эса методни қўллашда математик-эконометрик қонуниятларни четда қолдирмасликни тақозо этади.

РСТ ёндашуви доирасида регрессия тахлилидан фойдаланишни назарда тутадиган метод алоҳида эътиборга лойик. Унинг афзаллиги – солиқ салоҳиятини ўлчаш учун маълумотларга эҳтиёжнинг қисқариши; фақат минтақа бўйича умумий даромадлар ҳақида ахборот ва минтақалар солиқ базаларининг билвосита ўлчовлари сифатида фойдаланиладиган ўзгаришлар кичик тўпламига талаб этилади ва у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Регрессия тахлили ёрдамида минтақалар солиқ салоҳиятини баҳолаш учун  $b_1, b_2, \dots, b_m$  тасодифий омиллар оптимал баҳолари воситасида қуйидаги кўринишдаги тенглама фойдаланилади<sup>129</sup>:

$$y_j = X_{1j} * B_1 + X_{2j} * B_2 + X_{mj} * B_m + E_j, j = 1, 2, \dots, n,$$

бу ерда

$y_j$  – минтақада амалда тўпланган бюджетга тўловлар;

<sup>128</sup> Қаранг: Вачугов И.В. Налоги и налоговый потенциал региона. – Н. Новгород: Изд-во Гладкова О.В., 2003.

<sup>129</sup> Коломиец А.Л. Анализ концептуальных подходов и методов оценки налогового потенциала регионов // Налоговый Вестник. 2000. №1. 28 с.

$X_j$  – ушбу минтақа учун умумий солиқ базаси ҳажмини ёки унинг алоҳида таркибий қисмларини бевосита ёки билвосита акс эттирадиган солиқ базаси кўрсаткичлари;

$m$  – кўриб чиқилаётган минтақалар сони;

$E_j$  – ўлчовлар тасодифий хатоси.

Регрессия таҳлилидан фойдаланишда солиқ таркибий қисмлари бўйича даромад моддаларини гуруҳлаш ва солиқ тизимининг ҳар бир таркибий қисми учун ўзининг солиқ базасини яратиш зарурати йўқолади. Кўп сонли ўзгарувчиларни киритиш маълумотларни самаралироқ таҳлил қилиш ҳисобига РСТ регрессия варианты аниқлигини оширади.

Шундай қилиб, минтақанинг эҳтимолий даромадларини минтақанинг солиқ салоҳияти сифатида талқин қилиш мумкин бўлган унинг солиқ базаси маълум кўрсаткичлар бўйича ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бюджет тушумлари амалдаги қийматининг модел ёрдамида ҳисоблаб чиқилган тушумлардан эҳтимолий фарқ қилиши солиқ органлари фаолияти унумдорлигининг ҳар хил эканлиги билан изоҳланади. Бу ерда аввалги бобларда тавсифлаб ўтилган регрессия методини қўллаш катта аҳамиятга эга. Салоҳият солиқ даромадларига максимал даражада таъсир этадиган иқтисодий кўрсаткичлар йиғиндисини танлашга имкон берадиган регрессия методининг устуңлиги унинг РСТ ҳисоб-китоб методи билан таққослаганда сермашаққат ва объективроқ эканлиги ҳисобланади, чунки регрессия тенгламасининг ўзи статистик баҳолаш жараёни давомида солиқ базалари ва амалдаги тушумлар ўртасидаги боғлиқликлар ҳақида ахборот беради.

Мазкур метод ўрта муддатли ва узок муддатли прогноз қилиш мақсадлари учун айниқса самаралидир, чунки у салоҳиятни ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинадиган солиқларнинг ҳар бири бўйича солиқ базалари ва солиқ ресурслари йиғиндисини энг тўлиқ баҳолаш мумкин бўлган пайтдаги ҳолатлар учун илгари кўриб чиқилган методларнинг маълум бир модификациясини ифодалайди. Амалий ҳисоб-китоб учун бюджет даромадлари ҳажмига саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми, аҳолига товарлар ва хизматлар сотиш, аҳолининг пул даромадлари, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати таъсирини белгилаб берадиган ўзаро боғлиқ иқтисодий тавсифномалар кичик тўпламидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Регрессия методининг камчилиги унинг мураккаблиги ҳисобланади. Бунинг устига, минтақалар солиқ салоҳиятининг олинган кўрсаткичлари фойдаланиладиган иқтисодий кўрсаткичлар тўпламига қараб сезиларли фарқ қилиши мумкин. Шу сабабли солиқ салоҳиятининг у ёки бу кўрсаткичларини оқилона танлаш қўшимча таҳлил ўтказишни талаб қилади. Бундан ташқари, регрессия тенгламасида фойдаланиладиган кузатув нукталари сони минтақалар сонига

тенг, регрессион баҳолаш натижалари эса кузатув нукталари сони қанчалик кўп бўлса, шунчалик аниқроқ бўлади. Бироқ Республикаимиз шароитларида бу муаммо унчалик долзарб эмас, (методнинг хусусиятига кўра кузатув нукталар сони 10 ва ундан юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир) чунки минтақалар сони 10 тадан кўп.

Таъкидлаш лозимки, солиқ салоҳияти бевосита молиявий ресурс сифатидаги даромадларнинг юзага келиш ҳолатини ифодалайдики, даромадларнинг юзага келиши эса маълум бир шароитда ва вазиятлардагина стихияли(фавқулотда) ва табиий жараёнларга боғлиқ бўлса, асосан улар бозор талаблари ва қонунларига мувофиқ шаклланади. Бозор қонунлари ва унинг механизмлари эса жуда кўп омилларга таянади. Демак, бундан шундай хулоса қилиб чиқадикки, солиқ салоҳиятини ўзида тўлиқ намоён эта оладиган методни яратиш ҳам жуда мушкулдир, аниқроғини бундай метод яратилган тақдирда ҳам уни қўллаш жуда кўп хатоликларга учрайди. Шу боисдан аввало иқтисодчилар ва молиявий институтлар томонидан ишлаб чиқилган ва тақлиф этилаётган методларнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда уни қўллаш етарли самара бериш мумкин.

#### 6.4. Солиқ салоҳиятини аниқлашнинг хориж тажрибаси

Жаҳон солиққа тортиш тизимининг муҳим унсурларидан бири солиқлар бўйича тушумлар ва унинг асосий бўғини бўлган солиқ салоҳияти (fiscal capacity)ни аниқлаш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда солиқ салоҳиятини аниқлашнинг турли хил методлари жаҳоннинг ривожланган давлатларидан ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу борада айрим давлат АҚШ, Канада, Швеция, Франция, Англия ҳамда МДҲ давлатлари тажрибаси сифатида Россия давлатида қўлланиладиган методларнинг айрим хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтаимиз.

АҚШда солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг умумий методи сифатида 1987 йилда Бюджетлараро муносабатлар бўйича комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «репрезентатив солиқ тизими» (РСТ)га асосланган механизм комплексли характерга эга. Мазкур методнинг муҳим хусусияти солиққа тортиладиган ресурс (СТР) кўрсаткичи асосида минтақанинг амалдаги солиқ ресурслари ҳажмини ЯММ дан кўра аниқроқ акс эттиради, бироқ бу кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш учун, худди ЯММ каби етарли даражада катта база зарур. Минтақалар солиқ салоҳияти ўлчови сифатида РСТ моҳияти солиқ барча минтақаларда солиққа тортиш ставкалари ва солиқлар таркиби бир хил бўлиб, солиқ ҳаракатлари ўртача даражаси шартида минтақада тўпланиши мумкин бўлган бюджет тўловлари миқдорини ҳисоб-китоб қилишдан иборат (АҚШда штатлар ҳукумати маҳаллий солиқлар таркиби ва структурасини,

шунингдек, улар ундириладиган ставкаларни ўзлари белгилаши мумкин). Ушбу методни қўллаш учун барча минтақалар бўйича маълумотларга эга бўлиш зарур. Амалда тўпланган солиқлар ва йиғимлар бўйича ва уларнинг солиқ базалари бўйича маълумотларга эга бўлиб, минтақа бўйича тушумлар ҳажмини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Айнан шу кўрсаткич минтақанинг солиқ салоҳияти ўлчови сифатида қабул қилинган.

АҚШда мазкур методдан тўлақонли фойдаланиш учун 5 босқичдан иборат механизмдан фойдаланилади.

*Биринчи босқич:* Ҳар бир штатнинг барча бюджет даромадлари моддалари аниқланади. Яъни, ҳар бир минтақа учун РСТни баҳолаш маҳаллий бюджет даромадларининг барча моддаларини аниқлаш, турли минтақалар даромад моддалари ягона таснифини тузиш, стандарт (норматив) солиқ базаси таркиби ва солиққа тортишнинг репрезентатив (ўртача) ставкасини аниқлаш, шунингдек, минтақанинг солиқ салоҳиятини ҳисоблаб чиқишни ўз ичига олади. РСТ методи орқали солиқ салоҳиятини аниқроқ баҳолаш учун ҳар бир штатдаги мавжуд барча маҳаллий солиқлар ва солиқсиз тўловлар(лицензия олиш учун тўлов, рўйхатдан ўтиш йиғими, турли хил рухсатномаларни олиш йиғими, коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов ш.к.), жарималар аниқлаб чиқилади. Аммо ушбу солиқлар ва мажбурий тўловлар штатлар кесимида турлича бўлиши мумкин.

*Иккинчи босқич:* Турли хил штатларнинг даромад моддаларини ягона классификацияга бирлаштирилади. Таъкидланганидек, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳар хил тартиб қоидаларга асосланган ҳолда ундирилади. шу боисдан уларни ягона тартибда баҳолаш учун ягона схема асосида классификация қилинади. Бунда даромадларни манбалари бўйича умумлаштириш механизмлар қўлланилади. Масалан, бир гуруҳга барча ҳудудий акциз солиғини кучли алкоголь ичимликлар гуруҳига бирлаштирилади. Бундай бирлаштириш даромад манбаларининг кичик турларигача гуруҳлаштириш имконини беради. АҚШда РСТга 27 та солиқ тури киритилган бўлиб, улар асосида ҳудудларнинг солиқ салоҳияти аниқланади.

*Учинчи босқич:* Ҳар бир даромад гуруҳлари учун ягона (норматив) солиқ базаси аниқланади. Бунда агар турли хил штатларда бир хил турдаги ва уларни ундириш механизмлари ўзаро ўхшаш солқилар мавжуд бўлса, улар бўйича алоҳида стандарт солиқ базалари ўрнатилса, қолганлари бўйича шартли солиқ базалари ишлаб чиқилган ҳолда аниқланади. Аммо, охириги жараён мураккаб бўлиб, у бўйича аниқлик даражаси етарли бўлмайди. Масалан, "истеъмол ҳажми", "ялпи сотиш ва реализациядан тушган ялпи тушум", "алкоголь маҳсулотларнинг реализацияси" шу каби кўрсаткичлар бир неча солиқлар учун солиқ базаси сифатида мезон қилиб олинishi мумкин. Ушбу ёндошувнинг

ўзига хослиги шундаки, мазкур кўрсаткичлар учун маълумотлар давлатга қарашли бўлмаган мустақил манбалардан олинishi талаб қилинади.

*Тўртинчи босқич:* Ҳар бир солиқ базаси учун репрезентатив (ўртача) солиққа тортиш ставкаси аниқланади. Яъни бу босқичда аввалги босқичда аниқланган солиқ базаларига мос ҳолда ўртача солиқ ставкаларини аниқлашда бюджетларга келиб тушган солқи турлари бўйича ҳақиқий солиқ тушумларидан фойдаланилади ва ўртача тортилган солиқ ставкалари аниқланади. Бунинг учун ҳар бир солиқ компонентлари бўйича барча штатларнинг даромадлари аниқланиб, ушбу солиқ компонентлари бўйича солиқ тушумлари ҳажмига бўлинади ва шу тартибда тегишли даромадлар ва солиқ объектлари бўйича ўртача солиқ ставкалари аниқлаб чиқилади. Ушбу ўртача тортилган солиқ ставкалари мамлакат бўйича репрезентатив солиқ тизимининг хусусиятини ҳам кўрсатиб беради.

*Бешинчи босқич:* Ҳар бир штат бўйича солиқ салоҳияти ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Ушбу охириги босқичда ҳар бир штат кесимида уларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун ҳар бир солиқ компонентлари бўйича ўртача солиқ ставкаси уларга мос ҳолда стандарт(норматив) солиқ базаларига кўпайтирилади ва тегишли штатлар кесимида аниқлаб чиқилади. Ҳисоблаш ишлари кетма-кет шаклда ҳар бир солиқ тури компонентлари бўйича амалга оширилади.

АҚШ солиққа тортиш тизими тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, солиқ салоҳиятини аниқлашнинг мазкур методи амалиётда ўзини анча оқлаган бўлиб, унинг камчилиги сифатида у анчайин мураккаб бўлиб, жуда кўплаб ахборотлар ҳажми ва манбаини, мураккаб ҳисоб-китобларни талаб қилади.

Канада давлатининг солиқ тизимининг тузилиши ва унда солиқ салоҳиятини аниқлаш механизмлари АҚШ сингари меҳнат сиғимли ва мураккаб жараёндан иборат. Канада давлати ҳам бюджет тизими тузилиши федерал характерда бўлиб, у федерал, ҳудудий ва маҳаллий бўгинлардан иборат. Канадада солиқ салоҳияти ва бюджет трансфертлари конунчилик асосида 5 йилга мўлжалланиб аниқланади, стандарт салоҳият кўрсаткичлари эса йиллик асосда ишлаб чиқилади. Бу ерда ҳам ҳисоб-китоблар бир неча босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда эса ҳар бир ҳудуднинг солиқ салоҳияти уларнинг даромадлари асосида жон бошига нисбатан аниқланади. Кейинги босқичда эса "стандарт" жон бошига тўғри келадиган солиқ салоҳияти ўртача даромадли ҳудудлар кесимида яъни, (Квебек (Québec), Онтарио (Ontario), Манитоба (Manitoba), Саскатчеван (Saskatchewan), Британия Колумбия (British Columbia)) ҳудудлар бўйича аниқланади. Бюджет салоҳияти ҳам ушбу 5 та ҳудуд бўйича ўртача стандарт бўйича аниқланади. Ҳудудлар ушбу стандарт мезонлар бўйича

жон бошига тўғри келадиган даромаддан паст бўлса, бюджетдан трансферт олади, аксинча ҳолатда эса олмайди. Канадада ҳам солиқ салоҳиятини аниқлаш репрезентатив солиқ тизими асосида баҳоланади ва унга 33 та солиқ ва солиқсиз тўловлар бўйича маълумотлар тизимлаштирилади. Солиқ салоҳиятини аниқлашдаги асосий муаммолардан бири бу ҳар бир даромад манбаи бўйича қайси солиқ базасидан фойдаланиш масаласидир. Бу борадаги энг кўп муаммо жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича юзага келади. Бу ерда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи мол-мулкнинг баланс(умумий) қиймати бўйича ундирилади.

Худудларда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғининг базаси сифатида баланс қиймат олинсада, аммо, худуднинг солиқ салоҳиятини аниқлаётганда аҳолининг даромади даражаси ва шахар аҳолисининг сонига қараб аниқлаш механизмларидан ҳам фойдаланилади. Бу ерда муаммо шундан иборатки, мол-мулкнинг қийматини аниқлашда мулкнинг қиймати эмас, балки, бундай объектларни аҳоли томонидан сотиб олиниши имкониятлари жиҳатидан баҳоланади. Агар худудда бундай солиқ сиёсатини юритадиган бўлса, аҳоли бундай худудлардан мулк сотиб олишга интилишмайди ва мулкнинг қиймати тшиб кетади, бошқа томондан эса федерал бюджетдан бундай шароитда компенсация тўловлари ажратилмайди. Шунингдек, солиқ салоҳиятини аниқлашдаги яна муаммолардан бири шундан иборатки, репрезентатив солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлаш методи барча даромадларни қамраб олиши лозим. Агар Канадада 1957 йилдан бошлаб солиқ салоҳиятини аниқлаш мақсадида уч солиқ тури-жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғидан фойдаланган бўлса, ҳозирги кнда 33 та солиқ ва солиқсиз тўловлар бўйича даромад манбаларини аниқлаш керак бўладики, бир қатор худудларда бундай солиқларда буни аниқлаш мушкул, сабаби бундай турдаги даромад манбаларига эга эмас, ўз навбатида эса худудлар ўртасида солиқ салоҳиятини мутаносиб аниқлашни қийинлаштириб юборади.

Канадада репрезентатив солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлаш методи барча худудларда қўлланилмайди, асосан 2/3 қисми худудларда қўлланилиб, бир қатор худудларнинг жуғрофий жойлашуви ва тарихий аспектлар бу худудларда етарлича даромад манбаларига эга эмаслар. Канадада худудлар ва уларга тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасидаги бюджетлараро муносабатларни тартибга солишад уларга қонун асосида жуда эркинлик берилган, шу боисдан солиқ салоҳиятини аниқлашнинг қайд этилган методларидан маҳаллий бюджетларнинг солиқ салоҳиятини аниқлашда ҳам кенг фойдаланилади.

Франция давлат тузилиши бўйича унитар давлат бўлиб, бюджет тизими марказий(давлат) бюджети ҳамда уч поғонали ўзаро мустақил

маҳаллий(худудлар бюджети, департаментлар ва коммуналар бюджети) бюджетдан иборат. Францияда солиқ салоҳиятини аниқлаш қонун билан ўрнатилган методика коммуна ва департаментлар даражасида мақсадсиз молиявий ёрдам қисми бўлган дотацияни (La Dotation Globale de Fonctionnement (DGF)) тақсимлаш мақсадида аниқланади. Францияда гарчи 40 дан ортиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимлар мавжуд бўлсада, бироқ, солиқ салоҳияти асосан маҳаллий бюджетлар даромадларининг 80%дан ортиқроқ қисмини таъминлайдиган учта солиқ тури: иморат қурилганлик учун солиқ(foncier bâti), иморат қурилмаганлик учун солиқ (foncier non bâti) ҳамда уй-жой солиқ(taxe d'habitation)лар бўйича аниқланади. Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш учун ҳар бир солиқ тури солиқ базасига ушбу солиқлар бўйича мамлакат бўйича ўртача солиқ ставкасига кўпайтириш орқали аниқланади. Шу жиҳатдан олганда Францияда солиқ салоҳиятини аниқлаш механизмлари ва жараёни бошқа давлатларга қараганда анча содда тартибга эга.

Буюк Британия тузилиши жиҳатдан унитар давлат бўлиб, унинг бюджет тизими тузилиши икки поғонадан марказий(давлат) ва маҳаллий(маҳаллий бюджетлар ҳам бир ёки икки поғонали бўлиши мумкин) бюджетлардан иборат. Буюк Британияда солиқ салоҳияти даромадларни сақлаш(ушлаб туриш) мақсадсиз грантини (Revenue Support Grant) тақсимлаш жараёнида муниципал бўғинларнинг даромадларини баҳолаш мақсадида аниқланади. Буюк Британияда (Шимолий Ирландиядан ташқари) маҳаллий ҳокимият асосан икки хил маҳаллий солиқ- нотурар жойлар учун солиқ(business rate) ва уй-жойлар учун солиқ (council tax)ларни ундириши мумкин. Шу билан биргаликда корхоналардан олинadиган ягона солиқ маҳаллий ҳокимлик томонидан жорий қилинсада, аммо солиқ тушуми маҳаллий бюджетларга қолдирилмайди ва ушбу солиқ бўйича тушумлар "умумий фонд"га тушади. "Умумий фонд" маблағлари эса ҳукумат томонидан аҳоли сони даражасига қараб уни маҳаллий ҳокимлар ўртасида тақсимлайди. Муниципал даражадаги солиқ салоҳияти иккита кўрсаткич: нотурар жойлар учун солиқ бўйича солиқ тушумлари ҳажми ва уй-жойлар учун солиқ бўйича барча бўғиндаги муниципал худудлар учун стандарт солиқ ставкаларидан келиб чиқиб аниқланади.

Солиқ салоҳиятини аниқлашда ҳақиқий солиқ ставкаси, ҳақиқий солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичлари эътиборга олинмайди. Уй-жойлар учун солиқ тури бўйича ҳақиқий солиқ тушумлари ўртача даражадан юқори ёки кам бўлиши мумкин ва бу кўрсаткич юқоридан қўшимча маблағ олишга таъсир қилмайди. Бироқ, нотурар жойлар учун солиқ бўйича ҳақиқий тушумлар прогноз кўрсаткичларидан юқори ёки кам бўлса, у холда(грант) юқоридан берилadиган маблағлар ана шу фарқларга(ортган ёки кам қисмига) қайтадан ҳисоб-китоб қилинади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Буюк

Британияда солиқ салоҳияти амалда уй-жойлар учун солиқ турига асосланиб аниқланади. Солиқ салоҳияти ягона солиқ базаси ва ягона солиқ ставкаси ва йиғилувчанлик кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда аниқланади ва шу жиҳатдан мазкур давлатнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш метод ва механизмлари унчалик мураккаб саналмайди.

Швеция давлати ҳам Франция, Буюк Британия давлатлари каби унитар давлат бўлганлиги туфайли унинг бюджет тузилиши ва солиқ тизими ҳам давлат тузилишига боғлиқдир. Унинг бюджет тизими марказий(давлат) ва икки поғонадан иборат мустақил маҳаллий бюджетлардан иборат. Маҳаллий бюджетнинг ўзи эса ландстинг ерлари бюджети ва коммуна бюджетларидан иборат бўлади. Шу жиҳатдан ҳам Швеция бюджетининг асосий даромад манбаси бу ландстинг ва коммуналар, яъни бу ердаги жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисобланади. Солиқ салоҳияти ҳам шу боисдан айнан ушбу солиқ тури бўйича ландстинг ва коммуналар учун алоҳида-алоҳида шаклда ягона қонуний метод асосида аниқланади ва ушбу метод асосида бюджет трансфертлари ҳам тақсимланади ва бири-бирига тенглаштирилади. Солиқ салоҳиятини аниқлашда жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг ўртача солиқ ставкаси ва солиқ йиғилувчанлиги даражасидан келиб чиқиб аниқланади. Ҳақиқий солиқ салоҳияти эса солиққа тортиш базасига мутаносиб бўлади. Ландситинг ва коммуналарнинг солиқ салоҳияти аҳоли жон бошига ўртача даражадан паст бўлса, юқори бюджетдан маблағ олади агар, ортиқча бўлса, у ҳолда улардан ортиқча сўммага тенг равишда юқори бюджетга олинади. Мутахассисларнинг фикрича Швецияда солиқ салоҳиятини аниқлаш методи ва механизмлари бошқа давлатларга қараганда анча содда ва қулай ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки мазкур давлатда қўлланилган метод қулай ва содда бўлганлиги сабабли Данияда ҳам солиқ салоҳиятини аниқлаш жисмоний шахсларнинг даромад солиғи базаси(мезони) асосида амалга оширилади ва унинг механизми ҳам Швеция давлатига тажрибасига жуда ўхшайди.

Россияда солиқ салоҳияти, солиқларни режалаштириш ва солиқларни прогноз қилиш борасидаги жараёнларни мувофиқлаштириш мақсадида 1999-2000 йилларда Россия Федерал солиқ хизмати томонидан ишлаб чиқилган ва 2001 йилдан бошлаб фойдаланиб келинаётган Россия Федерацияси субъектининг "Солиқ паспорти" амалиётга жорий этилган. Унинг ишлаб чиқилиши билан солиқлар ва йиғимларни федерал бюджетга жалб қилиш бўйича индикатив (назорат) кўрсаткичларини тавсифлашга асос бўлади.

Солиқ паспорти бу – солиқ салоҳиятининг комплексли тавсифномаси келтирилган ҳужжатдир. Унда минтақанинг мавжуд солиқ базасига баҳо берилади, солиқлар таркибий қисми умуман ва солиқ турлари бўйича динамикаси аниқланади, бу эса амалдаги солиқ қонунчилиги шароитларида

ҳам, унинг эҳтимолий ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ҳам истиқболда солиқлар ва йиғимлар тушумини прогноз қилишга имкон беради.

Солиқ паспорти минтақанинг умумий тавсифномасидан иборат бўлган солиқ базасини ҳисоб-китоб қилишнинг энг муҳим позициялари бўйича зарур кўрсаткичлар, ва солиқ базасини ҳисоб-китоб қилиш учун кўрсаткичлар, иқтисодиёт тармоқлари бўйича солиқлар ва йиғимлар структураси ва ҳажми кўрсаткичлари, улар бўйича қарзлар, олинмай қолинадиган даромад, шунингдек, молия-кредит муассасалари тармоқлари тавсифномаси билан кўрсаткичлар ва уларнинг бюджет тизимига солиқлар ва йиғимларни ўтказиш бўйича агентлик функцияларини бажариш кўрсаткичлари тўлиқ тўпламини акс эттирадиган 7 бўлимдан иборат.

Солиқ паспортининг ҳар бир бўлими фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими уларнинг динамикасини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, бу минтақанинг солиқ тавсифномаси, ҳар бир кўрсаткични аниқлаш методлари ва манбаларига таъсир этувчи алоҳида омиллар аҳамияти ва тенденцияларини аниқлаш имконини беради (тўғридан-тўғри статистик ёки солиқ ҳисоботи маълумотлари ёки ҳисоб-китоб). Тақдим этилган солиқ имтиёзлари қўламини энг тўлиқ ҳисобга олиш учун Паспортда минтақада солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашда ўзига хос тартиб қўлланадиган махсус солиқ режимига эга ҳудудлар мавжудлиги ҳақида ахборот алоҳида тақдим этилади.

Солиқ тўловлари муддатини кечиктириш ва бошқа шаклда ўзгартиришларни тақдим этишнинг сонининг кўплиги, федерал бюджетга тушувчи ҚҚС миқдорини қоплаш ва бу билан боғлиқ бюджет йўқотишларини режалаштириш жараёнида ҳисобга олиш учун Паспортда «Олинмай қоладиган даромадлар» махсус бўлими кўзда тутилган. Олинмай қоладиган даромадларни ҳисобга олиш мақсадида банклар ва бошқа кредит муассасалари томонидан солиқ тўловчиларнинг тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлаш бўйича топшириқларини бажаришдаги кўп сонли ушланиб қолишларни эътиборга олиб "Солиқ паспорти"нинг махсус бўлимида бундай турдаги муассасалар сонини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ажратиб кўрсатилган. Олинмай қоладиган даромадларни таҳлил қилиш ва оптималлаштириш солиқ тушумларини режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг сифатини оширишга, солиқларнинг бюджетга жалб қилиниш даражасини ошириш ва бюджет тизимининг даромадлар қисмини тўлдиришга имкон беради. Минтақанинг солиқ салоҳиятини, ишлаб чиқарувчиларга тўғри келадиган солиқ юқини баҳолаш ва солиқ тушумларини режалаштиришда уларни ҳисобга олиш учун "Солиқ паспорти"да ҳисоблаб чиқилган ва амалда келиб тушган солиқлар ва йиғимлар ҳажми, улар бўйича мустақил бўлимларга ажратилган қарзлар ҳажми кўрсаткичлари алоҳида эътиборга олинган.

Бундай ахборот ялпи минтақавий маҳсулотга нисбатан (ҳисоблаб чиқиш бўйича ҳам, амалдаги келиб тушиш бўйича ҳам) солиқ юки ва солиқ тушумлари даражасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, минтақалар умумий даромадини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва солиқ салоҳиятини ва Россия Федерацияси бўйича мос келувчи кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш учун асос яратади, минтақаларнинг иқтисодий ўсиш имкониятларини ва солиқ тушумларининг мос келувчи ўсишини акс эттиради ҳамда бюджетларни ўз вақтида ва асосли тузишда, шунингдек, бюджетларнинг таъминланганлигини тенглаштириш мақсадида турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш йўлларини аниқлаш учун муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, минтақа "Солиқ паспорти"дан фойдаланиш бюджетлараро муносабатлар тизимига маълум бир аниқлик киритади. У қатнашчилар учун очик ва «шаффоф»га айланади. Бюджетлараро муносабатлар тамойилларини амалга ошириш учун ҳуқуқий база ва нормативлар янада асосланган тизимини шакллантириш учун динамик ривожланаётган ахборот-таҳлилий база яратилади.

Россия шароитларида, минтақавий бюджетлар даромадларининг асосий манбаси бўлиб федерал солиқлардан ажратмалар хизмат қилади, қолган солиқларнинг сезиларли қисми базаси асосан федерал қонунлар билан белгиланадиган бир пайтда РСТ методини қўллаш анча енгиллашади. Бунда минтақаларнинг салоҳият солиққа тортиладиган ресурслар ҳисоб-китобга киритиладиган солиқ базаларини танлаш (солиқ тушумлари турлари сони) масаласигина ҳал этилиши зарур. Россия Федерацияси бюджет тизими учун солиқларнинг аҳамияти турлича эканлигини ҳисобга олиб, айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, фойда солиғи, қўшилган қиймат, акциз солиғи, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ва фойдали қазилмалар учун солиқ ва корхоналар мулк солиғи билан чекланиш мақсадга мувофиқ.<sup>130</sup>

Келгусида, бюджетлараро муносабатларининг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг кўтарилиши ва солиқ базаларининг кенгайиши билан иқтисодиётнинг турли секторларидан солиқ тушумлари уларнинг солиқ салоҳиятига мос келиши муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этиб боради. Репрезентатив солиқ тизими методи "тор маънода" - уларнинг реал имкониятлари ва солиқ базаларини шакллантириш мавжуд амалиётини ҳисобга олган ҳолда минтақалар солиқ ресурсларини ҳисоб-китоб қилиш учун солиқ салоҳиятини аниқлаш учун қўлланиши мумкин.

<sup>130</sup> Коростелкина И.А. Комплексная оценка налогового потенциала региона. Управленческий учет, (2013), 3 (март), 47-56 с.

## 6.5. Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлаш механизмига концептуал ёндошув

Солиқ салоҳияти бюджетни режалаштириш жараёнида катта аҳамиятга эга. Чунки, солиқ салоҳиятини тўғри баҳолаш солиқ тушумларини аниқроқ тарзда прогноз қилишга имкон яратади. Юқорида кўриб ўтилганидек, Республикамиз бюджет-солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг ягона методи бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган, ваҳоланки, бюджетнинг солиқли даромадларини режалаштиришда ҳам бу жараён унчалик эътиборга олинмайди. Аммо, солиқ хизмати органларида солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёни аниқ расмий қабул қилинган методлар асосида амалга ошираладики, ушбу методларда ҳам солиқ салоҳиятини баҳолаш механизмлари унчалик эътиборга олинмаган. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналишида таҳсил олаётган талабалар келгусида солиқ хизмати органларида фаолият кўрсатишларида солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнида албатта ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлашга дуч келади ва уни аниқлаш(баҳолаш) тартибларини билиши уларнинг касбий савиясини янада оширади. Ушбуларни эътиборга олиб қуйида Республикамиз иқтисодиётида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг айрим концептуал ёндошувларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу концептуал ёндошувлар кўпроқ илмий ёндошув бўлиб, уни танқидий қабул қилиш ва янада такомиллаштириш мумкин.

Солиқ салоҳиятини аввало миллий иқтисодиёт даражасида аниқлаш муҳим бўлади. Солиқ салоҳиятни миллий иқтисодиёт доирасидаги ҳажмини аниқлаш учун эса қуйидаги формулани таклиф этилади:

$$\text{Умумий}_{\text{СП}} = ((\text{ЯИМ}) - (\text{ЯИМ}_{\text{СТМ}}) * (\text{ЯИМ}_{\text{ЎК}}) * (\text{ЎСС})) \quad (1),$$

Бу ерда: ЯИМ-ялпи ички маҳсулот;

ЯИМ<sub>СТМ</sub>-ЯИМнинг солиққа тортилмайдиган қисми;

ЯИМ<sub>ЎК</sub>-ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициенти;

ЎСС- ўртача солиқ ставкаси.

$$\text{Ўз навбатида } \text{ЯИМ}_{\text{СТМ}} = \text{ЯИМ} - \text{СИ} - \text{СҚ} - \text{ДСТ} \quad (2),$$

Бу ерда: СИ-солиқ қонунчилиги бўйича берилган солиқ имтиёзлари сўммаси;

СҚ-солиқ тўловчилар томонидан бюджетга солиқ тўловлари бўйича

жами қарзорлик сўммаси;

ДСТ-турли хил сабабларга кўра баҳсли тарздаги ундирилмаган солиқ сўммалари ҳажми.

Мазкур ёндошувнинг моҳияти шундан иборатки, бошқа муаллифларнинг солиқ салоҳиятининг асосий манбаи ЯИМ эканлигини қўллаб-қувватлаган

ҳолда миллий иқтисодиёт доирасидаги солиқ салоҳиятини ЯИМнинг асосий қисмидан ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Албатта ЯИМнинг солиққа тортилмайдиган қисмини аниқлашда Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили мониторинг тарзда ҳисоблаб бориладиган берилган солиқ имтиёзлари сўммаси, солиқ тўловчилар томонидан ҳисоблаб қўйилган аммо, тўланмаган қарздорлик сўммаси, шунингдек, солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни ундириш борасидаги солиқ қонунчилиги нормаларини турлича талқин этилиши оқибатида судларда қўрилаётган ишлар ҳажмидаги солиқ сўммаларини осон аниқлаш имкони мавжуд, чунки, бундай сўммаларнинг аниқ ҳажми таъкидлаганимиздек солиқ хизмати органларида мавжуд бўлади.

Ўртача солиқ ставкаси ва ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициентларини эса камида 5 йиллик кўрсаткичларга асосланиш керак бўлади. ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициентлари кўрсаткичи эса Давлат статистика қўмитаси томондан ҳар йили аниқлаб борилади. Ўртача солиқ ставкасини эса жаҳон амалиётида қўлланганидек, барча солиқлар бўйича солиқ тушумлари сўммасини ушбу солиқларнинг солиқ базаларига нисбати сифатида аниқлаш мумкин. Бу методнинг афзаллиги шундаки, унда қўлланиладиган аксарият кўрсаткичлар доим тегишли органлар(солиқ қўмитаси ва статистика қўмитаси) томонидан ҳисоблаб борилади ва улар асосида солиқ салоҳиятини тез ҳисоблаш мумкин. Шу билан биргаликда бу ерда мураккаблик шундан иборат бўладики, ўртача солиқ ставкасини аниқлашда зарур бўладиган жами солиқ базалари сўммасини аниқлаш солиқ хизмати органлари мутахассислари томонидан малакали тарзда ҳисоблаб чиқиш талаб этилади акс ҳолда эса солиқ салоҳиятини аниқлашга салбий таъсир этиб қолиши мумкин.

Шунга қарамадан умумий солиқ базаси сўммасини жами солиқ тушумларининг ўртача солиқ ставкасига нисбати сифатида ҳам олиш мумкин. Келтирилган ушбу методнинг моҳиятига соф математик тарзда ёндошиш керак эмас, солиқ солиқ салоҳиятини ҳажмини кўпайтириш учун солиқ имтиёзлари сонини қисқартириш шарт бўлмайди. Бунга бошқача ёндошиш керак бўлади, яъни солиқ имтиёзларининг самарадорлик кўрсаткичларини доимий мониторинг қилиш асосида солиқ тўловчилар томонидан суистеъмол қилинган ва иқтисодиётга самара бермаётган солиқ имтиёзларини қисқартириш лозим бўлади ва албатта баҳсли тарздаги ундирилмай қолинаётган(амалиётда бундай баҳсли жараёнлар йиллаб чўзилиб кетиш ҳоллари ҳам мавжуд) солиқ сўммаларини камайтириш зарур. Бунинг учун эса солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти ва солиқ қонунчилиги борасидаги билимларини ошириш лозим бўлади.

Миллий иқтисодиёт даражасида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг бошқача метод билан ҳам ҳисоблаш мумкин. Мазкур метод реал солиқ салоҳиятини аниқлашга хизмат қилади. Яъни:

$$РСП=(ЯИМ*СЮ_{ур})-(ДБИХ)-(БИ)-(БТ)-(СҚ)-(СИ) (3),$$

Бу ерда:

РСП -реал солиқ салоҳияти;

СЮ<sub>ур</sub>- ўртача солиқ юки даражаси(%да);

ДБИХ-давлат бюджетидан бюджет ташкилоти ходимларига ажратилган иш ҳақи харажатлари;

БИ-бюджетдан қилинган марказлаштирилган инвестицияларга қилинган харажатлар;

БТ-бюджетдан юридик ва жисмоний шахсларга берилган трансферт тўловлар сўммаси;

СҚ-солиқ тўловчилар томонидан солиқ қарздорлиги сўммаси;

СИ-солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари сўммаси.

Умумий тартибда ЯИМдаги солиқ юкининг улуши аслида солиқ салоҳиятини маълум даражада(номинал солиқ салоҳияти) кўрсатади. Аммо, уни маълум бир кўрсаткичларга қорриктировка(қайта тузатиш) қилиш унинг реал ҳажмини кўрсатади. Номинал солиқ юкидан реал солиқ юкини ажратиб олиш учун ундан давлат бюджетидан бюджет ташкилоти ходимларига ажратилган иш ҳақи харажатлари, бюджетдан қилинган марказлаштирилган инвестицияларга қилинган харажатлар, бюджетдан юридик ва жисмоний шахсларга берилган трансферт тўловлар сўммаси, солиқ тўловчилар томонидан солиқ қарздорлиги сўммаси, солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари сўммасини ажратиб ташлаш лозим бўлади. Бу ерда яна шу нарсага ҳам эътибор бериш керакки, бюджетдан қилинадиган трансферт тўловлари маҳаллий бюджетларга ҳам тегишли бўлиб, уни чегириш мақсадга мувофиқ эмас, сабаби улар солиқ салоҳиятининг таркибига қирмайди, аммо иш ҳақи қилинган харажатлар эса уни олувчиларнинг даромадларини кўпайтиради ва улар албатта солиқ салоҳияти ҳисобланади. Реал солиқ салоҳиятини аниқлаш давлат бюджетидан қилинадиган харажатларни режалаштиришда аниқ ҳолатни кўрсатиб беради. Солиқ қарздорлигини ҳам эътиборга олишнинг зарурлиги шундаки, ушбу сўммаларнинг умумий тенденцияси уларга мувофиқ равишда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширмасликни ифодалайди, яъни уларни эътиборга олмаслик бюджетдан молиялаштиришда муаммолар келтириб чиқаради. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур методга зарур бўладиган кўрсаткичлар камида 5 йиллик даврни қамраб олиши зарур бўлади.

Миллий иқтисодиёт даражасида солиқ салоҳияти ҳажмини аниқроқ аниқлаш учун эса унинг ялпи кўрсаткичларини аниқлаш етарли бўлмайди.

Бунинг учун эса худудий, тармоқ ва корхоналар доирасидаги солиқ салоҳиятини аниқлашни тақозо этади. Худудларнинг солиқ салоҳияти аввало уларнинг солиқ ресурсларига боғлиқ бўлади. Таъкидлаш керакки солиқ ресурслари солиқ салоҳиятидан кенгрок ҳажмда бўлади ва ўз ичига солиқ салоҳиятини ҳам олади. Шу боисдан худудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлашда солиқ ресурсларидан келиб чиқиш зарур бўлади:

$$\text{ХСП} = \text{ХСР} * \text{ЎСС} * \text{ЯИМЎк.} \quad (4),$$

Бу ерда: ХСП-худуднинг солиқ салоҳияти;

ХСР-худуднинг солиқ ресурслари;

ЯИМЎк- ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициенти.

Ўз навбатида ХСРнинг ҳажми ялпи худудий маҳсулотга худудда жойлашган солиқ тўловчилар томонидан юқори бюджетга тўланган умумдавлат солиқлари сўммасининг чегирилгани ва юқори бюджетдан худудда жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга берилган барча турдаги трансферт тўловлари ҳажми сўммасининг қўшилгани натижаси сифатида аниқланади, яъни:

$$\text{ХСР} = \text{ХЯМ} - (\text{УДС}) + (\text{ТТ}) \quad (5),$$

Бу ерда: ХЯМ - худудий ялпи маҳсулот;

УДС- юқори бюджетга ўтказилган умумдавлат солиқлари

ТТ-юқори бюджетдан худуддаги юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги трансферт тўловлари.

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, худуднинг солиқ салоҳиятини аниқлашда унга таркибий жиҳатдан ёндошилади. Юқори бюджетга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари гарчи худуддаги солиқ тўловчиларнинг молиявий ресурси бўлсада, аммо бу ерда худудий ёндошув бўлганлиги туфайли уни чиқариб ташлаб лозим бўлади. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, худудий солиқ салоҳиятини аниқлашдан яна бир мақсад бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда худудларнинг ҳақиқий имкониятларини аниқлаш керак бўлади. Мазкур метод эса худудга нисбатан давлатнинг бюджет сиёсатининг йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Ўз навбатида эса охири беш йил давомида худуд маҳаллий бюджети ва унда жойлашган корхона ва аҳолига юқори бюджетдан берилган трансферт тўловларини солиқ ресурслари таркибида ҳисобга олиш керак бўлади. Сабаби бу маблағлар трансферт тўловини олувчиларнинг даромадлари манбаи сифатида худуднинг молиявий ресурсларини кўпайтиради.

Мазкур жараёнда яна муҳим нарсаси миллий иқтисодиёт даражасида инфляция даражасини эътиборга олишдир. Чунки, солиқ ресурслари ва салоҳияти аслида номинал ялпи худудий маҳсулотга нисбатан ҳисобланади, демакки, инфляциянинг ўртача даражаси эса солиқ салоҳиятининг ҳажмини

оширади, шу жиҳатдан юқорида келтирилган (5) формуламиз куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{ХСР} = (\text{ХЯМ} - (\text{УДС}) + (\text{ТТ})) * \text{ИД} \quad (6).$$

Бу ерда: ИД-миллий иқтисодиётда инфляциянинг ўртача 5 йиллик даражаси(коэффициентда).

Ушбу метод орқали худудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлашда зарур бўладиган ахборот манбалари худудий статистик бошқармаси, молия бошқармаси ҳамда солиқ хизмати органларининг кўрсаткичлари ҳисобланади ва тегишли кўрсаткичларни аниқлаш учун маълумотлар эса айтиб ўтилган органларнинг фаолиятида доимий ҳисоблаб ва мониторинг қилиб борилади.

Корхоналар доирасида солиқ салоҳиятини аниқлаш солиқ салоҳиятини аниқлашнинг энг муҳим зарурий шarti ва мураккаб бўғинидир. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни содир бўлади, фойда шаклланади, қўшилган қиймат асосан корхона кесимида юзага келадики, булар солиқ салоҳиятининг барча даражалари учун муҳим манба ҳисобланади. Аммо корхона доирасида солиқ салоҳиятини аниқлаш миллий ва худудий даражадан фарқли равишда анчайин қийин жараёндир. Чунки, корхонадаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига жуда кўп омиллар таъсир қилади, улар эса корхонанинг молиявий фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир қилади.

Корхоналар доирасида солиқ салоҳиятини аниқлаш куйидаги икки методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчи методнинг моҳияти шундаки, у корхонанинг молиявий кўрсаткичларининг корхонага келиши ва чиқиб кетишига асосланади, яъни:

$$\text{КСП} = \text{ЯТ} + \text{БТ} + \text{ДММ} + \text{ТМ} - \text{СҚ} - \text{ДҚ} \quad (7),$$

Бу ерда:

КСП- корхонанинг солиқ салоҳияти;

ЯТ-ялпи тушум(даромад) ҳажми;

БТ-бюджетдан олинган молиявий ёрдам(қайтарилмайдиган) ҳажми;

ДММ-даъво муддати ўтган ва корхонага балансига қабул қилиш мумкин бўлган маблағлар ҳажми;

ТМ-юқори ташкилот ёки давлат томонидан текинга берилган мол-мулк ва номоддий қийматликлар;

СҚ-солиқ қарздорлиги сўммаси;

ДҚ-шубҳали(дебитор) қарзлар сўммаси.

Формуладан кўринадики, бюджетдан олинган молиявий ёрдам(қайтарилмайдиган) ҳажми, даъво муддати ўтган ва корхонага балансига қабул қилиш мумкин бўлган маблағлар ҳажми, ташкилот ёки давлат томонидан текинга берилган мол-мулк ва номоддий қийматликлар ва шубҳали(дебитор) қарзлар сўммаси доимий юзага келадиган молиявий ресурслар бўлмасада, аммо

улар аксарият корхоналар(бюджетдан олинган молиявий ёрдамдан ташқари) фаолиятда учрайди, ва уларни худудлар ва бутунича иктисодиёт доирасида оладиган бўлса, умумий ёки худуднинг солиқ салоҳиятини аниқлашда сезиларли таъсирга эга. Шу билан биргаликда корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўртасидаги тафовутнинг домий ёки онда-сонда вужудга келиши тенденциясини ҳам эътиборга олиш лозим. Агар, бундай тафовут кредиторлик қарзларининг кўплиги туфайли вужудга келиб, у домий характерга эга бўлиб қолган бўлса, албатта ана шу сўмма ҳажмига корхонанинг солиқ салоҳияти камайтириш деган хулосага келиш мумкин.

Корхоналарнинг солиқ салоҳиятини аниқлашнинг кейинги методи сифатида солиқ базасига асосланган ҳолда солиқ салоҳиятини баҳолашнинг куйидаги механизмини келтирлади:

$$КСП = \sum СБ * \dot{УСС} * \dot{УИД} * (\pm ТК) \quad (8).$$

Бу ерда:

$\sum СБ$ -корхона тўлайдиган барча солиқлар ва мажбурий тўловларнинг солиқ базаси ҳажми(сўмда);

$\dot{УСС}$ -корхонага нисбатан ўртача солиқ ставкаси(фоизда);

$\dot{УИД}$ -ўртача инфляция даражаси(коэффициентда).

ТК-тузатувчи коэффициент.

Ушбу метод ҳар бир корхонанинг солиқ салоҳиятини аниқлашга мўлжалланган бўлиб, унда корхона ҳисобчиси томонидан бюджетга ҳисобланган ва тўланган солиқларнинг солиқ базасига асосланади. Корхона томонидан тўланадиган ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базасини корхона ҳисобчиси томонидан тегишли бухгалтерия ҳисобварақлари маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқиш мумкин. Ушбу методда энг муҳим жараён солиқ базасини тўғри аниқлаш ҳамда тузатувчи коэффициентларни қўллаш ҳисобланади. Ушбу тузатувчи коэффициентлар камайтирувчи ва оширувчи характерда бўлиши мумкин. Агар корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми охириги уч ёки беш йилда камайтириш тенденциясига эга бўлса, у коэффициентларда(аввалги йилларга нисбатан) ҳисобланиб, солиқ салоҳияти натижасига кўпайтирилади, агар ишлаб чиқариш жараёнида ўсиш бўлса тескари ҳолат қўлланилади.

Ушбу метод корхонанинг аниқ, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланганлиги туфайли у анча ишончли натижаларни берадики, солиқ хизмати органлари томонидан ҳеч бўлмаганда йирик ва "донор" корхоналарнинг фаолиятини уларнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил этиш ва солиқ салоҳиятини ҳисоблаб бориш худуднинг солиқ салоҳиятини тўғри баҳолашга ҳамда солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичларини объектив аниқлашга имкон яратади. Шу билан биргаликда мазкур метод асосида

аниқланган натижалар корхона бошқаруви учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Солиқ салоҳиятини тадқиқ қилишда унинг солиқ юки даражаси билан боғлиқлиги даражасини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Солиқ салоҳияти ва солиқ юки даражаси ўртасидаги боғлиқлик солиқ салоҳиятининг солиқ прогнози билан боғлиқлигига ўхшаш, яъни улар бир бирига ўзаро акс таъсирда бўлади. Солиқ салоҳиятини тўғри аниқлаш ва унинг тактик ва стратегик йўналишларини белгилаб олиш ўз навбатида давлатнинг солиқ юки борасидаги сиёсатининг тактик ва стратегик йўналишларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўз навбатида солиқ юкининг ўзини таҳлил қилиш ва унинг даражасини худудлар, тармоқлар, корхоналар, жисмоний шахслар ҳамда фаолият турлари бўйича таҳлили бошқа томондан уларнинг солиқ салоҳиятини ҳам маълум даражада баҳолайди ҳамда солиқ салоҳияти даражасига мос ҳолда(яъни солиқларнинг адолатлилик тамойили бузилмаган ҳолда) солиқ юкининг даражаси ўртасидаги мувофиқликни кўрсатиб беради, шу билан биргаликда эса табиий шароитлар, давлатнинг кўмаги натижасида солиқ салоҳияти ошган худудлар(тармоқ ва корхоналар)да солиқ юкининг даражасини ошириш солиқларнинг адолатлилик тамойилининг бузилмаслигини ҳам кўрсатиб беради.

Аммо, уларнинг фарқли жиҳатлари шундаки, солиқ салоҳиятини оширишда субъектив омилларга нисбатан объектив омилларнинг роли кўпроқ, солиқ юкида эса аксинча унинг даражаси асосан субъектив омилларга яъни давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатига кўпроқ боғлиқ бўлади. Демак, уларнинг даражасига омилларнинг таъсири турлича бўлиб, аммо уларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғридан тўғри мутоносибдир. Солиқ салоҳияти муаян объектда(миллий ва худуд, тармоқ, корхона) доирасида молиявий ресурсларни солиқ қонунчилиги асосида бюджетга жалб қилиниш имкониятларини кўрсатиб берса, солиқ юки эса солиқ салоҳияти асосида аниқланган молиқ ресурсларининг қанча қисмини бюджетга олинганлигининг ҳақиқий натижасини ифодалаб беради, яъни бу ерда солиқ юки солиқ салоҳиятининг амалий реализациясини кўрсатиб туради.

Таъкиданганларга асосланиб айтиш лозимки, солиқ юкини борасидаги солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда солиқ салоҳиятининг даражасини эътиборга олиш бир томондан солиқ сиёсатининг самарадорлигини кўрсатса, бошқа томондан солиқ салоҳиятларидан самарали фойдаланиш имконияти яратиб, солиқ тўловчилар ва бюджет ўртасидаги ўзаро манфаатларнинг кесишув чегараларини кискартиради.

## 6.6. Корхоналарда солиқларни режалаштириш

Аввалги бандларда таъкидлаб ўтганимиздек, солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқларни режалаштириш жараёнидан фарқли равишда микродаражада амал қилиши ҳудудларда маҳаллий бюджетларга солиқ тушумлари ва уларнинг потенциалини аниқлаш жараёнини камраб олади. Солиқларни режалаштириш эса микродаражада корхоналар, яън солиқ тўловчиларда улар зиммасига юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришнинг молиявий режаси-солиқларни режалаштириш шаклида намоён бўлади. Аксарият иқтисодчи олимлар солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг моҳиятини изоҳлашдаги ёндошувга эътибор бериладиган бўлса, уларни синоном категориялар бўлиб чиқади.

Айрим иқтисодчилар<sup>131</sup> эса солиқларни режалаштириш жараёнини корхоналарда солиқ қонунчилиги доирасида солиқлар бўйича харажатларни минималлаштириш ва корхонанинг молиявий натижасини максималлаштиришга қаратилган молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида изоҳлайдилар. Бу ерда солиқларни минималлаштириш деганда мавжуд қонунчиликдаги ўзагришларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд имтиёзлардан тўлақонли фойдаланиш, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошириш ҳисобига ортиқча жарималарни тўламаслик ҳисобига харажатларни камайтириш назарда тутилади. Шу боисдан ҳам солиқларни режалаштириш жараёнида харажатларни минималлаштиришни солиқларни тўлашдан қочиш, бўйин товлаш ёки солиқларни реал ҳажмдан кам тўлаш каби тушунча ва жараёнлардан фарқланади. Баъзи адабиётларда<sup>132</sup> эса солиқларни режалаштириш жараёнини корхоналарда бюджетлаштириш жараёни сифатида ҳам изоҳлашса баъзи иқтисодчилар<sup>133</sup> солиқларни бюджетлаштириш жараёнини эса солиқларни тўғри режалаштириш оқибатида иқтисод қилиб қолинган даромадлар ва солиқларни режалаштириш жараёни билан боғлиқ харажатлар(иш ҳақи, қўшимча тўловлар, солиқлар бўйича тўланган жарималар ва ш.к.)нинг солиштирма таҳлили сифатида қарайдилар.

<sup>131</sup> Қаранг: Разник Е.Д., Самсонова И.А. Р. ПРОГНОЗИРОВАНИЕ И ПЛАНИРОВАНИЕ В НАЛОГООБЛОЖЕНИИ: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. 3 с, Васильева М.В. Анализ эффективности управления финансовым результатом деятельности организаций в целях налогового планирования // *Управленческий учет*, (2009), 11 (ноябрь), 51-61, Киров А.В. Влияние налогового планирования на обеспечение финансовой устойчивости предприятия. *Финансы и бизнес*, (2009), 3 (осень), 152-153 с, Лепа Р.Н., Дзюба Б.П. Информационное обеспечение оперативного налогового планирования на предприятиях. *Налоги и финансовое право*, (2012), 3 (март), 208-209 с.

<sup>132</sup> Қаранг: Халезин : В. Ю. Формирование налогового бюджета.// «Планово-экономический отдел», 2012 год №1, 26-29 с, Блохин К.М. Технология формирования налогового бюджета организации.// "Финансовый менеджмент" 2006.№5, 12 с.


<sup>133</sup> Барулин. Е. А. Налоговое менеджмент. Учебник. "Финансы и статистика", 2009. 78-86 с.

Шунингдек, ушбу қайд этиб ўтилган адабиётларда корхона доирасида амалга оширишнинг методлари сифатида корхонанинг солиқ сиёсатини шакллантириш, корхонанинг иқтисодий-ҳуқуқий фаолиятини таҳлил қилиш, хўжалик муносабатларини алмаштириш, муносабатларни тақсимлаш, солиқ тўловларини кечиктириш, солиқ объектларини тўғри-тўғри қисқартириш ва шу каби методларни келтириб ўтади. Солиққа тортиш муаммолари билан шуғулланувчи россиялик иқтисодчи олим И. М. Александров ўзининг "Солиқлар ва солиққа тортиш" дарслигида эса корхоналарда солиқларни режалаштиришнинг тўрт босқичини кўрсатиб ўтади. Яъни, биринчи босқичда корхонанинг иқтисодий-ҳуқуқий шаклини ва фаолият турини танлаш, иккинчи босқичда корхонанинг солиқ тўлаш нуқтаи назардан қайси ҳудудда(масалан, оффшор ҳудуд, солиқ имтиёзлари камроқ берилган ҳудуд) жойлашганлиги ва уни таҳлили, учинчи босқичда турли хил шартномаларни тузиш, солиқ қонунчилигидаги солиқ имтиёзлари ва жавобгарлик чораларини таҳлил қилиб чиқиш ва охириги босқичда эса бозор талабларини ўрганган ҳолда корхонанинг молиявий ресурсларини жойлаштиришнинг схемаларини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидлайди.<sup>134</sup>

Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар, эркин иқтисодий фаолият кўрсатади. Улар ўзларининг молиявий сиёсатини ишлаб чиқади. Бу молиявий сиёсати таркибида эса солиқларни режалаштириш ҳам ўрин олади. Шу боисдан корхоналарда солиқларни режалаштириш механизмлари корхоналарнинг индивидуал ёндошувларига боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда куйида келтирилган солиқларни режалаштириш моделлари ҳам тавсия характерига эгадир. Агар, корхоналарда ушбу тартибда ўзларига юклатилган солиқ тўловларини режалаштириш ишларини ташкил қилса, корхонанинг молиявий бошқарув жараёни самарадорлигини оширган бўлади деб ҳисобланади.

Ушбу модел моҳияти ва тузилиши жиҳатидан "Корхоналарда солиқ мажбуриятини бажаришнинг модели" деб номланади. Бу моделнинг моҳиятини шундан иборатки, корхонада солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ жараёнларнинг ўзаро кетма-кетликда уларнинг комплекс натижаларини акс эттиради(23-расм).

<sup>134</sup> Александров И. М. Налоги и налогообложение Учебник Москва, 2009 Издательско-торговая корпорация «Дашков и К<sup>о</sup>» Москва, 138 с



**23-расм. Корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш модели**

Корхоналарда молиявий режалаштириш, ҳисоб-сиёсати, маркетинг стратегик режаси, харажатларни бошқариш стратегияси, молиявий натижаларни тақсимлаш сиёсати, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини

бошқариш тамойиллари ва шу кабиликларни режалаштириш жараёни билануўзвий ҳолда олиб борилиш лозим. Моделнинг тўлақонли самараси аввало солиқларни режалаштиришдан асосий мақсад аниқлаб олинишига боғлиқ бўлади. Бу мақсад аслида корхонанинг молиявий сиёсатининг мазмунидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан олганда унинг мақсади турлича бўлиши мумкин. Корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш қобилиятини аниқлаш, корхонанинг солиқ мажбурияти ва пул фондлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш, корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ёки корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни минималлаштиришнинг йўллари ишлаб чиқиш каби мақсадлардан бирини асос қилиб олиш мумкин. Чунки, таъкидлаганимиздек, бошқа жараёнларда(масалан, корхонанинг стратегик молиявий сиёсати, ҳисоб сиёсати, молиявий ресурсларни бошқариш сиёсати)ги режалаштирилган ёки амалга оширилган тадбирларни солиқларни режалаштириш жараёнидаги такрорланишларга йўл қўймаслик керак, чунки, ортқича харажатлар билан бирга меҳнат сарфни ошириб юборади.

Солиқларни режалаштиришнинг мақсадини аниқлашда эса қайд этилган жараёнларни эътиборга олиш зарур бўлади. Моделнинг кейинги қисмини мақсадда белгиланган вазифаларни бажаришнинг ташкилий механизмларини шакллантириш ҳисобланади. Бунда эса жараённи амалга оширувчи мутахассисларни аниқлаш ва уларнинг малака ва лавозим хизматларидан келиб чиқиб вазифаларини белгилаш, хизмат қилувчи бўлинмаларнинг фаолиятининг йўналишларини белгилаш, жараённи амалга ошириш учун ахборотлар базасини шакллантириш ва уларни қайта ишлаш ҳамда қўлланиладиган метод(статистик, эконометрик, математик, экстраполяцияли, экспертли ва шу каби)ларни аниқлаш ишлари амалга оширилади. Таъкидлаш керакки, ахборотлар ва уларни қайта ишлашда иқтисодий таҳлил ва бошқа методларга амал қилиш, жараённи амалга оширишнинг методларини танлашда эса айнан самара берувчи методларни танлаш катта аҳамиятга эгадир.

Корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнида уни амалга ошириш энг мураккаб жараён ҳисобланади. Бу босқич бир неча муҳим таҳлил ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади. Бу аввало солиқ қонунчилигига кўра корхона зиммасига юклатилган солиқ ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ва уни тўлашнинг тақвим графигини тузиб чиқиш лозим бўлади. Тақвим графигини тузишда солиқ хизмати органларининг маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги босқичда солиқ қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда солиқ тўловларини қонуний камайтириш имкониятларни аниқлаш лозим. Бунда ҳар бир солиқ тури бўйича Солиқ кодекси ва ҳукумат қарорлари асосида берилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни аниқлаш,

уларни қўллаш тартиблари ва муддатларини аниқлаган ҳолда корхона даврий муддатларда қанча солиқ имтиёзлари сўммаларига эга бўлишиги ҳисоблаб чиқилади. Бу ерда таъкидлаш керакки, бу жараёнда корхона иқтисодчи мутахассисларининг солиқ қонунчилигидан хабардорлигидан келиб чиқиб, зарурат ҳолларда солиқ маслаҳатчилари хизматидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Даврий(ой, чорак, йиллик) муддатлар бўйича корxonанинг барча даромадлар тушуми ва харажатлар нисбатини аниқлаб бориш ва бу муддатлар бўйича корxonанинг молиявий имкониятлари ва солиқ мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни аниқлаган ҳолда уларни таққослаш лозим. Бунинг учун корxonанинг банкдаги асосий корреспонденция ҳисобварақларидаги дебет ва кредит оборотлари сўммасини солиштириш асосида корxonанинг молиявий имкониятларининг солиқ мажбуриятлари ўртасидаги нисбат таққосланади. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш лозимки, харажатлар йўналиши ва уларни амалга оширишнинг мавсумий ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Баъзи ҳолларда корxonанинг ишлаб чиқариш технологик хусусиятидан келиб чиқиб, энг муҳим материаллар ва захираларни катта ҳажмда сотиб олишни тақозо қилса, баъзи вақтларда мавсумий вақтинчалик ишга қабул қилишни ҳам талаб қилади. Бу ҳолатлар корxonанинг кўзда тутилмаган харажатларини оширади ва солиқларни режалаштиришга таъсир қилади. Солиқларни режалаштиришнинг ушбу босқичида корxonада янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ёки қўшимча фаолиятни амалга оширишни йўлга қўйиш жараёнининг корхона солиқ мажбуриятларига таъсир этиш ҳолатини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Албатта бу жараёнда корxonанинг маҳсулот(хизмат) сотиш жараёни, маркетинг тадқиқотлари натижалари, пул маблағларининг келиб тушиши ва харажатлар ҳажми ўртасидаги боғлиқларни таҳлил қилиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Корxonанинг маҳсулотларига бўлган талабнинг даражасини доим тадқиқ этиб бориш бозор муносабатларининг муҳим талабларидан бири саналади. Маҳсулотлар бозорининг конъюктурасини прогноз қилмасдан ёки корхона билан тузилган олди-сотди шартномаларини таҳлил қилмасдан туриб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориш маблағларнинг музланишига олиб келади. Корxonанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари фарқ динамикасини аниқлаш, муддати ўтган(яқинлашган) кредиторлик қарзларини тўлаш ва дебиторлик қарзларини келиб тушишини аниқлашни амалга ошириш солиқларни тўғри режалаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун корxonанинг барча маблағларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариб бориш динамикасини ўрганган ҳолда корхона тўлаши зарур бўладиган кредиторлик қарзларининг муддатларини аниқлаб уларни амалга

оширишнинг молиявий имкониятлар билан солиштириш керак бўлади. Чунки, кредиторлик қарзларининг ҳажми ва уларни тўлаш муддатларига амал қилмаслик қўшимча жарималар сифатида харажатларни қўпайтиради. Албатта бунда корхона кредиторлари томонидан дебиторлик қарзларининг келиб тушиш жараёнини таҳлил қилган ҳолда шубҳали(молиявий интизомга амал қилмайдиган) кредитор корxonалардан маблағларни ундиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини шакллантиришни тақозо этади.

Корxonаларда солиқларни режалаштиришнинг энг муҳим босқичи бу солиқ мажбуриятларини етарлилик даражасини аниқлаб бориш ҳисобланади. Буни аниқлашда солиқ мажбуриятларини бажаришнинг етарлилик коэффициентидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса корxonанинг банкдаги корреспонденция ҳисобварақлари(асосий, валюта, қўшимча)ининг дебет ва кредит обороти жами сўммаларининг фарқини корxonанинг шу даврдаги солиқ мажбуриятлари нисбатини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни корxonанинг солиқ мажбуриятларини бажариш коэффициенти:

$$СМЕ_k = ((\text{корxonанинг ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти сўммасининг фарқи}) + (\text{навбатдаги ойда келиб тушиши аниқланган дебиторлик сўммаси}) - (\text{навбатдаги ойда тўланиш муддати келган кредиторлик сўммаси}) - (\text{солиқлар бўйича қарздорлик сўммаси})) / \text{навбатдаги ой учун жами солиқ мажбуриятлари сўммаси}.$$

Агар буни математик ифодалар билан изоҳласак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$СМЕ_k = \frac{ХДКФ + КТДС - ТМКС - СҚ}{ТМС} \quad (1).$$

Бу ерда шу нарсага эътиборга олиш лозимки формуладаги биринчи кўрсаткич яъни, корxonанинг ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти сўммасининг фарқида кредит обороти сўммаси кўп чиқадиган бўлса, у ҳолда формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$СМЕ_k = \frac{КТДС - ХДКФ - ТМКС - СҚ}{ТМС} \quad (2).$$

Бу ерда:

ХДКФ – корxonанинг ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти сўммасининг фарқи;

КТДС - навбатдаги ойда келиб тушиши аниқланган дебиторлик сўммаси;

ТМКС - навбатдаги ойда тўланиш муддати келган кредиторлик сўммаси;

ТМС - навбатдаги ой учун жами солиқ мажбуриятлари сўммаси;

СҚ - солиқлар бўйича қарздорлик сўммаси.

Солиқларни прогноз қилиш, солиқ салоҳиятини аниқлаш ва корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнлари умумий тартибда солиқларни режалаштиришга ва у орқали эса бюджетни оқилона режалаштиришга таъсир қилади. Уларнинг бундай ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда акс эттирилган(24-расм).



**24-расм. Корхоналарда солиқларни режалаштириш, солиқ салоҳияти ва солиқларни прогноз қилиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлик даражалари.**

Корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёни аввало корхона фаолиятини тўғри бошқариш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида амалга оширилсада, бошқа томондан у корхоналар, тармоқлар ва ҳудудлар доирасида солиқ салоҳиятини аниқлашга ва шу орқали солиқларни прогноз қилиш жараёнига таъсир қилади, қолаверса корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг бюджетга бир маромда келиб тушишини таъминлайди. Келтирилган расмдан кўринадики, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёни солиқ прогнозига таъсири икки томонлама касб этган. Бир томондан солиқ салоҳиятини аниқлашга хизмат қилиб солиқларни прогноз қилишга таъсир қилган бўлса, бошқа томондан солиқларни прогноз қилиш жараёни натижаларига қараб белгиланган солиқ сиёсати йўналишлари корхоналарнинг молиявий сиёсати орқали солиқларни режалаштиришга таъсир

қилади. Бу учала жараённи тўғри ташкил этиш бюджет-солиқ сиёсатида мақсад қилиб белгиланган вазибаларни бажаришга таъсир қилади.

#### Таянч сўз ва иборалар:

*Салоҳият, солиқ салоҳияти, молиявий салоҳият, солиқ ресурслари, молиявий ресурслар, солиқ салоҳиятини баҳолаш, солиқ салоҳияти омиллари, репрезентатив солиқ тизими, корхоналарда солиқларни режалаштириш, корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажариш коэффициенти, солиқ мажбуриятлари, корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш модели, корхонага нисбатан ўртача солиқ ставкаси, корхона тўлайдиган барча солиқлар ва мажбурий тўловларнинг солиқ базаси ҳажми, шубҳали(дебитор) қарзлар сўммаси, солиқ қарздорлиги сўммаси, корхонанинг солиқ салоҳияти, ҳудудий ялпи маҳсулот, ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициенти, ўртача солиқ юки даражаси, "Солиқ паспорти", солиққа тортиладиган ресурс, регрессия таҳлили, "солиқ ресурсларининг ўртача қиймати", "солиқ салоҳияти индекси", Солиқ салоҳиятига таъсир қилувчи омиллар классификацияси.*

#### Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Салоҳият ва солиқ салоҳияти тушунчаларининг моҳияти нимадан иборат?
2. Молиявий салоҳият ва солиқ салоҳият нимаси билан фарқ қилади?
3. Солиқ ресурслари ва молиявий ресурслар деганда нимани тушунаси?
4. Солиқ салоҳиятини баҳолаш деганда нима тушунилади?
5. Солиқ салоҳиятига таъсир қилувчи қанақа омиллар мавжуд?
6. Репрезентатив солиқ тизими деганда нима тушунилади?
7. Хорижий давлатлар солиқ салоҳиятини аниқлаш механизмларини айтиб беринг.
8. Корхоналарда солиқларни режалаштириш деганда нима тушунилади?
9. Сизнингча ҳудуднинг солиқ салоҳиятини қандай тартибда аниқлаган маъқул? Ўзингизнинг вариантингизни шакллантиришга ҳаракат қилиб кўринг.
10. Корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажариш коэффициенти қандай аниқланади?
11. Солиқ мажбуриятлари деганда нима тушунилади?
12. Корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш моделининг моҳиятини тушунтириб беринг.
13. Корхонага нисбатан ўртача солиқ ставкаси нима дегани?
14. Ҳудудий ялпи маҳсулот деганда нима тушунилади?
15. ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициенти қандай аниқланади?

## 7-БОБ. СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

### 7.1. Ўзбекистон солиқ тизимида солиқларни прогноз қилишнинг умумий тартиби

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Республикамиз солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш Давлат солиқ хизмати органлари томонидан алоҳида методикаларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Ушбу методологиялар мазмунан умумий методология бўлиб ҳисобланади ва уларни қўллашда эса ҳар бир солиқ турининг ўзига хос хусусиятларини, солиқ тури бўйича тушумларнинг прогноз кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини эътиборга олган ҳолда қўллаш лозим бўлади. Маълумки, солиқларни прогноз қилиш жараёни бу кенг қамровли таҳлиллар ва мураккаб ҳисоб-китобларни қамраб олади. Прогноз жараёнини амалга ошириш учун эса мутахассислар эконометрика, статистика, математика, иқтисодий таҳлил каби фанлардан хабардор бўлиши ҳамда мантиқий мушоҳада қила олиш қобилияти(кўникмалари)га эга бўлиши лозим бўлади.



25-расм. Ўзбекистон солиқ тизимида солиқларни прогноз қилишда қўлланиладиган методлар.

Ушбу келтирилган методлар ёки моделларнинг аксариятининг хусусиятлари аввалги бобларда келтириб ўтилган эди. Кейинги вақтларда прогноз жараёнида, жумладан солиқ тушумларини прогноз қилишда ҳам эконометрик методларни қўллашга кенг аҳамият берилаяпти. Эконометрик моделларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар экстраполяциялаш методларидан фарқли равишда прогноз жараёнидаги танлаб олинган объектнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги статистик корреляцион боғлиқларни тавсифлаб беради. Айниқса омиллар жуда кўп бўлган шароитда ва уларнинг таъсири турлича бўлган вақтда эконометрик методларни қўллаш яхши самара беришлиги кўп бора исботланган. Эконометрик моделлар ичида кросс-секцион методлар кўп қўлланиладиган методлар сирасига кириб, бу метод орқали турли хил ҳудудларга бир хил вақт оралиғига тегишли маълумотларга асосланган ҳолда таҳлил қилиш ва прогноз қилиш амалга оширилади. Масалан, Республиканинг барча ҳудудларига тегишли солиқ тушумларининг таҳлилин аниқ вақт(2014, 2015, 2016 ва ҳақозо)га оид маълумотларга таянилган ҳолдаги кейинги давр учун солиқ даврларга асосланган тушумларининг ҳажми аниқланади.

Кросс-секцион методлардан фарқли равишда вақт қаторлари методлари(моделлари) эса аксинча, бир ҳудудга тегишли турли хил даврларга оид маълумотларга ҳолда таҳлил ва прогноз жараёнини амалга оширишда қўлланилади. Шунингдек, ушбу методлар алоҳида олинган ҳудуд, солиқ тўловчи, тармоқлар бўйича солиқ салоҳиятини аниқлашда ҳам қўлланилади. Ушбу методни қўллашда асосан камида 10 йиллик маълумотлар аниқ олиниши зарур бўлади, акс ҳолда прогноз натижаларининг паст бўлади.

Панелли моделлар эса бир неча вақт даврларига тегишли маълумотларни бир қанча ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш ва унга асосланган ҳолда прогноз кўрсаткичларини аниқлашда фойдаланилади. Шу жиҳатдан олганда панелли моделлар моҳияти жиҳатидан кросс-секцион методлар ва вақт қаторлари методлари(моделлари)ни ўзида акс эттиради, чунки, ушбу методлар(моделлар) турли хил даврлар ва турли хил ҳудудларга тегишли маълумотларни бир вақтда таҳлил қилиш ва прогноз кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Детерминлаштирилган моделлар эса прогнозлаштириладиган жараёнга таъсир этувчи омилларга ўртасидаги детерминлашган боғлиқларни ва уларнинг таъсир даражасини баҳолашга хизмат қилади. Таъкидланганидек, прогноз жараёнининг аниқлик даражаси кўпинча унинг ҳолатига таъсир этувчи омилларнинг таъсири даражасини баҳолашга боғлиқ бўлади, шу жиҳатдан олиб қараганда детерминлашган методлар солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги энг мураккаб жиҳатларнинг ечимини топишга хизмат қилади.

Амалиётда солиқларни прогноз қилиш жараёнида маълумотларни таҳлил қилишда энг кўп қўлланиладиган методлар сирасига регрессион таҳлил қилиш методи ҳам киради. Бу методда солиқ тушумларини таҳлил қилиш ва прогнозлашда сонли маълумотлар билан жуда кўп иш кўрилади ва турли катталиқлар орасидаги боғлиқликни кузатиш, таҳлил қилишга тўғри келади. Ушбу методнинг асосини берилган сон қийматларни таҳлил қилишда тушунтирувчи ( $X$ ) ва тушунтириладиган ( $Y$ ) ўзгарувчилар ташкил қилади. Агар тушунтирувчи ўзгарувчи битта бўлса, у ҳолда бундай таҳлил оддий регрессия дейилади, агар, тушунтирувчи иккита ёки ундан ортик бўлса кўп эса ўлчовли регрессия дейилади.

Оддий регрессия методи эса  $Y = \beta_0 + \beta_1 X + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$  оддий регрессия тенгламаси тўғри чизиғидан иборат бўлади. Бу ерда  $\beta_0$  ва  $\beta_1$  тўғри чизик параметрлари,  $\varepsilon$  – тасодифий хатолик. Агар улар аниқ қиймат қабул қилса, у ҳолда тўғри чизик фиксирланган бўлади. Биринчи параметр  $\beta_0$  – тўғри чизикнинг  $Y$  – ўқининг кесиб ўтиш нуқтаси бўлиб,  $X = 0$  да  $Y$  ана шу қийматга эришади. Иккинчи параметр  $\beta_1$  тўғри чизикнинг оғиши, яъни  $Y$  ўқи билан ҳосил қилган бурчагининг тангенсига тенг ёки  $X$  бир бирликка ўзгарганда,  $Y$  қандай миқдорга ўзгаришини кўрсатувчи катталиқдир.

Энг кичик квадратлар методи чизик ҳамда берилган нуқталар орасидаги масофалар квадратлари йиғиндиси  $\sum (\hat{Y}_i - Y_i)^2$  ни минималлаштирадиган тўғри чизик тенгламасини аниқлайди.

Кичик квадратлар усули ёрдамида изланаётган тўғри чизикнинг  $Y$  ўқи билан кесишиш нуқтаси ва  $X$  ўқи билан ҳосил қилган бурчак тангенсини топиш учун қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i Y_i - \left( \sum_{i=1}^n X_i \right) \left( \sum_{i=1}^n Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - \left( \sum_{i=1}^n X_i \right)^2}, \quad b_0 = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} - b_1 \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n},$$

Бу ерда:

$n$  – танланма хажми;

$X_i$  –  $i$ -чи қадамдаги кузатиш;

$Y_i$  –  $i$ -чи қадамдаги кузатишнинг қиймати.

Демак, регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади.

$$\hat{Y} = b_0 + b_1 X.$$

Прогноз жараёнида оддий детерминация коэффиценти ҳам ўз аҳамиятига эга. Регрессион анализнинг мақсади  $Y$  боғлиқ ўзгарувчининг ўзгариш соҳаси мос равишда танлаб олинган эркин ўзгарувчи  $X$  га қандай равишда боғлиқлигини аниқлашдан иборат. Регрессия тенгламасини топгандан сўнг,  $Y_i$  нинг ҳар бир кузатишдаги қийматини иккита –  $\hat{Y}_i$  ва  $e_i$  – ташкил этувчиларга ажратишимиз мумкин:

$$Y_i = \hat{Y}_i + e_i.$$

Бу ерда:  $\hat{Y}_i$  – бу  $Y$  нинг регрессия тенгламаси тўғри топилган ҳамда  $Y$  га таъсир этувчи тасодифий омилларга эга эмас мазмундаги  $i$  – тажрибадаги ҳисобланган қиймати, яъни,  $\hat{Y}_i$   $X$  нинг тажрибадан олинган танланма қиймати бўйича  $Y$  нинг башорат қилинган қиймати.

Аммо, прогноз жараёнининг шаффофлигини ва омиллар боғлиқлигини асослашда регрессион таҳлил жараёнида  $R^2$  билан белгиланадиган *оддий детерминация коэффиценти*дан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг аҳамияти шундаки, бу катталиқ боғлиқ ўзгарувчи  $Y$  нинг ўзгарувчанлигини ёки дисперсиясининг эркин ўзгарувчи  $X$  ёрдамида тушунтириш мумкин бўлган фоиз қисмини кўрсатади ва қуйидаги формула орқали топилади:

$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (Y_i - \hat{Y}_i)^2}{\sum_{i=1}^n (Y_i - \bar{Y})^2}$$

бу ерда  $\bar{Y} = \sum_{i=1}^n \frac{X_i}{n}$  –  $Y$  ўзгарувчининг ўрта қиймати.

Қайд этиш лозимки, солиқларни прогноз қилиш жараёнида регрессион таҳлилни амалга оширишда чизикли моделлар билан биргаликда чизикли бўлмаган моделлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Жаҳон амалиётида (жумладан Ўзбекистон солиқ тизимида ҳам) солиқларни прогноз қилиш жараёнида қуйидаги эгри чизикли моделлардан ҳам кенг фойдаланилади:

| Регрессия Чизигининг кўриниши | Регрессия тенгламиси  | Кичик квадратлар усули ёрдамида топиладиган коэффициентлар   |
|-------------------------------|---|--|
| гиперболик                    | $Y = \beta_0 + \frac{\beta_1}{X} + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$ | $b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n \frac{Y_i}{X_i} - \left( \sum_{i=1}^n \frac{1}{X_i} \right) \left( \sum_{i=1}^n Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n \frac{1}{X_i^2} - \left( \sum_{i=1}^n \frac{1}{X_i} \right)^2};$<br>$b_0 = \frac{1}{n} \left( \sum_{i=1}^n Y_i - b_1 \sum_{i=1}^n \frac{1}{X_i} \right)$       |
| Кўрсаткичи                    | $Y = \beta_0 * \beta_1^X + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$         | $\lg b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i \lg Y_i - \left( \sum_{i=1}^n X_i \right) \left( \sum_{i=1}^n \lg Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - \left( \sum_{i=1}^n X_i \right)^2};$<br>$\lg b_0 = \frac{1}{n} \left( \sum_{i=1}^n \lg Y_i - \lg b_1 \sum_{i=1}^n X_i \right)$                               |
| Даражали                      | $Y = \beta_0 X^{\beta_1} + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$         | $b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n \ln X_i \ln Y_i - \left( \sum_{i=1}^n \ln X_i \right) \left( \sum_{i=1}^n \ln Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n (\ln X_i)^2 - \left( \sum_{i=1}^n \ln X_i \right)^2};$<br>$b_0 = \exp \left[ \frac{1}{n} \left( \sum_{i=1}^n \ln Y_i - b_1 \sum_{i=1}^n \ln X_i \right) \right]$ |
| Экспоненциал                  | $Y = \beta_0 \exp(\beta_1 X) + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$     | $b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i \ln Y_i - \left( \sum_{i=1}^n X_i \right) \left( \sum_{i=1}^n \ln Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - \left( \sum_{i=1}^n X_i \right)^2};$<br>$b_0 = \exp \left[ \frac{1}{n} \left( \sum_{i=1}^n \ln Y_i - b_1 \sum_{i=1}^n X_i \right) \right]$                       |
| Логарифми к                   | $Y = \beta_0 + \beta_1 \lg X + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$     | $b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n (\lg X_i) Y_i - \left( \sum_{i=1}^n \lg X_i \right) \left( \sum_{i=1}^n Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n (\lg X_i)^2 - \left( \sum_{i=1}^n \lg X_i \right)^2};$   |

|           |   |   |
|-----------|---|---|
|           |   | $b_0 = \frac{1}{n} \left( \sum_{i=1}^n Y_i - b_1 \sum_{i=1}^n \lg X_i \right)$  |
| Параболик | $Y = \beta_0 + \beta_1 X + \beta_2 X^2 + \varepsilon = \hat{Y} + \varepsilon$ | $\begin{cases} nb_0 + b_1 \sum_{i=1}^n X_i + b_2 \sum_{i=1}^n X_i^2 = \sum_{i=1}^n Y_i \\ b_0 \sum_{i=1}^n X_i + b_1 \sum_{i=1}^n X_i^2 + b_2 \sum_{i=1}^n X_i^3 = \sum_{i=1}^n X_i Y_i \\ b_0 \sum_{i=1}^n X_i^2 + b_1 \sum_{i=1}^n X_i^3 + b_2 \sum_{i=1}^n X_i^4 = \sum_{i=1}^n X_i^2 Y_i \end{cases}$ |

Юқорида таъкидланганидек, солиқларни прогноз қилишнинг мавжуд прогнозлаштиришда кўрсаткичларнинг ўтган даврлардаги динамикасини инобатга олиш имконини берадиган *Экспоненциал силлиқлаш методлари*дан ҳам фойдаланилади. Аммо, ушбу методлар орқали доимий ўзгарувчи макроикдосий омилларни ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш имкони бўлмайди, бу эса ушбу методларнинг камчилиги сифатида изоҳланади. Экспоненциал силлиқлаш методларида регрессион метод орқали ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда силлиқлаштирилган прогноз кўрсаткичларини олиш учун фойдаланилади.

Ушбу методлардан бири бу чизикли тренд методи ҳисобланади, ушбу методда асосий масалалардан бири бошланғич қийматни топиш муҳим саналади ва у қуйидагича аниқлананди:

$$S_0^{[1]} = b_0 - \frac{1-\alpha}{\alpha} b_1;$$

$$S_0^{[2]} = b_0 - \frac{2(1-\alpha)}{\alpha} b_1,$$

Бу ерда:

$b_0, b_1$  – кичик квадратлар усули билан топилган коэффициент баҳолар;

$\alpha$  – экспоненциал силлиқлаш параметри ( $0 < \alpha < 1$ ).

Шунингдек, экспоненциал ўртачаларни ҳисоблашнинг рекуррент формулалари эса қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S_t^{[1]} = \alpha y_t + (1-\alpha) S_{t-1}^{[1]};$$

$$S_t^{[2]} = \alpha S_t^{[1]} + (1-\alpha) S_{t-1}^{[2]},$$

Бу ерда:

$y_t$  – динамик қаторнинг  $t$  вақтдаги қиймати.

Чизикли тренд коэффициент баҳолари эса қуйидагича ҳисобланади:

$$\hat{b}_0 = 2S_t^{[1]} - S_t^{[2]};$$

$$\hat{b}_1 = \frac{\alpha}{1-\alpha} [S_t^{[1]} - S_t^{[2]}]$$

Ўз навбатида  $l$ -чи кадамдаги прогнозни ҳисоблаш қуйидагига тенг бўлади:  $\hat{y}_{t+l} = \hat{b}_0 + \hat{b}_1 \cdot l$ .

Экспоненциал силликланган методлари сирасига параболик трендлар ҳам киради. Ушбу трендларда бошланғич қийматларни топиш қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

$$S_0^{[1]} = b_0 - \frac{1-\alpha}{\alpha} b_1 + \frac{(1-\alpha)(2-\alpha)}{2\alpha^2} b_2;$$

$$S_0^{[2]} = b_0 - \frac{2(1-\alpha)}{\alpha} b_1 + \frac{(1-\alpha)(3-2\alpha)}{2\alpha^2} b_2;$$

$$S_0^{[3]} = b_0 - \frac{3(1-\alpha)}{\alpha} b_1 + \frac{(1-\alpha)(4-3\alpha)}{2\alpha^2} b_2,$$

Бу ерда:

$b_0, b_1, b_2$  – кичик квадратлар усули билан топилган коэффициент баҳолар;  
 $\alpha$  – экспоненциал силликланган параметри.

Параболик трендларда экспоненциал ўртачаларни ҳисоблашнинг рекуррент формулалари эса қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S_t^{[1]} = \alpha y_t + (1-\alpha)S_{t-1}^{[1]};$$

$$S_t^{[2]} = \alpha S_t^{[1]} + (1-\alpha)S_{t-1}^{[2]};$$

$$S_t^{[3]} = \alpha S_t^{[2]} + (1-\alpha)S_{t-1}^{[3]},$$

Бу ерда:

$y_t$  – динамик қаторнинг  $t$  вақтдаги қиймати.

Ўз навбатида параболик тренд коэффициент баҳолари:

$$\hat{b}_0 = 3[S_t^{[1]} - S_t^{[2]}] + S_t^{[3]};$$

$$\hat{b}_1 = \frac{\alpha}{(1-\alpha)^2} [(6-5\alpha)S_t^{[1]} - 2(5-4\alpha)S_t^{[2]}] + (4-3\alpha)S_t^{[3]};$$

$$\hat{b}_2 = \frac{\alpha}{(1-\alpha)^2} [S_t^{[1]} - 2S_t^{[2]} + S_t^{[3]}]$$

$l$  – чи кадамдаги прогноз эса  $\hat{y}_{t+l} = \hat{b}_0 + \hat{b}_1 \cdot l + \frac{1}{2}l^2\hat{b}_2$  тенгламаси

билан аниқланади.

Экспоненциал силликланган моделининг камчилиги шундаки, уни қўллашда  $\alpha$  – экспоненциал силликланган параметрини топишнинг қийинлигидир.

Ўз навбатида экспоненциал силликланган параметрини топишни бир нечта методлари ҳам мавжуд. Булардан бири бу одатда "Браун муносабати" деб ном олган методдан фойдаланилади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\alpha = \frac{2}{n+1},$$

Бу ерда:

$n$  – динамик қаторнинг ҳисобланган қийматлари сони.

Кейинги турларидан бири эса Мейера муносабати ҳисобланади:

$$\alpha = \frac{\sigma_n}{\sigma_\varepsilon},$$

Бу ерда:

$\sigma_n$  – моделининг ўртача квадратик хатоси;

$\sigma_\varepsilon$  – дастлабки динамик қаторнинг ўртача квадратик хатоси.

Шунингдек, солиқларни прогноз қилиш жараёнида вақт қаторлари методларидан ҳам кенг фойдаланилади. Вақт қаторлари методини қўллаш орқали прогноз жараёни учун муҳим бўлган кўрсаткичлар: кўрсаткичларнинг мутлоқ (абсолют) ўзгариши, тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўртача мутлоқ (абсолют) ўзгариши, тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўзгариш суръати, тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг қўшимча ўзгариш суръати, силжувчи ўрта қиймат каби кўрсаткичлар аниқланади ва улар орқали солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнидаги ўзгаришлар ҳамда хатоликлар аниқланади.

Бунда кўрсаткичларнинг мутлоқ (абсолют) ўзгариши  $\Delta y_t = y_t - y_{t-1}$

формуласи ёрдамида ҳисобланади бу ерда  $y_t$  вақт қаторининг  $t$  ( $t=1, 2, \dots, n$ ) моментдаги қийматлари.

Тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўртача мутлоқ (абсолют) ўзгариши эса қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta y = \frac{y_n - y_1}{n-1}.$$

Тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўзгариш суръатини:

$$T_t^p = \frac{y_t}{y_{t-1}} - 100\%$$

формуласи орқали ҳисобланади.

Тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг қўшимча ўзгариш суръатини аниқлаш қуйидаги тартибда аниқланади:

$$T_t^{np} = \frac{y_t - y_{t-1}}{y_{t-1}} - 100\% = T_t^p - 100\%$$

Тушумлар ва ҳисобланган солиқларнинг ўртача ўзгариш суръати эса

$$\bar{T} = n \cdot \sqrt[p]{T_2^p \cdot T_3^p \cdot \dots \cdot T_n^p} \cdot 100\% = n \cdot \sqrt[p]{\frac{y_n}{y_1}} \cdot 100\%,$$

формуласи орқали аниқланади, бу ерда  $T_2^p \cdot T_3^p \cdot \dots \cdot T_n^p$  – алоҳида вақт оралиғидаги ўзгариш суръатлари.

Силжувчи ўрта қиймат куйидаги формула билан ҳисобланди:

$$\bar{y}_t = \frac{1}{m} \cdot \sum_{i=t-p}^{t+p} y_i,$$

бу ерда  $\bar{y}_t$  – силжувчи ўрта қийматнинг  $t$  ( $t = p+1, \dots, n-p$ ) моментдаги қиймати;

–  $y_i$   $i$  моментдаги ҳақиқий қиймати.

Масалан,  $p=2$  учун силжувчи ўрта қиймат куйидагича аниқланади:

$$\bar{y}_t = \frac{1}{35} (-3y_{t-2} + 12y_{t-1} + 17y_t + 12y_{t+1} - 3y_{t+2})$$

Шунингдек,  $p=3$  учун силжувчи ўрта қиймат:

$$\bar{y}_t = \frac{1}{21} (-2y_{t-3} + 3y_{t-2} + 6y_{t-1} + 7y_t + 6y_{t+1} + 3y_{t+2} - 2y_{t+3})$$

Силликланган учун қўлланиладиган моделлар аниқланади, жумладан:

Доимий ўсиб боровчи  $y_t = b_0 + b_1 \cdot t$  – чизикли;

Ўсишни оширувчи:

$$y_t = b_0 + b_1 \cdot t + b_2 t^2 \text{ – параболлик;}$$

$$y_t = b_0 b_1^t \text{ – кўрсаткичли;}$$

Ўсишни камайтирувчи:

$$y_t = b_0 + b_1 \ln t \text{ – логарифмик-чизикли;}$$

$$y_t = b_0 t^{b_1}, b_1 > 1 \text{ – даражали;}$$

$$y_t = b_0 - \frac{b_1}{t} \text{ – шакли ўзгартирилган гипербола;}$$

$$y_t = b_0 - b_1 e^{-t} \text{ – шакли ўзгартирилган экспоненциал;}$$

бирлаштирилган:

$$y_t = b_0 + b_1 \ln t + b_2 (\ln t)^2, b_2 < 0 \text{ – логарифмик парабола;}$$

$$y_t = b_0 + b_1 \cdot t + b_2 t^2 + b_3 t^3, b_3 < 0 \text{ – учинчи даражали кўпхад;}$$

Гипотеза Дарбин-Уотсон критерияси ёрдамида текшириб кўрилади:

$$d = \frac{\sum_{t=2}^n (\varepsilon_t - \varepsilon_{t-1})^2}{\sum_{t=1}^n \varepsilon_t^2}$$

Солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги энг охириги босқичлардан бири бу олинган натижаларнинг энг оптимал вариантини танлаш саналади. Бунинг учун эса қилинган ҳисоб-китобларнинг хатолик даражалари текшириб кўрилади. Ҳисоб-китоб қилинган прогноз кўрсаткичларининг хатоликлари эса куйидаги тартибда аниқланади:

Жумладан, абсолют хатолик  $\Delta_t = y_t - \hat{y}_t$  формуласи ёрдамида ҳисобланса,

$$\delta_t = \frac{\hat{y}_t - y_t}{y_t} \cdot 100$$

прогноз кўрсаткичларининг нисбий хатолиги формуласи орқали аниқланади.

$$|\Delta| = \frac{\sum_{t=1}^n |\hat{y}_t - y_t|}{n}$$

Прогноз кўрсаткичларининг ўртача мутлоқ хатолиги формуласида ҳисобланади.

$$|\delta| = \frac{1}{n} \sum_{t=1}^n \left| \frac{\hat{y}_t - y_t}{y_t} \right| \cdot 100$$

Прогнознинг ўртача нисбий хатолиги формуласи

$$S = \left[ \frac{\sum_{t=1}^n |\hat{y}_t - y_t|^2}{n} \right]^{\frac{1}{2}}$$

орқали, прогнознинг ўртача квадратик хатолиги эса формуласи ёрдамида аниқланади.

Ушбу қайд этиб ўтилган солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги методлар умумий ҳажмдаги солиқ тушумларини, ҳудудлар кесимида солиқ тушумлари ҳажмини ҳамда ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида тартибда солиқларни прогноз қилишда кенг фойдаланилади.

## 7.2. Юридик шахслардан олинган фойда солиғини прогноз қилиш

Юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ичида фойда солиғи бюджет даромадларини шакллантиришда катта улушни эгалламасада, солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришда энг муҳим

инструментлардан бири ҳисобланади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишнинг аҳамияти шундаки, прогноз натижасида олинган кўрсаткичлар, биринчидан бюджетга солиқ тушумларининг ҳажмини аниқлашга имкон беради, иккинчидан, солиқларни прогноз қилиш жараёнида умумий тенденцияларни кўрсатиб беради, учинчидан, фойда солиғига таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали бошқа солиқ турлари бўйича омиллар таъсирини баҳолаш имконияти туғилади, тўртинчидан эса, солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиққа оид кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш имконияти туғилиб, солиқ тўловчилар фаолиятини бошқаришга зарур бўладиган ахборотлар мажмуаси шаклланади. Шунингдек, фойда солиғининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳудудларга бюджет субсидияларини тақсимлаш жараёнини мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилиш бир қатор босқичдаги жараёнларни камраб олади. Бу жараёндаги дастлабки босқич солиқни прогноз қилишнинг мақсади аниқлаб олинади. Аввалги бобларда қайд қилганимиздек, ҳар қандай прогнозни амалга ошириш жараёни унинг мақсадини аниқлашдан бошланади. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишда бош мақсад бу бюджетга ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларининг келгусидаги ҳажмини аниқлаш бўлса, жорий ва орадик мақсадлар сифатида солиқ тушумларини таҳлил қилиш, прогноз жараёнига таъсир этувчи омилларнинг таъсири баҳолаш, солиқ тўловчиларда солиқ базасининг шаклланиши ва унинг динамик ҳолатини аниқлаш, солиқ тўловчиларнинг фойда олиш даражасининг ошиши ёки камайиши тенденцияларини аниқлаш ва шу каби мақсадлар ҳам қўйилиши мумкин. Солиқларни прогноз қилишда мақсадларнинг бундай қўйилиши прогноз жараёнини қисмларга бўлиш орқали унинг самарадорлигига эришиш мумкин ва прогноз жараёнида қатнашувчи (амалга оширувчи) мутахассисларнинг вазифаларини аниқлаштиришга ҳам ёрдам беради. Шу жиҳатдан олган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишни амалга оширувчи мутахассисларнинг касбий малакаси ва бажараётган хизмат вазифаларига қараб вазифалар тақсимлаб олинади. Прогноз жараёнида объект фойда солиғи билан боғлиқ жараёнлар ва кўрсаткичлар бўлса, субъекти солиқ тўловчилар корхона ва ташкилотлар ҳамда солиқ хизмати органлари ҳисобланади. Прогноз қилишда жараёнидаги кейинги босқичлардан бири прогноз жараёнидаги хизмат қилувчи ахборотлар манбаларини йиғиш, уларни гуруҳлаган ҳолда қайта ишлаш ҳисобланади. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишнинг бошқа турларини прогноз қилишдан муҳим фарқи ҳам шундаки, прогноз жараёнида қўлланиладиган ахборотларни, таҳлилларни методларни кўп талаб қилишидир. Бу жараёнда прогнозни амалга ошириш учун зарур

бўладиган ахборотларни йиғиш ва улардан қандай фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Қуйида келтирилаётган жадвалда фойда солиғи учун зарур бўладиган кўрсаткичлар ва уларнинг манбалари ҳамда аҳамиятлари келтирилган (11-жадвал).

11-жадвал.

**Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишда ахборотлар базаси ва уларнинг манбалари**

| №  | Кўрсаткичлар   | Ахборот манбаи  | Кўрсаткичнинг прогноз жараёнидаги иштироки ва аҳамияти  |
|----|--|---|---|
| 1. | Ялпи ички маҳсулот   | Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинадиган "Ўзбекистон республикасини ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлари"   | Давлат бюджетига фойда солиғи бўйича солиқ тушумларининг таҳлилин ва унинг тушумига макроеқтисодий кўрсаткичларнинг таъсирини баҳолайди, фойда солиғи бўйича солиқ юқини аниқлашга хизмат қилади.   |
| 2. | Ялпи ҳудудий маҳсулот  | Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинадиган "Ўзбекистон республикасини ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлари"   | Ҳудудлар доирасида фойда солиғи бўйича солиқ юқини ҳамда ҳудуднинг солиқ салоҳиятини аниқлашга хизмат қилади.   |
| 3. | Давлат бюджетига фойда солиғи тушумлари ва солиқ бўйича карздорликнинг ҳажми кўрсаткичлари   | Давлат солиқ хизмати органларининг "Давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиш 1-Н" шакл ҳисоботи ва «Банк-ДСИ» дастурий маҳсули ҳамд молия органларининг бюджет ижроси бўйича ҳисобот маълумотлари | Фойда солиғи бўйича турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумларининг келиб тушиши ва унинг таҳлилин қилиш, фойда солиғи бўйича бюджетга солиқ тушумларининг йиғилувчанлигини аниқлаш, солиқ бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш ҳолатини аниқлаш, солиқ тури бўйича солиқ карздорлигининг келиб чиқилиши аниқлаш имкониятини беради. |
| 4. | Корхоналар фойдаси ёки зараринининг шаклланиши ва унинг манбалари, корхона томонидан бюджетга тўланган солиқлар сўммаси                      | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 2-сонли иловаси билан тасдиқланган ва корхоналар томонидан тузиладиган "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-сонли шакл"          | Прогноз қилиш жараёнида корхоналарнинг фойдасининг шаклланиш жараёни, фойда ёки зарарларнинг турлари, уларнинг ҳажмларини аниқлаш имкониятини беради.   |
| 5. | Фойда солиғининг базаси, фойда ва зарарларнинг манбалари, солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар ва чегириладиган харажатлар, корхонада | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган ва корхоналар томонидан тузиладиган "Юридик шахслардан олинadиган           | Солиқни прогноз қилиш жараёнидаги энг муҳим босқичлардан бўлган фойда солиғи базаси ва унинг таркибини аниқлаш, солиқ базасига қайта қўшиладиган ва чегириладиган харажатларнинг  |

|    |   |  |  |
|----|---|--|--|
|    | фойда солиғи билан боғлиқ имтиёзлар сўммаси ва шу каби кўрсаткичлар                               | фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари"  | ҳажми, корхоналарда солиқ тури бўйича имтиёзалар сўммаси ва унинг мақсадли ишлатилганлигини таҳлил қилишга шароит-яратади.                                       |
| 6. | Фойда солиғи ставкаси, солиқни ундириш механизмига оид ўзгариш кўрсаткичлари                      | "Ўзбекистон Республикасининг ----- йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллар бўйича Қарорлари | Солиқни прогноз қилиш жараёнида ташқи омиллар, жумладан, солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш имкониятини беради.                                  |
| 7. | Фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган харажатлар ҳам маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар | Корхона бухгалтерияси томонидан юритиладиган "Асосий ишлаб чиқариш харажатлари", "Давр харажатлари", "Пул маблағлари" каби ҳисобварақлар маълумотлари  | Фойда солиғи базасини таҳлил қилиш, фойданинг таркибини таҳлил қилиш, корхонада харажатларни тўғри бошқаришнинг таъсирини таҳлил қилишга имкон туғдиради.        |
| 8. | Бошқа кўрсаткичлар  | Корхонанинг ўзидаги бошқа ҳисобот маълумотлари, давлат статистика, иқтисодиёт бошқармалари маълумотлари  | Фойда солиғини прогноз қилишда қўшимча омилларни таҳлил қилиш, уларни баҳолаш, солиқ прогнозидаги хатоликларни текшириб кўришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. |

Келтирилган жадвалда келтирилган кўрсаткичлар ташқари яна қўшимча маълумот ва кўрсаткичлар прогноз жараёнида зарур бўлиб қолиши мумкин. Масалан фаолият кўрсатаётган, фаолият кўрсатмаётган солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотлар давлат солиқ инспекцияларидаги солиқ тўловчиларнинг ягона реестри, статистика органларининг давлат солиқ хизмати органларига тақдим қиладиган ахборотлари (бу ҳақда солиқ статистикасини ташкил этиш бобида батафсил келтирилган), шунингдек, Республика, ҳудудлар бўйича корхоналарнинг фойда олиш ёки зарар кўриш даражаси каби маълумотлар Давлат статистика қўмитасининг "stat.uz." интернет сайти ва чоп этиладиган ахборот-таҳлилий тўпламларидан олиш мумкин. Фойда солиғини прогноз қилишда амалга ошириладиган жараёнлардан бири солиқ тўловчиларни маълум бир гуруҳларга ажратиш уларнинг прогноз жараёнидаги аҳамиятини аниқлаш ҳисобланади. Солиқ тўловчиларни гуруҳлашда қуйидаги тартибда амалга ошириш уларнинг солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги таъсири баҳолаш имконини беради(12-жадвал).

### Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини прогноз қилиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг гуруҳланиши

| № | Мезон                              | Гуруҳлаш таркиби   |
|---|------------------------------------|--|
|   | Мулкчилик шаклларига кўра          | Давлат ва нодавлат(хусусий, жамоа, аралаш)   |
|   | Хўжалик юритиш шаклига кўра        | Акционерлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, маъсулияти чекланган(чекланмаган) жамиятлари, шўба корхоналари, хўжалик бирлашмалари, қўшма корхоналар ва ш.к)   |
|   | Кўламига кўра                      | Кичик корхоналар, микрофирмалар, йирик корхоналар  |
|   | Ташкилий-молиявий тузилмасига кўра | Битта шахснинг молиявий ресурсига, бир неча индивидларнинг молиявий ресурсларига, таъсисчи корхоналарнинг молиявий ресурслари ҳисобига, давлат дастури асосида, давлат кафилиги ҳисобига шаклланган солиқ тўловчилар ва ш.к. |
|   | Фаолиятнинг давомийлигига кўра     | Барқарор, нобарқарор, вақтинчалик, тез ўзгарувчан, монопол солиқ тўловчилар  |
|   | Солиқ тўлаш тартибига кўра         | Умумий, соддалаштирилган, марказлашган, халқаро келишув тартибида солиқ тўловчилар   |
|   | Солиқ имтиёзларига эгаллигига кўра | Доимий (вақтинчалик)имтиёзга эга бўлганлар, солиқ қаниқлигига эга бўлиб келаётганлар   |

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқ тўловчиларни бундай тартибда гуруҳлаш барча солиқ турларига тегишли бўлиб, (албатта солиқ турининг моҳияти ва уни ундириш механизмидан келиб чиқиб), солиқ тўловчиларнинг маълумотларини йиғиш ва уларни прогноз қилиш жараёнига тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланишга замин яратади. Маълумки, солиқларни прогноз қилиш жараёнига объектлари жумласига солиқ объекти, солиқ базаси, уларнинг шаклланиши ва ҳажми(миқдори)га таъсир этувчи омиллар ва шу кабилар ташкил этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқ тўловчи мақомидаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича прогноз жараёнини амалга оширишда маълум бир шартларга амал қилиш ҳам муносиб аҳамиятга эгадир. Бу шартлар айнан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига ҳам тегишли бўлиб, унда қуйидаги шартларга амал қилиш зарур бўлади.

Юридик шахслар бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишнинг биринчи шarti бу прогноз жараёни мақсадли бўлишлиги; иккинчи шarti-прогноз жараёни мамлакат(ҳудуд)нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда бюджет жараёни билан узвий боғланган бўлиши лозимлиги; учинчи шarti-прогноз кўрсаткичлари кўп вариантли бўлиши ва тўртинчи шarti сифатида солиқни прогнозлаш

жараёнида юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботлари, ваколатли органларнинг расмий ахборотлари зарур ҳолларда сўров материалларига асосланиши ва прогноз вариантларини танлашда илмий ёндошган ҳолда ундаги хатоликларни қайтадан текшириш лозимлиги кабиларни келтириш мумкин.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишда ахборотларни тегишли манбалардан йиғиб, уларни гуруҳлашда аввалги бобларда айтиб ўтилганлидек, маълумотлар базаси аниқланаётганда аввало уларнинг муҳимлиги ва ишончилиги ҳамда ушбу маълумотларнинг прогноз жараёнидаги аҳамиятига эътибор қаратилади. Кейинги босқичда эса олинган ахборотлар гуруҳланади. Бунда ахборот ва кўрсаткичларнинг солиқни прогноз қилишнинг қайси қисмига ёки жараёнига тегишли эканлигига ажратилиб, уларни синтезлаш амалга оширилади. Яъни, синтезлаш орқали тугалланмаган, тўлиқ акс этмаган ва чала хусусиятга эга бўлган маълумотлар тўлдирилиб, уларни бир-бутун ҳолга келтирилади ва уларни таҳлил ва ҳисоб-китоб ишларига тайёрлаб қўйилади. Шунингдек, бу босқичдаги энг эътибор берилadиган нарсалардан яна бири маълумотларни ўзаро таққослаш ва бир-бирига мослаштирган ҳолда уларнинг самарадорлиги масаласидир.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, жумладан бошқа солиқ турлари бўйича ҳам прогноз қилишни амалга оширишда аввалги бобда келтириш ўтилган умумий ташкилий-услубий асосларга таянилади. Унга кўра юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишда фойдаланиладиган ахборот манбалари ва кўрсаткичларни умумий, оралик, молиявий, номолиявий, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига ажратиб(-расмга қаранг) улар асосида дастлаб таҳлилий ишлар кейин эса прогноз кўрсаткичларини аниқлаш жараёни амалга оширилади. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини прогноз қилишда солиқ тушумлари ва бошқа кўрсаткичларнинг динамик ҳолати таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор миқдор кўрсаткичлари-солиқ тўловчилар сони, фойда солиғи тўловчилари сифатида рўйхатдан ўтган корхоналарнинг фаолият кўрсатаётган ва фаолиятини вақтинча амалга оширмаётганлари, ўз фаолиятини расман тугатганлар сони, молиявий фаолиятини фойда ёки зарар билан тугаллаган солиқ тўловчилар сони, барқарор равишда ва нобарқарор ҳолда фойдага эга бўлувчилар сони, солиқ имтиёзига эга бўлган солиқ тўловчилар ва улар ҳисобига бюджетга келиб тушмаган маблағлар ҳажми ва унинг динамикаси, солиқ қонунчилигига риоя этилиш даражаси каби кўрсаткичлар алоҳида таҳлил қилинади. Шунингдек, прогноз жараёнида асосий роль ўйнайдиган молиявий кўрсаткичлар ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиб чиқилади. Бунда эса солиқ тўловчиларнинг ялпи тушуми ялпи даромади, реализация ҳажми, иш хақи фонди, фойда(зарар) ҳажми, солиқ қарздорлиги, солиқ имтиёзлари,

дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, маҳсулот таннархига қўшиладиган ва давр харажатлари сўммаси, солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар ва чегириладиган харажатлар каби кўрсаткичлар алоҳида таҳлил қилиб чиқилади. Бунда эса айтиб ўтилганидек, иқтисодий таҳлил, статистика ва эконометрикада қўлланиладиган таҳлилнинг илғор методларининг қўлланилади.

Ҳар қайси солиқ турлари бўйича жараёнларни таҳлил қилишда ҳамда уларга асосланган ҳолда прогноз кўрсаткичларини аниқлашда иложи борича камида 10 йиллик маълумотларни, агар маълумотларни таққослаш билан боғлиқ зарурий маълумотларни шакллантириш имкони бўлмаган тақдирда эса камида 5 йиллик маълумотларга асосланиш зарур. Чунки, таъкидлаганимиздек, прогноз жараёни мавҳумликка асосланганлиги сабабли унинг келгусидаги ҳолатларини аниқлашда даврийлик оралиғини кенгрок олиш талаб этилади, сабаби, солиқ прогнозига таъсир этувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлар иқтисодиётнинг ҳолати, иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг йўналишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятига қараб улар ўзгариб туради, натижада эса прогноз жараёнига таъсири турлича бўлади. Агар таҳлилда кўрсаткичларнинг даврийлиги кўпроқ муддатларни камраб олса, кўрсаткичларнинг стихияли таъсирининг олдини олиш имконияти пайдо бўлади. Фойда солиғининг кўрсаткичларини таҳлил қилишда эса таҳлил жараёнида иқтисодий ва статистик таҳлил жараёнида кўп қўлланиладиган мутлоқ ўзгариш даражаси, ўртача мутлоқ ўзгариш даражаси, ўзгариш суръати, кўшимча ўзгариш суръати, ўртача ўзгариш суръати каби таҳлил методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.(Ушбу таҳлил методларининг хусусиятлари аввалги параграфларда берилган).

Юқоридаги параграфларда таъкидлаб ўтилганидек, миқдорий кўрсаткичлар асосан кўпроқ миқдорий тавсифлаш хусусиятига эга бўлиб, улар фойдаланиш қулай бўлсада, аммо, сифат кўрсаткичларни изоҳлай олмайди, яъни таҳлилнинг вақт каторларидан ўрин олган ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг акс таъсирини тўлиқ ифодала олмайди. Шу боисдан таҳлил жараёнида ҳодиса ва жараёнларни динамик каторларининг боғлиқлиги ёндошувига асосланган таҳлил методлардан ҳам фойдаланилади. Бунда эса сифат кўрсаткичлар ҳамда уларнинг миқдор кўрсаткичлари билан боғлиқлиги жараёнлар таҳлил қилинади. Шу сабабли фойда солиғи прогнозига таъсир этувчи сифат кўрсаткичларни алоҳида таҳлил қилиш талаб этилади.

Келтириб ўтилган кўрсаткичлар миллий иқтисодиёт даражасидаги ҳолатларни изоҳлашга хизмат қилади, аммо, солиқларни прогноз қилиш жараёнида эса ҳар бир солиқ турини прогноз қилиш миллий, ҳудудлар ҳамда солиқ тўловчи доирасида ҳам амалга оширилишни талаб қилади. Бунда эса солиқ турининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари корхона доирасида бироз

фаркли хусусиятларга эга бўлади, яъни, микроиктисодий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги энг муҳим босқичлардан бири бу солиқ тури бўйича солиқ тушумлари ҳажмига таъсир этувчи омилларни тўғри аниқлаш ва уларнинг таъсирини баҳолаш ҳисобланади. Прогноз жараёнидаги омилларни тўғри аниқлаш, уларнинг таъсирини объектив баҳолаш прогноз кўрсаткичларига таъсир қилади. Шу боисдан ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ тушумлари прогнозини аниқлаётганда унинг ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг ўзини аниқлаб олиш лозим бўлади. Фойда солиғининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда унга таъсир этувчи омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин.

13-жадвал.

### Фойда солиғи прогнозига таъсир этувчи омиллар

| №   | Кўрсаткичлар   | Йиллар(ихтиёрий ўн йил ёки танланган йиллар) |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|---|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 1.  | Солиқ тўловчилар сони:   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Фаолият кўрсатаётганлар  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Фаолият кўрсатмаётганлар   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Янги ташкил этилган юридик шахслар                                     |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Фаолиятини расман тугатганлар  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 2.  | Фаолиятини фойда билан яқунлаган солиқ тўловчилар сони:                |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Барқарор фойда олувчилар сони  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Нобарқарор фойда олувчилар сони  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 3.  | Фаолиятини яқунлаган солиқ тўловчилар сони:                            |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | • Ихтиёрий равишда<br>• Банкротлиги туфайли                            |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 4.  | Солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатларни амалга оширувчилар сони: |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Доимий амалга оширувчилар сони   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Айрим ҳоллар амалга оширувчилар сони                                   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 5.  | Солиқ имтиёзига эга бўлганлар сони:                                    |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Тўлалигича озод этилганлар сони  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | Қисман озод этилганлар сони:   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | • 2 йилга  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | • 5 йилга  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|   | • 7 йилга  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| • ----- йилга   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| • Солиқ базасини камайтиришга олиб келадиган харажатларни амалга оширувчилар сони |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| Президент Қарори ёки Фармонига кўра солиқ имтиёзи берилган сони                   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| Берилган солиқ имтиёзлари бўйича  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

|    |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|----|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|    | бюджет йўқотишлари сўммаси (----- сўмда)                               |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 6. | Солиқ ставкаси %   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 7. | Камайтирилган ставкада тўлайдиганлар сони:                             |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | • %да  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | • %да  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | • %да  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 7. | Солиқ тўловчининг фойда солиғи сўммасининг ошиш сабаблари:             |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | Нархнинг ўзгариши  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | Корхонада харажатларнинг тежамлигига эришиши                           |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | Унумдор асосий фондларнинг кўпайиши ва уларнинг самарали ишлатилиши    |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | Бошқа сабаблар   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 8. | Худудда Фойда солиғи бўйича “Донор” макомга эга солиқ тўловчилар сони: |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

Келтирилган жадвалдан кўринадики, фойда солиғи бўйича солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнида фойда солиғини хусусиятларидан келиб чиқиб ўзига хос омиллар мавжуд бўлади. Улар жумласига солиқ тўловчилар сони кўрсаткичи бўлиб, ушбу кўрсаткични фаолият кўрсатаётганлар ва фаолият кўрсатмаётганлар, янгидан ташкил этилган ва фаолиятини тугатган кесимида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги муҳим омил бу фаолиятини фойда ёки зарар билан яқунлаган солиқ тўловчилар сони кўрсаткичи бўлиб, бунда доимий фойда олувчи(барқарор) корхоналар, нобарқарор тартибда фойда олувчи солиқ тўловчилар, фаолиятини зарар билан яқунлаган солиқ тўловчилар каби кўрсаткичлар муҳим саналади.

Фойда солиғини бўйича прогноз жараёнини амалга оширишда эса шунингдек, солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатларни амалга оширувчилар сони, солиқ имтиёзига эга бўлганлар сони, солиқ тўловчининг фойда солиғи сўммасининг ошиш сабаблари, худудда Фойда солиғи бўйича “Донор” макомга эга солиқ тўловчилар сони ҳамда бошқа омиллар кесимида уларнинг таъсири ўртача 10 йиллик кўрсаткичлар асосида баҳоланиши лозим бўлади. Бу омилларнинг ҳар бири ўзига таъсирга эга бўлиб, уларнинг таъсири доираси маълум бир қонуниятларга эгадир. Ушбу омилларнинг таъсирининг даражаси эса дарсликда келтирилган -иловада баҳоланган.<sup>135</sup> Демак, фойда солиғи бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашда юқорида қайд қилинган омилларга оид кўрсаткичларни(камида 10 йиллик) аниқлаб, уларнинг таъсирини эса юқорида келтириб ўтилган методларни қўллаган ҳолда уларнинг

<sup>135</sup> Ушбу баҳолаш илмий аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқот натижалари бўйича ўртача даражаси олинган.

таъсири даражасидаги ўзгаришларни эътиборга олиш прогноз жараёнида олинган натижалар(кўрсаткичлар)нинг аниқлигини оширишга хизмат қилади.

### 7.3. Қўшилган қиймат солиғини прогноз қилиш

Ўзбекистон солиқ тизимида ушбу солиқ илгари Собиқ иттифоқ даврида амал қилган оборот солиғи ўрнига 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан жорий қилинган. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти қуйидагиларда кўринади: Биринчидан, қўшилган қиймат солиғи ўзида солиқларнинг прогрессив хусусиятини ўзида акс эттириб, фискал мақсадлар учун қулай ҳисобланади. Чунки, қўшилган қиймат солиғи бу мазмунан истеъмол солиғи бўлганлиги сабабли у ишлаб чиқариш ва истеъмол товар(хизмат)ларини истеъмолини қамраб олганлиги сабабли унинг объекти кенг бўлади ва бюджетга солиқ ундиришда катта роль ўйнайди. Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи оборот солиғидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиб, солиқларнинг адолатлилик тамойилини ўзида акс эттиради. Оборот солиғида ҳар бир ишлаб чиқариш ва истеъмол босқичи қамраб олинган бўлса, қўшилган қиймат солиғида якуний босқич яъни, маҳсулот(хизмат)нинг реализацияси қамраб олинади. Учинчидан, қўшилган қиймат солиғи солиқ тизимидаги энг муҳим жараёнлардан бири солиқларнинг юкланишини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг юкланиши бу солиқ оғирлигининг бир солиқ тўловчидан бошқа бир солиқ тўловчига ўтказилиш жараёни ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи солиқларнинг юкланишини ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф ўртасида тақсимлаб туриши орқали ортиқча солиқ юқининг пайдо бўлиши олдини олади ва солиқни имконияти борларга ўтказиб туради(истеъмол жараёни бу солиқ тўловчининг молиявий имкониятларини ўлчашнинг бир шакли сифатида амал қилади). Тўртинчидан, қўшилган қиймат солиғи бир томондан давлатнинг иқтисодиётга аралашувида муҳим дастак вазифасини ўташ орқали истеъмолни тартиблашда ва рағбатлантиришда кенг фойдаланилса, бошқа томондан унинг(солиқнинг) ўзи бозор механизмлари орқали ҳам истеъмолни тартиблайди ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий фаолиятини тартиблайди(ҳаражатлар, истеъмол борасидаги фаолиятининг самарадорлигини кўрсатиб беради). Бешинчидан, қўшилган қиймат солиғи миллий иқтисодиётни ҳимоялашда ҳам муҳим воситачи сифатида юзага чиқади. Ушбу таъкидланганлардан кўринадики, қўшилган қиймат солиғи солиқларнинг барча функциялари(фискал, қайта тақсимловчи, рағбатлантириш, тартиблаш)ни ўзида акс эттирадиган кам сонли солиқ турларидан бири ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ(Солиқ кодексининг 198-моддаси) қўшилган қиймат солиғининг объекти сифатида солиқ солинадиган оборот ва солиқ солинадиган импорт белгиланган. Солиқ солинадиган объектни аниқлаш учун эса унинг элементларини аниқлашни тақозо қилади.



26-расм. Қўшилган қиймат солиғи объекти элементлари.

*Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деганда қуйидагилар эътироф этилади:*

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан: товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш) ва устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;

мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарчасини бериш;

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, (агар таркибий бўлинмалар мустақил солиқ тўловчилар бўлса) мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;  
тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;  
мол-мулкни оператив ижарага бериш;  
интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

*Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойини аниқлаш:*

Қуйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган ёки жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ишларни, хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса (Бундай ишлар, хизматлар жумласига, хусусан, қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мулкни ижарага бериш киради); ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк билан боғлиқ бўлса (Бундай ишларга, хизматларга монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киради);

хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўрсатилаётган бўлса;

ишларни, хизматларни сотиб олувчи фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган бўлса;

ходимлар бериш агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса;

кўчар мулк ижарага берилганда (транспорт воситалари бунга қирмайди);

товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли вакил), шунингдек ушбу бандда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматлари кўрсатилганда;

алоқа хизматлари кўрсатилганда ва шу каби ҳолатлар.

*Солиқ солинадиган импортни белгилаш*

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар солиқ солинадиган импортдир(солиқ қонунчилигига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно).

*Реализация қилиш обороти амалга оширилган сана*

Товарлар жўнатилган (берилган) кун, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир. Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарчасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти учун сана ҳисобланади. Юридик шахснинг ходимларида уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Тара шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу тарани қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган таранинг реализация қилиш обороти амалга оширилган сана бўлади.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана қуйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда;

ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда. Ушбу қисм қоидалари бошланиши бир ҳисобот даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот даврига тўғри келадиган ишларга, хизматларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Шартноманинг (контрактнинг) амал қилиши даврида ишларни, хизматларни олувчи уларнинг натижаларидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятида доимий асосда фойдаланиши мумкин бўлган тақдирда, доимий (узлуксиз) асосда реализация қилиш ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини англатади. Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир.

*Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:*

солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш,

битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ( завод ички обороти) учун (агар таркибий бўлинмалар мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса) мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши, қайтариладиган тарани жўнатиш, (қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади), юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чикиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чикиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкда бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш, асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш, банклар ва суғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш, оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулквий ҳуқуқларни бериш, товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш, ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш, ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш, объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш, товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ва шу кабилар солиқ объекти ҳисобланмайди.

Қўшилган қиймат солиғининг базаси солиқ базасини аниқлашнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ва унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аниқланади:

**Қўшилган қиймат солиғи базаси** = (Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти)-(Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти сифатида тан олинмаган оборотлар) -(солиқдан озод этилган оборотлар(имтиёзлар) ±(белгиланган муддат ичида солиқ базасига тузатиш киритилган оборотлар ҳажми).

Қўшилган қиймат солиғи базаси товар(хизмат, иш)ларни реализация қилишнинг тармоқлар, соҳалар ва фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаётганда агар, солиқ тўловчи корхона *товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан паст нархларда реализация қилган бўлса*, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан ишларни бажарганлиги (хизматлар кўрсатганлиги)дан келиб чиқиб белгиланади.

*Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

*Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича*, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

*Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда*, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси ҳам киритилади.

*Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади. *Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган базадир.

Қурилиши тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Кредит таъминланиши томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулки олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиши бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариши ҳисобига топширилган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдик) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайтарилмаган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

Кейинчалик реализация қилиш учун юридик шахслар томонидан давлат резервидан олинган, нархлари давлат томонидан тартибга солиниши белгиланган товарлар бўйича солиқ солинадиган база реализация қилиш нархи ва давлат резервидан олинган нарх ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ киритилмаган ҳолда аниқланади.

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиладиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари қиради.

Солиқ базасини ҳисоблашда баъзи ҳолларда унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартириш ёки тузатиш киритиш агар, товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилган бўлса, битим шартлари ўзгарганда, нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи скидкадан фойдаланганда, бажарилган ишлардан, кўрсатилган хизматлардан воз кечилган бўлса амалга оширилади. Ушбу тузатиш ва ўзгартиришлар киритишда бир йиллик муддат ичида амалга оширилади, товар(хизмат, иш)нинг кафолат муддати белгиланган бўлса, у тузатиш киритиш кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Агар жадвалга эътибор берадиган бўлсак, дунёнинг аксарият давлатларида қўшилган қиймат солиғи бўйича умумий(стандарт) солиқ ставкалари билан бирга пасайтирилган ҳамда "ноллик" ставкалардан ҳам фойдаланилади. "Ноллик" солиқ ставкалари Буюк Британия, Россия, Хорватия, Сербия, Аргентина, Швеция, Польша, Ирландия, Латвия ва Исроил давлатлари солиқ тизимида кенг фойдаланилади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи сингари мураккаб бўлмасада аммо, қўшилган қийматнинг юзага келиши ва унинг ҳаракати анча кенг ҳисобланади. Агар, қўшилган қиймат солиғи жаҳон солиқ тизимида жорий қилинган даврдан буёғини оладиган бўлсак, уни ҳисоблашнинг асосан тўртта усули амал қилади. Улар қуйидагилардир.

Биринчи усул. Бу "Тўғри қўшиш усули" бўлиб, бу усулда қўшилган қийматни иш ҳақи тарзидаги даромадлар ва фойдага ажратиб олиш орқали уларнинг ҳар бирига қўшилган қиймат солиғи ставкасини кўпайтириш орқали аниқланади. Яъни,  $VA = V + M$ , бу ерда,  $V$ -иш ҳақи тарзидаги даромадлар,  $M$ -олинадиган фойда сифатида қаралади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш эса солиқ ставкасини уларнинг йиғиндисига кўпайтириш орқали аниқланади. Яъни,  $R(V + M) = VAT$  (Value Added Tax-қўшилган қиймат солиғи). Бу ерда  $R$ -солиқ ставкаси(инглизча "rate-ставка, фоиз" сўздан олинган). Аммо, таъкидлаш керакки бу усулда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки, иш ҳақи даромадлари қўшилган қийматнинг таркибига кирсада, аммо, фойда ҳажми мазмунан қўшилган қиймат таркибида қатнашмайди, бу усулни қўллаш эса ҳар бир давлатнинг қўшилган қиймат солиғи объекти ва базани аниқлаштириш тартибларига ҳам боғлиқ бўлади.



айрим хизматлари кабилар ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда Ўзбекистон шароитида қўшилган қиймат деганда сотиб олинган маҳсулот реализацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ маҳсулот(хизмат, иш)ларнинг таннархига олиб бориши мумкин бўлган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Буни математик ифодада кўрадиган бўлсак у куйидагича бўлади:

$Қўшилган\ қиймати = (Маҳсулот\ реализацияси\ қиймати) - (Ишлаб\ чиқариш\ мақсадларида\ сотиб\ олинган\ материаллар\ ва\ ярим\ тайёр\ маҳсулотлар\ қиймати)$

ёки

$Қўшилган\ қиймати = (Маҳсулот\ реализацияси\ қиймати) - (Корхона\ томонидан\ "Маҳсулот\ (ишлар,\ хизматлар)ни\ ишлаб\ чиқариш\ ва\ сотиш\ харажатларининг\ таркиби\ ҳамда\ молиявий\ натижаларни\ шакллантириш\ тартиби\ тўғрисида\ Низом"га\ мувофиқ\ маҳсулот(хизмат,\ иш)ларнинг\ таннархига\ олиб\ бориши\ мумкин\ бўлган\ қилган\ харажатлари\ қиймати).$

Бундан кўринадики, қўшилган қийматнинг таркиби ва ҳажми корхонанинг харажатлар сиёсатиغا ҳам боғлиқ бўлади. Аммо, миллий ҳисоблар тизими бўйича ялпи қўшилган қиймат билан корхонадаги қўшилган қиймат ўртасида фарқ мавжуд бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқлашда унинг тушумига таъсир этувчи омилларни баҳолаш муҳим саналади. Бу каби омилларни баҳолашда эса куйидаги механизмдан фойдаланилади:

15-жадвал.

**Қўшилган қиймат солиғи бўйича прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни баҳолаш усули**

| Б. | Қўшилган қиймат солиғи бўйича:             |   |       |
|----|--|---|-------|
| 1. | <b>Солиқ тўловчилар сони:</b>              |   |       |
|    | Фаолият кўрсатаётганлар                    | + | +0,2  |
|    | Фаолият кўрсатмаётганлар                   | + | -0,1  |
|    | Янги ташкил этилган юридик шахслар         | + | +0,05 |
|    | Фаолиятини расман тугатганлар              | + | -0,1  |
| 2. | ҚҚСни тўлаётган кичик корхоналар сони      | + | +0,05 |
|    | <b>Айланма ҳажми</b>                       |   |       |
|    | Солиққа тортиладиган айланма ҳажми         | + | +0,2  |
|    | Солиққа тортилмайдиган айланма ҳажми       | + | -0,1  |
| 3. | "Ноллик" ставка бўйича айланма ҳажми       | + | -0,05 |
|    | <b>Солиқ имтиёзига эга бўлганлар сони:</b> |   |       |
|    | Тўдалигича озод этилганлар сони            | + | -0,3  |

|     |   |  |   |                |
|-----|---|--|---|----------------|
|     | Қисман озод этилганлар сони   |  | + | -0,1           |
| 4.  | <b>Солиқ ставкаси %</b>   |  | + | +0,2           |
|     | "Ноллик" ставкада тўлайдиганлар сони                                |  | + | -0,05          |
| 5.  | <b>Солиқ тўловчининг ҚҚС сўммасининг ошиш сабаблари:</b>            |  |   |                |
|     | Нархнинг ўзгариши   |  | + | +0,05          |
|     | Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши                             |  | + | +0,05          |
| 6.  | Корхонада маҳсулот реализацияси ҳажмининг ошиши                     |  | + | +0,1           |
|     | <b>Худудда ҚҚС бўйича "Донор" мақомга эга солиқ тўловчилар сони</b> |  | + | +0,05          |
| 7.  | Импорт операциялари бўйича айланма ҳажми                            |  | + | +0,05          |
|     | Экспорт операциялари бўйича айланма ҳажми                           |  | + | -0,05          |
| 8.  | <b>Манфий фарқ сўммасига эга бўлган корхоналар сони</b>             |  | + | -0,05          |
| 9.  | <b>ҚҚС бўйича боқиманда сўммаси</b>                                 |  | + | -0,05          |
| 10. | <b>Бошқа омиллар</b>  |  | + | ±0,05... -±0,1 |

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган солиқлардан бири бўлиб, ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш бюджет даромадларини режалаштиришда катта аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, қўшилган қиймат солиғи ўзида солиқларнинг прогрессив хусусиятини ўзида акс эттириб, фиксал мақсадлар учун қулай ҳисобланади. Чунки, қўшилган қиймат солиғи бу мазмунан истеъмол солиғи сифатида ишлаб чиқариш ва истеъмол товар (хизмат)ларини истеъмолини камраб олганлиги сабабли унинг объекти кенг бўлади ва бюджетга солиқ ундириш катта роль ўйнайди. Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи солиқ тизимидаги энг муҳим жараёнлардан бири – солиқларнинг юкланишини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг юкланиши бу солиқ оғирлигининг бир солиқ тўловчидан бошқа бир солиқ тўловчига ўтказилиш жараёни ҳисобланади.

ҚҚС солиқларнинг юкланишини ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф ўртасида тақсимлаб туриши орқали ортикча солиқ юқининг пайдо бўлиши олдини олади ва солиқни имконияти борларга ўтказиб туради. Учинчидан, қўшилган қиймат солиғи бир томондан давлатнинг иқтисодийётга аралашувида муҳим дастак вазифасини ўташ орқали истеъмолни тартибдаш ва рағбатлантиришда кенг фойдаланилса, бошқа томондан унинг ўзи бозор механизмлари орқали ҳам истеъмолни тартиблайди. Тўртинчидан, қўшилган қиймат солиғи миллий иқтисодийётни ҳимоялашда ҳам муҳим воситачи сифатида юзага чиқади.

Ушбу таъкидлаганлардан кўринадик, кўшилган қиймат солиғи солиқларнинг барча функциялари (фиксал, қайта тақсимловчи, рағбатлантириш, тартибланиш) ни ўзида акс эттирадиган кам сонли солиқ турларидан ҳисобланади. ҚҚС бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда фикримизча қуйидаги: солиқ тўловчилар сони, жумладан, фаолият кўрсатаётганлар, фаолият кўрсатмаётганлар, янги ташкил этилган юридик шахслар, фаолиятини расман тугатганлар сони, ҚҚСни тўлаётган кичик корхоналар сони, солиққа тортиладиган айланма ҳажми, солиққа тортилмайдиган айланма ҳажми, “ноллик” ставка бўйича айланма ҳажми, тўлалигича ва қисман солиқ тўлашдан озод этилганлар сони, умумий белгиланган ставка ва “ноллик” ставкада солиқ тўлайдиганлар сони, солиқ тўловчининг ҚҚС сўммасининг ошиш сабаблари (нархнинг ўзгариши, реализацияси ҳажмининг ошиши), ҳудудда ҚҚС бўйича “донор” мақомга эга солиқ тўловчилар сони, импорт операциялари бўйича айланма ҳажми, экспорт операциялари бўйича айланма ҳажми, манфий сўммасига эга бўлган корхоналар сони, ҚҚС боқиманда сўммаси каби омилларнинг таъсирини баҳолаш лозим бўлади.

#### 7.4. Акциз солиғини прогноз қилиш

Акциз солиғи қадимий солиқ турларидан бири саналади. Унинг моҳиятини тўлароқ англаш учун унга тарихий, этимологик ва иқтисодий моҳияти жиҳатдан қараш лозим бўлади.

*Акциз солиғининг этимологик моҳиятига* (луғавий маъноси) келадиган бўлсак, акциз сўзи француз тилида *accise* ва лотин тилида *accido-* "қирқиб олмоқ" деган маъноларни англатади. Акциз сўзининг лотин тилидан кириб келиши *accido-* "қирқиб олмоқ" маъноси билан биргаликда *accisum* –кертик, ўйма, тиш" каби маъноларга ҳам эга. Қадимги Римда *incision (cisa)* (белги), Қадимги Грецияда *assidere* (ёнида ўтирмак, яъни суд ишлари кўрилаётганда судья ёнида ўтириган шахс-акциз ундирувчи маъносидан) каби маъноларга ҳам қўлланилган. Акцизларнинг жаҳон солиқ тизимидаги қўлланилиши уч хил номда: акцизлар, акциз поштиналари ва акциз солиғи номлари билан мавжуд. Буюк Британияда акциз поштиналари *"excise duty"* деб номланса, акциз солиғи *"excise tax"* деб номланган ҳолда уларнинг чегаралари ажратилади. АҚШда эса *"excise tax"* (акциз солиғи) тушунчаси билан биргаликда акцизларга нисбатан *"internal revenue tax"* тушунчасидан ҳам фойдаланилади (бу асосан кўпроқ ички истеъмол товарларини истеъмолига нисбатан қўлланилади).

*Акциз солиғи ҳам бошқа солиқлар сингари ўз иқтисодий моҳиятига эга.* Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти биринчидан унинг худди қўшилган

қиймат солиғи каби юқори фискалликка эга бўлиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Акциз солиғининг иқтисодий моҳиятининг иккинчи жиҳати бу истеъмолни тартибланишдаги муҳим аҳамиятидир. Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғидан фарқли равишда истеъмолни тартибланишда кенг маконда амал қилмаслиги ва у кўпроқ давлат механизмлари орқали амал қилишидир. Қўшилган қиймат солиғи эса истеъмолни тартибланишда асосан бозор механизмларига орқали амалга оширади ва истеъмолнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бу жиҳатдан бу икки солиқ ўзаро фарқланади. Акциз солиғининг истеъмол ва шу орқали даромадларга таъсир этишини тушунтириш учун америкалик олимлар К.Р.Макконнел ва С.Л.Брюларнинг машхур “Экономикс” китобида келтирилган қуйидаги расмдан фойдаланамиз. Маълумки, акциз солиғини юки назарий жиҳатдан олиб қаралганда ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ равишда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланади. Агар ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талаб юқори бўлса ёки талаб ноэластик бўлса, унда акциз солиғининг асосий юки истеъмолчига тушади, агарда таклиф юқори бўлса ёки таклиф ноэластик бўлса акциз солиғи юки кўпроқ ишлаб чиқарувчи зиммасига тушади<sup>137</sup>. Умуман олганда акциз солиғининг жорий этилиши ёки унинг ставкасининг оширилиши ишлаб чиқаришда самарадорликни пасайтиришни келтириб чиқарса, истеъмолнинг нисбатан камайишига олиб келади.

Акциз солиғининг иқтисодий моҳиятининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу миллий бозорни ҳимоялашнинг муҳим воситаси сифатидаги ролidir. Давлат ўзининг солиқ сиёсатида миллий бозорни ҳимоялаш (протекционизм) да солиқлардан фойдаланишда акциз солиғидан ҳам кенг фойдаланадики, бунда божхона божи ва қўшилган қиймат солиқлари билан биргаликда акциз солиғи ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Четдан киритиладиган товарларга акциз солиқларини жорий этиш орқали миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ҳимояланиб, уларнинг фаолият қилишига замин яратилади, шу билан биргаликда истеъмолни тартибланишда, баъзи ҳолларда эса рағбатлантириш амалга оширилади.

Солиқ–бюджет тизимида акциз солиғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Акциз солиғи биринчидан, у худди қўшилган қиймат солиғи каби юқори фискалликка эга бўлиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Иккинчидан, истеъмолни тартибланишдаги муҳим аҳамиятга эга. Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғидан фарқли равишда истеъмолни тартибланиши

<sup>137</sup> Талабнинг нархга бинан эластиклиги бу нархнинг ўзгаришига жавобан талабнинг нақадар ўзгарганлигини билдиради. /Иқтисодий назарияси. А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов. – Т.: “Шарк”, 2006. – 122 б./

кўпроқ давлат механизмлари орқали амалга оширилади. Қўшилган қиймат солиғи эса, истеъмолни тартиблашда асосан бозор механизмлари орқали амалга оширади ва истеъмолнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бу жиҳатдан бу икки солиқ ўзаро фарқланади. Бу солиқ тури санокли истеъмол товарларигагина жорий қилиниши билан бирга икки хил аҳамиятга моликдир, яъни биринчидан, давлат бюджети даромад қисмининг асосий манбаларидан бири бўлса, иккинчидан, акциз ости товарлари (асосан ижтимоий жиҳатдан зарарли бўлган товарлар)га бўлган эҳтиёжни чеклаш ҳамда бу солиқни товарлар талаб ва таклифининг иқтисодий регулятори сифатида қараш мумкин. Қўшилган қиймат солиғи сингари, мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг жорий қилинган акциз солиғи ҳам товар нархини оширувчи эгри солиқ бўлгани учун истеъмолчи бу солиқ оғирлигини кўтаришга мажбурдир.

Акциз солиғининг яна ўзига хос хусусияти ва бошқа солиқлардан фарқи шундаки, бунда акциз солиғига тортиладиган товарларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, солиқни ҳисоблаш тартиблари ва усуллари ҳам фарқланади. Шу билан солиқ ставкаларининг фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланишига қараб ҳам солиқларни ҳисоблаш тартиби фарқланади. Биз шу боисдан акциз солиғини ҳисоблашнинг айрим турлари бўйича ҳисоблаш тартибини келтириб ўтамиз. Амалдаги тартиб бўйича солиқ тўловчилар акциз солиғини ҳисоблашда ва бюджетга тўлашда жорий тўловларни ҳисоблайдилар. Жорий тўловлар бўйича акциз солиғи ҳисобланганда қуйидаги тартибда амалга оширилади.

*Акциз солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш = (Солиқ даври учун акциз солиғи бўйича тахмин қилинаётган солиқ солинадиган база)х(Солиқнинг белгиланган ставкаси) -( Акциз солиғи тўлаб берилган хом ашё бўйича чегирилиши лозим бўлган солиқ суммаси) /3.*

Акциз солиғини бундай ҳисоблаш ва бюджетга жорий тўловларни тўлаш агар, корхона солиқ сўммаси тўланган хом-ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, у ҳолда хом-ашё тўланган учун солиқ сўммаси бюджетга ҳисобланган солиқ сўммасидан чегириб ташланади. Солиқ сўммасининг 3 га бўлиниши эса ойнинг ҳар декадаси (ўн кунлиги) учун жорий тўловлар қилинади. Амалдаги Солиқ кодексининг 199-моддасига мувофиқ товарларни ва бошқа мол-мулкни давал асосида бериш қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди. Шунга асосан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қиймати ушбу материални қайта ишлаб берувчи корхонада қўшилган қиймат солиғига тортилмайди. Мазкур ҳолатда қайта ишлаш хизматларининг қийматидан келиб чиқиб давал хом ашёсини қайта ишлаб берган корхона қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Мазкур солиқ тури

бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда унинг ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш ҳам муҳим саналади. Таъкидлаш лозимки, ушбу солиқ бўйича тушумларга таъсир этувчи омиллар тури худди ҚҚСга ўхшайди, аммо, айрим ўзига хос омиллар ҳам мавжуд бўлади, масалан, акциз ости товарлар сони, солиқ ставкалари, ҳар бир акцизости товарлари бўйича фарқланиши каби ўзига хос омилларни баҳолаш талаб этилади.

Шунингдек, микродаражада эгри солиқлар жумласига кирувчи акциз солиғи бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда бизнингча қуйидаги методологиядан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз:

**АКЦИЗ СОЛИҒИ ТУШУМИ ПРОГНОЗИ** = (Шаклланиши кутилаётган солиқ базаси) \* (Ўртача солиқ ставкаси) \* (Ўртача оғиш коэффиценти) (1).

Бу ерда:

**Шаклланиши кутилаётган солиқ базаси** = (Реал солиқ тўловчилар сони) \* (Акциз солиғига тортиладиган товарлар обороти) + (Импорт операциялари бўйича акциз солиғига тортиладиган товарларни импорт қиладиган реал солиқ тўловчилар сони) \* (Импорт операциялари бўйича акциз солиғига тортиладиган товарларнинг ўртача обороти).

**Ўртача оғиш коэффиценти** = (Солиқ прогнози жараёнида асосий омиллар таъсири) / (Солиқ прогнози жараёнида асосий бўлмаган омиллар таъсири).

Акциз солиғининг ўзига хусусияти шундаки, унинг тўловчиларининг аниқланиши акциз ости товарлар(акциз солиғига тортиладиган товарлар)нинг сони ва бундай товарларни ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлади.

Акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга <sup>138</sup>, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар

<sup>138</sup> Айрим турдаги маҳсулотларнинг экспорт қилиниши жараёни акциз солиғининг объекти ҳисобланади. Бундай товарларнинг рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади .

томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишини, акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилиниши ҳамда ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-кидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилинишига доир операциялар. Шунингдек, ҳукумат қарорларида истисно тарикасида белгиланадиган операциялар ёки товарларнинг импорт(экспорт) қилиниши солиқ объектидан чиқарилиши мумкин.

Акциз солиғи бўйича солиқ даври йил чораги ҳисобланади. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Солиқ тўловчилар солиқ даври мобайнида жорий тўловларни киритиш орқали акциз солиғини тўлайдилар.

Акциз солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даври биринчи ойнинг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даври учун акциз тўланадиган товарларни реализация қилишнинг тахмин қилинаётган ҳажми ҳамда акциз солиғининг белгиланган ставкасида келиб чиқиб ҳисобланган акциз солиғининг суммаси ҳақида қуйидаги шаклдаги маълумотномани тақдим этадилар:

\_\_\_\_\_ бўйича  
(акциз тўланадиган товар номи)  
**акциз солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун**  
**МАЪЛУМОТНОМА**

| Кўрсаткичлар  | Сатр кодн | Сумма |
|---|-----------|-------|
| Солиқ даври учун акциз солиғи бўйича тахмин қилинаётган солиқ солинадиган база                  | 010       |       |
| Солиқнинг белгиланган ставкаси  | 020       |       |
| Солиқ солинадиган база ва ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ суммаси (010-сатр x 020-сатр) | 030       |       |
| Акциз солиғи тўлаб берилган хом ашё бўйича чегирилиши лозим бўлган солиқ суммаси                | 040       |       |

|   |     |  |
|---|-----|--|
| Бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси (030-сатр - 040-сатр) | 050 |  |
| Ойлик жорий тўловлар суммаси (050-сатр / 3)                               | 060 |  |

Акциз солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай йил чораги бўйича акциз солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдоридан тўланади. Яъни, жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай — жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай — жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай — ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилишнинг тахмин қилинаётган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси солиқ даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Акциз солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади. Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

#### 7.5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогноз қилиш

Республикамизда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи мустақилликнинг дастлабки йилларида, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ва ўзида 6 та бўлим, 27 моддадан иборат бўлган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонун билан жорий қилинди. Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга кирган ва 2008 йил 1 январгача амал қилган Солиқ кодекси қабул қилинганига қадар амал қилди. Ҳозирги кунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи янги таҳрирда қабул

қилинган ва амалда бўлган Солиқ кодекси(2008 йилдан кучга кирган)га, у асосда ишлаб чиқилган қонуности меъёрий ҳужжатлар ҳамда Президент қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ундириб келинмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи моҳияти жиҳатидан аҳолининг қонуний даромад манбаига эга бўлган тоифаларининг ва ушбу солиқ тури бўйича солиқ тўлаш мажбурияти юқлатилган қисмига ўз даромадлари доирасида бюджетга солиқ тўлашнинг мажбурийлигини билдиради. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат томонидан аҳолига қулай иш ўринлари ва даромад олиш имкониятларини яратиб берганлиги, давлатнинг ўзи берган даромад(иш ҳақи, мукофотлар)лари ҳамда аҳолининг маълум бир тоифаларининг иқтисодий ҳатти-ҳаракатлари оқибатида қонуний даромадга эга бўлганлигининг сабаблари ва бир қисмини бюджетга йўналтирилишини характерлайди. Бу ерда давлат аҳолининг даромад манбаига эга бўлишининг асосий кафили ва даромад берувчиси сифатида юзага чиқади. Давлатнинг жамиятга кўрсатаётган ижтимоий хизматларини асосан аҳоли истеъмол қилади, шундай экан, аҳолининг маълум бир тоифалари(ишга яроқли, даромад манбаига эга, лаёқат ёшига етган)дан солиқлар ундирилиши объектив ижтимоий-иқтисодий заруратдир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бюджет даромадларидаги улушининг охириги ўн йил давомида кескин фарқланмаслиги бу даврлар мобайнида аҳоли жами пул даромадларида иш ҳақининг улуши билан ўртacha ойлик иш ҳақининг аввалги йилга нисбатан ўсиши ўртасидаги кескин фарқланишларнинг йўқлиги ҳам таъсир қилади. Охириги кўрсаткич шуни англатадики, миллий иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорлик асосида иқтисодий ўсиши таъминланиб инфляция кўрсаткичларининг минимал даражада жиловланиб борилмоқда. Аҳоли даромадларининг йиллар давомида ўсиши ўртасидаги фарқнинг секинлашиши иқтисодий нуқтаи назаридан аввалги йил базис даромадининг юқорилиги билан ифодаланади.

Жисмоний шахслар оладиган қуйидаги даромадлар: Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар солиқ солинадиган объект ҳисобланади. Аммо, қонунчиликка асосан қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадларга эга бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар объекти ҳисобланмайди.

Жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг базаси жисмоний шахслар томонидан қонунчилик асосида оладиган

жами даромадлари ва ушбу даромадлардан солиққа тортилмайдиган даромадларни чегириб ташлангандан қолган даромадлардан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг жами даромадлари тўртта гуруҳга ажратилади:



**27-расм. Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базаси.**

*Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар бу-* иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар ҳисобланади.(Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига қирувчи даромадлар Солиқ кодексининг 175-моддасида батафсил келтирилган).

*Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари таркибан-* бу фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда

суммаси каби даромадлардан иборат бўлади.(Бундай даромадларнинг турлари Солиқ кодексининг 176-моддасида тўлиқ келтирилган).

*Моддий наф тарзидаги даромадлар* бу- солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар и тушунилади. (Солиқ кодексининг 177-моддасида уларнинг тури келтирилган.)

*Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари* эса юқорида келтирилган даромад гуруҳларига кирмайдиган ва улар томонидан қонуний тартибда олинмаган даромадлардан иборат бўлиб, бу каби даромадларнинг тўлиқ баёни Солиқ кодексининг 178-моддасида батафсил берилган.

*Шу билан биргалликда юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қилган қўйидаги харажатлари (жисмоний шахслардан олинмаган даромадлар) солиқ объектига кирмайди:*

- ✓ меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

- ✓ касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига берилмаган моддий ёрдам;

- ✓ ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

- ✓ диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат катновлари учун фойдаланиладиган йўл қарточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

- ✓ ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озик-овқат билан таъминлаш харажатлари;

- ✓ ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун берилмаган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

- ✓ хизмат сафарларидаги компенсация тўловлари(тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш

учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар, уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ);

- ✓ қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари(доимий иши йўлда кечадиган, харажатланиш ва (ёки) катнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари, хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари, дала таъминоти);

- ✓ меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар;

- ✓ боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан тўловлар;

- ✓ талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

- ✓ Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари;

- ✓ ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари ва шу каби даромадлар.

Шунингдек, агар, жисмоний шахс ўз ҳоҳишига кўра унинг даромадидан даромад солигини ушлаб қолиш ҳақида илтимоснома тарзидаги мурожаатларга асосланган ушланмалар, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолинган даромадлар жисмоний шахснинг даромадидан солиқ ҳисобланаётган солиқ базасидан чегирилмайди. Агар, жисмоний шахс чет эл валютасида ифодаланган даромадларга эга бўлса, бундан даромадлар бўйича солиқ базасини аниқлашда даромад олинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"(16-моддаси)да жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади деб таъриф берилган. Амалдаги Солиқ кодексининг 167-моддасига кўра жисмоний шахслардан олинмаган даромад солигининг тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи моҳияти жиҳатидан аҳолининг қонуний даромад манбаига эга бўлган тоифаларининг ва ушбу солиқ тури бўйича солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган қисмига ўз даромадлари доирасида бюджетга солиқ тўлашнинг мажбурийлигини билдиради. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат томонидан аҳолига қулай иш ўринлари ва даромад олиш имкониятларини яратиб берганлиги, давлатнинг ўзи берган даромад (иш ҳақи, мукофотлар) лари ҳамда аҳолининг маълум бир тоифаларининг иктисодий ҳатти-ҳаракатлари оқибатида қонуний даромадга эга бўлганлигининг сабаби ва бир қисмини бюджетга йўналтирилишини характерлайди.

Бошқа солиқлар сингари, ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнида ўзига хос бир қатор омилларни эътиборга олиш тақозо этилади. Мазкур солиқ тури бўйича ҳам солиқ тушумларини прогноз қилишда умумий омиллар билан биргаликда, яъни, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан чиқарилганлар сони (иш жойларининг қисқарганлиги, вафот этганлиги, ногирон сифатида рўйхатга олинганлиги, нафақага чиққанлиги, солиқ имтиёзига эга бўлганлиги сабабли), дастлабки поғонадаги ставкада тўлайдиганлар сони, ўрта поғонадаги ставкада тўлайдиганлар сони, юқори поғонадаги ставкада тўлайдиганлар сони<sup>139</sup>, бюджетга солиқ тушумлари ошишининг сабаблари (энг кам иш ҳақининг минимал миқдорини ошиши, корхоналарда иш ҳақи фондининг оширилиши, юқори иш ҳақи берувчи корхоналарнинг кўпайиши, икки ва ундан ортиқ иш жойидан даромад олувчилар ва декларация топширувчи солиқ тўловчилар сонининг ошиши), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчи юридик шахслар (солиқ агентлари), аҳолининг реал пул даромадларининг аввалги йилларга нисбатан ошиши, аҳоли жами пул даромадларида иш ҳақининг улуши, ўртача ойлик иш ҳақининг даражаси ва аввалги йилга нисбатан ўсиши, меҳнат ресурслари сони, иктисодиётда банд бўлганлар сони, иктисодиётнинг расмий ва норасмий секторидида иш билан бандлар сони, иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси, яратилган иш ўринлари сони ва шу каби муҳим омилларни ҳам таҳлил қилиш асосида уларнинг таъсир даражаларини баҳолаб бориш зарур.

#### **7.6. Ер солиғини прогноз қилиш**

Ер солиғи солиқларнинг пайдо бўлиши даврдан то ҳозирги кунга қадар энг асосий солиқлардан бири ҳисобланади. Бу солиқ Қадимги Рим, Греция

<sup>139</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил июнь ойидаги қарори билан тасдиқланган Солиқ концепциясига кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб, солиқ ставкаси поғонали эмас, балки, ягона 12 фоизда белгиланиши кўзда тутилмоқда.

давлатларидан тортиб, Шарқ давлатларидаги қадимги давлатларда ва кейинчалик феодал тузум давлатларида ҳам асосий солиқ тури сифатида ўрин эгаллаган. Масалан Қадимги Римда ер солиғи мавжуд бўлиб, ушбу солиқдан солиқ тушумларини кўпайтириш ва соддалаштириш мақсадида ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар топшириш мажбуриятлари жорий қилинган. Аслида солиқ декларациясининг ҳам пайдо бўлиши ерлардан солиқларни ўз вақтида ундириш ҳамда солиқ объектларини тўғри аниқлаш заруратидан келиб чиққан. Чунки, Рим империясига қарашли ўз ерларидан ташқари босиб олинган ерлардан солиқ ундиришнинг мураккаблашиб бориши давлатга қарашли барча ерларни рўйхатга олиш ва уларнинг жойлашуви ҳамда тури (хосил берадиган, денгиз бўйларидаги, чўл ва тоғли жойлардаги ерлар) бўйича рўйхатини олиб чиқилган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, Республикаимизда ҳам ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи ва масъулиятини оширувчи молия-кредит механизмлари жорий этилди, бу борада солиқ тизимида ер солиғининг жорий этилиши ўзига хос аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ер солиғи тўғрисида"ги қонуни<sup>140</sup> билан жорий қилинган ер солиғини ундиришда унинг миқдори ушбу ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб белгиланади. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳар йили ер солиғи тўлайдиган бўлдилар. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг қарорига биноан ижарага ер участкалари олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига маҳаллий бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар, унинг миқдори томонларнинг келишуви бўйича, лекин қонун ҳужжатларида назарда тутилган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилганда бир ставкаси миқдоридида белгиланди. Кимнингдир мулкида, эгалигида ва фойдаланишида бўлган ҳар бир ер участкаси учун ер солиғи ставкаларининг миқдорлари ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб табақалаштирилган ҳолда жорий қилинди.

Бу даврларда ер солиғини ундириш тартиблари ва механизмлари такомиллаштирилиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб

<sup>140</sup> Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги 397-I-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига<sup>141</sup> асосан Республикада қишлоқ хўжалиги экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кўчайтириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди. Мазкур фармонга асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кўйидаги умумдавлат ва маҳаллий солиқларни яъни даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига фақат ягона ер солиғини тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомил-лаштираш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармонига мувофиқ Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари тuzилганлиги ва уларга халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳокама қилишда иштирок этиш ва ўз хулосасини тақдим этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда самарали фаолият юритаётган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини рағбатлантириш, фаолиятида камчиликларга йўл қўяётган ер эгаларига нисбатан жамоатчилик йўли билан таъсир чораларини кўриш каби вазифа ва ҳуқуқлар берилди, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Шунингдек, мазкур фармонга кўра энди барча фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмлар белгиланадиган бўлди. Ҳар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин

<sup>141</sup> Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сонли «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган.

майдонларини хатловдан ўтказиб, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқлайди, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши, экинларнинг тўлиқ ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назорати кучаяди.

Агар, 2017 йилнинг ўзида кўшимча 1,2 минг гектар майдонда лимонарий барпо этилди, 32 минг хонадонга 3,2 млн. та 90 кунлик товук тарқатилиб, 2,3 млн. дона тухум етиштиришга эришилди. Шунингдек, грек ёнғоғи, унаби каби инсон саломатлиги учун фойдали мевали кўчатлар экиш ташкил қилиниши, фуқароларнинг ўзларига бириктириб берилган томорқа ерларидан кўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланишдаги эътиборсизлиги, ердан фойдаланиш маданиятининг тўлақонли шаклланмаганлиги, соҳага оид қонунларда ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолларига нисбатан жавобгарлик механизми қатъий белгиланмаганлиги натижасида мавжуд 445 минг гектар томорқа ер участкасининг 18,9 минг гектаридан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам юз берди<sup>142</sup>.

Таъкидлаганимиздек, ерлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг рағбатлантирувчилик ва тартибловчилик функциясининг амалий жиҳатдан ишлашини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-3454-сон қарорига кўра мониторинг натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилида камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига минтақанинг ва фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,7 дан 1,3 гача пасайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш сифатида ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффициентни қўлланиладиган

<sup>142</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 мартдаги 205-сонли қарори.

бўлса, Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилиши, деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой куриш ҳуқуқисиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши, ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларининг жорий этилиши, фикримизча, ерлардан самарали фойдаланишнинг рағбатлантирувчилик ва масъулиятни ошириш механизмнинг энг оқилона механизмларининг яратилиши аини муддао бўлди. Таҳлилларимизга кўра 2018 йил якунларига кўра ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аввалги йилларга нисбатан ўсиш суръатларидан ҳамда 2018 йилги прогноз кўрсаткичи (104.0) дан камида 1,7 баробар юқори бўлади, ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотларинг ўрта нархлар индексида ҳам сезиларли пасайиши кутилмоқда.

Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида ер солиғи фискал хусусияти жуда юқори эмас, яъни бюджет жами даромадларида катта улушни эгалламайди, аммо, солиқ базасини аниқлашнинг қулайлиги ва ҳисоблаш механизмнинг осонлиги, ундириш тартиби ва солиқ тушумини бюджетлар ва турли хил фондлар ўртасида тақсимланиш жараёнининг соддалиги билан ўзига ҳос хусусиятларга эга.

Шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, ер солиғининг ставкалари ҳар йили индексация қилиниб борилмоқда, ўз навбатида қарамасдан биринчидан солиқ тўловчилар сонининг унчалик кўп эмаслиги ва солиқ имтиёзларининг кўпроқ берилиши жараёни кучайиб бормоқда. Агар, ер солиғи тўловчилари сони 2007 йилда 161265 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 93031 тага тушиб қолган, яъни, 7000 яқин солиқ тўловчига камайган. 2016 йилда қишлоқ хўжалик соҳасида ер солиғини тўловчилар сони 119800 тани, улардан фермер хўжаликлар сони эса 97569 тани 2017 йилда эса мос равишда 143004 та ва 120432 тани ташкил этган.

Шу билан биргаликда ер солиғи таркибида ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланган фермер хўжаликларига солиқ имтиёзларининг берилиши ва уларнинг ўзаро оптималлашиб бориши (йириклашуви) оқибатида солиқ тўловчилар сонининг камайишига олиб келган. Аммо, уларга ер бириктирилган ер участкалари сони қисқармаган. Бутун дунёда ер участкаларига солиқ солиш

прогрессив характерга эга. Чунки, солиқлар тикланмайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларг эҳтиёткорлик асосида ёндошишга ундайди. Бундан ташқари ерлар кадастр усули бўйича солиққа тортиладиги, бу усулда солиқ тушумлари ер участкаларидан олинган даромадлилик даражасига боғлиқ эмас.

Мазмунан олиб қараганда ер солиғи тўловларидан тушган маблағ энг аввало ерларни муҳофаза қилишни яхшилашга, ерларнинг унумдорлигини оширишга, ирригация ва мелиорация ишларига, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларни, шу жумладан ижарачиларни рағбатлантиришга, ер тузиш ишларини ташкил этишга, Давлат ер кадастри юритиш ва ҳудудни ижтимоий ривожлантиришга сарфланадиги, яъни ҳозирги кунда ягона ер солиғи Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ҳузуридаги “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” орқали қайд этилган мақсадларда сарфланадиги, бу жиҳатдан олганда ер солиғи нисбатан мақсадли йўналтирилган солиқлардан бири саналади.

Республикаимиз солиқ тизимида ҳар бир солиқ турини ундириш механизми ва улар бўйича давлат бюджетига солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш жараёнида солиқ тушумларини тўғри ва аниқ ҳолда прогнозлаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқларни прогноз қилишнинг омилларининг таъсирчанлик коэффициентларини қўллаш методик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

#### 16-жадвал.

#### Ер солиғини прогноз қилишда омиллар таъсирининг корреляцион жадвали

| №  | Омилли кўрсаткичлар                              | Асосий омил | Асосий бўлмаган омил | Солиқ тушумига таъсири коэффициенти. Коэффициентнинг максимум даражаси=1. (+ ижобий) (-салбий) |
|----|--|-------------|----------------------|--|
| 1. | <b>Солиқ тўловчилар сони:</b>                    |             |                      |  |
|    | Фаолият кўрсатаётганлар                          | +           |                      | +0,5   |
|    | Фаолият кўрсатмаётганлар                         |             | +                    | -0,1   |
|    | Янги ташкил этилган корхоналар                   |             | +                    | -0,05  |
|    | Фаолиятини расман тугатганлар                    | +           |                      | -0,1   |
| 2. | <b>Солиқ имтиёзига эга бўлганлар сони:</b>       |             |                      |  |
|    | Тўлалигича озод этилганлар сони                  | +           |                      | -0,1   |
|    | Қисман озод этилганлар сони                      | +           |                      | -0,1   |
|    | <b>Солиқ ставкаси%</b>                           | +           |                      | +0,5   |
| 3. | <b>Камайтирилган ставкада тўлайдиганлар сони</b> |             | +                    | -0,1   |

|    |   |   |   |       |
|----|---|---|---|-------|
|    | <b>Бошқа омиллар:</b>   |   |   |       |
|    | Ер майдонларининг кенгайиши(ажратилиши)   |   | + | +0,5  |
| 4. | Қаровсиз ёки лалмикор ер майдонларининг ердан фойдаланувчи ҳисобига ўзлаштирилиши |   | + | -0,1  |
|    | Томорқа эгаларига тегишли самарасиз фойдаланган ер участкалари ҳажми              | + |   | +0,2  |
|    | Бонитети пасайиб кетиш ҳисобига фойдаланишдан чиқарилган ер майдонлари            |   | + | -0,05 |
|    | Фарс мажор ҳолатлар   |   | + | ±0,05 |

Мақсуд жадвалда бошқа солиқ турлари каби ер солиғи бўйича бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишига таъсир этувчи омилларни асосий ва асосий бўлмаган турларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирининг коэффициент кўрсаткичлари аниқланган. Солиқларни прогноз қилиш жараёнига барча омилларнинг таъсирининг умумий даражасини 1,0 коэффициентга тенг қилиб олиниб, ҳар бир омилнинг таъсири унинг даражасининг ошишига ёки камайишига хизмат қилади. Омилларнинг солиқ тушумларига корреляцион боғлиқлиги ва даражаси солиқ турининг ички моҳиятига қараб таъсир доираси ҳам фарқланади. Жадвалдан кўринадики, ер солиғи бўйича давлат бюджетига келиб тушиши мумкин бўлган кўрсаткичларнинг прогнозига асосан тўрта омиллар, яъни солиқ тўловчилар сони, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкалари ва бошқа омилларга ажратган ҳолда уларнинг прогноз кўрсаткичига ижобий ёки салбий таъсир этиши нуқтаи назардан баҳоланди. Бу ерда яна шу нарсага эътибор бериш зарурки, 2018 йилдан бошлаб жорий этилган яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари эмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлданилиш тартиблари ҳам ер солиғи бўйича солиқ тушумлари прогнозига таъсири ҳам эътиборга олиниш зарур деб ҳисоблаймиз. Фикримизча юқорида қайд этилганидек, айрим йилларда ер солиғи бўйича солиқ тушумлари прогнозининг бажарилмаслик сабаблари бири бу прогноз кўрсаткичларининг тўғри аниқланмаганлигидир. Шу боисдан биз тақлиф этаётган омилларни баҳолашнинг корреляцион модели ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларини прогноз кўрсаткичларининг объективлигини таъминлашга хизмат қилса, бошқа томондан бюджетдан ижтимоий соҳаларни бир маромда молиялаштириш имконияти ошади.

### Таянч сўз ва иборалар:

*Фойда, фойда солиғи, солиқ прогнозига таъсир этувчи омиллар, жисмоний шахс, даромад, жами даромад, мулкый даромадлар, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, Акциз, акцизостии товарлари, хом-ашё, давал хом-ашё, дал, "трибут", акциз маркалари, айланмадан солиқ, солишдан солиқ, истеъмол, акциз солиғи тўловчиси, акциз солиғи объекти, акциз солиғи базаси, акциз солиғи ставкалари, импорт маҳсулотлари, талаб, тақлиф, истеъмолчи зиммасидаги солиқ, чекланган нормалар, акциз солиғини ҳисоблаш, акциз солиғини бюджетга тўлаш, декада, ер солиғи, бонитет, ер солиғи тушумларига таъсир этувчи омиллар.*

### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Фойда солиғига таъсир этувчи омилларга нималар қиради?
2. Фойда солиғи прогноз кўрсаткичларини аниқлашда қайси методлардан фойдаланилади?
3. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг тарихий хусусиятларини нималардан иборат?
4. Жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларига нималар қиради?
5. Жисмоний шахсларнинг қайси даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди?
6. Жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғини ундиришнинг АҚШ, Россия ва Буюк Британия давлатларининг тажрибаси Ўзбекистон солиқ тизимидаги ҳолат билан қиёсий таққосланг.
7. Акциз сўзининг луғавий маъноси нима?
8. Нима учун оборот солиғи ва сотишдан солиғи ўрнига акциз ва қўшилган қиймат солиқларига ўтилди?
9. Акциз солиғининг истеъмолни тартиблашдаги роли қандай?
10. Акцизостии товарларни деганда қайси товарлар тушунилади?
11. Акцизостии товарларини белгилаш қайси мезонларга кўра амалга оширилади?
12. Акциз солиғи ва товарлар истеъмолида акциз маркаларини қўллашдан асосий мақсад нима?
13. Акциз солиғи қандай ҳисобланади?
14. Акциз солиғи бўйича қанақа имтиёзлар белгиланган?
15. Ер солиғини прогноз қилишда қайси индикаторлардан фойдаланилади?

## ГЛОССАРИЙ

| ТЕРМИН   | Рус тилида                               | Инглиз тилида                           | Ўзбек тилидаги шарҳи   |
|--|--|---|--|
| Асосий воситалар                               | Основные средства                        | fixed assets                            | деб, корхонада кўп йил фойдаланиладиган меҳнат куруллари: яъни бинолар, иншоотлар, машиналар ва асбоб-ускуналар. |
| Асосий воситалар билан таъминланиш             | Обеспеченность основными средствами      | Provision of fixed assets               | корхонанинг бизнес-режасига ёки ўтган йилларга нисбатан асосий фондлар билан курулланиш даражаси.                |
| Актив (фаол) асосий фондлар                    | Активные основные средства               | Active fixed assets                     | куч берадиган машиналар ва асбоб-ускуналар, иш машиналари, ўтказгич жихозлар, ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари. |
| Асосий фондларни янгилаш коэффициенти          | Коэффициент обновления основных фондов   | The coefficient of fixed assets renewal | янги келган асосий фондлар сўммасини асосий фондларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак.                |
| Асосий (операцион) фаолият бўйича пул оқимлари | Денежные потоки от основной деятельности | Cash flows from operating activities    | хўжалик жараёнларини корхонанинг пул маблағларига, фойда микдорига таъсирини ифодалайди.                         |
| Айланма маблағлар                              | Оборотные средства                       | current assets                          | айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағлари.                         |
| Бошқарув тамойиллари                           | Принципы управления                      | principles of management                | иқтисодиётнинг барча соҳаларини бошқариш тузимининг тузилиши ва амал қилинишини белгилаб берувчи асосий қоида.   |

|   |  |   |   |
|---|--|---|---|
| Бошқарув тизими                             | Системы управления                               | Control systems                           | бошқаришнинг мақсадлари, таркиби, шакли ва усуллари мажмуаси. У динамик бўлиб, ижтимоий - иқтисодий шaroитлар ўзгариши билан унинг унсурларини аниқ мазмуни ҳам ўзгаради. |
| Баланси ликвидлиги                          | Ликвидность баланса                              | balance Liquidity                         | балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади.   |
| Брак маҳсулот                               | Бракная продукция                                | bar products                              | гасдиқланган андоза ва техника шартларга мос келмайдиган маҳсулот.  |
| “Баланс”                                    | Баланс   | Balance                                   | лотинча бис – икки марта, банд – тарози палласи сўзларидан таркиб топиб, том маънода икки палла деган маънони англатади ва тенглик тушунчаси сифатида ишлатилади.         |
| Бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажат | Затраты на один сум товарной продукции           | The cost of one sum of commodity products | ишлаб чиқариш таннархини товар маҳсулотга хажмига нисбати тарикасида аниқланади.  |
| Дебитор қарзлари                            | Дебиторская задолженность                        | Receivables                               | айнан тахлил қилинаётган корхона айланма маблағларининг бир қисми бошқа корхоналар айланмасида қатнашиши тушунилади.  |
| Дебиторлик қарзларининг айланиш куни        | Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях | Accouns receivable turnover in days       | дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд сўммасини тахлил этиш даврининг келендар кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф  |

|  |                                     |                               |  |
|--|-------------------------------------|-------------------------------|--|
|  |                                     |                               | тушум суммасига бўлиш асосида аниқланади.  |
| <b>Индукция</b>                              | Индукция                            | Induction                     | гадкикотни ёки бирор объектни (ходисани, жараёни) хусусийликдан умумийлик сари ўтилиши тушунилади.   |
| <b>Ички хўжалик резервлар (имкониятлари)</b> | Внутрихозяйственные резервы         | Intra reserves                | хўжалик юртиш самарадорлигини ошириш имкониятини аниқлашда ижобий таъсир этувчи омиллар ҳаракатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш тушунилади.                               |
| <b>Иқтисодий-математик усуллар</b>           | Экономико-математические методы     | Economic-mathematical methods | интеграл, корреляция, регрессия, омиллар тизимини детерминлашган моделларда акс эттириш, назарий ўйин кабилар.   |
| <b>Инвестиция фаолияти</b>                   | Инвестиционная деятельность         | Investment activities         | номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, узоқ муддатли моддий активлар сотиб олиш учун етказиб берувчиларга тўланган пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар чиқим устунида акс эттирилади. |
| <b>Ижтимоий меҳнат унумдорлиги</b>           | Социальная производительность труда | Social productivity           | моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад микдори билан ўлчанади   |

|   |   |                                  |   |
|---|---|----------------------------------|---|
| <b>Индивидуал меҳнат унумдорлиги</b>          | Индивидуальная производительность труда           | Individual productivity          | индивидуал (якка гартибда ишловчининг (локал) участка, цехдаги, корхона, гармоқдаги) ишловчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти.  |
| <b>Кредитор қарзлари</b>                      | Кредиторская задолженность                        | Accouns payable                  | ўзга корхоналарнинг айланма маблағларининг бир қисми айнан таҳлил қилинаётган корхона айланмасида қатнашиши тушунилади.   |
| <b>Кредиторлик қарзларининг айлланиш куни</b> | Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях | Accouns payable turnover in days | кредиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига қўпайтириш ва сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи суммасига бўлиш асосида аниқланади. |
| <b>Лeverаж</b>                                | Ливераж   | Leverazh                         | хусусий капиталнинг ўсган қисми бўлиб, кўрсатиб хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти билан жами инвестициялар орасидаги фарк коэффиценти олинади.                                   |
| <b>Метод(усул)</b>                            | Метод (способ)                                    | The method (method)              | юнон тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ходиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Муайян фаннинг предметини ўрганиш усули.                             |

|  |                                      |                            |   |
|--|--------------------------------------|----------------------------|---|
| <b>Методология(услуга)</b>               | Методология                          | Methodology                | муайян фаннинг предметини ўргатиш усули, унда қўлланиладиган ёндашувлар, усуллар мажмуаси.                |
| <b>Материаллар самараси</b>              | Материалотдача                       | Materialootdacha           | моддий харажатларнинг бир сўми хисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.                  |
| <b>Материал сизими</b>                   | Материалоемкость                     | consumption materials of   | бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қанча (неча тийин) моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади. |
| <b>Молиявий натижа</b>                   | Финансовый результат                 | Financial results          | корхона фаолиятининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланадиган якунидир.                     |
| <b>Муддатли ликвидлик коэффициенти</b>   | Коэффициент срочной ликвидности      | Quick ratio                | у пул маблаглари, соф дебиторлик қарзлари суммасини жорий мажбуриятларга бўлиш орқали аниқланади.         |
| <b>Мутлак ликвидлик коэффициенти</b>     | Коэффициент абсолютной ликвидности   | Absolute liquidity ratio   | у пул маблагларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.                                   |
| <b>Молиявий мустақиллик коэффициенти</b> | Коэффициент финансовой независимости | The financial independence | у корхонанинг ўз маблагларининг хўжалик маблаглари умумий суммасига нисбати тарикасида аниқланади.        |
| <b>Мехнат омиллари</b>                   | Факторы труда                        | labor Factors              | корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва мехнат унумдорлиги даражасини         |

|   |                                  |                          |   |
|---|----------------------------------|--------------------------|---|
|   |                                  |                          | ифодаловчи кўрсаткичлар.  |
| <b>Мехнат воситалари омиллари</b>           | Факторы средств труда            | Factors labor funds      | корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги, таркиби, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.              |
| <b>Мехнат предметлари омиллари</b>          | Факторы предметов труда          | Factors objects of labor | корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлигини ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.                    |
| <b>Маҳсулотни бир текисда ишлаб чиқариш</b> | Ритмичная производства продукции | Rhythmic production      | маҳсулотни тузилган жадвал асосида, маҳсулотнинг олдиндан аниқланган ассортименти ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминланиши. |
| <b>Маҳсулот сифати</b>                      | Качества продукции               | quality products         | унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятларининг мажмуаси.  |
| <b>Мехнат унумдорлиги</b>                   | Производительность труда         | productivity             | моддий ишлаб чиқаришда вақт бирлиги давомида ҳосил қилинган маҳсулот миқдори билан ўлчанади   |
| <b>Моддий ресурслар</b>                     | Материальные ресурсы             | Material resources       | ишлаб чиқаришнинг муайян циклида фойдаланишда бўлган ва шу циклда ишлаб чиқарилган маҳсулот   |

|   |   |                                     |   |
|---|---|-------------------------------------|---|
|   |   |                                     | (иш ва хизматлар) таннархига ўз қийматини тўлиқ ўтказиб боровчи буюмлар.  |
| <b>Махсулот таннархи</b>                        | Себестоимость продукции                                 | product cost                        | махсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларнинг пул орқали ифодаланиши.  |
| <b>Молиявий фаолият</b>                         | Финансовая деятельность                                 | Financial activities                | бўлимида акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши ва чиқимлар акс этади.  |
| <b>Моддий текширувлар</b>                       | Материальная проверка                                   | Material inspection                 | моддий бойликлар, пул маблағлари хақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади.                                   |
| <b>Омилли таҳлил</b>                            | Факторный анализ  | Factor analysis                     | натيجا кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини ҳисоблаш усуллари мажмуасини ўзида ифода эттирган таҳлилдир. |
| <b>Омиллар</b>                                  | Факторы   | factors                             | у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар тушунилди.   |
| <b>Операцион фойда(асосий фаолияти фойдаси)</b> | Операционная прибыль (прибыль от основной деятельности) | Operating profit (operating profit) | ялпи фойдадан давр харажатлари ва бошқа операцион харажатлар чегирилиши ва асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши натижасида ҳосил                     |

|   |                                  |                                  |  |
|---|----------------------------------|----------------------------------|--|
|   |                                  |                                  | бўлган фойда.  |
| <b>Пул оқимлари</b>                     | Денежные потоки                  | monetary flows                   | пул ва пул маблағларининг ҳамда сўм ва ўзга эквивалентларининг кирими ва чиқими.   |
| <b>Пул эквивалентлари</b>               | Денежные эквиваленти             | Cash equivalents                 | эркин алмаштириладиган қисқа муддатли ликвидланадиган, қиймати ўзгариши хатарига камроқ мойил бўлган инвестициялар.                            |
| <b>Пул маблағлари</b>                   | Денежные средства                | Cash                             | кассадаги нақд пул ва талаб бўйича бериладиган депозитлар, шунингдек, ҳисоб-китоб. валюта ва ўзга банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар.          |
| <b>Пассив (нофаол) асосий воситалар</b> | Пассивные основные средства      | Passive fixed assets             | бинолар, иншоотлар ва транспорт воситалари.  |
| <b>Ретроспектив(жорий) таҳлил</b>       | Ретроспективный (текущий) анализ | Retrospective (current) analysis | ҳисобот даври тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоботлар ҳамда ҳисобдан ташқари ахборот манбаларига асосан ўтказиладиган таҳлил. |
| <b>Рентабеллик</b>                      | Рентабельность                   | Profitability                    | жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва хар бир корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий самарадорлигини ифодоловчи кўрсаткич.                              |
| <b>Рақобат</b>                          | Конкуренция                      | Competition                      | лотинча сўздан олинган булиб, мақсадга эришиш учун кураш, корхоналар ўртасидаги соф курашни  |

|                                    |                           |                     |   |
|------------------------------------|---------------------------|---------------------|---|
|                                    |                           |                     | билдиради.  |
| <b>Сотилган махсулот</b>           | Реализованная продукция   | products sold       | товарлар истеъмолчиларга жўнатилиб унинг хаки мол юборувчиларнинг банкдаги ҳисоб - китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.                            |
| <b>Соф махсулот</b>                | Чистая продукция          | Net output          | товар махсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ва асосий воситалар ва номоддий фаолларнинг амортизацияси суммаси ўртасидаги фарк. |
| <b>Солиқ тўлагунга қадар фойда</b> | Прибыль до уплаты налогов | Profit before tax   | умумхўжалик фаолиятдан келган фойдага фавқулоддаги фойдани қўшилиши ва фавқулоддаги зарарни чегириш орқали ҳосил бўлган фойда.                      |
| <b>Соф фойда</b>                   | Чистая прибыль            | Net profit          | солиқ тўлагунга қадар фойдадан даромад (фойда) солиги ва фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимларни чегирилиши орқали аниқланган фойда.                  |
| <b>Такқосланадиган махсулот</b>    | Сравнимая продукция       | comparable products | шу йил ва ундан олдинги йилларда серияли ва оммавий тартибда ишлаб чиқарилган махсулотнинг барча турлари.   |
| <b>Такқосланмайдиган махсулот</b>  | Несравнимая продукция     | comparable products | жорий йилда ишлаб чиқарилган махсулотдир.   |

|  |   |                                       |   |
|--|---|---------------------------------------|---|
| <b>Товар махсулоти</b>                                       | Товарная продукция                        | commercial products                   | барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва оմборга топширилган махсулот.                 |
| <b>Таксимланмаган фойда</b>                                  | Нераспределенная прибыль                  | retained earnings                     | корхонанинг ҳисобида турган соф фойдаси.  |
| <b>Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(ҳисобот фойдаси)</b> | Прибыль от общехозяйственной деятельности | Profit from general economic activity | операцион фойдага молиявий фаолиятнинг даромадларини қўшилиши ва молиявий фаолият бўйича харажатлар чегирилиши орқали ҳосил бўлган фойда. |
| <b>Устав капитали</b>  | Уставный капитал                          | Authorized capital                    | ўз маблағлар манбаининг асосини ташкил этади.   |

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2015 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил январь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, 2013 йил 16 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил, 7 феврал.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ғаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5075-сонли фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойиши.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ПҚ-3756-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли фармони.

15. Каримов И. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2004.–36 б.

16. Ш.Мирзиёев. Биз буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т.: Ўзбекистон, 425 б.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2017 йил, 16 январь.

18. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Палаталарининг Қўшма Мажлисидаги нутқи. – Тошкент, Халқ сўзи газетаси, 2016, 14 декабрь.

19. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –104 б.

20. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 32 б.

21. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалликда барпо этамиз” – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 32 б.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил. Тошкент, Халқ сўзи газетаси.

23. Barrell, Ray and Dury, Karen and Holland, Dawn, "Macro-Models and the MediumTerm: The NIESR experience with NiGEM", Presentation at 75th International Conference"Policy modeling for European and global issues", 2001, month July.

24. Calvo, Guillermo A., "Staggered prices in a utility-maximizing framework", Journal of Monetary Economics, 1983, volume 12, number 3, pages 343-482, month September.

25. Fogler H.R. A pattern recognition model for forecasting // Management science. 1974, No.8. P. 1178 – 1189.

26. Gheyas I.A., Smith L.S. A Neural Network Approach to Time Series Forecasting // Proceedings of the World Congress on Engineering, London, 2009, Vol 2 [электронный ресурс]. P. 1292–296.

27. Gosselin, M.-A. and Lalonde, R... "MUSE: The Bank of Canada's New Projection Model of the U.S. Economy" Bank of Canada Technical Report, 2005, No. 96.;Gosselin, M.-A., "MUSE: The Bank of Canada's New Projection Model of the U.S.Economy", Bank of Canada Review, 2006.

28. Hannes Y.Y., Webb P. Classification and regression trees: A User Manual for Identifying Indicators of Vulnerability to Famine and Chronic Food Insecurity // International Food Policy Research Institute [электронный ресурс]. 1999. 59 p.

29. Huang W., Nakamoria Y., Wang S. Forecasting stock market movement direction support vector machine // Elsevier: computers and operation research. 2005, Vol. 32. p. 2513 – 2522.

30. Maximum likelihood // The free encyclopedia «Wikipedia» [электронный ресурс].

31. Mazengia D.H. Forecasting Spot Electricity Market Prices Using Time Series Models: Thesis for the degree of Master of Science in Electric Power Engineering. Gothenburg, Chalmers University of Technology, 2008. 89 p.

32. Mazengia D.H. Forecasting Spot Electricity Market Prices Using Time Series Models: Thesis for the degree of Master of Science in Electric Power Engineering. Gothenburg, Chalmers University of Technology, 2008. 89 p.

33. Pradhan R.P., Kumar R. Forecasting Exchange Rate in India: An Application of Artificial Neural Network Model // Journal of Mathematics Research. 2010, Vol. 2, No. 4. p. 111 – 117.

34. Prajakta S.K. Time series Forecasting using Holt-Winters Exponential Smoothing // Kanwal Rekhi School of Information Technology Journal [электронный ресурс]. 2004. 13 p.

35. Robidoux, Benoit and Wong, Bing-Sun, "The Canadian Economic and Fiscal Model 1996 version. Part 1. Model structure", Department of finance of Canada, 1998, Working paper, number 5.; Cao, Jian-Guo and Robidoux, Benoit, "The Canadian Economic and Fiscal Model 1996 version. Part 3. Empirical specification and statistical assessment", Department of finance of Canada, 1998, Working paper, number 7.

36. Zhu J., Hong J., Hughes J.G. Using Markov Chains for Link Prediction in Adaptive Web Sites // 1st International Conference on Computing in an Imperfect World, UK, London, 2002. p. 60 – 73.

37. Diebold, Francis X., "The past, present, and future of macroeconomic forecasting", National Bureau of Economic Research, 1997, NBER working paper, number 6290, month November.

38. Jingfei Yang M. Sc. Power System Short-term Load Forecasting: Thesis for Ph.d degree. Germany, Darmstadt, Elektrotechnik und Informationstechnik der Technischen Universität, 2006. 139 p.

39. Ricard M. Bird Tax Policy & Economic Development. The Johns Hopkins University Press : Baltimor and London, 1992.

40. Robert Tannenwald The Representative Tax System — Tax Capacity and Tax Effort in the Ocean State (<http://www.ripec.com/rts2k.html>).

41. «Прогнозирование и планирование экономики», под ред. Борисевича В.И., Мн.: 2001.

42. Алексеев Александр и Волчкова Наталья и Денисова Ирина и Левина Ирина и Турдыева Наталья и Халеева Юлия. "Микроэкономическая оценка последствий налоговой реформы", Московский общественный научный фонд, 2004, Научные доклады: независимый экономический анализ, номер 156.

43. Алексеев Александр. "Межстрановая и многоотраслевая вычислимая модель общего равновесия", ЦЭМИ РАН, 2005, Препринт, 280 с.

44. Анисимов С.А. Некоторые методы минимаксной идентификации. Автоматика и телемеханика, 1978, N 6.

45. Бокс Дж., Дженкинс Т. Анализ временных рядов. Прогноз и управление. Выпуск.1,2. М., "Мир", 1974.

46. В.С.Панфилов. Финансовое и экономическое прогнозирование: методология и практика. М.: Макс Пресс, 2009 - 472 с.

47. Вачугов И.В. Налоги и налоговый потенциал региона.– Н. Новгород: Изд-во Гладкова О.В., 2003.

48. Вачугов И.В. Теоретические основы и пути повышения налогового потенциала региона: Автореф. дис. ...к. э. н.-Нижний Новгород, 2003.

49. Винокурова Г.П. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: учебное пособие / Г.П. Винокурова. – Йошкар-Ола: МарГТУ, 2003. – 46 с.

50. Вишнев С.М. Основы комплексного прогнозирования. М.: Наука, 1977. 57-62 с.

51. Глинский Б.А. Моделирование как метод научного исследования. М., 1965. 56 с.

52. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. (<http://edulib.ru/>).

53. Громова Н.М. Основы экономического прогнозирования. Издательство "Академия естествознания", 2006 год, 87-88 с.

54. Жұраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.

55. Загайтов И.Б., Яновский Л.П., Раскин В.Г., Дементьев С.Н. Метод "Зонт" в прогнозе колебаний природных условий урожая. Воронеж: С.А.Г.Е., 1996.
56. Ирина Чучуева. Классификация моделей прогнозирования: анализ курса лекций о прогнозе. <http://www.Nabrahabr.ru/post/177633/>.
57. Климова Н.И. Экономический инструментарий регулирования федеративных отношений: Доклад на семинаре Экономические факторы федерализации России. (<http://federalmcart.ksu.ru/conference/seminar4/>).
58. Климова Н.И., Михеева Н.Н., Суспицын С.А. и др. Проект СИРЕНА: влияние государственной политики на региональное развитие. Новосибирск: Изд-во ИЭОПП, 2002.
59. Коростелкина И.А. Комплексная оценка налогового потенциала региона. Управленческий учет, (2013), 3 (март), 47-56 с.
60. Коротаев А. В., Малков А. С., Халтурина Д.А. Законы истории. Математическое моделирование развития Мир-Системы. Демография, экономика, культура. 2-е изд. М.: УРСС, 2007. ISBN 978-5-484-00957-2.
61. Кузьменко В.В., Ефимец Е.А. Институциональный подход к исследованию налогового потенциала и налогового бремени// Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «Экономика», 2005, №1.
62. Ласло Э. Макродвиг (К устойчивости мира курсом перемен) / Пер. с англ. Ю.А. Данилова. – М.: Тайдекс Ко, 2004. – 207 с.
63. Матрусов Н.Д. Региональное прогнозирование и региональное развитие России. М. : Наука, 1995, 158 с.
64. Методика распределения средств Фонда финансовой поддержки субъектов Российской Федерации на 2000 г. (<http://budgetrf.ru>).
65. Моисеев Н.Н. Избранные труды (в 2-х томах). Т.2. Междисциплинарные исследования глобальных проблем. – М.: Тайдекс Ко, 2003. – 64 с.
66. Моисеенко И.А. К вопросу о методике оценки налогового потенциала Вестник Северо-Кавказского федерального университета, (2010), 4, 245-249 с.
67. Моисеенко И.А. К вопросу о методике оценки налогового потенциала. Вестник Северо-Кавказского федерального университета, (2010), 4, 245-249 с.
68. Налоги и налогообложение. – 5-е изд. / Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. – СПб.: Питер, 2006. –С. 309.
69. Паскачев А.Б., Садыгов Ф.К., Мишин В.И., Саакян Р.С. и др. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика / Под ред. Ф.К.Садыгова.-М.:Издательство экономико-правовой литературы, 2004. 232 с.

70. Поляк Г.Б., Паскачева А.Б., Астафьев М.П. Бюджет и бюджетная система: Учебник для вузов. М.: Юрайт, 2010. –111 с.
71. Попенков Д.Р. Методы оценки налогового потенциала территории //Власть и управление на Востоке России. 2003. № 2.
72. Потенциал // Словарь русского языка: 70000 слов / Под ред. Н.Ю.Шведовой. 22-е изд. стер. М. : Рус.яз., 1990.
73. Пригожин И., Стенгерс И. Прядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. – 132 с.
74. Рогачев А.Ю. Моделирование налоговых поступлений на примере Сибирского федерального округа /А.Ю.Рогачев // Налоговая политика и практика. - 2006. - №1. - 44-48 с.
75. Россия и проблемы бюджетно-налогового федерализма. М.:Всемирный Банк, 1993, 85 с.
76. Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика. - М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2000.
77. Сидорова Н.И. Налоги в государственном регулировании экономики. Финансы. - 1996. - № 11. - 26-27 с.
78. Суркова Т.И., Анисимов С.А., Королёв А.Ю. Факторный анализ показателей исполнения бюджета и макроэкономических показателей. Финансы, № 6, 2002.
79. Хайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогношлаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод”, 2007.- 185 б.
80. Тихонов Э.Е. Прогнозирование в условиях рынка. Невинномысск, 2006. 221 с.
81. Трунин И.В. Оценка налогового потенциала субъектов федерации и разработка методики распределения Фонда финансовой поддержки регионов на 2008г. -М.:ИППП, 2011 г. – 369 с.
82. Уемов А. И. Логические основы метода моделирования, М.: Мысль, 1971. — 48 с.
83. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. "М" харфи. Тошкент. 671 б.
84. Черник Д.Г. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-311с.
85. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. И доп. М. : ИНФРА-М, 2002, 124 с.
- II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**
1. Адиллов М.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида солиқларни режалаштириш. Т.: “NORMA”, 2012.- 420 б.
2. Анисимов С.А., Погорелко И.А. Проблемы прогнозирования налоговых доходов.// Аудит и финансовый анализ. 2003, №1, 26-34 с.

3. Анчишкин А.И. Методология прогнозирования развития народного хозяйства // Вопросы экономики. 1980. № 1. 46-47 с.
4. Архипцева Л.М. Налоговый потенциал: теоретические и практические аспекты использования в планировании налоговых поступлений // «Налоги и налогообложение», 2008, №7, 5-12 с.
5. Астафьева Е. Среднесрочное прогнозирование налоговых поступлений с использованием структурных моделей / Е. Астафьева // Проблемы теории и практики управления. – 2007. - №3. –16-31 с.
6. Бирюков А.Г. К оценке бюджетной обеспеченности регионов. // Финансы. 2001. № 4. 19 с.
7. Богачева О.В. Налоговый потенциал и региональные счёта // Финансы. 2000. № 2 — 3с.
8. Васильева М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. - №6 –63-73 с.
9. Горский И.В. Налоговый потенциал в механизме межбюджетных отношений // Финансы. 1999. № 6. 11с.
10. Едрнова В.М. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации // Финансы и кредит. – 2008. - №17 –51-54 с.
11. Жидикин А.А. Анализ категориального аппарата налогового планирования и прогнозирования. Управленческий учет, (2012), 10 (октябрь), 101-107 с.
12. Каримов Д.М., Самадов А.Б. О некоторых методах прогнозирования налоговых поступлений. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, январь-февраль. 2016 й.
13. Коломиец А.Л. Анализ концептуальных подходов и методов оценки налогового потенциала регионов // Налоговый Вестник. 2000. №1.
14. Коломиец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе // Налоговый вестник. 2000. № 3. 29 с.
15. Мельник Д.Ю., Сосновский С.Н. Налоговое планирование: международные аспекты // Налоговый вестник, № 6 1998, 103 с.
16. Минаков А.В. Модели анализа и прогнозирования налоговой базы и налоговых поступлений / А.В.Минаков // Экономический анализ: теория и практика. – 2005. - №5. – С. 47-52.
17. Мишенина М.С. К вопросу о содержании понятия налогового потенциала региона // Академический вестник, (2009), 4, 167-170 с.
18. Модели и методы налогового прогнозирования на макроуровне Васильева М.В. Управленческий учет, (2011), 12 (декабрь), 55-63 с.

19. Попова Л.В. Моделирование планирования налоговых поступлений в федеральный бюджет Орловской области / Л.В.Попова // Экономические и гуманитарные науки . - 2012. - № 3. –76-80 с.
20. Рогачев А.Ю. Моделирование налоговых поступлений на примере Сибирского федерального округа /А.Ю.Рогачев // Налоговая политика и практика. - 2006. - №1. - 44-48 с.
21. Слободчиков Д.Н. Оценка налогового потенциала: опыт субъектов Российской Федерации [Текст] / Д.Н.Слободчиков, А.Е.Суглобов // Проблемы теории и практики управления. - 2009. - № 8. - 13-34. с.
22. Суглобов А.Е. Экономическое содержание налогового потенциала в современных моделях экономического развития // Налоги и налогообложение. 2009. № 7.
23. Шогенов А.А. Методические аспекты расчета налогового потенциала региона // Региональная экономика и управление: электронный научный журнал, 2013. - № 4 (28).
24. Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2017.-159 б.
25. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли/ Монография.-Т.: Фан ва технология, 2008.-204 б.
26. Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.
27. Яковлева И.А. О моделях прогнозирования налоговых поступлений // Фундаментальные исследования. – 2008. – № 3 – С. 123-124.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

1. Мейлиев О.Р. Худудий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: ТМИ, 2018. -27 б.
2. Мусабалиев А.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -23 б.
3. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2018. -69 б.
4. Пардаев У.У. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: БМА, 2018.-58 б.

5. Попова Л.В. Моделирование планирования налоговых поступлений в федеральный бюджет Орловской области / Л.В.Попова // Экономические и гуманитарные науки . - 2012. - № 3. -76-80 с.

6. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2018. -65 б.

7. Шернаев А.А. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўрта муддатли истикболни белгилаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2009. -20 б.

8. Эргашев И.О. Миллий бозорни химоялашда акциз солиғини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2011. -22 б.

9. Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2008. -20 б.

10. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)–Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

11. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

12. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)–Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.

13. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

14. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.

15. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

16. [www.org.com](http://www.org.com)

Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б.

## СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲИСОБИ ВА ПРОГНОЗИ

Ўқув қўлланма

“*IQTISODIYOT*” – 2020.

Муҳаррир:  
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳиҳ:  
Матхўжаев А.О.

Лицензия: №10-4286 14.02.2019й. Босишга рухсат этилди 11.03.2020.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,0.  
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100066. Тошкент шаҳри Ислом Каримов кўчаси, 49-уй.